

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙВАЎРТАМАХСУСТАЛЬИМВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТДАВЛАТИҚТИСОДИЁТУНИВЕРСИТЕТИ



Базаров Қ.Т.

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ

Ўқув қўлланма

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан 5230800 – Солиқлар
ва солиққа тортиши бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган
талабалар учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ-IQTISODIYOT – 2020

UO'K: 336.22:32(075.8)
KBK: 65.261 (02)

Базаров Қ.Т. «Солиқ маъмурчилиги» // Ўқув қўлланма.
– Т.: «IQTISODIYOT», 2020. – 347 б.

Ўқув қўлланмада солиқ маъмурятичилгининг иқтисодий моҳияти, мақсади ва вазифалари, функциялари ва роли, унинг давлат солиқ менежменти тизимида тутган ўрни ёритилган. Унда солиқ маъмурятичилги фаолияти самарали тизимини шакллантириш ўйли орқали Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг солиқ тизими ва уларни тараққиётининг концептуал асослари ҳамда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмурчилиги самарали ташкил этишда олиб борилаётган солиқ сиёсатини ислоҳ ислоҳ қилиш масалалари алоҳида кўриб чиқилган.

Солиқ хизмати фаолиятини ташкил этиш, ҳам солиқ тўловчилар ҳам солиқ хизмати органлари фаолияти орқали давлатнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, солиқ назорати ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тизими чукурлашган тарзда ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда амал қилувчи солиқ маъмурчилиги тартиби батафсил ёритилган.

Дарсликнинг мазмуни амал қилаётган қонунчилик нормаларига асосланади ва олий таълимнинг 5230800 – “Солиқлар ва солиққа тортиш” бакалавриат таълим йўналиши бўйича Давлат таълим стандартлари талабларига мос келади.

Мазкур ўқув қўлланма Олий таълимнинг босқичи 5230800 – “Солиқлар ва солиққа тортиш” йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Такризчилар:

C.K. Худойкулов

– иқтисод фанлари доктори, доцент;

A.Омонов

– иқтисод фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-6363-5-4

UO'K: 336.22:32(075.8)
KBK: 65.261 (02)

© «IQTISODIYOT», 2020.
© Базаров Қ.Т., 2020.

КИРИШ

Ушбу ўқув қўлланма “Солиқ маъмурчилиги” фанининг мазмуни, предмети ва методи, унинг мақсади ва вазифалари, Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмурчилигини ташкил қилишнинг хуқуқий ва ташкилий асослари ва бошқа мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи-назаридан мантиқий кетмакетлика ўз аксини топган.

Мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришда соликлар ва уларга тенглаштирилган тўловлар давлатнинг асосий даромад манбаси ҳисобланиб, уларни ўз вақтида тўғри ҳисобланиши, давлат бюджетига тўлиқ ҳамда ўз вақтида ўтказилиши солиқ маъмурчилиги ёрдамида таъминланади. Солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқарув тизими сифатида давлатнинг солиқ сиёсатини бажарилишини таъминлади. Солиқка тортиш ишларини юритишида солиқ тизимининг энг асосий вазифаларидан солиқ қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, соликларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланишини назорат қилиш ва соликларни давлат бюджетига ўз вақтида тўланишини назорат қилишdir. Шу нуқтаи назардан давлат бюджети даромадларини шакллантиришда соликлар асосий ҳал қилувчи молиявий манба бўлганлиги сабабли соликларни давлат бюджетига тушишини таъминловчи маъмурий тизимни тўғри йўлга кўйилиши уни такомиллаштирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

«Солиқ маъмурчилиги» фани солиқ маъмурчилигини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг назарий ва амалий асосларини ўрганишни, солиқ маъмурчилигига кўлланиладиган асосий тушунчалар ва атамалар кўлланилишини ўргатиш, улар фаолиятига оид солиқ муносабатлари билан боғлиқ масалалар ечимини ўз ичига қамраб олади.

“Солиқ маъмурчилиги” фани ўрганиш зарурияти, унинг моҳияти ва аҳамияти, солиқ қонунчилигига учраётган муаммоларни ечимини топишга, солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилишлари, солиқ назоратини амалга

oshiishi, soliklarni davlat budgetiga ўз vaqtida tulaniшинi назорат қилиш ва solik siyosatini amalga oshiishi kuyukmalarni taъminlashga qaratilganligi sababli ushu fanning soliklar va solikka tortish amaliyotiда tutgan urni juda muhimdir. Shu nuqtai назардан mazkur fanайн amaliyot bilan, islab chiqariш bilan bevosita boғlanGAN bўlib, solik soҳasidagi etuk mutaxassislar ўз faoliyatlarini muваффақиятli amalga oshiishi учун etarli daражada bilimga эга bўliшlari talab этилади.

“Солиқ маъмурчилиги” fani ixtisoslik fanlar blokiga kiritilgan kurs xisoblaniб, 4-kursida ўkitiliши maқсадga muvofiқ. “Солиқ маъмурчилиги” fani ijtimoiy-iqtisodiy fanlar turkumiga kiraди va 5230800-“Соликлар ва solikka tortish” bakalavriat taъlim йўналишида ўқитiladi. Mazkur fan boшқа ixtisoslik fanlarning назарий ва uslubiy aсосини tashkil қилиб, ўз rivojida anik йўналишдагi ixtisoslik fanlar учун zamin bўlib hizmat қiladi.

I КИСМ.

СОЛИҚ МАЬМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1-БОБ. СОЛИҚ МАЬМУРЧИЛИГИ ФАНИНИНГ МОҲИЯТИ, МАҶСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. СОЛИҚ МАЬМУРЧИЛИГИ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

- 1.1** “Солик маъмурчилиги” фанининг предмети ва функциялари, ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғликлиги
- 1.2** “Солик маъмурчилиги” фанининг маҷсади ва кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти
- 1.3** Солик маъмурчилиги тўгерисида тушунча ва унинг мөҳияти
- 1.4** Солик маъмурчилигини аниқлаша олини тизими тузилиши ва солик сиёсатини ташкил этишининг принциплари.
- 1.5** Солик тизимида солик маъмурчилигини таомиллаштириши тамоилларининг устуворлиги.
- 1.6** Солик муносабатларини бошқарши тизимида солик маъмурчилигининг ҳуқуқий асослари.

- 1.1** “Солик маъмурчилиги ва солик назорати” фанининг предмети ва функциялари, ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғликлиги

Солик маъмурчилиги фани ?

Солик маъмурчилиги фанининг вазифалари - талабаларга солик маъмурчилиги функциясининг турлари, режалаштиришнинг услублари, солик назорат ва ҳисоб юритилишда муаммолар ечиш масалалари, солик маъмурчилигига ишлатиладиган асосий тушунчалар ва атамалар кўлланилишини ўргатишдан иборат.

Ҳар қандай фан ўзининг предметига, яъни изланиш обьектига эга бўлади. Масалан, технология фанининг предмети бўлиб кимёвий моддаларнинг таркибини ўрганиш ҳисобланса, машинасозлик фани учун

машиналар механизмини характеристикаси бўлса, Солик маъмурчилиги фанининг предмети солик органлари фаолияти ва тўловчилари ўртасида вужудга келадиган солик муносабатларини (харакатини), соликлар механизмини ҳар томонлама ўрганишдан иборатdir.

Солик маъмурчилиги фанининг предмети солик воқеъликлари пул муносабатларини ўрганишдан иборат бўлади. Бу пул муносабатлари солик тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан соликни ўз мулкига айлантирувчи (солик олувчи) давлат ўртасидаги муносабатлардир. **Фанинг мөҳияти** шу ўртадаги муносабатни чукур ўрганиш, уларни тўғри ташкил қилишни таъминлашдир. Тўғри ташкил этиш деганда солик муносабатида қатнашувчи томонларнинг иқтисодий манфаатини эътиборга олиш, мувозанатни сақлаш каби муносабатларни ташкил қилиш тушунилади. Бу мувозанатни сақлашда томонлар адолатлик ва инсофлик тамойилига амал қилиши зарур. Тушунарлироқ қилиб айтсан, бюджетта соликларни олишда солик тўловчилар бўйнига ортиқча оғирлик осмаслик, уларни ўз ишлаб чиқаришидан манфаатдорлигини сўндириб қўймаслик, уларнинг дастурлари ва режаларини тез - тез ўзгартиришга олиб бормаслик ва хоказоларга эътибор бериш кўзда тутилади. Бу ерда томонларнинг дўстона муносабатда бўлиши, бозор иқтисодиёти талабларига мос иқтисодий муносабатлар бўлишини ўргатади. Фанинг предметини чукур ўрганиш шуни кўрсатадики, муносабатларда бир томонлама зўравонлик муносабати бўлгудай бўлса, иккинчи томон унга жавобан ўз даромадлари, бошқа солик обьектларини ҳар хил йўллар билан яширади. Бундай ҳолларда ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам кучи етмай қолиши мумкин. Даромадларни, солик обьектларини яшириш ҳолати ҳам муносабатларни бузади. Демак, юридик шахсларни соликка тортиш фанини чукур ўрганиш орқали амалиётда солик тушумлари режаларини муваффақиятли бажариш вазифасига ҳам эришиш мумкин.

Фаннинг функциялари солиқ мутахассиси ва бошқа солиқ идоралари ходимларини назарий жиҳатдан қуроллантириш ҳамда амалиётда адашмаслик учун йўл - йўриқлар кўрсатишдан иборатdir. Шунингдек, чет эл солиқ амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хуносалар ишлаб чиқиши, уларнинг иш тажрибаларини ўзимизнинг амалиётга мослаб зарур жойларини тадбиқ этишдан иборатdir.

Демак, фаннинг асосий функцияси юқори малакали солиқ мутахассислари тайёрлашда уларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан услубий кўлланмалар билан таъминлашдир.

Солиқ маъмурчилиги фанини ўқитишининг зарурлиги, унинг бошқа

фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Солиқ маъмурчилиги фанининг бошқа фанлар сингари ўзига хос предмет ва вазифалари мавжуд. Бу фанни ўқитишининг зарурлиги иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта ташкил этишда даврида солиқ муносабатларининг аҳамияти ўсиб бораётганлигидан келиб чиқади.

Солиқ маъмурчилиги фани солиқ воқеъликларини (харакатларини) чуқур ўрганиш асосида зарурий хуносалар чиқариб, уларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ўргатади.

Солиқ маъмурчилиги фани солиқ амалиётидаги энг тўғри, энг мукаммал ва энг прогрессив воқеъликларни ўрганиб, амалиёт учун худди бир дастурий амалдай ёритиб боради. Назария воқеъликларни амалиётдан олади ва яна амалиётга энг тўғри, маъқул ва илгор тажрибалар олиниб амалиётга йўл кўрсатиш учун ўргатилади.

Демак, назария амалиёт учун керак ва амалиёт учун компас, барометр, йўл бошловчи вазифасини бажаради. Назариясиз амалиёт йўлдан адашган

йўловчидир. Назарияни чуқур билган амалиётчи ҳар қандай ўзгаришларда ҳам ишлаб кета олади ва йўлдан адашмайди.

Солиқ маъмурчилиги фанини ўқитишининг зарурлиги амалиётда йўлдан адашмаслик, кераксиз солиқлар бўйича ўзгаришларга йўл қўймаслик, амалиётда истиқболли қадамлар ташлаш учун ва катта муваффакиятларга эришиш учун ҳам зарурдир.

Солиқ маъмурчилиги фани солиқ назарияси фани билан чамбарчас боғлиқдир, унинг маҳсус бўлими, яъни чукурлаштирилган ва кенгайтирилган бўлимидир. Чунки солиқ назарияси конуниятлари умумиқтисодий назария конуниятларидан четга чиқиб кета олмайди, уларга асосланади ва ривожлантирилади.

Солиқ муносабатлари молия муносабатларининг таркибий қисми бўлганлиги боис, солиқлар ва солиққа тортиш фани ҳам молия назарияси фани билан чамбарчас боғлиқ. Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги мажбурий характеристерга эга бўлган пул муносабатларини ўргатади.

Солиқ маъмурчилиги фани ўз навбатида “Ўзбекистон тарихи” “Иқтисодий назария”, “Макро ва микроиктисодиёт”, “Институтионал иқтисодиёт”, Солиқ назарияси”, “Юридик шахсларни солиқка тортиш”, “Жисмоний шахсларни солиққа тортиш”, “Солиқ маъмурчилиги асослари”, “Солиқ статистикаси ва прогнози”, каби бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқ.

“Солиқ маъмурчилиги фани “Юридик шахсларни солиққа тортиш”, “Чет мамлакатлар солиқ тизими” ва бошқа фанларни ўрганишда асос бўлиб хизмат қиласади.

Солиқ маъмурчилиги фанини ўқитишиндан мақсад - солиқлар ва солиққа тортиш тизимида режалаштириш, солиқ тўловчилар ва солиққа тортиладиган обьектлар хисобини юритиш, солиқ тўловчилар томонидан солиқ конунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, солиқлар ва солиққа тортиши тартибга солиш каби муаммоли масалаларни ўргатишдан иборат.

Бундан ташкари солиқларни режалаштиришнинг стратегияси ва тактикасини, солик режалаштируванинг максадларини ўрганиш ва регионал даражада солиқларни режалаштириш масалаларини тахлил қила олиш, режалаштиришда солик потенциалини баҳолай олиш бўйича йўналиш профилига мос билим ва қўникума ва малака шакллантиришидир.

Иктиносидиётимизда рўй берадиган салбий оқибатларини бартараф этишда солиқларнинг рағбатлантирувчи функциялардан солик маъмурчилигига самарали фойдаланиш.

Солик маъмурчилиги тизимида юқорида кўрсатилган устувор йўналишларнинг энг долзарбларини қўллаган ҳолда солиқقا тортишни тартибга солиш бўйича таклиф мулоҳазалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш йўлларини билиши керак.

Солик маъмурчилигини тўғри ва мақсадли ташкил этишда солк назорати ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Маълумки, иктиносидиётни янада барқарорлашувини таъминлаш жараёнида Республикаизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар - аграр, мулкий муносабатлар, ташкил иктиносидий, молия-кредит тизими ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришларни юзага келтирди. Бу ислоҳотлар орасида молия-кредит тизимини ислоҳ қилиш алоҳида рол ўйнайди. Чунки, жамиятни барча соҳалари фаолияти пусли муносабатлар билан бевосита боғлиқdir, ваҳоланки, пусли муносабатларни самарали ишлаш механизми ўз навбатida бошқа соҳаларга бевосита таъсир этади, бу молия-кредит тизимини жамият иктиносидий тизимидаги ўрни нақадар юқори эканлигини кўрсатади.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақида Олий Мажлисга
Мурожаатномаси «2019 йилдан бошлиб жорий этилаётган янги солик концепциясининг энг асосий гояси солик юқини камайтириш, содда ва баркарор солик тизимини кўллашни кўзда тутади. Шу орқали

иктиносидиётимиз рақобатбардошлигини ошириш, тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратишга эришиш мумкин.

Афсуски, ялпи ички маҳсулотда “яширин” иктиносидиётнинг улуши катта бўлиб, бу мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Солик юқини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иктиносидиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур¹ деб таъкидлаганлар.

Иктиносидиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида солиқлар давлатнинг иктиносидий ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг асосий манбаи хисобланади. Демак, давлат бюджети даромадларини ташкил қилувчи солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун барча давлатлар қатори мавлакатимизда ҳам солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида бюджеттага ундирилишини назорат қилиш тизими яратилган.

Солик назорати давлат солик хизмати органлари томонидан солик тўловчиларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солик қонунчилигига риоя этиш нуқтаи назардан назорат қилишнинг хуқукий, услубий ва ташкилий асосларини ўрганади. Маълумки солик тўловчилар давлат бюджетига тўлайдиган солиқларини мустакил равишда хисоблаб белгиланган муддатда ва миқдорда амалга оширишлари лозим. Давлат солик тўловчиларга солиқларнинг фискал мажбуриятидан келиб чиқкан ҳолда шундай қатъий талабни қонун нормалари сифатида белгилаб қўйган.

Солик назорати солик тўловчиларни, солик солиш обектларини ва солик солиш билан боғлиқ обьектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

¹ Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28 декабрь 2018 йил. Тошкент, Халқ сўзи газетаси.

Солик назорати давлат солик хизмати органлари томонидан солик тўловчиларни, солик солиш обектларини ва солик солиш билан боғлик обектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни хисобга олиш, солик текширувлари воситасида ҳамда солик тўғрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.²

Солик назорати қанчалик қатъий бўлса ва текширувлар натижасида аниқланган хукуқбузарликлар бўйича чора кўриш мұқаррарлиги тўлиқ таъминланса давлат бюджети манфаатлари хар томонлама мухофаза қилинган ва бюджет даромадларининг шаклланиши кафолатланган бўлади.

Шу нуқтаи назардан солик органлари томонидан амалга ошириладиган назорат ишларининг хукукий масалалари, назоратни ташкил қилишининг услугий йўналишлари, назорат натижаларини расмийлаштириш ва солик конунчилигига риоя этишда қонунбузарликка йўл кўйган солик тўловчиларга чора кўриш тартибларини ўрганиш бу фаннинг изланиш предмети хисобланади.

1.2 “Солик маъмурчилиги” фанининг мақсади ва кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш қилиш даврида соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар давлатнинг асосий даромад манбаси хисобланиб, уларнинг ўз вактида тўғри хисобланиши, давлат бюджетига тўлиқ ҳамда ўз вактида ўтказилиши устидан солик маъмурчилиги ва солик назоратини амалга ошириш мухим аҳамиятга эга.

Соликлар ва соликка тортиш ихтисослиги талабалариага солик хизмати органлари томонидан солик тўловчиларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солик конунчилигига риоя этиш нуқтаи назардан назорат қилишининг хукукий, услугий ва ташкилий асосларини ўрганишлари лозим бўлади.

² Ўзбекистон Республикаси “Давлат солик хизмати тўғрисида”ти конунин. 2-мода Норма хукукий манбаси 2015 й.

Бунинг учун эса талабалар солик тўловчиларга нисбатан солик мажбуриятининг юзага келиши, солик назорати, унинг шакллари, турлари, назорат килувчи ваколатли органлар, уларнинг хукуқлари ва мажбуриятлари, текшириш ўтказиш тартиблари, текшириш натижаларида аниқланган солик қонунчилиги бузилиш холатлари бўйича маъмурий ёки молиявий жазо чораларини қўллаш бўйича етарли даражада малака ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Қолаверса мамлакатимизда амалга оширилаётган солик ислоҳотларининг тадрижий ривожланиши ва Президентимиз томонидан белгилаб берилган солик сиёсатидаги устувор йўналишларни амалга ошириш ушбу соҳа мутахассисларидан чуқур иқтисодий билимга эга бўлишни талаб этади.

Бу фанни тўлиқ ўзлаштирган талаба **солик маъмурчилигига** оид қўйидаги билимларга эга бўлади ва амалий кўникмалар ўзлаштиради:

- Солик қонунчилигига оид текширувларнинг назарий, хукукий, услугий ва ташкилий асосларини;
- Хужжатли, назорат тартибида ва тезкор ўтказиладиган текширувларнинг моҳияти ва хусусиятларини;
- Текширув натижалари ҳакида шакллантириладиган текширув материалларининг таркиби, уларни расмийлаштириш тартибларини;
- Текширув материалларини расмий рўйхатдан ўтказиш, аниқланган хукуқ бузилиш холатлари бўйича маъмурий ёки жинонӣ чора кўриш ва уларни бажарилишини назорат қилиш билан боғлик ишларни юритишини.
- Маъмурий амалиёт юритиш бўйича солик органларининг текширув натижалари асосида расмийлаштириладиган хужжатларни юритиш тартибларини;
- Назоратчи, тафтишчи текширувчи, ва давлат солик хизмати органининг мансабдор шахслари тушунчаларининг амалий тафсилотини;
- Назорат қилиш ваколати берилган функциявий бўлимлар ва уларнинг вазифалари, хукуқлари ва мажбуриятларини;

- Солиқ назоратига оид дастурый маҳсулларни;
- Давлат солиқ хизматининг инспекторлик лавозимларида ишлаётган ходимларга мутахассис сифатида қўйиладиган талабларни.

1.3 Солиқ маъмурчилиги тўғрисида тушунча ва унинг моҳияти

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда солиқ тизимини модернизациялаш, солиқ маъмурчилигини ва қонунчилигини янада такомиллаштириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришда соглом рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда шунинг асосида янги иш ўринлари яратиш, ахоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун барча куладай шарт-шароитларни яратиш ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб келган.

“Солиқ маъмурчилиги” - солиқ органлари умумий фаолиятини ташкил этиш ва бошқарув тизими бўлиб, у солиқ органларида қонун томонидан кўзда тутилган функцияларни бажарилишини таъминлайди.

Баъзи ҳолларда “солиқ маъмурчилиги”нинг ўрнига “солиқ матмуриятчилиги” ибораси ҳам ишлатилмоқда.

Солиқ маъмурчилигини моҳиятини аниқлаш учун, бизнинг назаримизда, бир неча муҳим ҳолатларга эътибор бермоқ лозим. Уларнинг муҳимлари ва энг асосийлари таркибига қўйидагиларни киритиш мумкин;

1. Солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизими.

Солиқ маъмурчилиги солиқ муносабатларини бошқариш тизими экан, биз бу ерда унинг моҳиятини белгилаб беришда муҳим рол ўйнаши мумкин бўлган “бошқариш” сўзига алоҳида эътибор беришимиз керак. Бошқача сўзлар билан айтганда, “бошқариш”нинг моҳиятига хос бўлган ҳолатлар солиқ маъмурчилигининг моҳияти учун ҳам хосдир

Шу ернинг ўзида солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашга кўмак берувчи яна бир ҳолатни аниқлашимиз мумкин. Гап шундаки, солиқ маъмурчилиги, биринчи навбатда, солиқ муносабатларини бошқариш тизими сифатида қаралаётган экан, унинг тизим эканлигига ҳам эътибор қаратмоқ лозим. Солиқ маъмурчилиги тизим сифатда қаралса, табиийки, унинг бир неча элементлардан иборат эканлиги маълум бўлади.

2. Солиқ маъмурчилиги давлат солиқ сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди ва шунга хизмат киласди.

Шундай экан, бу ҳолат ҳам солиқ маъмурчилигининг моҳиятини белгилаб беришда ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунга мос равишда солиқ маъмурчилиги оператив ҳолда ҳаётга тадбиқ этилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида акс эттиргомги лозим.

3. Солиқ маъмурчилиги солиқ органларининг фаолиятларини мувофиқлаштириб туради.

Бу нарса солиқ маъмурчилигига бевосита хос бўлган хусусият бўлиб, хозирги бозор иқтисодиёти шароитида солиқ органларининг фаолиятларини ташкил этишда алоҳида аҳамият касб этади. Бусиз солиқ органларининг фаолиятини соғлом ташкил этишни тасаввур этиш мумкин эмас.

4. Солиқ маъмурчилигининг моҳияти, конкрет ҳолда, у томонидан бажарилиши мумкин функциялар орқали намоён бўлади.


Солиқ маъмурчилиги, энг аввало, солиқ муносабатларини бошқариш тизими бўлганлиги учун, унга умумий кўринишдаги бошқаришга хос бўлган барча функциялар тегишилдири. Булар хусусида магистрлик диссертациямиз ушбу бобининг 2-параграфида батағфил тўхталамиз.

5. Солиқ маъмурчилиги солиқ хукуқининг қоидаларига асосланади, уларни ўзига хос тарзда тўлдиради, уни назарий ва амалий нуктаи-назардан солиқ механизмининг ўзига хос бўлган стержени сифатида талқин этиш мумкин.

Солиқ хукуқининг нормалари солиқ маъмурчилиги тизимини оқилона ташкил этишга имкон беради ва уни бутун солиқ механизмига тарқатади

6. Солиқ муносабатлари солиқ маъмурчилигининг предметини ташкил этади. Маълумки, солиқ муносабатлари давлат (солиқ назоратининг субъекти сифатида) билан солиқка тортиш субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида вужудга келиб, бу субъектлар зиммасига ўз маблағлари ҳисобидан солиқларни тўлаш мажбурияти юкландандир.

Юкорида баён қилингандарни умумлаштирган ҳолда қуйидаги чизмага асос солишимиз мумкин (1-чизмага қаранг).



1-чизма. Солиқ маъмурчилигининг мөхиятини аникловчи ҳолатлар

Бозор муносабатларининг ривожланиши солиқка тортишни бошқаришга бошқача иқтисодий мазмун киритади. Бунда бошқарув астасекинлик билан статик ҳолатдан чиқиб, турли солиқ хукуқий муносабатларидаги ўзгаришларга оператив равишда ўз муносабатини билдира бошлайди. Шу муносабат билан солиқка тортиш тизимининг ўзи ҳам индикатив хусусиятлар касб этади.

Хозирги шароитда солиқ тўловларининг бюджетга ўз вақтида бориб тушмаслиги куйидаги ҳолатлар тўғрисида сигнал бериши мумкин:

- амалдаги солиқ нормаларининг такрор ишлаб чиқариш талабларига (еҳтиёжларига) жавоб берса олмай қолганлиги ва уларни ревизия қилишининг зарурлиги;
- солиқ маъмурчилигининг солиқ тушумларини мониторинг қилиш ва солиқлардан қочиц имкониятларини ёпиб қўйиш салоҳиятини (қобилиятини) юқотиб қўйганлиги;

халқаро интеграцион жараёнларнинг кучайганлиги ва солиқ маъмуриятлари томонидан хорижий солиқ қонунчилигининг хусусиятларини ва шунингдек, иккى марта солиқка тортишдан қочиш бўйича шартномалар тузишнинг халқаро коидаларини ўзлаштириш заруриятининг вужудга келганлиги. Бунақанги сигналларнинг мавжудлиги солиқ маъмурчилиги методларини қайта кўриб чиқишининг зарурлигини тақоза этади, булар оқибат натижада, солиқ маъмуриятларининг таркибий тузилиш ва функциялари, солиқ сиёсатининг йўналишлари ва солиқчиликнинг услубий асосларини тубдан қайта кўриб чиқишига ва ҳатто, солиқ ислоҳотларининг навбатдаги босқичини ўтказишга ҳам олиб келади

1.4 Солиқ маъмурчилигини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг принциплари.


Солиқ маъмурчилигининг моҳиятини аниқлашда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг тамойиллари ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, бу принциплар уч гурухга бўлинади:

1) соликка тортиш жараёнларини маъмурий бошқаришни ўзида акс эттирувчи ташкилий принциплар (умумийлик, тенглилик, ўзгарувчанлик);

2) солиқларнинг иқтисодиётга таъсирини ўзида ифодалайдиган иқтисодий принциплар (самарадорлилик, тежамкорлилик, тент таксимланиш);

3) солиқ муносабатларининг қонун нуқтаи-назаридан аниқлилигини кўрсатувчи принциплар (бирлик-ягоналик, барқарорлик, аниқлилик).

Бу кўрсатиб ўтилганларни чизмали тарзда, бизнингча куйидагича ифодалаш мумкин (2-чизма).



2-чизма. Солиқ маъмурчилигини ташкил этишда солиқ тизими тузилиши ва солиқ сиёсатини ташкил этишнинг тамойиллари.³

³ Чизма муаллиф томонидан тузилган

Энди ана шу юқорида барча баён қилинганларга асосланган ҳолда солиқ маъмурчилигининг моҳиятини ифодаловчи таърифни беришга ҳаракат қиласайлик.

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, юқорида таъкидланганидек, “солиқ маъмурчилиги” ибораси кейинги 4-5 йил ичидан фойдаланилаётган бўлишига қарамасдан унинг моҳиятини ифодалаш мақсадида бир неча шаклдаги таърифлари мавжуд. Масалан, О.А.Миронова ва Ф.Ф.Ханафеевларнинг 2005 йилда Москвада “ОМЕГА-Л” нашриётида нашрдан чиқкан ва “Налоговое администрирование” деб номланган дарслекларида (ўкув кўлланмаларида) солиқ маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи куйидаги таъриф берилган: “Налоговое администрирование - это динамически развивающаяся система управления налогами отношениями, координирующаяся деятельностью налоговых органов в условиях рисковых отношений”^{4*}.

Келтирилган бу таърифни ўзбекчага ўтирадиган бўлсак, у ҳолда таъриф куйидаги шакл ва мазмунга эга бўлади: “**Солиқ маъмурчилиги** - бу бозор иқтисодиёти шароитида солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган, солиқ муносабатларини бошқаришнинг динамик ривожланаётган тизими”**

Бизнинг фикримизча, бу келтирилган таърифда солиқ маъмурчилигининг моҳиятини ифодаловчи икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган:

1) бу ерда солиқ маъмурчилигининг моҳияти, энг аввало, солиқ органларининг фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизим сифатида талқин килинаяпти;

2) таърифда Солиқ маъмурчилигининг моҳияти Солиқ муносабатларини бошқариш тизими орқали ифодаланиши ҳам қайд этилган.

Бизнинг назаримизда, О.А.Миронова ва Ф.Ф.Ханафеевларнинг солиқ маъмурчилигига берган таърифларидаги “бозор иқтисодиёти шароитида” ва “динамик ривожланаётган” каби иборалар солиқ маъмурчилигининг моҳиятини очиб беришда, маълум даражада, аҳамиятга эга бўлса-да, уларни

⁴ Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. Учебник. – М.: «ОМГА-Л». 2016. стр.33

моҳиятни ифодалашнинг ҳал қилувчи белгилари сифатида талқин этиш унчалик мақсадга эга эмасdir.

Умуман олганда, юқоридаги муаллифлар томонидан солик маъмурчилигига берилган таъриф ўзининг қисқалиги ва маълум даражада, аниқлиги билан ажралиб туришини эътироф этиш жоиз. Бу берилган таърифнинг ютуғи сифатида кўрсатилишга арзиди. Шу билан биргаликда, бизнинг фикримизча, О.А.Миронова ва Ф.Ф.Ханафеевлар томонидан солик маъмурчилигига берилган таърифда унинг мазмун-моҳияти етарли даражада тўлик очиб берилмаганга ўхшайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, қайд этилган муаллифларнинг таърифида солик маъмурчилигининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилувчи асосий ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам инобатга олинмаган. Шунинг учун ҳам бу таърифни солик маъмурчилигининг моҳиятини тўлик ифодаловчи таъриф деб аташга асослар етарли эмасdir. Бизнинг фикримизча, солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи таърифи бу жараёнда эътиборга олиниши керак бўлган барча ҳолатларни хисобга олиши зарур.

Ана шундай хулосаларга таянган ҳолда ва юқорида келтирилган ҳолатларни хисобга олиб, бизнингча, солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи куйидагича таъриф бериш мумкин: Солик хукукининг қоидаларига таянган ҳолда солик сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласиган, солик органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш орқали солик муносабатларини бошқариш тизимига солик маъмурчилиги дейилади.

Бизнинг фикримизча, солик маъмурчилигининг мазмун-моҳиятини янада тўларок ифодалаш мақсадида унга берилган бу янги таърифда олдинги муаллифларнинг таърифига қўшимча равишда мана икки ҳолатга эътибор берилган ва улар янги таърифда инобатга олинган. Бу, биринчидан, солик маъмурчилигининг солик хукукининг қоидаларига таяниши бўлса, иккинчидан, унинг солик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилишидир.

Албатта, бу таърифни бериш орқали биз солик маъмурчилигининг мукаммаллашган ва барча мезонларга тўлиқ жавоб берадиган таърифининг яратилганлигига даъво қилмоқчи эмасмиз. Биз томондан берилган таърифда ҳам баъзи бир ҳолатлар етарли даражада инобатга олинмаган бўлиши мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, бу таърифни, маълум даражада мукаммаллашган таъриф дейишга, бизнингча, асослар етарлидир.

1.5 Солик тизимида солик маъмурчилигини такомиллаштириш тамойилларининг устуворлиги.

Бугунги кунда Республикаизда солик сиёсатини эркинлаштириш, солик тизимини ислоҳ қилишининг муҳим йўналишларидан бири хисобланади. Бу унинг ташкилий тузилишини яъни солик маъмурчилигини соддалаштириш ва такомиллаштиришдан иборат.

Солик маъмурчилигининг моҳияти, вазифалари, қоидалари, солик солиши ставкалари ва соликка тортиладиган обьектларнинг ҳозирги талқини солик тизими шакланишининг Ўзбекистон хусусиятларига хос бўлган ҳамда эркин бозор муносабатларига ўтиш даврида бажариладиган ўзига хос вазифалар билан боғлиқ долзарб масалалар ечимиға йўналтирилган. Сабаби солик маъмурчилигида мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий манбаатлари мужассамлашади.

Хориж андозаларига кўра солик органлари тизими икки элементдан тарқиб топган:

- солик маъмурчилиги тизими;
- солик органларини ташкил қилиш тизими.

Солик маъмурчилиги атамаси солик хизмати тизимида кенг тарқалмаганлиги учун унга шу ўринда таъриф бериб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

“Солиқ маъмурчилиги” - солиқ органлари умумий фаолиятини ташкил этиш ва бошқарув тизими бўлиб, у солиқ органларида қонун томонидан кўзда тутилган функцияларни бажарилишини таъминлайди.

Солиқ маъмурчилиги тушунчаси таркибига қуидагилар киради:

- давлат бюджетига солиқ тўловларини тушишини таъминлаш буйича режалаштириш;
- солиқ муносабатларининг ташкилий шакл ва методлари асосида бошқарув тизими;
- солиқ назорати тадбирлари.

Солиқ муносабатларининг замонавий самарали бошқарув тизимини таъминлашимиз учун солиқ маъмурчилигининг қуидаги функцияйи хусусиятлари такомиллаштирилиши зарур бўлади.

Биринчидан, - солиқ маъмурчилиги давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришда солиқ тушумларини режалаштириш функциясини бажаради ва солиқларининг мезон критерий қўрсатгичлари буйича режалаштирилади. Бунда асосан:

- мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатларини инобатга олинган ҳолда солиқ тушумлари, уларнинг таркибий турлари буйича башпоратлаштирилади;
- давлат бюджетининг солиқли даромадлари аниқланади;
- бюджет даромадларига нисбатан ҳаражатлар фарки (дефицити) аниқланади;
- давлат бюджетидаги республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари улуши аниқланади.

Солиқ тушумларининг режалаштирилиши қуидагича муддатларда мўлжалланиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади, яъни қисқа муддатли режа – одатта жорий бир йиллик солиқ тушумларини режалаштириш; ва узоқ муддатли мақсадли режа – бир йилдан узоқ муддатга режалаштириш.

Иккинчидан, - солиқ ҳисобини юритиш функцияси яъни солиқ органлари томонидан солиқларнинг умумий бухгалтерия ҳисобини олиб бориш.

Солиқ маъмурчилигининг бу функциясида солиқ тўловчилар сонининг ўзгариши динамикаси, белгиланган солиқ ва йигимларнинг ўз вақтида бюджеттага тушиши, солиқ органларининг молиявий аҳволи. Бу борада қуидаги вазифаларни бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- солиқ тўловчиларни руйхатдан ўтказиб ҳисобини олиб бориш;
- солиқ тўловчиларни ҳисоботлари ва декларациялари буйича иш юритиш;
- солиқ тушумлари буйича ортиқча тўлов ва боқимандалар ҳисобини юритиш;
- маълумотлар натижасини таҳлил қилиш.

Учинчидан, - солиқ назорати функцияси. Бу функциянинг хусусияти самарали солиқ маъмурчилигининг мухим шарти ҳисобланади. Солиқ назоратининг асосий мақсади солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловларидан қочишини, буйин товлашни олдини олишга қаратилган.

Солиқ назоратининг амалиётдаги фойдаланиладиган шакллари қуидагича:

- солиқ тўловларини ўз вақтида давлат бюджетига тушшининг назорати;
- солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш буйича мониторинг;
- мавжуд маълумотларга асосланган ҳолда қисқа муддатли, режали текшириш ва хужжатли ревизия ўтказиш;
- текширув материаллари буйича маъмурий амалиёт юритиш яъни қўлланилган маъмурий ва молиявий жарималарнинг тўланишини назорат қилиш.

Тўртинчидан, - солиқ муносабатларини тартибга солиш. Солиқка тортиш жараёнини бошқаришнинг мураккаблиги шундан далолат берадики,

солиқлар бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва хўжалик хусусиятига эгадир.

Солиқ маъмурчилигининг обьекти, солиққа тортиш субъектларидан турли даражадаги бюджетларга тушадиган маблағлар оқимини ташкил қиласди ва амалга ошириш билан юзага келадиган муносабатлар тизимини мувозанатлаштиради.

Солиқлар воситасида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш солиқ маъмурчилигининг муҳим қисми ҳисобланиб давлатнинг солиқлар орқали иқтисодиётни бошқаруви ва солиқлар воситасида солиқ муносабатларини рағбатлантириш тизимини тартибга солиниши кўйидаги омилларни назарда тутган ҳолда амалга оширилиши керак:

- солиққа тортиш тизимини ва тузилмасининг иқтисодиёти учун самарали шаклини ишлаб чиқиш;
- солиқ ва йигимлар муддати, миқдорини ўзгариши;
- солиқ кредити яъни имтиёзлар бериш;
- солиққа тортишнинг умумий даражасини ўрнитиш.

Ҳозирги пайтда ислоҳотлар сари иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиёти, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хуқукий ва молиявий муносабатлар соҳасида юз берадиган ислоҳий ўзгаришлар ва шунга монанд равишда солиқ сиёсатини эркинлаштиришида барқарор солиқ маъмурчилигини такомиллаштишимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган солиқ маъмурчилиги, давлатнинг молиявий эҳтиёjlари ва солиқ тўловчиларнинг молиявий салоҳиятлари асосида оптималлаштирилган режаларни тузиш, меъёрий тартибга солиш ва солиқ органлари билан солиқ тўловчилар ўртасидаги ҳамкорона солиқ назоратини ташкил қилиш методларига асосланган бўлиши лозим.

1.6 Солиқ муносабатларини бошқариш тизимида солиқ маъмурчилигининг хуқукий асослари.

Солиқ хуқукининг қоидаларига таянган ҳолда солиқ сиёсатини амалга оширишга хизмат қиласди, солиқ органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб турниш орқали солиқ муносабатларини бошқариш тизимида солиқ маъмурчилиги дейилади.

Давлат билан мажбурий тўлов субъектлари ўртасидаги солиқлар ва солиққа тортиш муносабатларига оид тегишли ваколатга эга бўлган Давлат органлари томонидан, уларга берилган хуқуқ ва мажбуриятлар асосида, солиқ тўловларини давлат бюджетига тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган режалаштириш, ташкилий, бошқарув ва назорат тадбирлари солиқ маъмурчилигини англатади.

Солиқ маъмурчилигининг хуқукий асослари деганда, солиққа оид муносабатларни хуқукий тартибга солишга хизмат қилувчи, давлат идоралари томонидаи қабул қилинган, хамма учун мажбурий бажарилиши лозимлиги белгиланган, давлатнинг зўрлик кучи билан таъминланган қонунийлик хужжатлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмурчилигининг хуқукий асослари иккι гурӯхга: қонунлар ва қонун остидаги меъёрий хужжатларга бўлинади. Солиқ муносабатларини тартибга солишда қонун меъёрлари етакчи ва белгиловчи ахамиятга эга, чйники солиқларни жорий этиш, тўлашга оид масалалар қонунлар билан белгиланади. Қонун остидаги хужжатлар эса қонунларни туғри ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш воситаси сифатида ахамиятга эга.

Солиқ маъмурчилигининг хуқукий асослари саналувчи хуқукий хужжатлар юридик кучга кўра куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча хуқуқ соҳалари учун, шу жумладан солиқ хуқуки фани учун ҳам бош юридик манба бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, Конституциянинг 51-моддасида «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурилар» дейилади ва шу билан солиқ муносабатлари жамиятдаги етакчи муносабатлардан эканлиги эълон қилинади.

2. Солиқ маъмурчилигининг хукукий асосларининг иккинчи энг муҳим манбайи Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексидир.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги конуни ва бошқа қонун хужжатлари.

4. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентнинг Фармон ва қарорлари хам, солиқ маъмурчилигининг хукукий манбалари орасида муҳим ўрин тутади. Республика Президенти фармонлари воситасида соликка оид муҳим қоидалар, имтиёзлар, чеслашлар муайян хукукий режим жорий этилади. Фармонлар Республика Олий Мажлиси сессиясида муҳокама этилиб, тасдиқлангач қонун кучига эга бўлади. Кейинги йилларда Республикамизда солиқ режимини ўзгартириш, янги режим жорий этишга қаратилган кўплаб фармонлар қабул қилинганини кайд этиш лозим. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон., Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Солиқ маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июл. РР-5116-сон., Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хукукий тартибга солишини янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори., Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш ийли”да амалга оширишга оид давлат

Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий қўрсақчиchlари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июль ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмурлятичилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорларини келтиришимиз мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа меъёрий хужжатлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия Вазирлиги, Республика Марказий банкининг қонун асосидаги меъёрий хужжатлари солиқ маъмурчилигининг хукукий асосларида салмоқли ўрин тутади.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Махаллий давлат хокимиёт органлари тўғрисида»ги Қонунига кўра (6-модда) маҳаллий давлат хокимиётни идоралари халқ депутатлари, вилоят, шахар, туман кенгашлари, вилоят, туман, шахар хокимлари) ўз ваколатлари доирасида қарор ва фармойишлар чиқаришлари мумкин ва ушбу хужжатлар ҳам солиқ маъмурчилиги манбайи саналади. Шунингдек, маҳаллий давлат хокимиётни органларининг солиқ ва соликка тортишга доир қарор ва фармойишлар

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди томонидан соликка оид ишларни кўриш юзасидан суд амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунларини кўллаш бўйича қарорлари ҳам солиқ маъмурчилигини хукукий асосларидан бири бўлиши мумкин.

Солиқ маъмурчилигини юқорида санаб ўтилган хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади, шунингдек ҳалқаро нормалар ҳам қўлланилади.

Солиқ муносабатларини бошқариш тизимида солиқ маъмурчилигининг хуқуқий асосларини қўйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги конуни;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Давлат солиқ кўмитаси фаолиятини ташкил килиш тўғрисидаги 1998 йил 12 августдаги 14-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат солиқ органлари фаолиятини хуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини хуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.

Янги Солиқ кодексининг аввалигисидан энг асосий фарқи шундан иборатки, янги Солиқ кодекси тўғридан-тўғри тасир кучига эга, яни ҳар бир солиқни хисоблаш турли хил хуқуқий меъёрий ҳужжатлар, йўрикномалар асосида амалга оширилмасдан, тўғридан-тўғри Солиқ кодексида акс эттирилди ҳамда илгари қонуности ҳужжатлар асосида тартибга солинувчи соддалаштирилган солиқка тортиш тартиби ва мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларнинг хисобланиш ва ундириш тартиблари Солиқ кодексида акс эттирилди. Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси

2 та (умумий ва маҳсус) қисм, 21 бўлим, 64 боб ва 392 та моддадан иборатdir.

Амалдаги Солиқ кодексидан фарқли равища ҳар бир тамойил алоҳида моддалар билан таҳлил килинган. Шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини кўзда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари хисобот даври бошланишидан камида 1 ой олдин эълон қилиниши кераклиги ва улар расмий равища эълон килинган ойдан кейинги хисобот даврининг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилиши белгилаб қўйилди. Солиқ кодексида солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ёпик рўйхатини ўрнатиш назарда тутилган.

Солиқ кодекси лойиҳасининг умумий қисмида ҳалқаро меъёрларга мос келувчи солиққа тортиш тамойиллари, кодексда фойдаланилган асосий тушунчалар, солиқ мажбуриятларини бажаришда фойдаланиладиган тартиблар, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш ёки тўлов муддатларини кечикириш тартиблари, ортиқча тўловларни қайтариб беришнинг аниқ механизмлари, солиқ назорати шакллари ва уларни амалга ошириш тартиблари ҳамда солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракацизлиги устидан шикоят қилиш тартиблари, солиқ қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш каби масалалар кенг ёритилган.

Кодексда солиқлар ва мажбурий тўловлар тизимида бағишлиланган алоҳида боб мавжуд бўлиб, мазкур бобда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг турлари ва уларнинг элементлари (солиқ солиш обьекти, солиқ солинадиган база, солиқ ставкасини хисоблаб чиқариш тартиби, солиқ тўлаш даври, солиққа доир ҳисботларни тақдим этиш ва.х.к) очиб берилган.

Молиявий жарималарни қўллашни тартибга солиш мақсадида солиқ тўловчиларга, солиқ агентларига молиявий жарималар суд тартибида қўлланилиши, солиқ тўловчи, солиқ агенти содир этилган хукуқбузарликда айбини тан олганда ва етказилган зарарни белигиланган муддатларда ва

тўлиқ ҳажмда, шу жумладан пеняни ихтиёрий равишида тўлаган ҳолатларнинг бундан мустаснолиги белгилаб қўйилди.

Таянч иборалар:

солик тизими, тушунча, тамойил, солик муносабатлари, бошкариш, ҳаракатлар стратегияси, солик сиёсати, давлат солик хизмати органлари, солик юки, солик ставкаси, солик маъмурчилиги, солик хисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. «Солик маъмурчилиги» фанининг мақсади ва вазифаси нималардан иборат ?
2. Солик маъмурчилигининг функциялари ва элементлари нималардан иборат ?
3. Солик маъмурчилигининг иқтисодий назарияси асосчиларига қайси олимларни киритишмиз мумкин ?
4. Солик маъмурчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ?
5. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солик маъмурчилигининг тутган ўрни ва аҳамияти ?
6. Солик маъмурчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ?

2-БОБ. СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ ТАРФИБОТИ

2.1. Солик маъмурчилигини амалга оширишида Давлат солик хизмати органларининг ўрни

2.2. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу йўналишларда олиб борилаётган давлат сиёсати

2.1. Солик маъмурчилигини амалга оширишида Давлат солик хизмати органларининг ўрни

Жамият иқтисодий тараққиёти бир томондан унинг ички механизмига боғлик бўлса, иккинчи томондан бошқарувнинг ҳаракетига, ижтимоий-сиёсий ҳолатга, мувозанатга бохлиқ бўлади. Оддий килиб айтганда устқурмага ҳам бевосита боғлиқдир. Мазкур жараёнда ижтимоий сиёсат алоҳида рол ўйнайди. Ижтимоий сиёсат ўз навбатида ички ва ташки маданий-маърифий, сиёсий, иқтисодий сиёсат кабиларга бўлинади. Иқтисодий сиёсат ҳам ўз навбатида молия, пул-кредит, бюджет, солик сиёсати каби турларда амал қилиб, уларни яхлитлиги макроиктисодий даражада қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фаолиятларининг асосий ажralmas қисмига айланади. Шу ўринда солик сиёсатининг мазмунига тўхталиб ўтадиган бўлсак, юқорида қайд этилганидек, **солик сиёсати** - бу иқтисодий сиёсатнинг ажralmas бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солик соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан соликларни жорий этиш, соликка оид ҳукукий база яратиш, жорий этилган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан комплекс тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йигиндисидир. Мамлакат солик тизими хусусиятлари, йўналишлари, қандай

солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни таъминлаш каби масалаларни солиқ сиёсати белгилаб беради⁵.

«Солиқ сиёсатининг вазифаси - бир томондан, давлат бюджети даромадининг барқарор сафарбарлигини таъминлашдан, иккинчидан, корхоналарни республика учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга рағбатлантиришдан иборат»⁶ деб муҳтарам биринчи Президентимиз И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган.

Солиқ сиёсатининг хуқукий асослари сифатида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 авгуstdаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиаси, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги (1991 йил 15 феврал), «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги (1993 йил 7 май) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари каби меъёрий хужжатлардан иборат бўлган бўлса, 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни юқоридаги хужжатларнинг айримларини ўз кучини йўқотишига олиб келган бўлса, айримларининг хуқукий базасини кенгайишига, кучайишига хизмат қилиб келмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Қонунга мувофик, шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустакил солиқ сиёсатини олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиасида фуқароларнинг бурчларига солиқларни тўлаш мажбурияти ҳам киритилган: «Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашга мажбурдирлар»⁷. Шунингдек республикамиз худудида ягона солиқ тизими амал қилиши ва уни белгилаш ваколати ҳақидаги

жумлалар келтирилган: «Ўзбекистон Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қиласди. Солиқларни жорий қилишга фақат Олий Мажлис ҳақлидидир».⁸

Бугунги кунда республикамиз солиқ сиёсатининг хуқукий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиаси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида» ги Қонуни, хукumatнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент Фармонлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан изоҳланади.

Солиқ сиёсати таркиби жихатдан куйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ❖ мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва мажбурий тўловларни қонуний жорий этиш;
- ❖ амал килаётган солиқларни самарали ишлашини таъминловчи механизм шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни такомиллаштириб бориш;
- ❖ солиқ сиёсатини амалга оширувчи тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларни ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;
- ❖ солиққа тортиш тизимини шакллантиришга қаратилган чукур илмий тадқиқотни амалга ошириш ва уларни жорий этишни ташкил этиш.

Юқорида қайд қилинганидек, солиқ сиёсати давлат, яъни унинг ваколатли органлари томонидан олиб борилади. Агар ушбу ваколатли органлар ҳокимият тури нуқтаи-назаридан олиб қараладиган бўлса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Айрим ҳолларда давлатнинг солиқ сиёсати Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилади, деган фикрлар учрайди. Амалда эса солиқ сиёсати давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари: Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва Суд ҳокимиятлари фаолиятларининг ажralmas қисми сифатида комплекс тарзда амалга оширилади.

⁵ E.Gadoev. N. Kuzieva. N. Ashurova. “Soliq siyosati strategiyasi” o’quv qo’llanma 83b

⁶ Karimov I.A. O’zbekiston buyuk kelajak sari. –T.: «O’zbekiston», 1998. 52-b

⁷ O’zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi T «Adolat» 2016 yil 132-modda

Бу ҳокимиятлар томонидан солиқ сиёсати қўйидаги тартибда ишлаб чиқилади ва унинг ижроси таъминланади: Конун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланган Олий Мажлис томонидан солиққа оид ва унга бевосита тегишли бўлган қонунлар кабул қилинади, ўзгариши ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг хуқуқий негизлари мазкур ҳокимият фаолияти билан боғлиқдир. Ижро ҳокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари, Давлат Солик қўмитаси, Молия Вазирлиги, Адлия Вазирлиги, Иктисодиёт Вазирлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқа тегишли органлар томонидан Олий Мажлис томонидан конун йўли билан жорий этилган солиқлар ва солиқларга тенглаشتарилган мажбурий тўловларнинг ишлаш механизмини таъминлашга хизмат қилувчи хуқуқий меъёрий ҳужжатлар орқали уларнинг ижроси таъминланади. Бунда албатта ижро ҳокимиятининг бир бўгини ҳисобланган Давлат солик қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги алоҳида ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун амал қиласиган солиқлар ва солиқларга тенглаشتарилган мажбурий тўловлар бўйича солиқ ставкаларини тасдиқлаш, ўзгаришилар киритиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар бўгинлари билан бирга суд ҳокимиятининг бўгинлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Суд ҳокимияти томонидан конуний амал қилаётган солиқлар ва солиқларга тенглаشتарилган мажбурий тўловларнинг ўз вақтида бюджеттага келиб тушиши устидан назорат ўрнатилиб, солиқ қонунчилиги бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўлланади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиша нафакат алоҳида олинган муассасалар бевосита қатнашади, шунингдек, уни ишлаб чиқиша солиқ хизмати билан шугулланмайдиган субъектлар, аникрофи солиқ тўловчилар қатнашиши мумкин, яъни бунда солиқ тўловчilarни ўзларида солиқларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, солиқларни ҳисоблашни осон ва самарали ишлаш кабилар таклиф сифатида берилиши мумкин.

Солиқ солиши соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги қўп жиҳатдан давлат аппаратининг турли бўғинлари фаолиятидаги мослашувчаникка боғлиқ. Ваколат ҳар бир органнинг спетсифик ролини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида унинг бошқа органлар фаолияти билан мослашувини таъминлайди. Давлатнинг асосий вазифаларидан бирини ҳал этилиши бюджетни тўлдириш, солиқ тўловчilarнинг иктиносидий ва юридик ҳатти-ҳаракатлariга таъсир этишнинг у ёки бу дастагига эга бўлган барча давлат ҳокимияти органлар фаолиятининг мувофиқлаштирувисиз мумкин эмас. Кўпгина адабиётларда таъкидланганидек, контентуал солиқ тамойилларидан бири давлат органларининг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиша ва амалга оширишда биргаликдаги иштироки ҳисобланади⁹.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалда кўллаш жараёнда бир қанча ўз ваколати доирасида фаолият юритадиган органлар биргалиқда баҳамжихат ишни ташкил этишлари шарт. Бу органлар фаолият турининг турличалиги, уларни ташкил этиш асосларининг фарқланиши, мақсад ва вазифаларининг айричалиги солиқ муносабатларини ташкил этишда айrim муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараёнда актив иштирок этишини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослашувчанигини таъминлаш каби қатор муаммоларни ҳал этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, асосий иктиносидий хуқуқлар ва солиқ тўловчilarнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солиқ соҳасидаги ишларнинг умумий аҳволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар билан белгиланади. Давлат солик қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита ва билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган холда ҳокимиятнинг ушбу соҳалари солиқ солиши билан боғлиқ шахс хукукларини таъминлаш учун юкори даражали жавобгарликни

⁹ Гадоев Э., Кузиева Н., Ашурова Н., Ўрмонов Ж. Дарслик. Юридик шахсларни солиқка тортиш. - Т.: ИКТИСОД-МОЛИЯ. 2013й.

ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг барча жиҳатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) Конститутсиянинг 78-моддаси 8-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида” ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ҳукуматнинг тақдимига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат солиқ қўмитасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳукуматга киритиш ҳуқуки унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари ҳукуматнинг иштироки билан қурилишига яқъол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Давлат Солиқ қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган ҳисобланади. Солиқ қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юкори органларини мазкур соҳанинг хусусиятли жараёнлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати мустакилликка эришганимиздан сўнг анча ривожланган бўлсада ушбу соҳада олиб борилиш керак бўлган ишлар жуда ҳам кўп. Бунинг мисоли сифатида Президентимиз томонидан 2017-йил 18-июлда тасдиқланган “Солиқ маъмурчилигини тубдан тақомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”си ПФ-5116-сонли фармонини келтириш мумкин, чунки ушбу фармон билан солиқ сиёсатидан куйидаги камчиликлар асосли равишда келтирилди:

Биринчидан, солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳолати солиқ маъмуриятчилигининг шаффоғлигини, солиқ солиши масалаларида манбаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда назорат самарадорлигини, шунингдек давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминламаяпти.

Солиқ тўловчиларнинг, энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг уларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз хизмат кўрсатишни таъминлайдиган «солиқ тўловчининг шахсий кабинети»дан фойдаланиш манбаатдорлигини ошириш бўйича фаол иш ташкил этилмаган;

иккинчидан, солиқ органларининг ташкилий-штат тузилмаси солиқ солиши обьектларини тўлиқ қамраб олиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш, шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вактида йиғиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар қилиш имконини бермаяпти;

учинчидан, солиқка оид ҳуқукий муносабатларнинг аҳволи ва ривожланиш тенденсияларини таҳлил қилиш, солиқ сиёсатининг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш, солиқ солишининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, шунингдек бюджетга солиқ тушумларини ишончли прогнозлаштириш фаолияти такомиллаштиришни талаб қилмоқда;

тўртингидан, солиқ назоратини ташкил қилиш механизmlарининг мукаммал эмаслиги, шу жумладан солиқ текшируви обьектларининг зарур таҳлилсиз белгиланиши солиқка оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни барвакт профилактика қилиш самарадорлигини пасайтирумокда;

бешинчидан, солиқ низоларини судгача ҳал этиш – солиқ апеллястияси институти имкониятларидан этарли даражада фойдаланилмаётганлиги солиқ тўловчиларнинг суд органларига мурожаатлари қўпайишига олиб келмоқда;

олтингидан, солиқ солиши тизимининг мураккаблиги ва бир хил солиқ солиши базасига эга солиқларнинг этарли даражада унификастия қилинмаганлиги, солиқ қонунчилигининг ўзгарувчанлиги солиқ тўловчилар томонидан ўз солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажариш имконини бермаяпти;

еттингидан, солиқ органларининг Давлат бюджетига тушумлар тўлиқлигини таъминлаш фаолияти устидан ташкил назорат механизmlарининг мавжуд эмаслиги солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг йигилувчанлигини ошириш ва солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш имконини бермаяпти;

саккизинчидан, солиқ тұловчиларнинг солиқларни тұлаш бүйіча ўз конститустиявий бурчини ихтиёрий бажаришини таъминлашга қаратылған хукукий маданиятини ошириш юзасидан, айниқса, жойларда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш талаб этилади;

тұkkизинчидан, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан самарали солиқ назорати ўрнатылмаганлығы маҳаллий бюджетларни тұлдириш учун мавжуд резервларни тұлық сафарбар қилиш, шунингдек нақд пул маблағларининг кағолатлы қайтишини таъминламаяпты;

ўнинчидан, солиқлар ва бошқа мажбүрий тұловларни йигиш күрсаткышларини яхшилаш, коррупция күринишиларни профилактика қилиш, шунингдек солиқ органларыда хизмат қилишга ҳалол ва юкори малакали кадрларни жалб этиш мақсадыда давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағbatлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Шуларни инобаттаға олиб шуни айтиш мүмкінки, солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасыда ҳали олиб боришиши керак бўлган ишлар кўн. Бунда мамлакатимизда қабул қилинган 2017-2021- йиллар учун мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар Стратегияси дастурлар ама бўлиб хизмат қиласи.

2.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва ушбу йўналишларда олиб борилаётган давлат сиёсати

Юқорида таъкидланғанидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бүйича Ҳаракатлар стратегиясидаги солиқ солиши тизимини изчиллик билан соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш орқали солиқ юкини пасайтириш каби вазифалар ижроси юзасидан, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбuriy тұловларнинг йигилувчанлигини ошириш мақсадида:

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади:

биринчидан, солиқ маъмуриятчилиги жараёнiga замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор автоматлаштирилған таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солиқ тұловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тұғридан-тұғри мулокотсиз электрон хизмат кўrsatiшга тұлық ўтиш;

иккинчидан, солиқ солиши объектлари ва солиқ солинадиган базанинг ўз вактида ҳамда ишончли хисобга олинини таъминлаш, ваколатли органлар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг солиқ солиши масалалари билан боғлиқ бўлган ишончли ахборотни ўз муддатида тақдим этиш бүйича масъулиятини кучайтириш;

учинчидан, солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тұловчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш, солиққа оид хукуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тұловчиларнинг хукукий маданиятини ошириш, солиқ назоратини амалга оширишининг замонавий услубларини жорий этиш;

тўртингидан, макроқтисодий кўrсаткычлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимили таҳлил қилиш орқали солиқ солиши объектларини тұлық қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

бешинчидан, фаолият кўrсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклашга ҳар томонлама кўмаклашиш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишләётган корхоналарнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, ўзаро ҳисоб-китоблар механизмларини мустаҳкамлаш, солиқ қарзи ошишига йўл қўймаслик орқали солиқ солинадиган базани кенгайтириш;

олтингидан, солиқ солиши масалаларида, шу жумладан республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг қўшимчча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манбаатдор вазирлик ва идоралар,

шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш;

еттинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солик органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори малакали ходимлар билан тўлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида хукуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва улар учун хизматни ўташнинг муносаб шарт-шароитларини яратиш.

Ушбу мақсадларга эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ПФ-5116-сонли фармони билан 2018-йил 1-январдан кўйидагиларни жорий қилиш белгиланди:

солик органлари ва ҳалол солик тўловчилар ўртасида уларга жорий солик солиш масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солик назоратининг замонавий шакли – солик мониторинги жорий этилади;

йирик солик тўловчилар бўйича солик маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари томонидан амалга оширилади;

вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солик тўловчилар – хўжалик юритувчи субъектларга қонун хужжатларида белгилangan тартибда солик таътиллари берилиши мумкин;

ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солик тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини суд тартибида ундириш жорий этилади;

ортиқча тўланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариш ёки ҳисобга олиш солик тўловчи ваколатли органларга мурожаат этган санадан бошлаб 15 иш куни ичida амалга оширилади;

давлат солик хизмати органларига кирим хужжатларини расмийлаштиrmасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобвараклари бўйича

операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилади;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида солик органларига ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотларнинг онлайн режимида берилишини таъминлайдиган назорат-касса машиналарини кўллаш орқали нақд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади, республиканинг колган худудларида мазкур тизим босқичма-босқич киритилади;

солик текшируви объектларини самарали танлаб олиш учун соликка оид хукуқбузарликларни содир этиш хавфларини таҳлил қилиш, шунингдек солик органлари томонидан юқори ликвидли маҳсулотлар ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмининг доимий ҳисоби ва назоратини амалга ошириш бўйича ихтиослаштирилган автоматлаштирилган тизим жорий этилади;

давлат солик хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга оширади, натижаси бўйича солик солинадиган базани аниқлаштиради.

Хусусан, 2018-йилда амалга ошириши кутилаётган асосий солик сиёсати тўғрисида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 3454-сонли қарори ва “Солик ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий ўйналишлари қабул қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 454-сонли Қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан 3 та қонунларга (“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун, Бюджет ва Солик кодекслари), шу жумладан Солик кодексининг 47 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу конунчилик хужжатларига асосан 2018 йил 1 январдан солик конунчилигига қўйидаги янгиликлар жорий этилмоқда:

1) Фойда солиги ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бирлаштирилиб, солиқ ставкаси амалдаги 15,5 фоиз ўрнига 14 фоиз қилиб белгиланди.

(Илгари фойда солиги ставкаси 7,5 фоиз ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ставкаси 8,0 фоиз, жами 15,5 фоиз эди).

Шунингдек, Солиқ кодексининг 147-моддасидаги 28 турдаги солиқ солиши базасидан чегирилмайдиган харажатлардан 10 тасини чегириш имкони берилмоқда.

Бунда, тадбиркорлик субъектларининг 70 млрд.сўм маблағлари тежалиши кўзда тутилган.

Солиқлар бирлаштирилганлиги сабабли, доимий муассаса орқали фаолият юритадиган норезидентларнинг соғ фойдасидан икки маротаба солиқ олмаслик мақсадида, норезидентлар учун соғ фойдадан олинадиган 10 фоиз миқдордаги солиқ бекор қилинди.

2) Пенсия жамгармасига, Республика йўл жамгармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамгармасига мажбурий ажратмалар битта давлат мақсадли жамгармаларига ажратмаларга бирлаштирилди ва умумий солиқ ставкаси 3,5 фоиздан 3,2 фоизга пасайтирилди.

Натижада, тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 411 млрд.сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

3) Жисмоний шахсларнинг даромад солиги бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалар 0,5 фоизга пасайтирилиб, 16,5 ва 22,5 фоиз қилиб белгиланди ҳамда фуқароларнинг шахсий жамгариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига ўтказиладиган мажбурий бадал суммаси 1 фоиздан 2 фоизга оширилди.

Бунинг натижасида:

-фуқароларнинг шахсий жамгариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига даромад солиги ҳисобидан ўтказиладиган маблағлар 453 млрд.сўмга кўпайиши;

-солиқ ставкасини пасайиши ҳисобига эса жисмоний шахслар ихтиёрида 92 млрд.сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

4) Ягона солиқ тўлови бўйича 2017 йилдаги солиқ ставкалари сақлаб қолинди. Шунингдек тайёрлов ташкилотлари фаолияти улгуржи савдога тенглаштирилди ва солиқ ставкаси товар айланмадан 4 фоиз миқдорида белгиланди.

Мазкур киритилган ўзгаришлар тайёрлов ташкилотлари учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш тартибини соддалаштириди.

(Изоҳ: 2017 йилда тайёрлов ташкилотлари учун ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиши обьекти – реализация қилинган товарларнинг харид қиймати билан сотиши қиймати ўртасидаги фарқдан, яъни ялпи даромаддан 33 фоиз ставкада солиқ ҳисобланган).

5) Эгалигида бир гектардан кўп эри бўлган ягона солиқ тўлови тўловчилари учун барча эр майдонидан эр солигини тўлаш жорий этилди. Шу қаторида, улар учун ягона солиқ тўловини уч карра эр солигидан кам бўлмаган миқдорда тўлаш тартиби бекор қилинди. (Мисол учун Тошкент шаҳридаги 1,5 гектардан ортиқ эр майдони мавжуд корхона (АВ 2203-сонли тартиб) уч карра эр солигидан кам бўлмаган миқдорда, яъни 102,6 млн.сўм ягона солиқ тўлови ҳисобланган бўлса, эндилиқда ягона солиқ тўлови билан эгалигидаги эр майдонига 39,4 млн.сўм эр солиги ҳисобланади).

6) Якка тартибдаги тадбиркорлар учун катъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 30 фоизга пасайтирилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини янада камайтириш мақсадида, уларнинг фаолиятини амалга оширадиган ҳудудига қараб ажратган холда соликка тортиш белгиланди.

Бу имтиёз натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 86 млрд.сўм қолиши ҳисоб-китоб қилинди. (Масалан, амалда озиқ-овқат ва ноозик-овқат

маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш учун қатъий белгиланган солиқ миқдори Тошкент шаҳри учун энг кам иш ҳақининг 10 баробари ўрнига 2018 йилда 7 баробар ва вилоятлар марказларида 6,5 баробари ўрнига 5 баробар миқдорида белгиланди.

Юк ташиш хизматлари учун автомобилларнинг юк кўтариш тоннасига қараб 2017 йилда энг кам иш ҳақининг 2-4 баробар миқдорида белгиланган бўлса, 2018 йилдан 1,5-3,5 баробар қилиб белгиланмоқда, яъни ўртacha 30 фоизга камаймоқда).

7) Акциз солиги ставкалари республикада ишлаб чиқариладиган этил спирти қўшилмаган табиий винога – 10 фоизга, бошқа турдаги винолар ва пиво учун – 20 фоизга, этил спирти, ароқ ва бошқа алкоголь маҳсулотларига – 25 фоизга, коняқ учун – 27 фоизга, тамаки маҳсулотлари учун эса - 50 фоизга индексастия қилинди.

8) Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида, сувдан фойдаланганик учун солиқ ставкаси ва эр солиги ставкаси 15 фоизга индексастия қилинди.

9) Юридик шахсларнинг мол-мулк солиги обьекти қилиб фақатгина кўчмас мулк обьектлари белгиланди.

Кўчар (движемое имущество) мулкларни солиқ обьектидан чиқарилиши хисобига тадбиркорлик субъектларининг ихтиёрида 236 млрд.сўм миқдорида маблаг қолади. (Аввал мол-мулк солиги обьектига кўчмас мулкдан ташқари машина ва ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа кўчар тусдаги асосий воситалар: мебел, компьютер, телевизор ҳам киритилар эди).

10) Бензин ва дизел ёкилиси учун солиқ ставкаси 2017 йилга нисбатан 50 фоизга пасайтирилди, суюлтирилган газ ставкаси сақланиб қолинди ва сиқилган газ учун солиқ ставкаси 10 фоизга индексастия қилинди.

11) Юк ташиш корхоналарига ҳар бир автомашинаси учун якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқдан кам бўлмаган миқдорда соликларни тўлаш белгиланди.

Бунда, юк ташиш хизматини кўрсатувчи корхоналар томонидан жами тўланган солиқлар суммасининг битта транспорт воситасига тўғри келадиган миқдори ушбу фаолият билан шугулланадиган якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган солиқ суммасидан кам бўлмаслиги лозим (3 тоннагача бўлганлар 258,4 минг.сўм, 8 тоннагача бўлгани 430,6 минг.сўм, 12 тоннагача бўлгани 516,7 минг.сўм ва 12 тоннадан ортиги 602,8 минг.сўм).

12) Алкоголли маҳсулотлар ва қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш хуқуки учун йигим ставкалари худудлар бўйича ажратилди.

2018 йилдан алкоголли маҳсулотлар учун Тошкент шаҳрида 6 баробар, Нукус, вилоят марказлари-шаҳарларда 5 баробар миқдорида белгиланмоқда.

Қолган бошқа шаҳарларда энг кам иш ҳақининг 4 баробари ва бошқа аҳоли пунктлари учун - 3 баробари белгиланмоқда (илгари бу худудлар учун ҳам 5 баробар бўлган эди).

қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар учун йигим миқдори - Тошкент шаҳрида 4 баробар, Нукус, вилоят марказлари-шаҳарларда 3,5 баробари, бошқа шаҳарларда 4 баробари ва бошқа аҳоли пунктлари учун -2 баробари белгиланди).

Мазкур табакалаштирилган ставкалар жорий этилиши хисобига 10 млрд.сўм маблаг тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

13) Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулкнинг инвентар қийматидан эмас, кадастр қийматидан хисобланishi жорий этилиб, солиқнинг асосий ставкаси 0,2 фоиз қилиб белгиланди (ўтган йили 1,7 фоиз эди) ва солиқ хисоблашда кадастр қиймати 42 млн.сўмдан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Мол-мулкнинг кадастр қиймати мавжуд бўлмаганда, солиқ ҳисоблаш учун қуйидаги шартли қиймати ўрнатилди:

-Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида 210,0 млн.сўм;
-бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда 90,0 млн.сўм.

Шу билан бирга, солиқ юки 2018 йилда кескин ошиб кетмаслиги учун кадастр қийматига асосан ҳисобланган солиқ суммаси 2017 йилдаги солиқ суммасига нисбатан 20 фоиздан кўп бўлмаслиги белгиланди.

(Мисол учун, Тошкент вилояти, Зангигита туманида жойлашган ҳовлийининг кадастр қиймати 321,2 млн.сўмни ташкил этиб, 2018 йил учун 429,1 минг. сўм мол-мулк солиги ҳисобланиши лозим эди, лекин, 2017 йилда ушбу мулк учун ҳисобланган солиқ суммаси 134,4 минг сўм бўлган учун, 20 фоиздан кўп бўлмаслиги белгиланганлиги сабабли, 2018 йил учун солиқ 161,3 минг сўм ҳисобланади).

Шу ўринда қайд этиши лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043-сонли қарори билан солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Низомга асосан кўчмас мулк обьектларининг кадастр қиймати умумий фойдали майдонни бир квадрат метри, худудий тузатиш коеффициентлари ва эскириш коеффициентлари асосида ҳисоблаб чиқилади.

14) Нотижорат ташкилотларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганда (олдин умумбелгиланган соликлар тўлар эди) ишчилар сонидан қатъий назар ягона солиқ тўловини тўлашга рухсат берилди.

Киритилган ўзгартиришларга асосан ташкилотларга тадбиркорлик фаолиятларидан олинган даромадларига солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби қўлланилиб, соликларни ҳисоблашга ва тўловларни амалга оширишга сарфланадиган вақтини тежайди (олдин умумбелгиланган солиқ ва мажбурий тўловлар тўланар эди).

Шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлардан олинадиган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 325-сонли қарорига асосан 2020 йил 1 январга қадар солиқ тўлашдан озод этилади.

15) Уяли алоқа компанияларидан абонентлик рақамларидан фойдаланганлик учун олинадиган тўлов микдори ҳар ойда 4000 сўм (2750 сўм эди) қилиб белгиланди.

(Шундан бюджетга 29 фоизи (2017 йилда 85 фоиз), ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасига 70 фоизи (2017 йилда 14 фоиз), Муҳаммад Ал-Хоразмий жамғармасига 1 фоиз (ўзгармаган) тақсимланади).

16) Солик кодексининг 285 ва 286-моддаларига киритилган ўзгартиришга асосан юридик шахслар учун эр солиги бўйича ҳисобкитобларни тақдим этиши муддати 10 январ қилиб ва тўлаш муддати ҳар ойнинг 10-кунига қадар йиллик сумманинг ўн иккidan бир қисми микдорида амалга оширилиши белгиланди.

17) Солик кодексининг 372 ва 375-моддаларига киритилган ўзгартиришга асосан, юридик шахслар қатъий белгиланган соликни ҳар ойда кейинги ойнинг 10-кунидан (амалда 25- сана эди) ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҳар ойнинг 10-кунидан (амалда 25-кунидан эди) кечикирмай тўлаши белгиланди.

2018 йил 1 апрелдан:

18) Маҳаллийлаштириш дастури бўйича солиқ имтиёзлари бекор қилинади.

19) Валюта бозорини либераллаштирилганигидан келиб чиқиб, экспорт ҳажмининг улушкига қараб фойда солиги, мол-мулк солиги ва ягона солиқ тўлови бўйича пасайтирилган ставкаларни қўллаш тартиби бекор қилинади.

20) Солик кодексининг 156, 179 ва 356-моддаларига киритилган ўзгартиришларга асосан, устав жамғармасига йўналтирилган дивиденд суммасига нисбатан солиқ имтиёзи бекор қилинади.

21) Солик кодексининг 290-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан, якка тартибдаги уй-жой курилиши учун берилган эр участкалари бўйича – эр участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатга эр солигидан озод этиши тарзидаги имтиёз бекор қилинади.

Юқорида қайд этилган янгиликлар билан бирга, Президентимизнинг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5116-сонли Фармонларида белгиланган меъёрларни 2018 йил 1 январдан амалиётга жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 30 декабрдаги 455-сонли Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун билан 5 та Қонунларга (Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги, Банкротлик тўғрисидаги, Электрон тижорат тўғрисидаги қонунлар ҳамда Фукаролик ва Солиқ кодекслари), шу жумладан Солиқ кодексининг 16 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда 7 та янги модда киритилди.

Хусусан, Солиқ кодекси ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибаларида синалган янги солиқ маъмурчилиги- Солиқ мониторинги боби билан тўлдирилди.

Солиқ мониторинги бу- солиқ назоратининг инсофли солиқ тўловчиларига солиқ солишининг жорий масалаларини ҳал қилишда ҳар томонлама кўмаклашган ҳолда, давлат солиқ хизмати органлари ва улар ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи шакл.

Ушбу амалиётнинг жорий этилиши, солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларнинг олдини олиш, солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ мунозарали масалаларни тезда ҳал қилиш, пеня ва жарималар ёзилиши туфайли молиявий аҳволининг ёмонлашувига олиб келадиган вазиятларни бартараф этиш имкониятини беради.

Яна бир янгилик, камерал назоратини амалга ошириш натижасида аниқланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар микдорини ундириш юзасидан Солиқ кодексининг 70-моддасига киритилди.

Унга мувофиқ, солиқ тўловчи томонидан солиқ органининг талабномасида кўрсатиб берилган аниқланган тафовут суммаларининг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисботи белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи қўшимча

ҳисбланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қиласидан.

Солиқ тўловчилар учун яна бир аҳамиятли масала, Солиқ кодексининг 54, 55 ва 354-моддаларига вақтнинчалик молиявий қийинчиликларга учраган ҳалол солиқ тўловчи хўжалик субъектларига солиқ таътиларини бериш меъёри киритилди.

Солиқ таътили-вақтнинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган инсофли солиқ тўловчиларга йигирма тўрт ойгача бўлган муддатга берилади. Инсофли солиқ тўловчилар каторига, охирги икки йил ичида солиқ мажбуриятларини ўз вактида ва тўлиқ бажариб келган солиқ тўловчилар киради.

Қонун билан солиқ тўловчи давлат солиқ инспекциясига мурожаат қилган санадан бошлаб 15 иш куни давомида ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш тартиби белгилаб берилди

Солиқ кодекси хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисботдаги ва хақиқий сони мувофиқлиги устидан мониторинг тартиби тўғрисидаги янги 71 прим 1-модда билан тўлдирилди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисботдаги ва хақиқий сонининг мувофиқлиги юзасидан мониторинг давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари томонидан жойларга чиқсан ҳолда, солиқ тўловчи фойдаланадиган обьектларда ва худудларда солиқ тўловчининг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари иштироқида, мавжуд ходимларнинг сонини бирма-бир санаб чиқиш ҳамда маълумотнома билан расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, 2018 йил 3 январ куни Ўзбекистон Республикасининг “Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек фуқароларнинг хукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 456-сонли Қонуни билан ҳам Солиқ

кодекснинг 84, 271, 283, 349-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, юридик шахслар, уларга ажратилган эр участкаларида қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ёки бундай муддат белгиланмаган бўлса, қурилиш бошланганидан эътиборан йигирма тўрт ой ичидаги тутубадаги мажбуриятини бажармаса, эр солиги ва мол-мулк солигини уч баробар миқдорда тўланиши жорий этилмоқда.

Шунингдек, қуриб битказилган обьектда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти ўн икки ой ичидаги ташкил этилмаган тақдирда ҳам эр солиги ва мол-мулк солиги уч баробар миқдорда ундирилади.

Шунингдек, Солик кодексининг 338-моддасига киритилаётган қўшимчага асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кўчмас мол-мулкнинг алоҳида тоифаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат божини ҳисоблаб чиқаришнинг бошқача тартиби белгиланиши мумкйнлигини назарда тутувчи норма билан тўлдирилмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромад ва ҳаражатлари сезиларли даражада ошган. Яъни 2014-йилда бюджет даромадлари 30 160,8 млрд сўмни ташкил қилинган бўлса, 2018-йил учун эса 62 259,5 млрд сўм қилиб белгиланган, бу эса икки баробар қўн маблағ дегани. Шу билан бирга бюджет ҳаражарлари ҳам кескин ошди. 2018-йилда ўтган йилардан фарқли равишда давлат бюджети ЯИМ га нисбатан 0.02 % профитсит қилиб белгиланди. Бундан ташқари, бюджет даромадлари ичидаги билвосита соликларнинг улуши 53,65 % ни ташкил қилиб энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Таянч иборалар:

солик тизими, тушунча, тамойил, солик муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солик сиёсати, давлат солик хизмати органлари, солик юки, солик ставкаси, солик имтиёзлари, солик ҳисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

- 1.Солик маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солик хизмати органларининг ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг?
2. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасида Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йилида соликлар асосида рағбатлантириш йўналишлари нималардан иборат?
- 4.Солик сиёсати тарғиботи нималарда намоён бўлади?
5. Ўзбекистон Давлат солик қўмитасининг солик сиёсати ижросини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг?

З-БОБ. СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

3.1. Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашувида солиқ сиёсатини юритишида солиқ маъмурчилигининг ўрни ва аҳамияти.

3.2. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигини тутган ўрни ва унинг асосий йўналишилари.

3.1. Иқтисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашувида солиқ сиёсатини юритишида солиқ маъмурчилигининг ўрни ва аҳамияти.

Мамлакатимизда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва диверсификациялаштириш босқичида давлат молиясини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишилари, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишида фискал ва монетар сиёсатнинг ўрни, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини молиялаштиришнинг замонавий йўналишилари, молиявий тизим ва ресурсларни бошқаришининг илғор ҳориж тажрибасидан республикамида фойдаланиш масалалари ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида “Макроиктисодий баркарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юкори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси

барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир.”¹⁰ деб алоҳида таъкидладилар

Маълумки муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан 2017 йил 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.¹¹

Мазкур Фармонга мувофиқ аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, хуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор ҳорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик мухокамаси натижасида ишлаб чиқилган ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. ва булар қаторида Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилгандир.

Шу ўринда хуқуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, уларнинг ижобий натижаларини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимизда солиқ тизимини такомиллаштириш ҳамда соддалаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада солиқ маъмурчилиги шаффоғлигини таъминлаш, солиқ тўловчиларнинг хуқукий саводхонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Жумладан, бу йўналишда солиқ тизимини такомиллаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субектларга нисбатан солиқ юкини изчил камайтириш мақсадида, энг аввало, уларнинг даромадларидан ундириладиган бевосита солиқларнинг салмоғини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, солиқ юкини камайтириш натижасида корхоналарда ўз ихтиёрида қоладиган маблаглардан ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, унинг

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи <http://www.gov.uz/uz/news/8879>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.

самарадорлигини ошириш мақсадида инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳамда ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш имкони пайдо бўлмоқда.

Шунингдек, солик тизимини соддалаштириш ва солиқларни бир хиллаштириш бўйича амалга оширилаётган катор чора-тадбирлар, ўз навбатида, корхоналарнинг бухгалтерия ходимларини солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш ишларини соддалаштиришга ҳамда солик мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат килишга ёрдам беради.

Таъкидлаш лозимки, бу борадаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янада жадаллаштириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бириди. Бинобарин, замонавий талабларга жавоб берадиган солик тизими – иқтисодиётни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнода тадбиркорлик субектларида текширишларни ва уларнинг фаолиятига асосиз аралашишларни қисқартириш бўйича бир катор конун хужжатлари қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташкари ва мукобил текширишлар бекор қилинди, ҳисботларнинг шакли ва топшириш муддатлари соддалаштирилди.

Шу билан бирга, солик маъмуриятчилиги соҳасида, жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғишида, солик солинадиган базани кенгайтиришда ва солик тўловчиларнинг хукукий маданиятини оширишда муайян муаммолар мавжудлиги ва бу эса ўз навбатида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган таркибий ўзгартиришлар ва ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, жумладан, солик маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигини

oshiiriш мақсадида Президентимизнинг «Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Солик маъмуричилигини амалга ошириш механизида асосий жараёнлардан бири бу солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини аниқлаш ҳисобланади. Солиқларнинг йиғилувчанлигини аниқлаш бюджетга солик тушумларининг ўз вақтида ва белгиланган микдорда келиб тушишини таъминлаш ҳолатини аниқлаш имконини билдиради. Маълумки, солик тушумларининг микдори ҳар йили давлат бюджети даромадлари режалаштирилаётган вақтда аниқланади. Бу жараён солиқларни проргнозлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу билан биргаликда солик тўловчиларимизга яратилаётган шароитлар ҳам солик йиғилувчанлигига асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонларидан томонларидан қабул қилинган Фармонда таъкидланганидек, “....солик маъмуриятчилиги соҳасида, шу жумладан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш, солик солинадиган базани кенгайтириш ва солик тўловчиларнинг хукукий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.”¹²

Мазкур Фармон билан солик тизимини такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш мақсадида давлат солик хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишининг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

Жумладан, солик маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илфор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий этиш, солик тўловчиларга, энг аввало,

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 июндан ПФ-5116 сонли Фармони

тадбиркорлик субектларига тұғридан-тұғри мuloқotsiz электрон хизмат күрсатишга тұлиқ үтиш вазифаси белгиланды. Бундан күзланган асосий мақсад, бир томондан солиқ тұловчиларнинг беҳуда қофоз, йўл ва бошқа сарф-харажатларини камайтирса, иккинчи томондан таъмагирлик каби коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қиласы.

Шунингдек, мақроиктисодий күрсаткичлар динамикаси ва худудларнинг солиқ салоҳиятини тизимли таҳлил этиш орқали солиқ солиш обектларини тұлиқ қамраб олишни таъминлаш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси эса маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини ошириб, уларнинг мустакиллигини таъминлашга хизмат қиласы.

Бу борада солиқ солиш масалаларида, шу жумладан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг кўшимча захираларини аниқлаш орқали молия органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкор-ликни кучайтириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Солиқ тизимининг самарадорлиги ва соҳа ходимларининг солиқ тұловчиларга сифатли хизмат күрсатиши, албатта, кадр ларни танлаш ва жой-жойига кўшиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юкори малакали ходимлар билан тұлдириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек, улар ўртасида хукуқбузарлайлар профилактикасини таъминлаш ҳамда улар учун хизматни ўташнинг муносиб шартшароитларини яратишни талаф этади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонларидан Фармонда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида мақсадли ва самарали бажарилиши мамлакатимизда солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштиришга хизмат қиласы, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида солиқ масалалари юзасидан вужудга келадиган молиявий масалаларнинг, муаммоларнинг ечимини топишнинг шаффоғлигини таъминлайди, бу эса шубҳасиз мамлакатимизда олиб борилаётган пухта солиқ сиёсатининг баркарор

иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётни модернизациялаш орқали юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласы.

3.2. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигини тутган ўрни ва унинг асосий йўналишлари.

Солиқлар ҳар бир давлатда муҳим иқтисодий дастак бўлиб хизмат қиласы. Оддий қилиб айтганда, солиқлар фуқаролардан, аҳолидан, корхона ва ташкилотлардан давлат томонидан ундириладиган мажбурий тұловдир. Шунингдек, солиқлар мажбурий тұловни ифода етувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тұловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) билан давлат ўртасида бўладиган муносабатдир. Солиқларни тұлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчидир. Солиқлар кўринишида давлат бюджетига тушган маблаглар ижтимоий ҳимояга, маориф, маданият, соглиқни сақлаш, мудофа, аҳолининг тинч яшаб меҳнат қилиши каби ижтимоий хизматларга сарфланади, Албатта тан олиш керак, ҳар бир фуқаро давлатнинг ижтимоий хизматларидан баҳраманд бўлади. Масалан, фуқоро ийл давомида малум бир даромадга ега бўлдида, солиқларни бюджетта мунтазам равища тұлаб борди. У томонидан тұланган маблаг бюджетдан сарфланиб қайсири талаба ёки ўқитувчининг даромадига айланади. Демак, солиқ тұловчилар томондан тұланган маблаг мамлакат тараққиети ва ҳалқ фаровонлиги учун сарфланади.

Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бугунги кунда муҳим аҳамият қасб этади. Солиқ қонунчилигига асосан, солиқ ва бошқа мажбурий тұловларни давлат бюджетига ўз вақтида тушиши ҳамда улар устидан олиб бориладиган назорат борасидаги солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги муносабат солиқ маъмурчилигининг асосий моҳиятини билдиради.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ тизимининг енг асосий вазифаларидан солиқ ва йигимларнинг бюджетта тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш солиқ маъмурчилиги ҳамда унинг таъсирчанлигига кўп жихатдан боғлиқдир. Солиқ маъмурчилиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўлиқ тўловчиларни ҳисобга олиш, солиқ ва йигимларни тўғри ҳисоблаш ҳамда уларни тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши усигдан назорат олиб бориш билан боғлиқ тартиб қоидаларни ўз ичига олади. Ушбу қоидалар солиқ солишининг адолатли тизимини яратишга, шунингдек, солиқ тулашдан бўйин товлаш холатларини аниклаш, бартараф этиш ва олдини олишга хизмат қиласди. Яъни солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги бутун солиқ тизимининг самарадорлигини таъминлайди. Солиқ тизимидағи бўлаётган ўзгариш ва янгиликлар солиқ маъмурчилигини мунтазам такомиллаштиришни тақозо етади.

Солиқ маъмурчилиги солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган солиқ ишини юритишнинг куйидаги асосий йўналишларини ўз ичига олади:

- Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш.
- Соликлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тақдим этилишини назорат қилиш.
- Солик тушумлари ҳисобини юритиш.
- Текширишларни ташкил этиш.
- Солик қонунчилиги бузилганда тегишли чоралар қўриш.
- Солик тарғиботи.
- Соликларнинг йигилувчанигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқароларнинг қонун билан белгиланган соликлар ва маҳаллий йигимларни тўлаш бўйича мажбуриятлари ифодаланган. Ушбу асосда солиқ тўловчиларнинг давлат бюджетига солиқ ва тўловлар бўйича муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида белгилаб берилган. Мазкур конституциявий мажбуриятларнинг бажарилиши, яъни белгиланган солиқ

ва йигимларни солиқ тўловчи - ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджетта тўланиши давлат солиқ хизмати томонидан, биринчи навбатда, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш йўли билан таъминланади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини бошлашдан олдин белгиланган тартибида давлат рўйхатидан ўтиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш тартиби тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш ва маъмурий сарф-харажатларни камайтириш мақсадида йил сайн такомиллашиб бормоқда. Мазкур жараён хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг хабардор килиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ва Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сон қарорларида белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Бунга асосан рўйхатдан ўтказадиган давлат органи солиқ органларига рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисида, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини бэриш учун электрон почта ёки максимал алоқа орқали мурожаат қиласди. Солиқ тўловчининг идентификация рақами солиқ тўловчининг солиқ органларида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи маълумот ҳисобланади ва бу рақам солиқ тўловчининг барча молиявий ҳужжатларида кўрсатилиши керак. Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш давлат солиқ қўмитасида Ягона давлат реестрида олиб борилади. Бу борада солиқ тўловчилар ва уларнинг таъсисчилари тўғрисида маълумотлар базасини тўлиқ шакллантириш мақсадида, юридик шахсларни ташкил этишда рўйхатга олувчи орган томонидан идентификация рақамини олиш учун солиқ органига мурожаат қилинганда тўлдириладиган белгиланган шаклда тасисчи фуқароларнинг шахси тўғрисида, жумладан, паспорт малумотларини тўлиқ акс еттиришни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтиб, идентификация рақамини олгандан сўнг хўжалик фаолиятини амалга оширишни бошлаш мумкин. Шундан бошлаб унда солиқ ва йигимларни тўлаш мажбурияти вужудга келади ҳамда у соликлар бўйича ҳисоб-китобларни давлат солиқ органларига тақдим этиш ўли билан амалга оширади. Шу асосида солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ солиқ ва йигимларни тўғри ҳисоблаш бўйича мажбурият солиқ тўловчи зиммасига тушади. Лекин, айрим солиқ тўловчилар яни, маҳаллий солиқ ҳисобланган ер ва мол-мулк соликларини тўловчи жисмоний шахсларга тартиб ўзгачадир. Улар учун мазкур соликлар давлат солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқилади ва тўлов хабарномалари тарқатилади.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ва йигимларни тўғри ҳисобланиши устидан назорат олиб бориш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширишлар ташкил қилинади.

Текширишларни тартибга солишига доир қонун хўжжатлари талабларидан келиб чиқиб, текширишлар куйидаги тоифаларга бўлинади:

- Режали текшириш;
- Режадан ташқари текшириш.

Режали текшириш назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан тасдиқланган йиллик (чоракли) режа-жадвал асосида бир ёки бир неча назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Режадан ташқари текшириш куйидаги ҳолларда ўтказилади:

- текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки хукуматининг қарорларидан келиб чиқсанда (агар мазкур қарорларда текшириладиган субъект номи аниқ кўрсатилган бўлса, бунда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси розилигини олиш талаб этилмайди);
- назорат қилувчи органга тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун хужжатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида кўшимча маълумотлар келиб тушганда (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва

фуқаролардан келиб тушган, аниқ далилланган ва хужжатлар билан тасдиқлангак хукуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган ахборот кўшимча маълумот бўлиб хизмат қилиши мумкин);

- фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш зарур бўлганда;

- санитария-епидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек кўшни давлатлардан тартибида амалга оширилиши мумкин.

Текширишларни тартибга солиши борасида ҳам йилдан йилга тадбиркорлар хуқуқини ҳимоя қилиш ва текширишларни қисқартиришга қаратилган меъёлрлар қабул қилинмоқда.

Солиқ қонунчилити бузилганда ва қонунбузарлик ҳолатлари аниqlанганда, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриш тўғрисида қарор қабул қилинади. Ушбу чораларни қўйидагича гурухлаш мумкин:

- молиявий жарималар;
- маъмурой жавобгарлик;
- жиноий жавобгарлик;

Молиявий жарималар асосан текширишлар натижаси бўйича қўлланилади. Шунингдек, айрим хукуқбузарликлар бўйича жарималар текширишлар амалга тақдирда ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, ўз вақтида солиқ ва йигимларни тўламаганлик учун пеня ҳисоблаш, соликлар бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган муддатларда тақдим етмаганлик учун жарималар қўллаш шулар жумласидандир.

Солиқ маъмурчилигини мазкур соҳасида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Ушбу йўналишда амалиётда учраётган муаммолар ва мунозарали ҳолатларни бартараф этиш мақсадида юқорида келтирилган янгиликлардан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектларга молиявий ва маъмурой чораларни қўллаш бўйича ягона мувофиқлаштирилган меъёрий хужжат ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиқлар ва йигимларни тўлаш заминида давлат билаи солик тўловчи ўртасидаги иқтисодий муносабат ётади. Мазкур муносабатларни яхшиланишида солик тарғиботи муҳим рол ўйнайди. Солик муносабатларини тартибга соловчи қонунларда солик тарғиботининг хукукий кафолатлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексида солик органларидан тегишли ахборотларни олиш солик тўловчиларнинг хукуклари сифатида акс еттирилган бўлса, «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги конунда солик тўловчиларга маслаҳатлар бэриш солик органларининг вазифа ва мажбуриятлари сифатида белгиланган.

Солик тарғиботи юзасидан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш зарур. Солик маданиятини юксалтириш, солиқлар моҳиятини фуқароларимиз онгига ёшлиқдан сингдириб, мактабларда «Солиқлар» тўғрисида фан жорий этиш ва бу йўналишда ўқитишини ташкил этиш лозим. Оммавий ахборот воситалари орқали солик қонунчилигини мазмун ва моҳиятини очиб берувчи оммабоп кўрсатув, ешттириш, мақолалар ташкил этишини яна ҳам кўпайтириш керак. Энг асосийси, Президентимиз таъкидлаганларидек, шунга эришмоғимиз керакки, хар бир солик, тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, солик тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилсин.

Таянч иборалар:

солик тизими, тушунча, тамойил, солик муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солик сиёсати, давлат солик хизмати органлари, солик юки, солик ставкаси, солик маъмурчилиги, солик ҳисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солик сиёсатида солик маъмурчилигининг тутган ўрни ва асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Солик маъмуриятчилиги шаффоғлигини таъминлаш, солик тўловчиларнинг хукукий саводхонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларга изоҳ беринг?
3. Мамлакатимизда солик тизимини соддалаштириш ва солиқларни бир хиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар нималардан иборат?
4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йигишида, солик солинадиган базани кенгайтиришда ва солик тўловчиларнинг хукукий маданиятини оширишда муайян муаммоларни қайд этинг?
5. Солик маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирларини кўрсатиб беринг?

II ҚИСМ. СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

4-БОБ. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ВА СОЛИҚ ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТИЗИМИ

4.1. Солиқ идораларида юридик ва жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби.

4.2. Идентификация рақами (СТИР) тушиунчаси ва уни жорий қилишининг зарурияти.

4.3. Солиқ тўловчилар ҳисобини юритишда дастурий маҳсулларнинг аҳамияти.

4.4. ДСХ идораларида ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасини шакллантиришида ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини ошириши.

4.1. Солиқ идораларида юридик ва жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби.

Юридик ёки жисмоний шахслар фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилиши, даромадларининг бир кисмини давлат бюджетига солиқлар сифатида ундирилиши улар фаолиятининг қонун томонидан химояланганлигини таъминлайди.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 20.08.2003 йилдаги 357-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи хужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида” ги Низомга мувофиқ олиб борилади. Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри жойлардаги статистика органлари томонидан

тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилиши манбааларига кўра ва мулкчилик шаклига кўра гурухлаган ҳолда қўйидаги Вазирлик ва ташкилотлар рўйхатдан ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан:

- аудиторлик ташкилотлар;
- сугурталовчилар ва сугурта брокерлари;
- биржалар;
- Акстиядорлик компаниялари ва холдинглар;
- хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар;
- Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ;
- солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари;
- қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар

Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан:

- хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар;
 - Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар;
 - қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар
- Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларидан:**
- барча тадбиркорлик субъектлари;
 - хорижий сармоя иштироқидаги корхоналар юкорида кўрсатилганлардан ташқари

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш Инспекциялар томонидан давлат божи ундирилади, унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Олинган маблағлар Инспекциялар ихтиёрида улар фаолиятини молиялаштириш манбай сифатида қолади ва фақат уларнинг моддий-техника

базасини мустаҳкамлашга ҳамда ходимларни рагбатлантиришга йўналтирилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

дехқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил қилинадиган акстиядорлик жамиятларидан давлат божи олинмайди;

бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларидан давлат божи белгиланган миқдорнинг 20 фоизи миқдорида ундирилади.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб, почта алоқаси воситасида ёки Интернет тармоғи орқали) белгиланган шаклдаги ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

1. Давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг иккى асл нусхаси

- устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси;
- маъсулияти чекланган ҳамда кўшимча маъсулиятли жамиятлар учун таъсис шартномаси ва устав;
- оиласий корхона, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун фақат таъсис шартномаси;
- акстиядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган дехқон хўжаликлари фақат устав;
- Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади.

2. Давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (дехқон – хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акстиядорлик жамиятларидан ташқари);

3. Фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирмачи номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва парол (кейинги ўринларда — фирмачи номининг захирага олинини тасдиғи);

4. Икки нусхада муҳр ва итамип эскизлари илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиши учун жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Инспекцияга келган ҳолда, почта алоқаси воситасида ёки Интернет тармоғи орқали Низомда кўрсатилган шаклда давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисида ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиши тўғрисидаги аризага қуидагилар илова килинади:

1. 3x4 см ўлчамдаги иккита фотосурат;

2. давлат божининг тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

3. икки нусхада муҳр ва итамип эскизлари;

4. паспорт нусхаси.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиши ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги карор зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиши тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб:

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлари бўйича — 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;

юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тадбиркорлик субъектига Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг тегишли идоравий сайтларидан фойдаланиб реал вақт режимида Интернет тармоғидан олинган СТИР ва ХТУТ кодларини беради.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширилган кундан бошлаб бир кун мобайнида тадбиркорлик субъекти жойлашган жой бўйича давлат реестридан олинган унинг тўғрисидаги маълумотларни:

юридик шахслар бўйича — статистика ва солиқ органларига, акциядорлик жамиятлари хисобланган юридик шахслар бўйича эса, — шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ҳам;

юридик шахс бўлмаган якка тадбиркорлар, юридик шахс бўлмаган дехқон хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган оиласи тадбиркорлик субъектлари бўйича — солиқ органига расман тақдим этадилар.

Маълумотлар олингач икки кун муддатда:

солиқ органлари — юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжалигини юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган оиласи тадбиркорлик субъектини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар хисобланган субъектлар учун) сугурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган дехқон хўжаликлиридан ташқари) хисобга қўяди;

давлат статистика органлари — рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган статистика кодларини текшириди ва юридик шахсни Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига киритади.

2012 йилнинг 18 июляда қабул килинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишбилармонлик мухитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун янада кулай шарт-шароитлар яратиш, рўйхатдан ўтказиш тартиботларини амалга оширишни электрон тизимга ўтказишни таъминлаш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди ва амалиётда ўз самарасини кўрсатди.

4.2. Идентификация рақами (СТИР) тушунчаси ва уни жорий қилишнинг зарурияти

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахсларга берилган СТИРларни кўрсатган ҳолда рўйхатга олинганлик тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда маълумот тақдим этилади. Ушбу маълумот туман (шаҳар) ДСИ бошлигининг муносабат белгиси билан Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходимига топширилади.

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими ушбу маълумотни 1 иш кунида китобга қайд қиласи ва Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлигига (масъул ходимига) имзо кўйдирган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотни топширади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 80-моддаси талабларини бажариш мақсадида давлат рўйхатидан ўтказиладиган юридик ва жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган жойда конун хужжатларида белгиланган тартибида хисобга қўйилиши керак.

Юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига хисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт. Аризага юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг кўчирма нусхаси илова килинади.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари солиқ солиш обьекти вужудга келган кундан эътиборан ўн кун ичида давлат солиқ хизмати органига хисобга қўйиш тўғрисидаги аризани тақдим этиши шарт.

Идентификация рақами(СТИР) тушунчаси ва уни жорий қилишнинг зарурияти.

Давлат солик инспекцияларида солик тўловчилар ва солик тушумларига оид маълумотларни юритиш ва аниқ хисоб-китобларни олиб бориш солик тўловчиларга идентификация рақамларини жорий этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат солик хизмати тўғрисида”ги Конунга биноан солик хизмати ходимларининг асосий функстиялари сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун хужжатларида белгиланган тартибда, рўйхатга олиш(идентификация) рақамларини берган ҳолда солик тўловчилар сифатида рўйхатга кўйиш ҳақидаги хужжатларни бериш қайд қилинган.

Идентификация рақами бу –солик тўловчиларга бериладиган маҳсус кодлар бўлиб, у солик тўловчиларга марказлаштирилган тартибда Давлат солик қўмитаси томонидан берилади.

Солик тўловчиларга идентификация рақамларини бериш қўйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- Ўзбекистон Республикаси солик тўловчиларининг идентификация рақамлари ягона реестрини шакллантириши;
- солик тўловчиларни хисобга олишни тартибга солиш;
- соликларнинг бюджетга тушишини хисобга олиш ва солик органларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича маълумотларни компьютерда ишлашни жорий этиш;
- солик қонунчилигига риоя этилиши бўйича ахборотларнинг яхлитлиги ва ишончлилиги кўп томонлама текширилиши, назорат қилинишини ташкил этиш;

•солик органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, банк муассасалари ва молиявий тусдаги, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулк бўйича операцияларни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ўртасида ахборот айирбошлишни бирхиллаштириш;

•даромадларни, тўланган соликларни ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан ижтимоий ва бошқа сугурта бўйича давлат жамғармаларига тўловларни ҳисобга олишни бирхиллаштириш.

Идентификация рақами солик тўловчининг барча солик мажбуриятлари ва барча ижтимоий ҳукуклари бўйича ягона хисобланади, унинг давлат ҳокимияти ва назорат органлари билан давлат ижтимоий сугуртаси ҳамда бошқа сугурта жамғармаларидан тўловлар (маблағлар) олиш бўйича барча ўзаро муносабатларида қўлланади ва ўзгартирилмайди.

Идентификация рақами бир марта берилади ва факат юридик шахснинг тутатилиши, жисмоний шахснинг вафоти ёки бошқа мамлакатга кўчиб кетиши муносабати билан, ушбу воқеалар рўй бергандан кейин уч йил ўтгач, бекор қилиниши мумкин.

Идентификация рақами солик тўловчиларга — юридик (жисмоний) шахсларга улар ўзлари жойлашган (яшайдиган) жойдаги давлат солик инспекциясида рўйхатдан ўтказиш шаклларини тўлдиргандан кейин берилади. Рўйхатдан ўтказиш шакллари маълумотлари давлат солик инспекциясида компьютерга ёзилади, электрон почта орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасига берилади. Давлат солик қўмитасида идентификация рақамини беришда такрорга йўл кўймаслик максадида ҳар бир солик тўловчининг маълумотлари текширилади. Берилган идентификация рақами ёки уни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, электрон тарзда давлат солик инспекциясига қайтарилади. Давлат солик қўмитасидан идентификация рақами берилгани тўғрисидаги маълумотлар олингач давлат солик инспекциясида солик тўловчиларга идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилади.

Идентификация рақамини:

давлат солик инспекциясида рўйхатдан ўтказишга асос бўладиган рўйхатдан ўтказиш хужжатларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари

билин ушбу ишларга вакил қилинган бошқа органлар томонидан (тадбиркорлик фаолияти, шунингдек, фаолиятнинг бошқа муайян турлари билан шугуланиш учун) берилган листенсияларга;

банк тўлов хужжатларининг электрон шаклларига;

давлат солиқ инспекциясига тақдим этиладиган ҳисобот хужжатларига;

давлат маҳсус жамғармаларидан ижтимоий нафақалар бериш бўйича рўйхатдан ўтказиш ва тўлов хужжатларига қўйиш мажбурийдир.

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилаётган хўжалик, фуқаролик-хуқуқий ва меҳнат шартнома (контракт)ларида, уларга иловаларда;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан битишувлар содир этилганилигини белгиловчи ёки тасдиқловчи хужжатларда, шу жумладан счёт-фактураларда ва транспорт хужжатларида;

хўжалик юритувчи субъектларда молиявий, мулкий ва киймат ифодасига бўлган бошқа мажбуриятларнинг юзага келишини, шунингдек уларнинг чакирилганилигини белгиловчи ёки тасдиқловчи хужжатларда;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қиймат ифодасига эга бўлган мулк эгаси хукуқи сотиб олинганилигини ва берилганилигини белгиловчи ва тасдиқловчи, шунингдек бундай хукуқни тасдиқловчи хужжатларда акс эттириш шарт.

Идентификация рақамлари берилиши керак бўлган субъектлар

а) юридик шахсларга;

б) қуидаги тоифадаги жисмоний шахсларга (Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, кейинги ўринларда «фуқаролар» деб юритилади);

асосий яшаш жойи бўйича фуқароларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентларига;

доимий яшаш жойига эга бўлмаган, бироқ солиқ мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси худудида пайдо бўлган фуқароларга.

Солиқ солиши мақсадида ҳисобга олинадиган фуқароларга қуидагилар киради:

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролар; шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинча турганлар ҳам; Ўзбекистон Республикасида календар йилда 183 кундан кўпроқ турган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар («Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, хорижий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофик).

Солиқ мажбуриятлари деганда жисмоний ёки юридик шахсда даромад олиш манбаи мавжудлиги ёки солиқ солишининг бошқа обьекти тушунилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами тузилиши

Солиқ тўловчининг идентификация рақами тўққизта рақамли белгидан иборатdir, дастлабки 8 рақам солиқ тўловчининг ўз рақами, охирги рақам эса назорат сонини ташкил этади.

Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари барча тўплами солиқ тўловчиларнинг типларини аниqlаштирувчи икки туркумлаш гурухига: жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган.

Ушбу мақсадларда қуидаги кодлардан фойдаланилиши керак:

20000000Хдан 29999999Хгача — юридик шахслар учун;

40000000Хдан 79999999Хгача — жисмоний шахслар учун;

бунда X-солиқ тўловчининг идентификация рақами сонлари изчилиги тўғрилигини назорат қилувчи сон, ушбу сон Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида компьютер томонидан солиқ тўловчига идентификация рақами бериш жараёнда муайян алгоритм бўйича шакллантирилади.

Зарурат бўлганда, кодлаштириш тизими имкониятларини кенгайтириш мақсадида қуидаги кодлар захира қилинган:

00000000Хдан 19999999Хгача;

30000000Хдан 39999999Хгача;

80000000Хдан 99999999Хгача.

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчининг идентификация рақами

Юридик шахс бўлган солиқ тўловчиларга идентификация рақами солиқ тўловчи томонидан туман (шахар) давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш шаклини тўлдиришга кўрсатилган маълумотлар асосида берилади. Солиқ органлари билан давлат хокимияти бошқаруви бошқа органлари ўртасида ахборот айирбошлишни бирлаштириш мақсадида солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларида унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасида берилган КТУТ коди кўрсатилади.

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш у ташкил этилган жой бўйича солиқ инспекцияси томонидан факат бир марта амалга оширилади.

Юридик шахсни солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш унинг томонидан ўзи ташкил этилган жойдаги давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш солиқ шакли маълумотлари асосида Давлат солиқ қўмитасида унга идентификация рақами берилгандан ҳамда унга ташкил этилган жой бўйича давлат солиқ инспекциясида солиқ органларида рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувохнома берилгандан ва идентификация рақами берилгандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда мустакил юридик шахс сифатида иш кўрувчи ҳамда алоҳида ҳисоб-китоб счётига эга бўлган ваколатхоналар ва филиалларни рўйхатдан ўтказишида рўйхатдан ўтказиш маълумотларида бош корхонанинг идентификация рақами ҳам кўрсатилади.

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчининг идентификация рақами

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчиларга идентификация рақами тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчи томонидан туман (шахар) давлат солиқ инспекциясида солиқ мажбуриятлари пайдо бўлиши факти юзасидан рўйхатдан ўтказиш шакли тўлдирилгандан кейин берилади. Бошқа солиқ тўловчиларга — жисмоний шахсларга рўйхатдан ўтказиш шакллари уйма-уй юриб расмийлаштирилади. Солиқ органлари

билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви бошқа органлари ўртасида ахборот айирбошлишни бирлаштириш мақсадида Ўзбекистон фуқароларининг рўйхатдан ўтказиш маълумотларида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти рақами ва идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилади.

Жисмоний шахсни рўйхатдан ўтказиш яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида факат бир марта амалга оширилади. Ҳар бир солиқ тўловчи факат битта идентификация рақамига эга бўлиши мумкин.

Жисмоний шахсни солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш унинг томонидан яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш солиқ шакли асосида Давлат солиқ қўмитасида унга идентификация рақами берилгандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўз паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда давлат солиқ инспекциясида асосий рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўзгаришини ҳисобга олишининг рўйхатдан ўтказиш шаклларини тўлдирадилар, бошқа солиқ тўловчиларга — жисмоний шахсларга ушбу шакллар уйма-уй юриб тўлдирилади.

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш эски намунадаги паспортга эга бўлган фуқаролар учун ҳам, янги намунадаги паспортга эга бўлган фуқаролар учун ҳам амалга оширилади.

4.3. Солиқ тўловчилар ҳисобини юритишида дастурий маҳсулларнинг аҳамияти.

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчилар билан ишлашда солиқ инспекторининг ишини осонлаштириш ва солиқ тушумларига оид маълумотларни аниқ шакллантириш мақсадида ахборот тизимининг дастурий маҳсуллари жорий қилинган. Давлат солиқ идоралари бўғинларининг бўлимлари томонидан юритиладиган ҳамда ушбу бўлим ва шўъбаларда фаолият кўрсатувчи инспекторларга индивидуал логин ва пароллар билан бириктириб берилган дастурий мажмуалар

такомиллаштирилиб, солиқ идоралари ва солиқ тұловчилар орасидаги мулокот қилишга хизмат қилиб келмоқда. Амалиётта ДСҚ томонидан жорий қилинган 18 та интерактив давлат хизматлари, 21 та Давлат солиқ хизмати органлари томонидан күрсатилаётган давлат хизматлари ва 20 та электрон хизматлари фаол ишлаб, солиқ тұловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари орасидаги муомала жараёниның әнгиллаштириб бермоқда.

Давлат солиқ инспекцияларида солиқ тұловчиларга оид статистик маълумотларни шакллантириш бу маълумотларга ишлов бериш ва солиқ тушумлари хисоби “Солиқ ва бошқа мажбурий тұловлар тушумларини хисобга олиш, таҳлил қилиш маълумотлар базасига хизмат күрсатиш бўлими” томонидан бажарилади. Ушбу бўлимда юритиладиган дастурий маҳсуллар ёрдамида:

1) Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармаларига тұловларни таҳлил этиш ва прогноз қилиш;

2) солиқ тұловчилар, солиққа тортиш объектлари, хисобланған ва тұланған солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тұловлар, шунингдек улар бўйича имтиёзлар тұғрисидаги ахборотларни йиғиши, қайта ишләш ва сақлаш;

3) солиқ тұловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилишини камерал назорат қилиш, шунингдек давлат солиқ хизмати идораларига юклатылған вазифаларнинг ижросини назорат қилиш учун ахборот таъминоти;

4) солиқ тұловчиларнинг солиқ ва молия хисоботлари ҳамда солиқ тұловчилар тұғрисидаги бошқа ахборотларни автоматлаштирилган тарзда хисобга олиш;

5) солиқ маъмуриятчилиги жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

6) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа вазирликлар ҳамда идоралар ўртасида, жумладан алоқа каналлари орқали электрон ахборот алмашувини ташкил этиш;

7) солиқ тұловчиларга реал вақт режимида кенг кўламли интерактив хизматлар кўрсатиши ташкил этиш;

8) ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мавжуд маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш каби вазифлар бажарилади.

“Солиқ ва бошқа мажбурий тұловлар тушумларини хисобга олиш, таҳлил қилиш маълумотлар базасига хизмат кўреатиши бўлими Солиқ ва бошқа мажбурий тұловларни хисобга олиш ва статистикаси” бўлими томонидан солиқ тұловчиларни обьектлари бўйича хисобга олиш ва ягона интерактив базани шакллантириш мақсадида куйидаги дастурий маҳсуллардан фойдаланилади:

T/p	Автоматлаштирилган ахборот тизимининг тұлық номи	Автоматлаштирилган ахборот тизимининг қисқа номи
1.	«Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи юридик шахслар (СИАИЖ-4)» дастурий мажмуси	«Юридик шахслар хисобини ва шахсий карточкаларини юритиши» дастурий мажмуси
2.	«Солиқ инспекторининг автоматлаштирилган иш жойи юридик шахслар (СИАИЖ-4)» дастурий мажмуси	«Жисмоний шахслар хисобини ва шахсий карточкаларини юритиши» дастурий мажмуси
3.	«Давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларига тушумлар хисобини юритиши»	«1-Н»
4.	«Банк-ДСҚ»	«Банк-ДСҚ»
5.	«Жамғаривор бориладиган пенсия бадали кунлик тушумларини қайта ишләш»	«Пенсия бадали»
6.	«Солиқ тұловчилар тарихи»	«Солиқ тұловчи тарихи»
7.	«Солиқ тұловчи жисмоний шахслар ҳақида маълумот»	«Веб сўров»
8.	«Қуйи давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини масофадан туриб назорат ишш тизими»	«Масофадан назорат тизими»

4.4. ДСХ идораларида ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасини шакллантиришда ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини ошириш.

Давлат солик қўмитасининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасини яратиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1455-сонли, 2011йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1668-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 марта “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сонли ҳамда 2012 йил 30 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солик хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1843-сонли қарорлари асосида амалга оширилган ва такомиллаштирилб келинмоқда.

Давлат солик қўмитасининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базаси солик тўловчиларнинг солик мажбуриятлари, уларда солик мажбуриятлари пайдо бўлиши (тўхтатилиши) бўйича ва солик тўловчиларга тегишли бўлган бошқа маълумотлар уйғунлашган Давлат солик хизмати органларининг ягона ахборот тизимини ташкил киласди. Ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасининг мақсади куйидагилардан иборат:

-солик тўловчилар, соликка тортиш обьектлари, хисобланган ва тўланган соликлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек улар бўйича имтиёзлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва саклаш;

-солик тўловчилар томонидан солик мажбуриятларининг бажарилишини камерал назорат қилиш, шунингдек давлат солик хизмати идораларига юклатилган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш;

-солик тўловчиларнинг солик ва молия ҳисботлари ҳамда солик тўловчилар тўғрисидаги бошқа ахборотларни автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олиш;

-солик маъмурчилиги жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

-Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва бошқа вазирликлар ва идоралар ўртасида, жумладан алоқа каналлари орқали электрон ахборот алмашувини ташкил этиш;

-солик тўловчиларга реал вакт режимида кенг кўламли интерактив хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

-ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мавжуд маълумотларни химоя қилиш чораларини кўриш.

Ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасидаги ички маълумотлар билан шакллантириш Ахборот-таҳлил, Юридик шахсларни соликка тортиш, Жисмоний шахсларни соликка тортиш, Солик бўйича қарзларни мажбурий ундириш бош бошқармалари ҳамда уларнинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилади.

Солик ва бошқа мажбурий тўловлар тушумини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш даражасини оширишга, солик тушумларининг кўшимча манбаларини аниқлаш ва солик тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олишга, шунингдек солик тўловчилар учун кўрсатилаётган интерактив хизматлар турини кенгайтириш ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган давлат солик хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида 2012 йилнинг 30 октябр санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1843-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Ахборот-таҳлил бош бошқармасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди:

Ушбу қарор билан солиқ идораларининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасини шакллантиришини босқичма-босқич амалга ошириш белгилаб берилди:

биринчи босқич (2013 йил 1 январгача) — барча ҳудудий давлат солиқ инспекцияларининг ахборот базасини марказий маълумотлар базасига интеграциялаштириш;

иккинчи босқич (2015 йил 1 январгача) — солиқ тўловчилар мажбуриятларининг пайдо бўлиши (тўхтатилиши) бўйича вазирликлар ва идораларнинг маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар ягона ахборот базасига интеграциялаштириш. Шунингдек, ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг янгилangan тузилмасини ишлаб чиқиш ва давлат солиқ хизмати идораларига солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари пайдо бўлиши (тугатилиши) тўғрисида маълумот тақдим этадиган идора ва ташкилотларнинг рўйхатини кўриб чиқиб тасдиқлатиш вазифалари белгилаб берилди.

Карор талабига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда вазирлик ва идоралар ўртасида алоқа каналлари орқали йўлга кўйилган электрон ахборот алмашинуви.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сонли қарорининг 2-иоловасида кўрсатилган 43 та вазирлик ва идоранинг 38 таси билан 83 та йўналишдаги маълумотлар бўйича ўзаро ахборот алмасиши борасида битимлар имзоланиб ахборот алмашинуви ташкил этилган.

Шунингдек, ушбу қарорда кўрсатилган вазирлик ва идоралар билан аввал тузилган битимлар қайта кўриб чиқилиб, 9 та вазирлик ва идоралар билан 13 та йўналишдаги маълумотлар бўйича ўзаро ахборот алмашинуви соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги қўшимча келишув битимлари имзоланган.

Шу билан бирга, ахборот тақдим этадиган вазирлик ва идоралар ҳамда маълумотлар таркибини кенгайтириши мақсадида, Қарорда кўзда тутилмаган

16 та вазирлик ва идоралар билан 29 та йўналишдаги маълумотлар бўйича ўзаро ахборот алмасиши борасида битимлар имзоланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли қарорига асосан Марказий банк билан нақд пул тушумига доир кунлик ахборот алмашинуви жорий қилинган.

Вазирлик ва идоралар билан ахборот алмашинуви лисенсе.солиқ.уз веб-тизими ҳамда ёпиқ алоқа каналлари орқали амалга оширилган холда маълумотлар Давлат солиқ қўмитасининг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида шакллантирилмоқда.

Бугунги кунда жами 54 та вазирлик ва идоралар билан 125 та йўналиш бўйича ахборот алмашинувини ташкил этиш юзасидан келишув битимлари имзоланган бўлиб, шундан 53 та вазирлик ва идоралар томонидан 112 та йўналишда маълумотлар тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан 2012 йил 20 декабрда имзоланган Битимга мувофиқ ахборот алмашинуви 2014 йил 15 январдан бошлаб тўлиқ амалга оширилиши белгиланган бўлсада, «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк обьектлари ва эр участкалари ҳакидаги маълумотларни (геодезия ва картография фаолиятидан ташкири) автоматлаштирилган равишда ҳисобга олиш ягона дастурий маҳсулни амалиётга жорий этилмаганлиги сабабли, ахборот алмашинуви ташкил этилгани йўқ.

Давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар ахборот-коммуникация каналлари орқали эмас, балки ахборот ташувчи мосламалар (флешка)да туман (шахар) давлат солиқ инспекцияларига тақдим этиб келинмоқда. Натижада, ушбу ахборотлар давлат солиқ инспекцияларининг масъул ходимлари томонидан қўмитанинг ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида шакллантирилмоқда.

Шунингдек, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан 2013 йил 24 июняда, «Ўздавтехназорат» бош инспекцияси билан 2014 йил 25 октябрда ўзаро ахборот алмашинуви соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланганд.

Таянч иборалар:

солиқ тизими, тушунча, тамойил, солиқ муносабатлари, бошқариш, харакатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳисоботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

- Солиқ идораларида юридик ва жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби.
- Идентификация раками (СТИР) тушунчаси ва уни жорий қилишнинг зарурияти.
- Солиқ тўловчилар ҳисобини юритишида дастурий маҳсулларнинг аҳамияти.
- ДСХ идораларида ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасини шакллантириша ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини ошириш.
- Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари?

5-БОБ. СОЛИҚ ИДОРАЛАРИДА СОЛИҚЛАР ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБИННИНГ ЮРИТИЛИШИ.

- 5.1. Шахсий карточка тушунчаси ва уни юритиш бўйича ишларни ташкил қилиши.*
- 5.2. Юридик шахслардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш.*
- 5.3. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш.*
- 5.4. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мудкига қаратилиши ҳисобидан тушган суммаларни ШКларда акс эттириши тартиби.*
- 5.5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммаларни ҳисобга олиши ёки солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига қайтарилган маблағлар ҳисобини юритиш тартиби.*
- 5.6. Шахсий карточкаларда пеня ҳисоблаши ва тўлаши тартиби.*
- 5.7. Фаолиятини тўхтатган солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини ҳисобини юритиш тартиби.*
- 5.8. Солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритилишини назорат қилиши ва жавобгарлик.*

5.1. Шахсий карточка тушунчаси ва уни юритиш бўйича ишларни ташкил қилиши.

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси 51-моддаси ва Солиқ Кодексининг 6-моддаларига асосан мамлакатимизда солиқлар ва қонун билан белгиланган бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурийлиги қатъий равишда белгилаб кўйилган. Шунингдек солиқ тўловчилар (юридик ва жисмоний шахслар) солиқ кодекси 34-моддасида белгиланганидек, ўзларига юклатилган солиқ мажбуриятларини бажариш учун давлат солиқ хизмати органларида рўйхатда туришлари шарт. Хўжалик юритувчи субъектлар

давлат рўйхатидан ўтгач, жисмоний шахслар эса участка давлат солиқ инспекторлари томонидан рўйхатга олингач Давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида рўйхатга туради ва унинг зиммасига қонун хужжатларига биноан солиқ тўлаш мажбурияти юклатилади. Шу муносабат билан солиқ субъектлари ва солиқ органлари ўртасида хукукий муносабатлар ўрнатилади.

Давлат солиқ органларига келиб тушадиган ахборотнинг катта хажмларда бўлиши, уларга қиска муддатларда унумли ва аниқ ишлов бериш зарурлигини инобатга олиб ходимларнинг сай-аракатидан бевосита солиқ хизмати органларининг асосий функционал вазифаларини хал этишда компьютер технологияларидан фойдаланиш солиқ хизматлари ишининг барча жараёнларига жорий этилган.

Бугунги кунда Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкалари ДСҚ раисининг 2012 йил 15 сентябрдаги 350-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритиш” тартибига асосан юритилади.

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, Мехнат кодексига, Фуқаролик кодексига хамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг жамғарив бориладиган Пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги Конунлари ва бошқа норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларида бюджетга, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғарив бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, Ўзбекистон ёшлиарининг «Камолот» ижтимоий харакатини ривожлантириш жамғармасига хамда Давлат солиқ қўмитасининг

моддий ёрдам, ижтимоий химоялаш, солиқ органларини ривожлантириш ва кутилмаган харажатлар махсус жамғармасига тўловларнинг тезкор ҳисобини юритиш, солиқ органларининг функционал бўлинмалари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуву тартибини белгилайди.

Худудий давлат солиқ инспекцияларида солиқ тўловчиларни ҳисобга олиши ва уларнинг шахсий карточкаларини электрон кўринишида юритиш ишлари “Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш” бўлими томонидан юритилади. Давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини бажарилишига доир айрим маълумотлар солиқ тўловчининг шахсий карточкаларида юритилади. Солиқ тўловчининг шахсий карточкаси хақида сўз юритар эканмиз, аввало бу тушунчага таъриф берсак:

солиқ тўловчининг шахсий карточкаси (кейинги матнда «ШК» деб юритилади) – Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тегишли дастурий махсул орқали солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажарилиш ҳисоби юритиладиган электрон шаклдаги хужжатдир;

Давлат солиқ хизмати органларида бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисоби бюджет классификастиясига мувофиқ тегишли ШКларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек пена я жарималарнинг ҳисобланган хамда тўланган суммаларини акс этган холда юритиш учун, тўлиқ Давлат солиқ қўмитасининг (кейинги матнда «ДСҚ» деб юритилади) Юридик шахсларга солиқ солиш ва Жисмоний шахсларга солиқ солиш бош бошқармалари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тури бўйича амалдаги мавжуд ШКлар ёки банк ҳисобварақлари рўйхати бюджет классификастияси ва солиқ ҳисоботи шаклларидан келиб чиқиб очилиши ёки ёпилиши бўйича инвентаризастия қилиб борилади. Солиқ қонунчилигига киритиладиган ўзгартиришлар белгиланган тартибда қонуний кучга киргандан сўнг, 10

кун муддатда солиқлар ва бошқа мажбурий түловларнинг элементлари кўрсатилган холда тўлиқ ДСҚнинг Ахборот - тахлил бош бошқармасига расман маълум қилиб борилади.

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар тури бўйича очилиши ёки ёпилиши лозим бўлган ШКлар ёки банк ҳисобвараклари бўйича расман берилган маълумотга асосан дастурий мажмуаларга ўзгаришиш киритиш юзасидан Ахборот - тахлил бош бошқармаси тегишлигича Янги технологиялар илмий - ахборот марказига буюртма топшириклар беради.

2. Давлат солиқ хизмати органларида ШК миллый валюта – сўмда юритилиди. Конун хужжатларига асосан солиқ ҳисоби чет эл валютасида юритилиши белгиланган тақдирда, ШК чет эл валютасида хамда унга мос равишда миллый валютада юритилиши мумкин.

3. ШКларда кўйидаги суммалар акс эттирилади:

а) солиқ тўловчининг солиқ ҳисботига, шу жумладан аниқлаштирилган солиқ ҳисботига ва текширишлар натижасида қўшимча ёки камайтиришига ҳисобланган суммалар;

б) тўланган (ундирилган) суммалар;

в) кайтарилиган ёки амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий түловларнинг бир туридан бошқа турдаги солиқ карзи учун ҳисобга олинган суммалар;

г) тўлаш муддати кечикирилган (бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган) түловлар;

д) ҳисобдан чиқарилган ва алоҳида ҳисоби юритиладиган суммалар;

е) ҳисобланган пеня ва бошқа молиявий санкстиялар.

4. ШКни юритиш дастурий маҳсулида маълумотлар базасига ушбу Тартибда белгиланган тарзда маълумотлар киритилади ва тўлиқлигича сакланиши таъминланаб, ноқонуний фойдаланишдан химояланади.

5. ШКга маълумотлар асосан бирламчи хужжатлар ёки маҳсус электрон рақамли имзо билан юборилган электрон ҳисботлар (аниқлаштирилган ҳисботлар) асосида киритилади.

6. ШКга барча ёзувлар кетма-кет тартибда саналари ва киритилаётган ёзувларнинг хаққонийлигини тасдиқловчи хужжатлар (солиқ ҳисботлари, аниқлаштирилган солиқ ҳисботлари, тўлов хужжатлари, банк кўчирмалари, текшириши натижасида расмийлаштирилган 10-шакл маълумотлари, ариза ва ваколатли органлар хужжатлари, хўжалик ва фуқаролик судлари қарорлари, ажримлари ва бошқа қонун билан белгиланган хужжатлар) кўрсатилган холда тегишли устунларда акс эттирилади.

Солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларни юритиш бўйича ишларни ташкил қилиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. ШКларни юритиш хукуки факат функционал вазифалардан келиб чиқкан холда давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг буйруги билан юқлатилган масъул ходимларга берилади.

2. Давлат солиқ хизмати органининг буйруги билан Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисбга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими маълумотлар базаси администратори этиб тайинланади, унга мазкур Тартиб ва бошқа қонун хужжатларда белгиланган вазифалар хамда жавобгарликлар юқлатилади.

3. Хизмат вазифасида фойдаланиш учун ШКлардаги маълумотларни киритиш ва ўзгаришиш хукукисиз, фақатгина кўриш хукуки давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг расмий кўрсатмаси асосида тегишли масъул ходимларга берилиши мумкин.

4. ШКларга маълумотларни киритиш ва уларни ўзгаришиш хукуки берилган ходимларга маълумотлар базаси администратори томонидан алоҳида «парол» ёки электрон рақамли имзо (кейинги матнда «парол» деб юритилади) берилиб, ушбу «парол» асосида маълумотлар базасига кириб ишлашга рухсат берилади.

5. ШКларга маълумот киритиш ва уларни ўзгаришиш хукукини берувчи «парол»ни масъул ходим ва маълумотлар базаси администратори томонидан бошқа шахсларга ошкора килиниши, шунингдек ШКларга бошқа ходимнинг пароли билан маълумотлар киритиш ёки киритилган маълумотларни

ўзгартириш (ўчириш) қатъиян тақиқланади, Давлат солиқ инспекцияси (кейинги матнда «ДСИ» деб юритилади) раҳбариятининг рухсатига асосан Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи томонидан ноаниқликларни тўғрилаш мақсадида ШКга киритиладиган ўзгартиришлар бундан мустасно.

6. Маспул ходимларга алохидা берилган «парол»лар заруриятдан келиб чишиб, ходимнинг ўзи томонидан ўзгартириб турилади ва ушбу киритилган ўзгартиришлар маълумотлар базасида сақланиб борилади.

Маълумотлар базасида «парол»ларни қайд қилиш электрон журнали дастурий мажмууда юритилади. Электрон журналда хар бир ходим ва унинг амалдаги пароли автоматик тарзда қайд қилиниб борилади. Электрон журналдаги маълумотлар шифрланади хамда у билан ишлашга факат маълумотлар базаси администраторига рухсат этилади.

Ходимлар эгалаб турган лавозимидан озод этилганда ёки бошқа лавозимга ўтганда маълумотлар базасига кириб ишлаш учун унга берилган имконият (доступ) маълумотлар базаси администратори томонидан беркитилади.

ШКларда амалга оширилган хар бир операция ва уни амалга оширган масъул ходимнинг исми шарифи, санаси ва вақти дастурий маҳсул томонидан маҳсус электрон журналда қайд этиб борилади. Хар бир операциянинг эски холати кейинчалик аниқлик киритиш мақсадида ва назоратини таъминлаш учун автоматик тарзда сақланиб қолинади.

Солиқ органининг масъул ходимлари (ДСИ бошлиғи, масъул ўринбосари ва Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи) лавозимга тайинланаётганда ёки вазифасидан озод қилинаётганда, ушбу санага маълумотлар базаси архивланади ва архив файлининг номи, хажми ва санаси кўрсатилган холда топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, ДСИ администраторида сақланади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ҳисобини юритиш бўйича хужжатлар солиқ қонунчилигига белгиланган иш юритиш хужжатлар жилдида (номенклатура) белгиланган муддатларгача сақланади. Кўрсатилган муддат тугагандан сўнг, белгиланган тартибда солиқ органининг архивига топширилади.

Молия йили тугаши билан ШК бўйича қолдиқ суммалари кейинги йилга ўтказилади хамда маълумотлар базаси тўлиқ архивланиб, ДСКнинг 2007 йил 21 декабрдаги «Давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар маълумотлар базаси архивини ДСКга тақдим этиш ва сақлаш тўғрисида»ги Ички тартиби асосида ДСИ, Давлат солиқ бошқармаси (кейинги матнда «ДСБ» деб юритилади) хамда ДСКда сақлаш учун олиб қўйилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобга олиш хужжатлари қўйидаги иш юритиш жилдларида сақланади:

- а) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ тўловчининг солиштирма далолатномаси хамда ШКсидан кўчирма;
- б) молия идораси, банк муассасаси ва бошқа ваколатли ташкилотлардан олинган, бюджет классификастияси бўйича амалга оширилган банк операцияларининг тўлов хужжатлари ва банк кўчирмалари, тўлов реестрлари;
- в) ортиқча тўланган суммаларни ҳисобга олинганлиги ёки қайтарилганлиги бўйича хужжатлар;
- г) ШКларни бошқа туман (шахар) солиқ органига жўнатиш ва қабул қилиш юзасидан хужжатлар;
- д) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни мажбурий ундириш бўйича хужжатлар;
- е) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришда тўлаш муддатларини ўзгартирилиши юзасидан хужжатлар;
- ж) солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари тўхтатилганлиги тўғрисида хужжатлар;

з) тутагилган солик тўловчиларнинг солик мажбуриятларини ижроси тўғрисидаги хужжатлар;

и) қайта ташкил бўлган солик тўловчиларнинг солик мажбуриятларини ижроси бўйича хужжатлар;

к) Давлат бюджетининг келгуси йилдаги асосий параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг карорлари, шунингдек бюджет классификацияларига ўзгариши киритиш тўғрисидаги Молия вазиригининг буйруклари;

л) иш юзасидан бошқа зарурий хужжатлар.

2. Солик тўловчининг шахсий карточкасида умумий тартибда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) солик тўловчининг идентификацион рақами (кейинги матнда СТИР деб юритилади);

б) солик тўловчининг тўлиқ номи;

в) солик тўловчининг юридик манзили;

г) солик ёки мажбурий тўлов тури номи;

д) бюджет классификацияси асосида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ўтказиладиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар хисоб рақами;

е) солик тўловчининг мулкчилик шакли;

ж) солик тўловчининг юқори ташкилоти;

з) солик тўловчининг фаолият тури;

и) солик тўловчига хизмат кўрсатувчи банк номи, банк коди ва банкдаги асосий (бирламчи) хисоб рақами;

к) солик тўловчи юридик шахснинг раҳбари ва бош хисобчисининг исми, шарифи (Ф.И.Ш) хамда телефон рақамлари.

Юридик шахсларнинг шахсий карточкаларини очишнинг умумий коидалари:

1. ШК амалдаги солик қонунчилигига асосан солик тўловчининг мажбуриятларидан келиб чиқиб, хар бир солик ва бошқа мажбурий тўловлар тури бўйича алоҳида очилади.

2. Давлат солик хизмати органларида бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий харакатини ривожлантириш жамғармасига, Давлат солик қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий химоялаш, солик органларини ривожлантириш ва кутилмаган харажатлар махсус жамғармасига тўловлар бўйича ШК юритилади.

3. Солик тўловчи юридик шахслар давлат солик хизмати органларида ҳисобга қўйилиши (давлат рўйхатидан ўтган жойдан ташқари солик тўловчининг обьектлари бўйича ҳисобга олинган ёки «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг

15-моддасида белгиланган пенсия тўлови мажбурияти пайдо бўлган солик тўловчилар бундан мустасно) билан бир вақтда қўйидаги тўлов турлари бўйича топширилган ҳисоботга асосан ШКлар очилади:

а) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

б) ягона ижтимоий тўлов;

в) фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;

г) фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари.

4. Маълумотлар базасидаги барча солик тўловчиларнинг ўтган ҳисобот йили охиридаги қолдик суммаларини жорий йилга кўчириб ўтказиш жараёнида дастурий махсул орқали жорий йил учун ШКлар автоматик тарзда очилади.

5. Солик тўловчига ШК очиш учун асос бўлиб солик тўловчи томонидан ДСИга солик мажбуриятлари бўйича тақдим этилган солик ҳисоботлари, текшириши натижаларида солик ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича

кўшимча (камайтиришга) ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотлар ёки солиқ тўловчи томонидан тўланган тўлов топшириқномалари ҳисобланади.

6. «Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 15-моддасида белгиланган пенсия тўлови мажбурияти пайдо бўлган солиқ тўловчиларга туман (шахар) Ижтимоий таъминот бўлимидан маълумот келиб тушган кундан сўнг, 3 иш кунидан ошмаган муддатда ШКлар очилади.

7. Юридик манзили ўзгарганлиги сабабли, бошқа туман (шахар)дан келган солиқ тўловчиларга маълумот келиб тушган кундан сўнг, 1 иш кунидан ошмаган муддатда Камерал назорат бўлими томонидан Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига ДСИ бошлигининг муносабат белгиси билан билдирги берилгандан сўнг, бир иш кунида маълумотлар базаси администратори электрон файлларни маълумотлар базасига қабул қилиб тегишли ШКларни очади.

8. Маълум бир туман (шахар) солиқ органида ҳисобга олинган солиқ тўловчи бошқа туман (шахар) худудида солиқ солиш обьекти ва солиқ солиш билан боғлиқ обьектга эга бўлган тақдирда, солиқ солиш обьектидан келиб чиқиб белгиланган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича ШКлар очилади.

5.2. Юридик шахслардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритиш.

Юридик шахсларнинг ШКларидаги мавжуд барча солиқ ва мажбурий тўлов турлари бўйича ҳисобот йилининг йил охирига қолдиқ (жорий ва алоҳида ҳисоби юритилган ва тўлаш муддати узайтирилган солиқ қарзи ва пеняси, пеня ҳисобланмайдиган солиқ қарзи, ортиқча тўланган суммаси, шу жумладан ҚҚС бўйича манфий қолдиғи, кўлланилган молиявий

жариманинг ундирилмасдан қолган қисми) суммалари кейинги йилнинг йил бошига қолдиқ суммаси сифатида солиқ тўловчининг шу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича очилган янги ШКларига дастурий махсул орқали автоматик равищада ўтказилади.

1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ШКдаги ўтган йил охирига қолдиқ суммаси ҳисобот йили бошига ШКнинг тегишли «қолдиқ» (салдо) қаторининг «солиқ қарзи», «пеня», «ортиқча тўланган сумма», «шу жумладан ҚҚС бўйича манфий қолдиқ» хамда «пеня ҳисобланмайдиган солиқ қарзи микдори» (ЧСННҚННП) устунларида акс эттирилади.

2. Маълумотлар базасидан барча солиқ тўловчиларнинг ШКларидаги қолдиқ суммаларни йилдан-йилга дастурий махсул орқали автоматик равища ўтказиш ваколати давлат солиқ хизмати органлари маълумотлар базаси администраторига берилади.

3. Солиқ тўловчиларнинг ШКсидаги ҳисобот йили охирига қолдиқ суммаларини кейинги йилнинг бошига қолдиқ суммалари сифатида ўтказиш солиқ органида ҳисобга қўйилган барча солиқ тўловчилар бўйича амалга оширилади.

4. Янги ҳисобга қўйилган солиқ тўловчиларнинг ШКларида ҳисобга қўйилган йил бошидаги қолдиқ сумма сифатида – «нол» акс эттирилади.

5. Юридик манзили ўзгарганлиги муносабати билан қайта ҳисобга қўйилган солиқ тўловчиларга очиладиган ШКда қолдиқ суммалар сифатида аввал рўйхатда бўлган туман (шахар) солиқ органида «шахсий карточкани узатиш» операцияси амалга оширилган санаси билан ШКдаги мавжуд қолдиқ суммалари акс эттирилади.

6. Маълум бир туман (шахар) солиқ органида ҳисобга қўйилган бўлиб, иккинчи бир туман (шахар) худудида солиқ солиш обьекти пайдо бўлган санадан бошлаб, ушбу ДСИ базасида солиқ тўловчилар ШКсида йил бошига қолдиқ сумма сифатида «нол» акс эттирилади.

7. Солиқ тўловчининг ўтган йил учун ШКсида йил бошига олдинги йилдан ўтказилган қолдиқ суммалар нотўғрилиги аникланган тақдирда,

уни тўғрилаб ўзгариши киритиш фақат тегишли хужжатлар асосида маълумотлар базаси администратори иштироқида Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиги томонидан ДСИ бошлиги номига ёзилган билдиришномага қўйилган муносабат белгиси асосида амалга оширилади.

10. Солик қарзини ундириш мақсадида тайёрланадиган инкассо топширикномалари, солик тўловчи томонидан тақдим қилинган банкда 2-сонли картотекага қўйилган тўлов топширикномалари, хulosалар реестрларида хам ушбу хужжатларни тайёрлаган масъул ходимнинг исми шарифи қайд қилиб борилади.

Солик тўловчининг почта манзили бошқа худудга ўзгарганда ШКларни бошқа ДСИга қўчириб ўтказиш тартиби.

Рўйхатдан ўтказувчи органдан солик тўловчининг почта манзили ўзгарганилиги тўғрисидаги хабарнома ва янги рўйхатдан ўтган ДСИнинг сўровномаси ДСИга келиб тушгандан сўнг, 3 иш куни давомида қузатув хати орқали янги хисобга олинаётган ДСИга кўчаётган солик тўловчи бўйича қуидаги хужжатлар юборилади:

- а) юридик иш жилди ва ундаги мавжуд хужжатлар реестри;
- б) барча ШКларидан хисобот йилига кўчирмалар;
- в) хисобот даврига солик органи билан солик тўловчи ўртасида расмийлаштирилган солиширма далолатнома;
- г) солик қарзи суммаси мавжуд бўлганда мажбурий ундирув юзасидан солик тўловчига берилган ижродаги огохлантириш талабномаси асл нусхаси;
- д) солик қарзи суммасини мажбурий ундириш бўйича солик органига келиб тушган ва суд ижрочилар Департаменти туман (шахар) бўлимига юборишга улгирилмаган суд буйруклари;
- е) юридик манзил ўзгарганилиги сабабли, солик қарзини мажбурий ундириш юзасидан солик тўловчи хисоб рақамига қўйилган инкассо топширикномаларини ижросиз қайтариб олиш тўғрисида банкка ёзилган хат

(ДСИ бошлиги томонидан имзоланган, муҳрланган ва рўйхатга олинган холда);

ж) Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қискартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустахкамлаш бўйича Республика комиссиясининг (кейинги ўринларда Республика комиссияси) баёнларига асосан тўлаш муддати кечирилган солик қарзи суммалари бўйича тегишли хужжатлар кўшимча равиша иш жилдига илова килинади.

Бошқа ДСИга ўтгаётган юридик шахс хисобот топшириши муддати ўтган давр учун хисоботларни тақдим этмаган бўлса, у холда Камерал назорат бўлими масъул ходими солик тўловчининг барча хисоботларини тўлиқ қабул қилиб олинишини таъминлайди ва ШКга киритиш учун Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходимига белгиланган тартибида топширади.

Солик тўловчининг барча хисоботлари ШКсига киритилгандан сўнг ДСИнинг масъул ходими томонидан солик тўловчи билан солиширма далолатнома тузилади.

Почта манзили ўзгараётган солик тўловчининг ШКларидан жорий хисобот йилига кўчирма 2 нусхада тайёрланиб, 1-нусхаси Камерал назорат бўлими томонидан солик тўловчининг иш жилдига кўшиб тикиб тегишли туман (шахар) давлат солик хизмати органига ишончли вакил орқали юборилади, 2-нусхаси Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида алоҳида иш жилдига сақланади.

Солик органи солик тўловчининг хужжатларини бошқа туман (шахар) солик органига жўнатишдан олдин банкда ижроси тўлиқ бажарилмаган ушбу солик тўловчига тегишли бўлган хulosаларни 1 иш куни давомида ижросиз чакириб олади.

Шунингдек, солик тўловчини бошқа ДСИ хисобга олгандан сўнг, аввал хисобда турган солик органи томонидан қўйилган инкассо

топшириқномалар (ёки корхона томонидан 2-сонли картотекага қўйилган тўлов топшириқномалари) банк муассасасидан ижросиз чақириб олинади.

Солик қарзини мажбурий ундирувга қаратиш бўлими томонидан кўчаётган солик тўловчига тегишли бўлган солик қарзларини ундириш юзасидан ижрода турган суд бўйруклари бўйича суд ижрочилар Департаментининг туман (шахар) бўлимига солик тўловчининг юридик манзили ўзгарганлиги юзасидан ёзма равишда маълумот юборилади.

Солик органи ШКларни бошқа худудга юқорида келтирилган тартибда жўнатгандан сўнг, Маълумотлар базаси администратори янги манзилдаги ДСИнинг электрон адресига солик тўловчига тегишли маълумотлар ва ШКларни почта файлини шакллантириб юборади. ШКларни юритган масъул ходим томонидан бошқа худудга юборилган солик тўловчининг ШКларидаги солик қарзи ёки ортиқча тўланган сумма, ҳисобланган пеня ва жарима суммалари «Бошқа солик органига ўтказилган» деган ёзув билан алоҳида режим орқали ҳисобдан чиқарилиб, ШКлардаги ушбу қолдик суммалари «нол»га келтириб ёпилади.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси туман (шахар) бўлими ёки бошқа ваколатли орган томонидан солик тўловчини бошқа худудга ўтганлиги ёки бошқа худуддаги солик тўловчига кўшилганлиги бўйича Давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги қарори ДСИ раҳбарининг муносабат белгиси билан Камерал назорат бўлими ходими томонидан икки иш кунида ушбу хужжатларга асосан 04-шакл тўлдирилиб маълумотлар базаси администраторига тақдим этилади, администратор томонидан маълумотлар базасига 04-шакл киритилиб, солик тўловчининг холатига ўзгартириш киритилади.

Солик тўловчини янги ҳисобга олган туман (шахар) солик органи солик тўловчининг ШКларидан кўчирмалар олгандан сўнг, 1 иш куни ичida солик тўловчига белгиланган тартибида ШКлар очиб, мавжуд солик қарзи суммаларига инкассо топшириқномалари билан бир вақтда олдинги рўйхатда турган солик органининг инкассо топшириқномаларини ижросиз

қайтариб олиш тўғрисида олдинги рўйхатда турган солик органига мурожаат қиласи.

Агарда кўчиб ўтгандан сўнг 15 кун давомида тўловлар олдин ҳисобга олинган ДСИнинг ҳисоб ракамларига амалга оширилган бўлса, корхонанинг ШКда тўлов суммаси акс эттирилиб, тасдиқланган холда ШКдан кўчирмалар янги рўйхатдан ўтган ДСИга расмий хат орқали юборилади. Тасдиқланган ШКдан кўчирма янги манзил бўйича ШКда ўзгартириш киритишга асос бўлади.

ШКларни юритиша киритиладиган маълумотлар

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланган, ундирилган, тўланган, қайтарилган (ҳисобга олинган), камайтирилган хамда қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа холатлар бўйича операциялар, текширув натижасида аниқланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хамда қўлланилган молиявий санкстиялар бўйича ШКларни юритиша куйидаги маълумотлар киритилади:

- а) солик тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этган солик ҳисоботлари асосидаги маълумотлар;
- б) солик тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этган аниқлаштирилган солик ҳисоботлари асосидаги маълумотлар;
- в) қонун хужжатлари хамда ваколатли органлар қарорлари асосида айрим солик тўловчиларнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик суммаларини тўлаш муддатини узайтириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, ҳисобдан чиқариш, пеня ҳисобланишини тўхтатиш тўғрисидаги маълумотлар;
- г) бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланган (ундирилган) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича маълумотлар;
- д) солик текширувлари натижасида кўшимча (камайтиришга) ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хамда қўлланилган молиявий санкстиялар тўғрисидаги маълумотлар;

е) солиқ қарзини солиқ тўловчининг мол-мулки сотувидан Суд ижрочилари департаменти томонидан туширилган тушумнинг 10 фоизи (судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилган);

ж) қонунчиликда кўзда тутилган бошқа холатлар.

Солиқ тўловчиларниң солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тақдим этган ҳисботлари асосидаги маълумотларни ШКларга киритиш тартиби

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2005 йил 29 июля 1500-сон билан рўйхатга олинган «Давлат солиқ ҳизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисбот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги Декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш хамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом талабларидан келиб чиқиб, Камерал назорат бўлимининг масъул ходими солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қабул қилинган солиқ ҳисботларига, солиқ ҳисботиниқабул қилинган сана, ҳисбот даври, солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР), номи, солиқ ёки тўлов тuri ва ШКга киритилиши лозим бўлган ҳисобданган (ёки камайтирилган) солиқ суммасини кўрсатган холда ҳисоблашга қабул қилинган солиқ ҳисботлари реестри (3-илова) 1 иш кунидан ошмаган мурдатда Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисбага олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими томонидан солиқ тўловчининг ШКсига юкорида белгиланган тартибида маълумотлар киритилгандан сўнг, имзо билан тасдиқланган солиқ ҳисботлари билан бирга реестрнинг 2-нусхаси 1 иш кунидан ошмаган мурдатда Камерал назорат бўлимининг масъул ходимига қайтариб берилади.

2. Реестр 2 нусхада тузилади, топширган ва қабул қилган масъул ходимлар томонидан имзоланиб, унинг 1-нусхаси Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисбага олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида, 2-нусхаси Камерал назорат бўлимида сакланади.

3. Камерал назорат бўлими масъул ходими солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳисботларни (электрон тарзда юборилган солиқ ҳисботларидан ташқари) хар томонлама кўриб (текшириб) чиқиб, унинг пастки кисмига ШКга киритилиши лозим бўлган суммани кўрсатган холда ҳисботни қабул қилган кун билан имзолайди (проводкага беради).

Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисбага олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими эса ушбу кўрсатилган суммани ШКга ўтказади ва киритилган солиқ суммаси ва санасини кўрсатиб имзо билан тасдиқлади.

4. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисбага олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими томонидан солиқ тўловчининг ШКсига юкорида белгиланган тартибида маълумотлар киритилгандан сўнг, имзо билан тасдиқланган солиқ ҳисботлари билан бирга реестрнинг 2-нусхаси 1 иш кунидан ошмаган мурдатда Камерал назорат бўлимининг масъул ходимига қайтариб берилади.

5. Электрон тарзда тақдим қилинган солиқ ҳисботлари бўйича ШКларга маълумотлар киритиш учун асос бўлиб, электрон имзо билан тасдиқланган солиқ ҳисботлари Камерал назорат бўлимининг масъул ходими томонидан Низом талаблари асосида текшириб кўрилиб, хато ва камчилик аниқланмаган тақдирда (хато ва камчилик аниқланган тақдирда, ушбу топширилган электрон кўринишдаги ҳисбот қабул қилинмасдан солиқ тўловчига қайтарилади), ҳисботни ШКларга киритиш учун 1 иш кунидан ошмаган мурдатда «солиқ ҳисботлари қабул қилинди» белгисини кўйгандан сўнг, Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисбага олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига ўтказади

(проводка беради), ушбу бўлимнинг масъул ходими томонидан эса 1 иш кунидан ошмаган мурдатда дастурий маҳсул ёрдамида электрон

хисоботлар яна бир бор қайта кўриб чиқилиб, тегишли ШКларга ўтказилади (проводка берилади).

6. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими томонидан хисоботларда камчилик аниқланган тақдирда, бундай хисоботлар ШКларга ўтказилмасдан реестрларга изоҳ келтирилган холда 1 иш куни ичидаги Камерал назорати бўлимига қайтарилади.

7. Солиқ тўловчи томонидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича амалдаги солиқ конунчилигидан келиб чиқиб, солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари бўйича ҳисобланган, камайтиришга ҳисобланган суммалари – ШКнинг «Ҳисобланган» ёки «Камайтиришга ҳисобланган» устунларида акс эттирилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари асосидаги маълумотларни ШКларга киритиш тартиби

1. Камерал назорати бўлимининг масъул ходими солиқ тўловчи томонидан амалдаги солиқ конунчилигида кўрсатилган муддатгача солиқ органига ёзма равишда ўзгаришиш сабаблари аниқ кўрсатилган холда белгиланган тартибда, тақдим этилган солиқ ҳисоботи шакллари асосида қабул қилинган аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини ҳар томонлама кўриб (текшириб) чиқиб унинг пастки қисмига ШКга киритилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб ҳисоботни имзолайди (проводкага беради) ва 1 иш кунидан ошмаган муддатда Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига реестр асосида (4-илова) белгиланган тартибда тақдим этади.

2. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими эса ушбу кўрсатилган суммани кўриб чиқиб, камчилик

аниқланмаган тақдирда, 1 иш куни ичидаги солиқ суммаси ва санасини кўрсатган холда ШКга ўтказади ва имзо билан тасдиқлади, агарда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботида камчиликлар аниқланган тақдирда, бундай ҳисоботлар ШКларга ўтказилмасдан реестрга изоҳ келтирилган холда Камерал назорати бўлимига қайтарилади.

3. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи асосида кўшумча (камайтиришга) ҳисоблашга берилган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ШКдаги тўлаш муддати этиб – аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим қилинган сана кўрсатилади.

4. Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан ортиқ бўлса (аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи асосида кўшумча ҳисоблашга берилган), тегишли ҳисобот даврида амалда бўлган солиқ конунчилигида белгиланган тўлаш муддатидан келиб чиқиб, мазкур тафовутга қонунда белгиланган тартибда пена ҳисобланади.

5. Агар аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасидан кам бўлса (аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи асосида камайтиришга берилган), аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан ШКда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси тафовут миқдорига камайтирилганлиги акс эттирилади ва Солиқ кодексининг 46-моддасига мувофиқ пена қайта ҳисоб-китоб қилинади.

6. Аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи бўйича ҳисобланган ёки камайтиришга ҳисобланган суммалар ШКларда мос равишда «Ҳисобланган» ёки «Камайтиришга ҳисобланган» устунларда ва ҳисобланган пена устунида эса мусбат ёки манфий пена суммалари акс эттирилади.

7.Агарда, тақдим қилинган аниқлаштирилган ҳисоботдаги солиқ түрі бүйича солиқни ҳисоблаш усули ўсиб бориш тартибіда бўлиб, аниқлаштирилган ҳисоботлар йилнинг охиригача даврлар кетма-кетлигіда топширилмаган бўлса, у холда Камерал назорати бўлимни томонидан солиқ тўловчидан аниқлаштирилган ҳисоботларни ушбу йилнинг охирги ҳисобот давригача қабул қилиниши таъминланади. (жорий йил учун эса охирги қабул қилинган ҳисобот давригача аниқлаштирилган ҳисоботлар қабул қилиниши лозим).

Солиқ текширувлари натижасида қўшимча (камайтиришга) ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хамда қўлланилган молиявий жарималарни ҳисобга олиш ва ШКларда акс эттириш тартиби

1.Солиқ текшируви натижаси бўйича хужжатларни юритишига бириктирилган масъул ходим солиқ текшируви натижаси бўйича ДСИнинг қарори нусхасини солиқ тўловчига топширган кундан эътиборан 1 иш куни ичida солиқ текшируви натижаси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан қўшимча (камайтиришга) ҳисобланган тўловлар, қўлланилган молиявий жарималар ва пенялар тўғрисида Солиқ текширувлари натижаларини қайд этиш ва рақасини (5-илова) икки нусхада тўлдириб ШКга ўтказиш учун Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими тақдим этилган солиқ текширувлари натижаларини қайд этиш ва рақасининг 1-нусхасига ШКга киритиш учун қабул қилганлик тўғрисида имзо қўйиб қайтариб беради ва 1 иш куни ичida тегишли ШКларга ўтказиб, 2-нусхасига ШКга киритилганлиги тўғрисида имзо қўйиб, бўлимда алохида иш жилдида сақлади.

3.Солиқ текширувлари натижаларини қайд этиш ва рақасидаги қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хамда пеня суммаларини тўлаш муддати қилиб солиқ текшируви натижаси бўйича давлат солиқ хизмати органи қарори қабул қилинган кундан эътиборан (карорнинг нусхаси солиқ тўловчига берилган кундан) солиқ тўловчининг мурожаатига асосан давлат солиқ хизмати органи қарори асосида ўттиз кун қилиб ёки 6 ой давомида teng улушларга бўлиб тўлаш имконияти белгиланган холда ШКга киритилади. Бунда, агар солиқ тўловчи текширув натижасида аниқланган суммаларни тўлаш муддатидан олдин амалга оширган тақдирда, ШКда юзага келадиган сунъий ортиқча тўланган суммаларни бартараф этиш учун ШКдаги текширув натижалари бўйича тўлаш муддатларини тўғрилашга руҳсат берилади.

4.Солиқ текширувлари натижаларини қайд этиш ва рақасидаги молиявий жарима кисмини ШКда тўлаш муддати Солиқ кодексининг 104-моддасига мувофик белгиланади. Агарда молиявий жарима солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий тўлаб берилмаган тақдирда, ШКда молиявий жаримани тўлаш муддати суд қарори асосида белгиланади. Молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланганда ёки суд қарори асосида қўлланилгандан сўнг солиқ текшируви ўтказган ходим томонидан қўшимча расмийлаштирилган 10-шакл маълумоти асосида солиқ тўловчининг ШКда акс эттирилади.

5.Ўтказилган солиқ текширувлари натижасида солиқ тўловчига қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хамда пеня суммаларига, кейинчалик юқори орган ваколати доирасида ёки суд қарори асосида ўзгартиришлар киритилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи раҳбари (ўринбосари)нинг ёзма кўрсатмаси асосида солиқ текшируви ўтказган ходим томонидан билдирги билан бирга олдинги текшириш натижаси юзасидан тақдим қилинган 10-шакл маълумотлари билан фарқ суммасига қўшимча 10-шакл тўлдирилган холда, Солиқлар ва мажбурий

тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига тақдим қилинади.

Ушбу бўлимнинг масъул ходими томонидан солик тўловчининг ШКсига қўшимча маълумот тақдим қилинган муддат билан янги ёзувлар (аввалги ёзувлар ўчирилмасдан) киритиш орқали тегишли ўзгартиришлар киритилади, бунда ШКда олдин ҳисобланган пенялар қайта ҳисоб-китоб килиниб, ШКга пеня ўзгариши бўйича тегишли ўзгартириш киритилади.

6. Бошқа ташкилотлар ва идоралар томонидан қўлланилган жарималар ДСИнинг функционал бўлимлари томонидан жарима қўллаш тўғрисидаги карорлар келиб тушган кундан ёки молиявий жаримани ихтиёрий равища тўланган кундан эътиборан бир кун муддатда жаримани қайд этиш ва рақасини (10-шакл) белгилangan тартибда тўлдириб, Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига тақдим қилинади ва масъул ходим томонидан солик тўловчининг ШКсига киритилади.

5.3. Солик тўловчи жисмоний шахсларни рўйхатга олиш ва уларга ШКларни очиш тартиби

1. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 68-моддасига асосан солик тўловчи жисмоний шахсларни ШКларини очиш учун асос бўлиб, ваколатли органлар томонидан солик обьекти (мол-мулки, эр майдони, ишлатилган сув хажми) рўйхатга олингандаги, юридик шахс ташкил килмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик (кейинги матнларда ЯТТ деб юритилади) фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтгандаги тўғрисидаги хужжатлар, шунингдек, Солик кодексининг 189-моддасида белгилangan рўйхат бўйича даромад олган жисмоний шахслар тўғрисида олинган маълумотлар ҳисобланади.

2. Солик тўловчи жисмоний шахсларни ШКлари Ўзбекистон Республикаси ДСҚ томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган дастурий маҳсулда юритилади.

3. Қўйидаги солик тўловчи жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга солик ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня ва жарималар бўйича солик мажбуриятлари бажарилиши ҳисобини юритиш учун солик органларида ШКлар очилади:

ЯТТ фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга;
дехқон хўжаликлари (юридик шахс ташкил этмаган холда ташкил топган дехқон хўжаликлари)га;
турар ва нотурар уй-жойларга, эр участкаларига ёки бошқа соликка тортиладиган мол-мулкка эгалик килувчи фукароларга;
асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахсларга.

4. Солик тўловчи жисмоний шахс ва ЯТТ ШКлари Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 69-моддасига асосан бюджет классификациясига мувофиқ ҳар бир солик тўловчи учун алоҳида солик мажбуриятларидан келиб чиқкан холда қўйидаги соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича очилади:

- а) эр солиги;
- б) мол-мулк солиги;
- в) ЯТТга қатъий белгилangan солик;
- г) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали;
- д) эр қаъридан фойдаланувчилар учун солик;
- е) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- ж) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги;
- з) бошқа тўловлар;
- и) солик органларини ривожлантириш жамғармасига тўловлар;
- к) Оддий ширкат шартномасига асосан юридик шахслар томонидан тўланадиган ягона солик тўлови хамда акциз солиги (акциз солиги тўланадиган товар ишлаб чиқарса).

Якка тартибдаги тадбиркорлар ШКларини юритиш тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга кўйишнинг хабардор

қилиш тартибини жорий этиш түгрисида»ги 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сонли ва Вазирлар Махкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш түгрисида»ги 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарорларига асосан туман (шахар) хокимлеклари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари томонидан якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган жисмоний шахсларга берилган СТИРларни кўрсатган холда рўйхатга олингандик түгрисида давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда маълумот тақдим этилади. Ушбу маълумот туман (шахар) ДСИ бошлигининг муносабат белгиси билан Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходимига топширилади.

6. Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими ушбу маълумотни 1 иш кунида 11-иловага асосан китобга қайд қиласди ва Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғига (масъул ходимига) имзо кўйдирган холда якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатга олингандиги түгрисидаги маълумотни топширади.

7. Бундан ташқари, Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга кўйиш тартиби түгрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги 413-сонли қарорига асосан импорт операциялари фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган жисмоний шахсларнинг туман (шахар) ДСИ бошлиғи номига ёзган аризасига мувофиқ масъул ходим томонидан жисмоний шахснинг СТИР мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилади. Агар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти (ЯТТ) билан шугулланиш истагини билдирган жисмоний шахснинг СТИР маълумоти солиқ органининг маълумотлар базасида мавжуд бўлмаса, масъул ходим солиқ тўловчини

рўйхатга олиш (ўзгартириш киритиши) варақаларини (12, 12а-илова) тўлдириб, Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлименинг масъул ходимига тақдим этади.

8. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олингандик түгрисидаги маълумотлар ва Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга кўйиш тартиби түгрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги 413-сонли қарорига мувофиқ тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги түгрисидаги гувоҳномадаги маълумотларга асосан, участка солиқ инспекторий 1 иш куни ичидаги белгиланган солиқ хамда тўловлар бўйича ШКлар очиш учун Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлименинг масъул ходимига тадбиркорлар соликларини ҳисобга олиш варақасини (13-илова) тўлдириб тақдим этади ва Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими томонидан 1 иш куни ичидаги тегишли ШКлар очилади.

9. Солиқ кодексининг 382-моддасига асосан, оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият факат ЯТТлар томонидан амалга оширилган тақдирда, биргаликдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотни (ишлар, хизматлар) реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс мазкур маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумдан микро фирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловчиси, шунингдек агар биргаликдаги ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз тўланадиган маҳсулот бўлса, акциз солиги тўловчиси сифатида рўйхатга олинади.

10. Оддий ширкат шартномаси бўйича фаолият юритаётган ЯТГларни ҳисобга олиш, уларга солик ҳисоблаш ва ҳисобланган соликларни ШКга киритиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

Камерал назорат бўлими масъул ходими оддий ширкат шартномаси бўйича фаолият юритаётган ишончли шахснинг аризаси (14-илюва) ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисоб-китобларни қабул қилиб олади. ШКга киритилиши лозим бўлган ҳисобланган солик суммасини кўрсатган холда ҳисоблашга қабул қилинган солик ҳисоботлари реестри (15-илюва) билан бирга 1 иш кунида Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходимига тақдим этади;

реестр 2 нусхада тузилади, топширган ва қабул қилган масъул ходимлар томонидан имзоланиб, унинг 1-нусхаси Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида, 2-нусхаси Камерал назорат бўлимида сакланади;

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими учун реестр асосида тақдим қилинган солик турлари бўйича ҳисоботлар ШКларга киритиш ёки аввал киритилган маълумотларга аниқлик киритиш учун асос бўлади;

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими солик ҳисботида кўрсатиб берилган солик суммасини солик тўловчининг ШКсига киритади ва киритилгандиги тўғрисида солик ҳисботига ШКга киритилган солик суммаси ва санасини кўрсатиб имзо билан тасдиқлади;

ШКда киритилаётган хар бир ёзув бўйича ёзув киритилган сана, мазмуни ва ёзув киритиш учун асос бўлган хужжат тури хамда уларни киритган ходимнинг фамилияси, исми, шарифи акс эттирилади;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланган, камайтиришга ҳисобланган суммалари бўйича ёзув ШКнинг «Ҳисобланган»,

«Камайтиришга ҳисобланган» суммаларга ажратилган устунларига киритилади;

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими томонидан солик тўловчининг ШКсига белгиланган тартибда маълумотлар киритилгандан сўнг, имзо билан тасдиқланган солик ҳисботлари реестрининг 2-нусхаси билан бирга 1 иш кунидан ошмаган муддатда Камерал назорат бўлими масъул ходимига тақдим этилади;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солик тўловчи томонидан тақдим этилган аниқлаштирилган солик ҳисботларини ШКларга киритиш, тўланган (ундирилган) соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ва нотўғри ўтказилган тўловларни ШКда акс эттириш тартиблари юридик шахслардаги каби амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 373-моддасига асосан Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан фаолиятини қайта бошлаган якка тадбиркорлар тўғрисида тақдим этилган маълумот (16-илюва) ДСИнинг девонхонасида рўйхатга олинниб, Жисмоний шахсларга солик солиш бўлими бошлиғи (масъул ходими) томонидан тадбиркорлар соликларини ҳисобга олиш варақаси 1 иш куни ичida Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига топширилади. Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходимига тақдим қилинган маълумот асосида 1 иш кунида солик тўловчининг ШКсида солик ҳисбланиши давом эттирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг ШКлари, жорий соликларни ҳисоблаш, фаолият турини ўзгартириш ёки фаолиятни тўхтатиш бўйича участка давлат солик инспектори томонидан белгиланган тартибда Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига

хизмат кўрсатиш бўлимига тадбиркорнинг солиқларини ҳисобга олиш ва рақаси бўйича берилган маълумот асосида юритилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун, мол-мулк ва эр солиғи тўловчи жисмоний шахслар ШКларини юритиш тартиби

12. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 257, 272, 276, 287 ва 291-моддаларига асосан сув ресурсларидан фойдаланган жисмоний шахслар хамда жисмоний шахсларга тегишли мулки ҳисобланган квартиralар, уй-жойлар, дала-ховлилар, эр майдонлари ва бино иншоотлари бўйича мол-мулк ва эр соликларига участка солик инспектори томонидан тақдим этилган солик тўловчи жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга олиш ва рақаси (17-илова) маълумотлари асосида Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан ШКлар очилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 81-моддасига асосан жисмоний шахсларнинг мажбуриятларидан келиб чишиб, солик тўловчиларни ҳисобга олиш ва солик ҳисоблаш бўйича солик тўловчи жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга олиш ва рақаси участка солик инспекторлари томонидан 3 иш куни ичида тўлдирилиб, белгиланган тартибда Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими тақдим этилади.

Шунингдек, солик тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш даври якуни билан 1 январв холатига Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими ва Жисмоний шахсларга солик солиш бўлими участка солик инспектори билан 19-иловага асосан солиштирма далолатнома тузади. Ушбу солиштирма далолатномалар 2 нусхада тузилади, 1-нусхаси Участка солик инспекторида, 2-нусхаси Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида сакланади.

14. Солик объектлари (ер, мол-мулк) эгалари ўзгарган холларда янги эгаларнинг ДСИда солик тўловчи сифатида рўйхатга кўйиш тўгрисида берган аризасига мувофик участка солик инспектори томонидан жисмоний шахснинг СТИРи мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлек киритилади. Агар жисмоний шахснинг СТИРи мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, участка солик инспектори 3 иш куни ичида жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари асосида 12, 12а-иловаларни тўлдириб, Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими тақдим этади.

Ушбу бўлим масъул ходими 1 иш кунида жисмоний шахсни СТИР билан таъминлайди ва жисмоний шахсга СТИР берилганлик тўгрисида гувохномадан 1 нусхани участка солик инспекторига тақдим этади. Участка солик инспектори 3 иш куни ичида эр, мулкларнинг аввалги янги эгалари тўгрисидаги 18-иловадаги шаклга асосан объектнинг аввалги эгасига очилган ШКни ёпиш ва унинг янги эгасига ШКни очиш учун тўлдирилган маълумотни Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходимига тақдим этади.

15. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 257-моддасига асосан сув ресурсларини ҳисобга олувчи идораларнинг маълумотлари асосида сув ресурсларидан фойдаланувчи ЯТТларни рўйхатта олиш хамда ШК очиш мақсадида, 3 иш кунида Жисмоний шахсларга солик солиш бўлими масъул ходими солик тўловчи жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга олиш ва рақасини тўлдириб, Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходимига ҳисобланган солик суммаларини кўрсатиб, 1 иш куни ичида ШКга киритиш учун (проводка қилиб) тақдим этади.

Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими

тақдим этилган маълумотга асосан 1 иш кунидан ЯТТга ШК очиб, сувдан фойдаланганлик учун хисобланган солиқ суммаларини ШКга киритади.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахсларга ШК очиш ва юритиш тартиби

16. Асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган жисмоний шахслар тўғрисида ДСИга келиб тушган маълумотлар (ўриндош, тижорат дўконларига мол топширган, ижара, бир марталик декларация асосида солиқка тортилган жисмоний шахслар бўйича солиқ органларидан, мутасадди идора ва ташкилотлардан, участка солиқ инспекторларидан келиб тушган маълумотлар) асосида якуний ёки дастлабки Декларация тақдим этиш натижасида хисобланган даромад солиги бўйича «Фуқаролар даромадларини декларация асосида солиқка тортиш» шўйбасининг масъул ходими 20-иловада белгиланган тартибда тўлдириб ШКга киритиладиган солиқ суммаси ва санасини кўрсатиб имзо билан тасдиқланган холда 1 иш куни ичida ШКга киритиш учун Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимiga тақдим этади ва ушбу бўлимнинг масъул ходими тегишли ШК очади ва хисобланган суммаларни киритиб, имзо ва санани кўрсатиб тасдиқлади.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга қўлланилган молиявий жарималар бўйича ШК очиш ва хисобини юритиш тартиби

1. Солиқ тўловчи жисмоний шахслар, шунингдек якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар, мулк эгалари ва эрдан фойдаланувчиларнинг фаолияти юзасидан ўтказилган текширишларда қўлланилган молиявий жарималар бўйича ШКларга ёзувлар киритилади.

Жисмоний шахсларга қўлланилган молиявий жарималарга ШК очиш ва хисобини юритиш тартиби ушбу Тартибининг ИИ-боби 8-параграфида белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар хисобини юритиш

2. Бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар хамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалар бўйича келиб тушган маблағлар тўғрисидаги ёзув солиқ тўловчининг ШКга тегишли банк муассасасининг хар кунлик тўлов хужжатидан кўчирма хамда иловасидаги тўлов топшириқнома-сининг нусхаси орқали ундирилган солиқлар бўйича тегишли ШКларга киритилади.

3. Солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан ишчи ва хизматчилигининг даромадидан ушлаб қолиниб, уларнинг махаллий солиқларига ўтказилиб берилган солиқлари ДСИга (21-илова) реестр орқали (тўлов топшириқномасининг санаси, рақами, жами суммаси, хисоб рақами кўрсатилиши лозим) топширилади ва Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими томонидан реестрдаги жисмоний шахсларнинг ШКларига ўтказилади.

4. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тушган тушумлар банк хужжатларидан кўчирмалар асосида 1 иш кунидан кечиктиримай тегишлилиги бўйича солиқ тўловчиларнинг ШКларига киритилади.

5. Солиқ тўловчининг ШКларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар хамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалар бўйича келиб тушган ва қайтарилган маблағларга, банк муассасаси томонидан маблағ ўтказилганлигини тасдиқловчи банк хужжатлари бўлиб қуидагилар хисобланади:

бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланган (ундирилган) солиқ ва бошқа мажбурий ажратмалар бўйича тўлов хужжатлари;

солиқ тўловчининг тўлов топшириқномалари ва тўлов квитанстиялари;

солиқ органдын ортиқча түланган суммаларни қайтариш түгрисидеги хуносаси асосида тайёрланган молия бўлимининг тўлов топшириқномаси;

юридик шахслар томонидан ўз ишчи ва хизматчиларининг ёзма аризасига асосан иш хақи ҳисобидан жисмоний шахсларнинг эр, мулк ва даромад солигига пул кўчириш орқали ўтказилган маблағларнинг юридик шахс томонидан тасдиқланган реестри.

6. Солиқ органдын хизмат кўрсатувчи банк муассасаси томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича банк тўлов хужжатларининг электрон кўринишидаги шакли «Банк-клиент» дастурий маҳсул орқали (айрим холатларда кўлда) Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими томонидан тегишилигига кўра солиқ тўловчининг солиқ тури бўйича очилган ШКсига киритилади.

Банк тўлов хужжатларидан кўчирма қозода чоп этилган кўринишида олингандан сўнг, электрон шаклда олинган маълумотлар билан тақосланади ва фарқ аниқланган тақдирда, унга аниқлик киритилиб бартараф қилинади.

Жисмоний шахслар томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга нотўғри ёки ортиқча тўланган суммалар ҳисобини юритиш

7. Куйидаги холларда солиқ тўловчи жисмоний шахслар томонидан тўланган маблағлар нотўғри ўтказилган деб ҳисобланади:

- солиқ тўловчи жисмоний шахс томонидан СТИР кўрсатилмаганда ёки нотўғри кўрсатилганда;
- солиқ органдын нотўғри кўрсатилганда;
- солиқ ва бошқа тўловлар ҳисоб рақами нотўғри кўрсатилганда;
- тўлов мақсади нотўғри кўрсатилганда.

8. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган сумма биринчи навбатда солиқ тўловчининг бошқа солиқ турларидан солиқ

қарзини қоплашга йўналтирилгандан кейин ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммасини солиқ тўловчи жисмоний шахснинг банк муассасасида очилган ҳисоб рақамига қайтариш Солиқ кодексининг 57 ва 58-моддалари асосида амалга оширилади.

9. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими солиқ тўловчининг тўлов топшириқномасида тегишли маълумотлари тўлиқ бўлмаган тақдирда, 2 иш кунида (СТИР, яшаш манзили, ФИШ) ШКга киритилмаган тўлов хужжатлари бўйича 22-иловада белгиланган шаклда реестр тузиб, билдириг асосида Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлимига тўловларга аниқлик киритиб бериш учун тақдим этади.

10. Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи ёки масъул ходими тақдим этилган реестр асосида 3 иш куни ичидаги тўлов хужжатларига аниқлик киритиб, белгиланган тартибда ШКга киритиш учун Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига 22-иловада белгиланган шаклдаги реестр асосида маълумотларни хаққонийлигини тасдиқлаш учун имзо билан топширади.

11. Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими маълумотни олгандан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан реестр асосида аниқлик киритиб берилган тўлов хужжатларини тегишли ШКларга киритади.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг солиқ қарзи суммаси ҳисобини юритиш

12. Ҳар ой якуни билан ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими (ёки администратор) томонидан солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзлари тўгрисидаги

маълумотлар электрон тарзда (МС Эхсел файл кўринишида) Солик кодексининг 62-моддасига асосан мажбурий ундирувга қаратиш чораларини кўриш учун Солик бўйича қарзларни мажбурий ундириш бўлимига (ёки масъул қилиб белгиланган ходимга) ёзма билдиришнома (рахбариятининг муносабат белгиси) орқали тақдим этилади.

13. Тақдим этилган маълумотлар асосида Солик бўйича қарзларни мажбурий ундириш бўлими солик қарзи суммаларини кўриб чиқиб, Жисмоний шахсларни соликка тортиш бўлими билан биргалиқда Солик кодексининг 60, 61 ва 62-моддаларига асосан мажбурий ундириш чораларини кўради.

Солик тўловчи жисмоний шахснинг поча манзили ўзгарганда ШКларни бошқа солик органига кўчириб ўтказиш тартиби

14. Солик тўловчи жисмоний шахснинг поча манзили ўзгарганда, унинг ШКлари Жисмоний шахсларга солик солиш хамда Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходимлари томонидан белгиланган тартиб асосида бошқа солик органига юборилади.

Солик тўловчи жисмоний шахсларнинг ШКларни ёпиш ёки вақтингчалик тўхтатиб туриш

15. Солик тўловчи жисмоний шахсларнинг ШКларига куйидаги холатларда соликлар ва тўловлар вақтингчалик ҳисобланмайди ёки ШКлар ёпилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 373-моддасига асосан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини вақтингчалик тўхтатиш тўғрисида ариза билан давлат рўйхатидан ўтказувчи органга мурожаат қилиб, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан ахборотнома тақдим қилинганда;

б) амалдаги қонунчилик асосида рўйхатга олишнинг алоҳида тартиби жорий қилинган импорт фаолияти билан шугулланиш учун якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бутунлай тўхтатиш ёки вақтингчалик тўхтатиш

тўғрисидаги ариза билан ДСИга мурожаат қилганда (ариза ДСИ девонхонасида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт);

в) якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини бутунлай тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофик рўйхатдан ўтказувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорни давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги қарори асосида;

г) жисмоний шахснинг солик обьекти учун қонунчиликка асосан солик мажбурияти тугатилганда;

д) жисмоний шахснинг жами йиљлик даромадлари тўғрисида тақдим этган Декларациясига кўра қўшимча ҳисобланган даромад солиги бўйича солик мажбурияти тўлиқ бажарилганда (қўшимча ҳисобланган даромад солигини қисман ёки ортиқча тўлашда хосил бўладиган солик қарзи ва ортиқча тўланган суммаси мавжуд бўлган холатлар бундан мустасно);

е) солик тўловчи учун солик қонунчилигига асосан солик мажбурияти тугаган бошқа холларда.

16. ЯТТ фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг ШКларини ёпишдан аввал Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими ШКда белгиланган солик ва пенсия жамғармасига мажбурий ажратмага ҳисоблашни тўхтатиб, солик тўловчи билан 3 нусхада солиштирма далолатнома тузиб, 1-нусхаси солик тўловчига тақдим этилади, 2-нусхаси Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида, 3-нусхаси эса Жисмоний шахсларга солик солиш бўлимида сакланади.

17. Солик тўловчи билан тузилган солиштирма далолатномага асосан солик ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича солик қарзи хосил бўлса, Жисмоний шахсларга солик солиш бўлимининг масъул ходими томонидан мавжуд солик қарзини амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда

ундириш чоралари кўрилиб, солиқ қарзи пеняси билан бирга тўлиқ ундирилгандан сўнг қайта солиштирма далолатнома тузилиб, ШКлар ёпилади.

18. Солиштирма далолатномага асосан солиқ тўловчи жисмоний шахснинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича ШКда ортиқча тўланган сумма хосил бўлса, солиқ тўловчининг ёзма мурожаатига асосан Солиқ кодексининг 56-57-моддаларида белгиланган тартибда унга тегишли бошқа обьект бўйича солиқ мажбуриятларини бажарилишида ҳисобга олинади ёки қайтарилади, солиқ тўловчининг қарзи мавжуд бўлмаган холатда ШКдаги қолдиқ ортиқча тўланган суммалар давлат фойдасига ҳисобга олиниб, ШКлар ёпилади ва бу тўғрисида солиштирма далолатнома тузилади.

5.4. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратилиши ҳисобидан тушган тушумларни ШКларда акс эттириш тартиби

1. Суд ижрочилари томонидан солиқ тўловчининг мол-мулкини бевосита сотиш (реализация килиш) натижасида ундирилган пул маблагларини ШКларда акс эттирилиши куйидагича:

солиқ тўловчининг банкдаги маҳсус ҳисоб рақамига келиб тушган маблаглар (яъни, мол-мулк сотувидан тушган тушумнинг 92 фоизи) солиқ органларининг инкассо топшириқномаларига (ёки солиқ тўловчининг тўлов топшириқномаларига) мувофиқ пропорционал равишда тегишли соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари бўйича ҳисоб рақамларига белгиланган тартибда ўтказилади хамда солиқ тўловчининг ШКларига киритилади.

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилган (ундирилган) 8 фоиз маблағлар – ШКга «Суд ижрочиларининг 8 фоизлик улуси» номи билан Суд ижрочилари томонидан мажбурий ундирув бўйича ДСИга (солиқ қарзини қоплаш учун) ўтказиб берилган маблаглардан келиб чиқиб (жами ундирилган суммани 92 фоиз деб қаралиб), мутаносиб равишда тегишли соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар турларига қолган 8 фоизидан ошмаган микдорда (ортиқча

тўланган сумма хосил қилинмаган тарзда) алохида режим орқали киритилади.

5.5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммаларни ҳисобга олиш ёки солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига қайтарилилган маблаглар ҳисобини юритиш тартиби

2. Солиқлар бўйича ортиқча тўланган суммани ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56, 58 ва 227-моддалари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммани белгиланган тартибда ҳисобга олиш амалга оширилгандан кейин ортиқча тўланган солиқларнинг қолган суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварагига қайтариш Солиқ кодексининг 57, 58 ва 228-моддалари ва бошқа норматив-хукуқий хужжатларда белгиланган тартибда тегишли ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

4. Ортиқча тўланган сумма бошқа солиқ турига ўтказилган ёки солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига қайтарилилган холларда банк тўлов хужжатлари кўчирмаси асосида қайтарилилган сумма тўғрисидаги ёзув ШКда «қайтарилди» устунида акс эттирилади.

5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммаларни ҳисобга олиш ёки солиқ тўловчига қайтаришнинг ҳисоб-китоби реестри дастурий мажмуя ёрдамида электрон тарзда юритилади.

6. Кўшилган қиймат солигидан манғий қолдиқ бўйича юзага келган ортиқча тўланган сумма Молия вазирлиги томонидан солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварагига қайтарилилган тақдирда, ушбу сумма банк хужжатларини ШКга ўтказиш дастури орқали солиқ тўловчи ШКсининг «қайтарилди» устунида акс эттирилади. Бунда ДСИнинг ҳисоб рақамлар реестрида алохида ҳисоб рақам (Молия вазирлигидаги маблағ қайтарилилган

хисоб рақам) очилиб, молия вазирлиги томонидан солиқ түловчига маблағларни қайтарган түлов топшириқномасыда күрсатилган сана – ШКга операция амалга оширилган (түлов) санаси сифатида киритилади.

5.6. ШКларда пеня ҳисоблаш ва тұлаш тартиби

7. Солиқ түловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар бүйича ШКларда пеня ҳисоблаш Адлия вазирлигиде 2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан рўйхатга олинган «Солиқлар ва бошқа мажбурий түловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилди. Ҳисбланган (камайтирилган), ҳисобдан чиқарилган, ундирилган (тўланган) пеня суммалари ШКнинг пеня бўйича тегишли устунларида қайд этилади.

1724-сонли Низом Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (И)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий түловлар бўйича пеня ҳисоблаш ва ундириш тартибини белгилайди ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий түловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларига тааллуклидир.

пеня — солиқ қарзи суммасидан, белгиланган түлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган қунга қадар, түлов кунини хам ўз ичига олган давр учун қонун хужжатларида белгиланган миқдорда ҳисоблаб ёзиладиган молиявий санкция.

Солиқлар ва бошқа мажбурий түлов турлари бўйича пеня ҳисоблаш учун жойлардаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ түловчининг шахсий карточкаси очилади.

Солиқ қарзи суммасининг ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий түловлардан ошган қисмiga пеня ҳисоблаш учун солиқ түловчининг шахсий

карточкаларида хар бир солиқлар ва бошқа мажбурий түловлари (жисмоний шахслар даромад солиги бундан истисно) бўйича барча операциялар қолдиқ суммалари акс эттирилган холда операциялар амалга оширилган (солиқ түловчининг шахсий карточкаларида ёзувларни юритиш) санага ёзилади.

Солиқ түловчининг фаолиятини тугатиш юзасидан Махсус комиссиянинг хуносаси билдирги орқали олингандан сўнг, маълумотлар базасида солиқ түловчининг холати «Тугатишга тайёрланаётган корхона»га ўзгартирилади.

Солиқ түловчининг фаолиятини тиклаш юзасидан Махсус комиссиянинг тегишли хуносаси олинган тақдирда, маълумотлар базасида солиқ түловчининг холатига фаолият кўрсатаётган солиқ түловчи сифатида тегишли ўзгартириш киритилади.

Солиқ түловчининг маълумотлар базасида ўзгартиришларни тўлиқ акс эттирилиб борилишини таъминлаш мақсадида, Юридик шахсларга солиқ солиши бўлимининг масъул ходими маҳсус комиссиядан олинган маълумотларни Солиқлар ва мажбурий түловлар тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходимига тақдим этади. Ушбу бўлимининг масъул ходими тақдим этилган реестр маълумотлари асосида маълумотлар базасига тегишли ўзгартиришларни киритади.

Маълумотлар базаси администратори хар ойда бир марта ҳисбот ойидан кейинги ойнинг 3-санасигача маълумотлар базасидаги солиқ түловчининг холати тўғрисида реестр маълумотларини тегишли бўлимларга иш жараёни ва ҳисботда фойдаланиш учун тақдим этади.

Банкрот деб эълон қилинган солиқ түловчиларнинг ШКларини ҳисбини юритиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектни банкрот деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги Хўжалик судининг қарори солиқ органига белгиланган тартибда кирим қилингач, ДСИ бошлигининг муносабат белгиси билан бир нусхадан Солиқлар ва мажбурий түловлар тушумларини ҳисобга

олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига ижрога берилади.

Хўжалик юритувчи субъектни банкрот деб эълон қилинганилиги тўғрисидаги Хўжалик судининг қарори Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан ижрога олингач, банкрот корхонанинг ШКсини юритувчи масъул ходим томонидан 1 иш куни ичida корхонани банкрот деб эълон қилинган санадан бошлаб, солик тўловчининг ШКсидаги барча тўлаш муддати узайтирилган қарзларнинг тўлаш муддати келган деб ҳисобланиб ШКда тикланади.

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими (администратор) 1 иш куни ичida маълумотлар базасига солик тўловчини банкрот деб эълон қилинганилиги тўғрисидаги тегишли ўзгаришишни киритади.

Ушбу хужжат чиқсан санадан бошлаб банкрот деб эълон қилинган солик тўловчининг ШКларида барча солик қарзи суммаларига пеня ҳисобланиши дастурий маҳсулдаги имкониятлардан фойдаланиб, Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими томонидан тўхтатилади.

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан банкрот корхонанинг солик қарзлари тўғрисида солиштирма далолатнома тузилиб, тугатиш бошқарувчисига тасдиқлатиш учун ДСИ номидан тугатиш комиссиясига вакил қилиб ишончнома берилган ходимга расман рўйхатдан ўтказилган холда тақдим этилади.

ДСИнинг масъул тузилмаси томонидан тасдиқланган солиштириш далолатномаси асосида 3 кун муддатда ДСИ номидан бошлиқ ёки унинг ўринбосари имзоси билан тугатиш бошқарувчиси номига банкрот

корхонанинг солик қарзларини қарздорнинг кредиторлар реестрига киритиш хақида расман хат билан мурожаат қилинади.

Банкрот деб эълон қилинган хўжалик субъекти амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тугатилиб, Хўжалик суди томонидан тугатиш бошқарувчисининг якуний ҳисоботи тасдиқлангач, унинг асосида корхонани давлат реестридан ўчириш тўғрисида чиқарилган қарор нусхаси ДСИнинг девонхонаси орқали расман рўйхатга олиниб, ДСИ раҳбарининг муносабат белгиси билан бир нусхаси Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимига ижрога берилади.

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими банкротлик йўли билан тугатилган корхонани давлат реестридан ўчириш тўғрисида чиқарилган қарор нусхаси ва унга ДСИ бошлигининг билдирган муносабат белгиси асосида Маълумотлар базасига тегишли ўзгаришиш киритади.

Ушбу давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги хужжат чиқсан санадан бошлаб банкротлик тамоилии натижасида тугатилган солик тўловчининг ШКларида колдик суммалар Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 38-моддасига асосан даъво қилиш муддати ўтгунга қадар алоҳида ҳисобда юритилиб, ШКда жорий ва муддати узайтирилган солик қарздорлиги (шу жумладан пеня) ёки ортиқча тўланган суммалар сифатида акс эттирилмайди.

Мазкур операциялар бажарилганидан кейин Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими масъул ходими томонидан банкрот корхонанинг ШКлари 1 иш куни ичida белгиланган тартибда ёпилади.

5.7. Фаолияти тугатилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ШКларини ҳисобини юритиш тартиби

Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 июлдаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва конунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида»ги 327-сонли қарорига асосан амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда (3 ой, 6 ой) фаолият кўрсатмаган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича банк муассасаларидан олинган маълумотларни ДСИнинг Камерал назорат бўлими масъул ходими 3 иш куни ичida солик тўловчининг холатига ўзгартириш киритиш учун маълумотлар базаси администраторига тақдим этади, маълумотлар базаси администратори солик тўловчининг холатига тегишли ўзгартиришларни киритганлиги тўғрисида Камерал назорат бўлмининг солик тўловчиларни ҳисобга олиш китобига муносабат белгиси қўяди.

Камерал назорат бўлмининг масъул ходими Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлмининг масъул ходими билан бирга солик тўловчи фаолият кўрсатган давра ШКга киритилган маълумотларни тақдим этилган хужжатлар асосида тўлиқ киритилганлигини текшириб чиқади.

Бунда, нотўғри киритилган ёки киритилмаган холатлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли бўлимга кўрсатма бериш бўйича солик органининг бошлиғи (ўринбосари) номига ёзма равища билдиригি киритилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Маспул бўлим томонидан солик тўловчи ихтиёрий тугатиш орқали тугатилаётганда солик органлари томонидан ўтказилган якуний текшириш далолатномаси бўйича ҳисобланган (қўшимча ҳисобланган, камайтиришга ҳисобланган) суммалар бўйича белгиланган тартибда 10-шакл маълумоти

тўлдирилиб ШКга киритиш учун Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида тақдим этилади.

Солик тўловчининг ёзма мурожаатига асосан бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича тугатиш текширувигача хамда текширув натижасида хосил бўлган ортиқча тўланган сумма биринчи навбатда бошқа солик ёки мажбурий тўлов туридаги солик қарзи, пеня ва жарима суммаларини белгиланган тартибда қоплашга йўналтирилади, қолган кисми текширувда жисмоний шахсларнинг даромад солигини ҳисоблаб, ўндирилганлиги тўғрисида солик тўловчининг тугатиш ишлари бўйича масъул ходими томонидан тегишли хулоса берилгандан сўнг қонунчиликка мувофиқ солик тўловчининг ёзма аризасига асосан белгиланган тартибда солик тўловчининг ҳисоб рақамига қайталиши мумкин.

Тугатилаётган солик тўловчининг бюджетга солик ва бошқа мажбурий тўловлар хамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ажратмалар бўйича тугатиш текшируви ўтказилгандан кейин солик қарзи келиб чиқмаса ёки келиб чиқсан солик қарзи суммаси белгиланган тартибда солик тўловчи томонидан тўлаб берилган(ундирилган)дан сўнг, яни солик қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда, солик тўловчининг ёзма аризасига мувофиқ Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлмининг масъул ходими томонидан 3 иш куни ичida (10-илова) бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича солик қарзи йўқлиги тўғрисида тегишли ташкилотларга тақдим қилиш учун маълумотнома берилади.

Юридик шахс тугатилаётганда унинг негизида ёки ўрнида янги ташкил этилаётган юридик шахс (хукукий ворис) бўлса, тугатилаётган корхонанинг солик мажбуриятлари Солик кодексининг 51-моддасига асосан янги ташкил қилинаётган корхона ШКларига ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси туман (шахар) бўлимида солик тўловчи белгиланган тартибда тугатилиб, Давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисида солик органига тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб, 1 иш куни ичидаги Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимнинг масъул ходими солик тўловчи Давлат реестридан чиқарилганлиги юзасидан маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан ихтиёрий тугатилаётган корхоналар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан муносабатлар ушбу низом талаблари асосида амалга оширилади.

Солик тўловчи юридик шахсларининг ШКларини ёпиш тартиби

ШКлар қўйидаги холларда ёпилади:

а) солик тўловчининг солик мажбуриятлари бошқа корхонага ўтказилганда (кўшилганда);

б) солик тўловчининг фаолияти конунда белгиланган тартибларда тугатилиб, давлат реестридан чиқарилганда (бунда, банкротлик аломатидан ташқари бошқа холатлар бўйича корхона тугатилган бўлса, солик қарзи ундирилгандан сўнг, ортиқча тўланган суммалари эса солик тўловчи томонидан қайтариш тўғрисида ёзма мурожаат қилинмаган тақдирда, давлат фойдасига хисобга олингандан сўнг ШКлари ёпилади);

в) солик тўловчининг юридик манзили ўзгарганлиги муносабати билан бошқа туманга солик тўловчининг ШКлари жўнатилгандан сўнг;

г) амалдаги солик қонунчилигига асосан бошқа холларда.

Солик тўловчининг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича солик мажбуриятлари бошқа корхонага ўтказилишида (кўшилишида), бошқа юридик шахсни кўшиб олиш орқали

қайта ташкил этилаётган юридик шахс бошқа туман (шахар) солик органида рўйхатдан ўтган бўлса, солик тўловчининг юридик манзили ўзгарганлигини ШКларда акс эттириш тартибida амалга оширилади (фақат солик тўловчига тегишли маълумотлар ва ШКнинг почта файли шакллантириб юборилмайди), ШКлардаги қолдиқ суммалар солик турларига нисбатан мос равишда кўшиб олаётган солик тўловчининг ШКларига ўтказилади.

Агарда кўшилаётган юридик шахс ва бошқа юридик шахсни кўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахс билан бирга битта солик органидан рўйхатдан ўтган бўлса, кўшилаётган солик тўловчининг ШКларидаги қолдиқ суммалар солик турлари бўйича мос равишда ўтказилади.

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимнинг масъул ходими томонидан солик тўловчининг ШКларидаги солик қарзи (ёки ортиқча тўланган сумма) каби қолдиқ суммалари алоҳида режим орқали хисоблашга (камайтиришга) бериш орқали «тугатилган», «бошқа туманга ўтган», «бошқа корхонага кўшилган» каби ёзувлар билан қолдиқ суммалар ёпилиб, Солик кодексининг 38-моддасига асосан даъво қилиш муддати ўтгунга қадар алоҳида хисобда юритилади.

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиги, маълумотлар базаси администратори ва масъул ходимлар (ўзига тегишли статуслар бўйича) солик тўловчининг ШКларига киритилган маълумотларнинг тўлиқ ва тўғрилиги юзасидан инвентаризастия ўтказиб борадилар.

Шунингдек, ДСҚнинг 2008 йил 2 майдаги 84-сонли, 2011 йил 6 июлдаги 188-сонли, 2012 йил 15 марта даги 71-сонли буйруклари ва бошқа ДСҚ томонидан юборилган топшириклар талабларига асосан юридик ва жисмоний шахслар маълумотлар базаси белгиланган муддатларда

инвентаризациядан ўтказиб борилиб, аниқланган хато ва камчиликлар ДСИ раҳбариятига маълум қилиниб, бартараф қилиб борилади.

Солиқ тўловчининг ШКлари инвентаризациядан (назоратдан) ўтказилаётгандан Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг масъул ходими ШКга киритилган ёзувлар учун жавобгар ҳисобланади ва қуидагиларга эътибор қаратиши лозим:

солиқ тўловчи томонидан тақдим этилаётган маълумотларни (ҳисоботлар, қайта ҳисоботлар ва маълумотномалар), ўтказилган текширув далолатномалари бўйича маълумотларни (қўшимча ва камайтиришга ҳисобланган суммалар, пеня ва жарималар) ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ ШКларга киритилиши;

бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича келиб тушган ва қайтарилган маблағларни ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ ШКга бирламчи банк тўлов хужжатлари асосида тўғри киритилиши;

ҳисбот йили бошидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича келиб тушган хамда қайтарилган маблағларни, бюджет классификацияси мөъёларига тўғри келиши;

ваколатли органларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича солиқ қарзи, пеня хамда жарималар тўлаш муддатини узайтириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш ва ҳисобдан чиқариш, қайта тиклаш тўғрисидаги хужжатлари (карор ва мажлис баённомалари) асосида ШКга ёзувлар тўғри, белгиланган тартибда ва муддатларда киритилиши;

солиқ қарзи суммаларига ўз вақтида, тўлиқ ва белгиланган тартибда инкассо топширикномалари қўйилиши;

солиқ қарзига белгиланган тартибда пеня ҳисобланганлиги.

ШКлардаги тегишли қолдик суммаларини йилдан-йилга ўтказиш дастурий маҳсуллар ёрдамида амалга оширилади. Дастурий маҳсуллар ёрдамида қолдик суммалари кейинги йилга ўтказилганлиги тўғрисида ДСИ бошлиғи, Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш,

тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи ва Маълумотлар базаси администратори иштирокида далолатнома тузилиб, тасдиқланади ва 1 нусхаси юқори солиқ органига тақдим этилади.

Маълумотлар базаси ҳар куни архивланади ва ой якунлангунга қадар архив файллари Маълумотлар базаси администраторининг компьютерида сакланади. Ҳар ой якунни билан бир маротаба маълумотлар базаси администратори, Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими ва Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиқлари иштирокида маълумотлар базаси архивланиб, маълумотнома тузилади ва саклаш учун компакт диск ҳамда сервер компьютерида алоҳида архив маълумотлари учун ажратилган жойда келгусида фойдаланиш учун сакланади.

Маълумотномада архив базаси хажми ва санаси кўрсатилиб, масъул ходимлар томонидан имзоланади. Маълумотнома тузилгандан сўнг, ой давомида администратор компьютерида сакланиб келинган архивланган маълумотлар базаси ўчирилади.

5.8. ШКларни юритиш ишларини қонунийлиги учун жавобгарлик

Хорижий валютада солиқ ҳисботи тақдим этувчи солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтган давлат солиқ хизмати органларида янги дастурий мажмуя яратилгунiga қадар ШКларда қўлда юритиладиган ҳисоб-китоблар тўғрилигига хамда янги дастурий мажмуя ишга туширилиб, амалиётга жорий қилингандан сўнг, тегишли маълумотлар тўлиқ янги дастурий мажмуага ўтказилишига давлат солиқ хизмати органлари раҳбари жавобгар ҳисобланади.

ШКларда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ва хаққоний юритилишини таъминлаш учун қуидагилар:

Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимининг солиқ тўловчи

ШКсини юритиш учун масъул ходими хамда бўлим бошлиғи солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган (камайтиришга ҳисобланган), қўшимча ҳисобланган, ундирилган (тўланган, қайтарилган), тўлаш муддати кечиктирилган (ҳисобдан чиқарилган, бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган), ҳисобланган пеня ва жарима суммаларини ШКларда тўғри ва тўлиқ акс эттирилиши, шунингдек уларни ҳисобини юритилиши ва белгиланган ҳисботларни тўғри тузилиши бўйича;

ДСИнинг Юридик шахсларга солиқ солиш, Жисмоний шахсларга солиқ солиш ва бошқа функционал бўлинмаларининг масъул ходимлари мазкур Тартиб билан белгиланган шакллар бўйича маълумотларни тўлиқ ва тўғри тўлдириб (ёки тайёрлаб) ўз вақтида таъминланиши бўйича;

Камерал назорат бўлимининг масъул ходимлари, қабул қилинган солиқ ҳисботларидағи ШКга киритилиши лозим бўлган ҳисобланган солиқ суммаларининг тўғри акс эттирилиши, солиқ ҳисботлари реестрини сақланиши хамда тегишли функционал бўлимга белгиланган муддатларда тақдим этиб борилиши, солиқ ҳисботларидағи солиқ суммасини реестрдаги солиқ суммаларига тўғри келиши ва уларнинг хаққонийлиги бўйича;

Давлат солиқ хизмати органининг раҳбарлари, солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, тахлил килиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлимида бюджетга ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга солик ва мажбурий тўловлар бўйича тушумлар ҳисобини хамда солиқ тўловчиларнинг ШКларини юритилишини тўғри ташкил этилиши, шунингдек назорат қилиниши бўйича қонунда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

ШКларга асосиз тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тақиқланади. ШКларни юритиш учун асос бўладиган бошқа маълумотларни ноқонуний қўрсатганлик ва ШКларга ноқонуний маълумотлар киритганлик учун масъул ходимлар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар

Таянч иборалар:

солиқ тизими, тушунча, тамойил, солиқ муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Шахсий карточка тушунчаси ва уни юритиш бўйича ишларни ташкил этиш тартиби.
2. Юридик шахслардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби қандай юритилади?
3. Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини қандай юритилади?.
4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ёки солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига қайтарилган маблағлар ҳисобини юритиш тартибига изоҳ беринг?.
6. Шахсий карточкаларда пеня ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
7. Солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритилишини назорат килиш қандай амалга оширилади?

6-БОБ. СОЛИҚЛАРНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

6.1. Солиқларни ундирувига жавобгар солиқ органлари таркибий бўлинмалари

6.2. Солиқларни ундириши механизмини такомиллаштириши масалалари

6.1. Солиқларни ундирувига жавобгар солиқ органлари таркибий бўлинмалари

Солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетта ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги конун хужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органлари назорати, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбурияти юзага келгандан кейин, конунчиликда белгиланган тадбирлар ижроси бўйича амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

худудий Давлат солиқ инспекциясида ҳисобга туриши;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;

молиявий ва солиқ ҳисботини тузиши ҳамда уни худудий Давлат солиқ инспекциясига тақдим этиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ микдорда тўлаши шарт.

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, лекин истисно тариқасида Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатилиши ҳам мумкин.

Юридик шахснинг алоҳида бўлинмалари бўйича солиқ мажбурияти мазкур алоҳида бўлинмалар томонидан, агар уларга алоҳида мол-мулк ажратилган бўлса ва улар мустакил балансга эга бўлса, мустакил равиша бажарилади.

Солиқ солинадиган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилганда бошқарув муассиси бўлган солиқ тўловчининг солиқ мажбурияти, агар бу мажбурият унга бошқарув муассиси томонидан юклатилган бўлса, ишончли бошқарувчи томонидан бажарилиши мумкин.

Солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан Солиқ кодексда назарда тутилган тартибида унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Конунида Давлат солиқ хизмати органларига белгилаб берилган асосий вазифаларидан бири солиқларни ундириш ҳисобланади. Бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шакллантиришда асосий манба ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашда солиқ хизмати органларининг вазифалари ва мажбуриятлари ҳам ушбу конун ва Солиқ кодексида ўз аксини топган.

Солиқ хизмати органларига биринчи навбатда, солиқлар тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланишини назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарзи, шу жумладан қонунчиликда белгилган тартибида қўлланилган жарима суммаларини конун хужжатларига мувофиқ, солиқ органларининг инкассо топшириқномлари асосида банк муассасалари томонидан солиқ тўловчининг

банк ҳисобварагидан сўзсиз тўланиши назорати ҳам солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Хозирда давлат солик сиёсатини амалга ошириш ва солик конунчилигига, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри хисобланишига, уларнинг тўлиқ ва ўз вактида тўланишига риоя қилинишини таъминлаш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 январдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисобкитоблар механизмини янада тартиба солиш тўғрисида»ги ПҚ-1910-сонли Карорига асосан Давлат солик хизмати органларининг қуидаги таркибий тузилмаси шугулланмоқда.

Давлат солик инспекциярида солик ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вактида тушириш мақсадида солик назорати йўлга кўйилган. Бу борада жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг солик қарзини мажбурий ундиришга қаратиша ҳар бир бўлимни томонидан бажарадиган ишлар белгилаб берилган. Улар қуидагилардир:

1. ЯТТларга қатъий белгиланган солик ва сугурта бадали, жисмоний шахсларга эр ва мол-мулк соликлари хисобланиши учун базага киритиладиган маълумотларни (09, 16 ва 17 шакллар) белгиланган тартибида ҳамда муддатларда тўлдириш Жисмоний шахсларга содик солиш бўлими, ушбу маълумотларни (хисобланган соликларнинг) электрон базага (ШХВга) киритиш Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан амалга оширилади.

2. ЯТТлар бўйича ўтказилган текширувлар натижасида кўлланилган молиявий жарималар, текширувни амалга оширган масъул ходим томонидан тақдим этилган 10-шакл асосида Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини хисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими томонидан ушбу ЯТТнинг ШХВга киритилади.

3. Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан муддатида тўланмаган молиявий жарималар, Солик кодексида белгиланган тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

4. Дастурий маҳсулдаги солик қарзларини ҳар бир ЯТТ ва жисмоний шахс кесимида белгиланган муддатдан кечиқтирмасдан тегишли участка солик инспектори (УСИ), Соликлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими ва Жисмоний шахсларни соликка тортиш бўлими бошликлари томонидан далолатнома асосида уч томонлама тасдиқланган ҳолда, Солик қарзини мажбурий ундиришга қаратиш бўлимига ижро учун топширилади.

5. Солик қарзини мажбурий ундиришга қаратиш бўлими «Жисмоний шахсларнинг солик мажбуриятларини хисобга олиш» дастурий маҳсул орқали солик қарзи мавжуд ҳар бир ЯТТга 3 кун муддатда огоҳлантириш талабномаларини тайёрлаб, худудлар кесимида рўйхатини тушиб тегишли УСИларига тақдим этиш мақсадида билдириги билан ДСИ бошлиғи (ўринбосари)га киритади.

6. Тайёрланган огоҳлантириш талабномалари ДСИ бошлиғи (ўринбосари) муносабат белгиси орқали Солик қарзини мажбурий ундиришга қаратиш бўлими томонидан УСИларига рўйхат ва шахсий имзоси орқали топширилгандан кейин, икки кун муддатда шахсан ёки почта хизмати орқали буюртма хат билан қарздорларга этказилиши таъминланади.

7. УСИ солик қарзини узиш тўғрисидаги огоҳлантириш талабномаларини қарздор ЯТТ га этказган кундан бошлаб бир кун муддатда Солик қарзини мажбурий ундиришга қаратиш бўлимига огоҳлантириш талабномасининг фуқаро олганлигини тасдиқловчи (корешоги) нусхасини ёки почта орқали буюртма хат билан топширилганлиги тўғрисидаги квитанстияни тақдим этади.

8. Солик қарзини мажбурий ундиришга қаратиш бўлими Солик кодексининг 61 ва 62-моддаларига асосан солик қарзини узиш тўғрисидаги огоҳлантириш талабномасини ЯТТ томонидан олинган кундан эътиборан тегишлилигича ўттиз кун ичida солик қарзи узилмаган тақдирда, огоҳлантириш талабномасини бажаришнинг белгиланган муддати ўтган

кундан эътиборан уч иш кунида солиқ тўловчининг мол-мулкига қартиш мақсадида судга ариза (даъво) тайёрлади.

9. УСИ даъво аризаси тайёрлаш учун белгиланган муддатда ўзига бириктирилган участка бўйича аризага (даъво аризаси) илова қилинадиган тегишли хужжатларни (тўлов хабарнома корешоги, қарздор фуқаронинг яшаш жойидан маълумотнома, солиқ қарзи тўғрисида солиштириш далолатномаси) йигиб, Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлимига берилишини таъминлади.

10. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими ходимлари тегишлилиги бўйича фуқаролик (иктисодий) судига даъво аризаси киритадилар ҳамда суд жараёнида ДСИнинг ишончли вакили сифатида иштирок этадилар.

11. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими томонидан қарздор ЯТТлар бўйича судлардан қабул қилиб олинган ижро хужжатларни «Ижро варақаларини рўйхатга олиш китоби»да қайд этиб, уч иш кунидан кечиқтирмасдан худудий Суд ижрочилари бўлимига ижросини таъминдаш учун юборади.

12. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими Суд ижрочилари бўлими билан ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5 санасига қадар иш юритувида бўлган, юборилган, ижро қилинган ва ижросиз қайтарилган ижро хужжатлари, ундирилган қарздорлик суммалари ва бошқа амалга оширилган ишлар бўйича таккослаш далолатномаларини тузади ва тасдиқ учун ДСИ бошлигига (ўринбосари) киритади.

13. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими Суд ижрочилари бўлими томонидан ижросиз қайtarilgan ижро хужжатларини қабул қиласи, уларнинг асослилигини ўрганиди ва этарли асосга эга бўлмаган ҳолатлар бўйича кайта ижрога қартиш учун юборади ва бу ҳақда тегишли суд органига тақдимнома юборади.

14. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими солиқ қарзларини мажбурий ундиришга қартиш ва умидсиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш учун иш жараёнида зарур бўлган бошқа хужжатларни участка солиқ инспекторларидан талаб қилиб олади.

15. Хизмат кўрсатувчи банк белгиси кўйилган тўлов топшириқномасининг нусхаси ЯТТ томонидан тақдим этилмаган тақдирда, талабномани бажаришнинг белгиланган муддати ўтган кундан эътиборан уч иш куни ичida Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими инкассо топшириқномаларини тақдим этади;

16. УСИ томонидан ЯТТ дебитори билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси тақдим этилган тақдирда, Солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш, маълумотлар базасига хизмат кўрсатиш бўлими ушбу солиштирма далолатномаси асосида дебиторларнинг банк ҳисобвақлағларига ЯТТнинг солиқ қарзи суммасини солиқ тўловчи олдидаги қарзидан ошмайдиган микдорда ундириш тўғрисидаги инкассо топшириқномасини тақдим этади.

17. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими Солиқ қарзини ундириш бўйича назарда тутилган барча чоралар кўрилганидан кейин қарз тўланмаган тақдирда ЯТТ бўйича иктисодий судига «Банкротлик тўғрисидаги» Конунига асосан банкрот деб топиш тўғрисида, жисмоний шахслар бўйича эса бюджет олдидаги қарзини кечиши тўғрисида Фуқаролик судига ариза билан мурожаат қиласи.

18. Солиқ қарзини мажбурий ундиришга қартиш бўлими ЯТТларнинг солиқ қарзини мажбурий ундириш бўйича Солиқ кодексида назарда тутилган барча чоралар кўрилгандан кейин қарздорлик тўланмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан субсидиар тартибида ундириш чораларини кўради.

Солиқларни бюджеттага ўз вақтида тушишига солиқ назоратининг таъсири солиқларнинг йигилувчанлик даражасида кўринади. Солиқларнинг йигилувчанлик даражаси ҳисобланган ва бюджеттага тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан келиб чиқиб аниқланади. Солиқларнинг йигилувчанлик даражаси қанча юқори бўлса солиқлар бюджеттага ўз вақтида тушиши шунча яхши бўлади. Бундан ташкири солиқ қарзи камаяди. Республикаизда солиқларнинг йигилувчанлик даражаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2013-2017 йилларда республикамизда солиқларнинг йигилувчанлик даражаси ўсиш тенденциясига эга. Солиқларнинг йигилувчанлик даражаси 2013-йилда 93,5 % ни, 2012-йилда 95,8%ни, 2013-й илда 96,4%ни, 2014-йилда 96,8 %ни, 2015-йилда 97,3 %ни ташкил этган. Солиқларнинг йигилувчанлик даражаси 2016-йилда 2013-йилга нисбатан 3,8 % га кўпайган. Бунга сабаб, ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ундирилиш миқдорининг кўпайишидир.

Бизга маълумки, Давлат солиқ хизмати тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, интернетдаги www.solik.uz сайтида солиқ тўловчиларга 30дан ортиқ турдаги интерфаол хизмат турлари кўрсатиш жорий қилинган бўлиб, уларнинг идентификацион ракамини киритиш орқали “Солиқ қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида электрон ариза орқали маълумотномалар бериш” интерфаол хизмати асосида солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига ташриф буюрганинг ҳолда солиқ қарзлари йўқлиги тўғрисида электрон маълумотномаларни автоматик равишда шакллантириш ва чоп этиш имконияти яратилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштирувчи ягона эр солигини тўловчиси ҳисобланадиган хўжалик юритувчи шахслар томонидан бюджетдан ташқари максадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилди. Бунинг натижасида максадли жамғармалар бўйича янги пайдо бўладиган қарздорликларнинг олди олинишига эришилади, ҳамда қишлоқ хўжали маҳсулотларини этиштирувчилар ихтиёрида қоладиган маблағлар улар фаолиятининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга эътибор қаратилмоқда. 2015 йилдан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириши юбориб, текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек молиявий санкстиялар суммаларини тўлашни ундириш тўғрисида карор қабул

қилинган кундан эътиборан олти ой мобайнида тенг улушларда амалга оширишга ҳақли эканлиги белгиланди.

Бизга маълумки, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичida солиқ қарзи узилмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни солиқ тўловчининг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратади. 2015 йилдан бошлаб, мазкур муддат ичida солиқ қарзини узмаган юридик шахслар солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан ўн кун ичida давлат солиқ хизмати органларига дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши шартлиги белгилаб кўйилди. Амалдаги конун ҳужжатларида солиқ қарзини ундиришни таъминлаш учун солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчилар томонидан унинг дебиторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномасини мажбурий тарзда тақдим этиш ҳамда тақдим этмаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Эвропа мамлакатларининг (Швейцария, Германия, Франсия) ушбу йўналишдаги тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ тўловчи – қарздор солиқ қарзини узиш бўйича талабномани бажара олмаган тақдирда, солиқ қарзи бўйича ҳисоб-китоб қилиш имкониятини аниқлаш учун керак бўладиган солиқ тўловчи тўғрисида маълумотларни ўз ичига олувчи солиқ тўловчи томонидан имзоланадиган ҳисоб-китоб шаклида тушунтиришнома тақдим этади. 2015 йилдан киритилган ўзгартириш солиқ қарзини, шу жумладан солиқ тўловчи-қарздорнинг дебиторлари ҳисобдан мажбурий ундириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини оширади.

Юкоридаги ижобий жиҳатлар билан биргаликда мамлакатимизда солиқ қарзини қисқартириш ва янги қарздорликларни пайдо бўлишини олдини олиш бўйича бир қанча долзарб муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Уларни бартараф килиш шу билан бирга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вактида ундириш механизмини такомиллаштириш миллий иқтисодиёт ривожига муҳим ахамият касб этади.

Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизминитиг соглом фаолият кўрсатишини таъминлаш учун шу механизмнинг биринчи таркибий қисми бўлган солик тўловчилар фаолиятида куйидагиларга қатъий равишда риоя қилмоқ лозим:

1. Ҳар бир солик тўловчининг (унинг жисмоний ёки юридик шахс эканлиги бу ўринда принципиал аҳамиятга эга эмас) солиқлардан ва уларни тўламаслиқдан қочиб қутилишнинг мутлақо иложи йўқ эканлигини аниқ тасаввур қилиши.

2. Солиқларнинг ўз вақтида ва белгиланган суммада тўламаётган, амалдаги солик қонунчилигига риоя қилмаётган, солиққа тортилишдан турли йўллар билан бўйин тортишга ҳаракат қилаётган солик тўловчиларга нисбатан жазо чораларини янада кескинлаштириш ва бу жазоларнинг кўлланилиш муқаррарлигига эришиш.

Бу ўринда кўлланилиши лозим бўлган жазо чораларини янада кескинлаштириш деганда уларни доимий равишда интизомли солик тўловчи бўлиб келган ва айрим ҳолларда ўзига болиқ бўлмаган ҳолда бюджет олдидаги ўз мажбуриятини бажара олмай қолган солик тўловчиларга нисбатан назарда тутмаяпмиз. Аксинча, жазо чораларининг янада кескинлаштирилиши ва аёвсиз тус олиниши солик тўлашдан систематик равишда қочиб юрган, доимий равишда турли йўллар ва воситалар орқали амалдаги солик қонунчилигини айланаб ўтишга ҳаракат килаётган ва айланаб ўтган субъектларга нисбатан кўлланилиши керак.

6.2. Солиқларни ундириш механизмини такомиллаштириш масалалари

Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизмининг такомиллаштириш асосий йўналишларининг иккинчиси шу механизмининг иккинчи таркибий қисми бўлган «Солик ундирувчилар» блоки билан бевосита боғлиқдир. Гап бу эрда амалиётда муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари яъни суд ижрочилари хусусида кетаяпти. Амалга оширилган таҳлил натижалари шундан далолат

берадики, ҳамма вақт ҳам ва ҳамма ҳолларда ҳам солик ундирувчилар фаолияти муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириши таминалаш имконини бермаяпти. Албатта, уларнинг юқоридаги муаммони ҳал этишдаги хизматларини рад этишнинг ёки унинг аҳамиятини пасайтириб кўрсатишининг иложи йўқ. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириши таоминлаш вазифаси юклатилган солик ундирувчиларнинг ҳаммасини ҳам шу вазифани бажаришга холисона хизмат қиласяпти деб айтиб бўлмайди. Амалиётда содир бўлаётган кўпгина холатлар ва далиллар шундан далолат бераяпти.

Бундан ташқари, корхоналарнинг қарздорликлари Суд ижрочилари томонидан дастлаб депозит ҳисоб рақамларига ундириб олиниб кейин солик қарзини қоплашга йўналтирилади. Натижада пул маблаглари бюджетга йўналтирилгунга қадар корхонага нисбатан пеня ҳисобланиши давом этиши билан бирга, ҳисоб ракамларида маблаглар айланиши бўйича давлат солик хизмати органлари маълумот олиши мумкинлиги «Суд хужжатларини ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилмаганлиги муносабати билан бюджетга маблагларни вақтида ва тўлиқ йўналтирилаётганлигини назорат қилиш имконияти чегараланиб қолмоқда.

Уларнинг бу тарздаги «фаолият»лари тегишли бюджетларнинг фақат даромадлар қисмининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг-солик тўловчиларнинг ҳам хўжалик-молиявий фаолиятларининг натижаларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Салбий таъсирини эса куйидаги мисолда аниқлаштириш мумкин.

Натижада пул маблаглари тегишли ҳисоб-рақамларга йўналтирилгунга қадар корхонага нисбатан пеня ҳисобланиши, бу билан З та салбий оқибат ўз-ўзидан келтириб чиқармоқда. Булар:

Сунъий равишда солик қарзларининг пайдо бўлиши;

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида келиб тушмаслиги;

Сунъий равишдаги устамаларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик-фаолиятига ортиқча юк бўлиши.

Бундан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик-фаолиятларига ва тегишли бюджетларнинг фақат даромадлар кисмининг бажарилишига ҳамда сунъий равища солик қарзларининг ошишига салбий таъсир қўрсатиши олдини олиш мақсадида суд ижрочилари депозит хисоб ракамига пул тушгандан то корхонанинг солик қарзини тўлагунгача даврдаги тартибини такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш керак.

Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларининг учинчиси. Шу механизмнинг таркибий кисмларидан бўлган «хукукий ҳужжатлар» блоки билан боғлиқdir. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизмининг таркибий кисмларидан бири бўлган «хукукий ҳужжатлар» блокининг фаолият қўрсатишида маълум бир узилишлар содир бўлиб, унинг бир маромда ишламаслиги бутун механизмнинг ҳам соғлом фаолият қўрсатмаслигига олиб келаяти.

Шу билан бирга, мажбурий ундирувни амалга ошириш муддатларининг даъво ариза бўйича узоқ вақтни олайтганлиги ишнинг самарадорлигини ошириш ва тўлов интизомини мустахкамлашда салбий таъсир қўрсатмоқда.

Қачонки қарздорга қарзини тўлаши тўғрисида берилган огоҳлантириш талабномасини ўттиз кунлик муддат тугагач Хўжалик судларига киритилган даъво аризаси Хўжалик простессуал кодексининг 125-моддасига асосан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўрилиши ва 146-моддасига асосан ҳал килув қарори бир ойлик муддат ўтгач кучга кириши ҳисобига (бундан

ташқари почта орқали борадиган вақт ҳам бор) камида иккى ойдан ортиқ вақт кетмоқда.

Суд ижрочилари томонидан ижрога қабул қилиб олинниб, қарздорнинг мол-мулкини хатлаш, савдони ташкил этиш ва сотиш даври, юқорида қайд қилинган муддатлар ҳамда қарздорлик суммалари умидсиз бўлса уни банкротлик орқали тугатиш соддалаштирилган тартибда бўлган ҳолда ҳам мажбурий ундирувни амалга оширишда умумий жараён 1(бир) йилгача чўзилмоқда.

Суд ижрочилари департаменти томонидан суд ҳужжатларини ижросиз қайтариш ва ижро иши юритишни тугатишда асос бўлаётган, қарздорнинг хатланган мол-мулкини қарзи эвазига қабул қилиб олишни рад этиш ёки мол-мулки, даромадларини қидириш юзасидан барча чораларнинг кўрилганлиги каби сабаблар асос қилинаётган «Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўрисида»ги Қонунининг 37, 40-моддалари тегишли бандлари бугунги кунда Солик кодекси талабларидан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Шунинг учун ҳам муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш механизмини такомиллаштиришнинг йўналишларидан бири - бу жараённи тартиба солиб турувчи хукукий ҳужжатларни ҳалқаро амалиётда кенг қўлланилиб келинаётган хукукий ҳужжатлар асосида ўрганиб, ўзимизнинг шароитимиздан келиб чиқиб мослаштириш бугунги кун талабидир.

Таянч иборалар:
солиқ тизими, тушунча, тамойил, солиқ муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳисоботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солиқларни ундириш механизми?
2. Солиқ назорати ким томондан амалга оширилади?
3. Солиқ мажбурияти қандай ҳолатда юзага келади?
4. Давлат солиқ хизмати органларининг вазифалари ва мажбуриятлари нималардан иборат?

7-БОБ. СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ НАЗОРАТ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

7.1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиши тўғрисидаги қонун хужжатлари.

7.2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиши шакллари ва текширув турлари.

7.3. Назорат қилишининг асосий принциплари ва текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар.

7.1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш тўғрисидаги қонун хужжатлари.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишининг хукукий муносабатлари ва тартиб қоидалари қўйидаги қонун хужжатларига асосан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси (2007 йил 25 декабр);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони (1998 йил 19 ноябр, ПФ-2114-сонли);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хукукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2005 йил 14 июн, ПФ-3619-сонли);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2005 йил 5 октябрь, ПФ-3665-сонли)
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони (2005 йил 28 ноябр, ПФ-3694-сонли);

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”Фармони. (ПФ-4296-сонли. 4 апрел 2011 й.)

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулагай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (ПФ-4354-сонли, 24 август 2011 й.)

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюрократик тўсикларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлитеши янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Карори. (ПК-1604-сонли. 25 август 2011 й.)

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори (1998 йил 27 ноябр 496-сонли);

- «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида» Низом (Адлия вазирлигига 2006 йил 5 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган);

- «Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом Адлия вазирлигига 2007 йил 3 сентябрьда 1712-сон билан рўйхатга олинган);

- «Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги буйргуи (Адлия вазирлигига 7 ноябр 2011 йил 2208-сон билан рўйхатга олинган).

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдир. Давлат бюджетдан ташқари жамгармалар маблағлари хисобидан молиялаштирилган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишда қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати тегишли Қонун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари этиб қуидагилар белгиланди:

-пул маблағларининг ноқонуний муомалада бўлиши манбаларини бартараф этиш, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд тушумнинг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

-дехқон бозорлари ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолиятини, улар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини қаттиқ назорат қилиш ҳамда жиной ишларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширган ҳолда уларнинг худудларида аниқланган ҳуқуқ бузилишлари бўйича суриштирувлар ўтказиш;

-республика назорат килувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бiriни тақрорлашга ва суиистемолчилкларга йўл кўймаслик;

-юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун хужжатларига қаттий риоя этилиши юзасидан таъсирчан назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон қарорига асосан Республикаси Давлат солиқ

қўмитаси марказий аппарати тузилмасида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ташкил этилди ва бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автомобил тўхташ жойлари, шунингдек улар худудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи фақат давлат солиқ хизмати органларига берилади.

давлат солиқ хизмати органлари, кейинчалик Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашини ёки унинг худудий комиссияларини хабардор қилган ҳолда, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси бошлигининг буйруклари асосида бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобил тўхташ жойларида бир марталик йигимлар топширилишини, ижара тўлови тушуми ва ҳисоби тўлиқ юритилишини, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишини, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини ҳар куни текшириш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиласига;

бозорлар ва савдо комплексларида санитария норма ва қоидаларига, шунингдек стандартларга, ёнгин хавфсизлиги нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-епидемиология хизмати органларига ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизматига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар ўз ходимлари ва мутахассисларининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солиш бўйича қонун хужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш учун давлат солиқ хизмати органлари томонидан ташкил этиладиган гурухлар таркибида қатнашишини таъминлаш белгиланган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги 98-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва

савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланди. Ушбу қарорда Давлат солик кўмитасининг вазифалари, хукуклари ва ваколатлари белгиланган.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишидир. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишда қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Прокурор назорати тартибда амалга ошириладиган давлат назорати тегишили Қонун хужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

7.2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш шакллари ва текширув турлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳдил қилиш;

идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Солик назорати- соликка тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, солик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини, соликларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий

тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги конунида «**Солик назорати**» соликка тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат»-деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига асосан солик назорати қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

Солик назорати қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

солик тўловчиларни ҳисобга олиш;

солик солиш обьектларини ва солик солиш билан боғлиқ обьектларни ҳисобга олиш;

бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;

камерал назорат;

нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи;

солик текширувлари;

фискал хотирали назорат-касса машиналарини кўллаш;

акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни маркалаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;

давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;

бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича солик назоратини

ўз ваколатлари доирасида Солик Кодексига ва божхона тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Солик назорати амалга оширилаётганда Солик Кодекси ва бошқа қонун хужжатларининг қоидаларини бузган ҳолда солик тўловчи тўғрисида ахборот тўплаш, саклаш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга, шунингдек солик сирини ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

Қонун хужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солик тўловчи тўғрисидаги хужжатлар ёки бошқа ахборот солик тўловчини солик тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди. (СК. 12 боб. 67-модда)

Камерал назорат

Камерал назорат солик тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солик ҳисботини, шунингдек солик тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солик хизмати органидаги мавжуд бошқа хужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиши асосида амалга ошириладиган назоратdir.

Камерал назорат солик тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солик хизмати органи жойлашган эрда амалга оширилади.

Агар давлат солик хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солик ҳисботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганини ёки тақдим этилган солик ҳисботидаги ва давлат солик хизмати органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солик тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади.

Солик тўловчи аниқлаштирилган солик ҳисботини тақдим этиши учун назарда тутилган тартибда тегишли соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солик ҳисботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Накд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи

Солик тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж ўтказилган даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиласидаги ёки хизматлар кўрсатадиган солик тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солик хизмати органи томонидан ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ солик солиши объектларини ва солик солиши билан боғлик объектларни ҳисобга олиш жараёнида солик тўловчи томонидан тушум миқдори камайтирилганини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланган тақдирда, давлат солик хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда хронометраж ўтказиладиган солик тўловчи, хронометражни ўтказиш жойи ва муддати, хронометраж ўтказиладиган давр, хронометраж ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинишига сабаб бўлган тафовут, шунингдек давлат солик хизмати органининг хронометраж ўтказадиган мансабдор шахслари албатта кўрсатилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи келиб тушаётган пул тушумини давлат солик хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан кузатиш ва қайд этиши орқали ўтказилади. Хронометражни ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан экспертларни жалб этишига йўл қўйилмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув ўтказишга, солик тўловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солик тўловчига нисбатан талаблар тақдим этишига ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралashiшга йўл қўйилмайди, бундан фискал хотириали назорат-касса машинасида сакланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олиш мустасно.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижалари юзасидан маълумотнома тузади. Маълумотноманинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига топширилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан факат тақдим этилаётган солиқ ҳисоботи тўғрилигини таҳлил этиш учун, шунингдек солиқ солиш обьектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ обьектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг қўлланилиши

Ўзбекистон Республикаси худудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бундан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айrim тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно.

Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш хукуқига эга бўлган айrim тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш шакллари ичida текшириш самарадорлик жихатидан муҳим аҳамият касб этади.

7.3. Назорат қилишнинг асосий принциплари ва текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар.

Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари конун хужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 20 январда 2070-сон билан рўйхатта олинган “Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом асосида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга рухсат белгиланган намунадаги маҳсус гувоҳнома билан тасдиқланади. Ушбу низомга мувофик аттестациядан ўтказиш тартиби қўйидагicha:

Аттестацияни ўтказиш муддати аттестация комиссияси раиси томонидан ходимларнинг хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукининг тугаш муддати, назорат қилувчи органнинг тузилмаси, штат бирлигининг ўзгариши, ходимлар қўнимсизлиги ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, назорат қилувчи орган раҳбари билан келишган ҳолда белгиланади.

Аттестацияни ўтказиш тўғрисида назорат қилувчи орган раҳбарининг хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукини бериш бўйича аттестациядан ўтадиган ходимлар рўйхатини тасдиқлаш ҳамда аттестация ўтказишини ташкиллаштириш бўйича бўйруғи қабул қилинади.

Ходимлар рўйхатига назорат қилувчи органнинг хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукига эга бўлган (муддати тугаган ёки тугаётган) ва бундай хукуқни олишга таклиф этилаётган ходимлари киритилади. Бунда ходимлар рўйхатига олдин хўжалик юритувчи

субъектларда текшириш ўтказиш хукуки берилган, аммо хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтган ходимлар киритилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукуки бериладиган ҳар бир ходим бўйича назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси раҳбари томонидан ушбу ходимнинг иш фаолиятида эришган натижалари, ижобий ва салбий хусусиятлари тўғрисида аттестация комиссиясига хизмат тавсифномаси тақдим этилади.

Аттестациядан ўтказиладиган ходим аттестациядан камида икки ҳафта олдин, аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ва ўзи ҳақидаги хизмат тавсифномаси билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилиши керак.

Аттестация комиссияси йигилиши аттестация комиссияси тасдиқланган таркибининг 3/4 қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади.

Аттестация аттестациядан ўтаётган ходим билан сухбат шаклида ўтказилади.

Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтувчи ходим ҳақидаги тавсифнома ва саволларга берилган жавобларни инобатга олган ҳолда ҳар бир аттестациядан ўтувчи ходимга нисбатан очик овоз бериш йўли билан алоҳида қарор қабул қилинади. Қарор аттестацияда иштирок этган аттестация комиссияси аъзоларининг кўпчилиги овоз берганда, қабул қилинган деб ҳисобланади. Аттестация комиссияси аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Аттестация натижаси бўйича аттестация комиссияси қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

ходим аттестациядан ўтди;

ходим аттестациядан ўтмади.

Ҳар бир аттестациядан ўтаётган ходимга икки нусхада мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида текшириш ўтказиш хукукини бериш бўйича аттестация варакаси тузилади.

Аттестация якуни бўйича аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарор аттестация комиссияси раиси, котиби ҳамда аъзолари томонидан имзоланадиган аттестация варакасига киритилади. Аттестация варакасининг иккинчи нусхаси аттестация ўтказилгандан кейин уч кун муддатда аттестациядан ўтган ходимга имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

Аттестация якунлари бўйича уч кунлик муддатда баённома тузилади. Баённомада аттестация ўтказилган сана ва жойи кўрсатилади ҳамда аттестация варакалари илова қилинади. Баённома аттестация комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади ва унда ҳар бир аттестациядан ўтувчи ходимга берилган саволлар мазмуни, жавоблар тўғрилиги, шунингдек ходимга хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукини бериш ҳақида қабул қилинган қарори кўрсатилиши керак.

Аттестация комиссияси томонидан "ходим аттестациядан ўтди" деб қарор қабул қилинган ходимга аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган, аммо назорат қилувчи орган томонидан ўрнатилган аттестацияни ўтказиш даврийлигидан ошмаган муддатга хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукуки берилади.

Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтган ходимга қўйидаги хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукини берувчи маҳсус гувоҳнома берилади:

Текширувга аудиторлик ташкилотлари ва (ёки) экспертлар жалб этилгани тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан назорат қилувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ва (ёки) эксперт ўртасидаги шартноманинг кўчирма нусхаси албатта тақдим этилади. Шартномада аудитор ва (ёки) экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилган бўлиши керак. Аудитор ва (ёки) эксперт хуносасининг тўғрилиги ва унинг қонун хужжатларига мувофиқлиги учун аудиторлик ташкилоти ва (ёки) экспертнинг жавобгарлиги тузиладиган шартноманинг

зарурий шарты ҳисобланади. Аудиторлик текширувлари ва экспертизаларни ўтказиш харажатлари назорат қилувчи органлар ҳисобига амалга оширилади.

Давлат солиқ хизмати органининг хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказувчи мансабдор шахсларига қўйиладиган талаблар

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш хуқуқига эга бўлган ҳамда бу ҳакда маҳсус гувоҳнома билан таъминланган мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш хуқуқини берувчи маҳсус гувоҳномага эга бўлмаган мансабдор шахсларини солиқ текширувларига жалб этиш қатъяян ман этилади, хўжалик юритувчи субъект мақомига эга бўлмаган шахсларда ўтказиладиган текширишлар (назорат тадбирлари) бундан мустасно.

Таянч иборалар:

солиқ тизими, солиқ назорати, шакл, тамойил, солиқ назорати турлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солиқ сиёсатида солиқ маъмурчилигининг тутган ўрни ва унинг асосий йўналишлари
2. Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштирилиши ва уни кўриб чиқиши тартиби
3. Солиқ текшируви турлари ва уларни ташкил қилиш
4. Солиқ текширувларини ташкил этиши ва уни ўтказиш тартиби
5. Солиқ текширувларини ўтказиш тартиби

III ҚИСМ.

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИ

8-БОБ. КАМЕРАЛ СОЛИҚ НАЗОРАТИ, УНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

8.1. Камерал назоратини ўтказиш тартиби.

8.2. Солиқ тўловчиларнинг фаолиятини камерал назоратдан ўтказишида ички ва ташки манба маълумотлар базасини шакллантириши

8.1. Камерал назоратини ўтказиш тартиби.

Камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Камерал назорат солиқ тўловчининг хузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган эрда амалга оширилади.

Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганилиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳакда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади.

Солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисботини тақдим этиши учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солиқ ҳисботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 31 октябрьдаги “Камерал назорат” дастурий маҳсулини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 460-сонли буйруғига асосан, Давлат солиқ қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан веб технологияси асосида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулнинг янги варианти 2013 йилнинг 5 ноябридан бошлаб давлат солиқ хизмати органларида амалиётга жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-моддасига мувофиқ камерал назорат, солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа хужжатларни (маълумотларни) ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида солиқ тўловчининг хузурига бормаган ҳолда амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 26- мартағи 86-сон буйруғига асосан “Тадбиркорлик субектлари фаолиятини камерал назоратдан ўтказиш ва улар асосида аниқланган камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган ҳолатлар бўйича солиқ текширувларини ташкил этиши тўғрисида Низом” тасдиқланди. Ушбу Низом “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сонли қарори билан тасдиқланган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, тадбиркорлик субектлари, яъни юридик шахслар ва жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботларини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги мавжуд бошқа хужжатларни (маълумотларни) ўрганиш ва таҳлил этиш асосида камерал назоратдан ўтказиш ва аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган ҳолатлар бўйича солиқ текширувларини ташкиллаштириш тартибини белгилайди.

“Камерал назорат” дастурий маҳсулини жорий қилишнинг асосий мақсадлари

“Камерал назорат” дастурий маҳсулини ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилишдан асосий мақсад:

- солиқقا тортиш амалиётини такомиллаштириш;
- солиқ қонунчилигининг бажарилишини назорат қилишнинг самарадорлигини ошириш;
- солиқ тўловчининг манзилига бормасдан ва маҳсус рухсатномасиз солиқ тўловчининг фаолиятини тақдим қилинган ҳисботлар асосида назорат қилиш;
- солиқ тўловчилар томонидан солиқ қонунчилиги талабларини бузилишига йўл қўймаслик ва келгусида уларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий, жиной ва молиявий жазо чораларининг олдини олиш;
- солиқ тўловчилар томонидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тушишини таъминлашдан иборат.

Дастур ёрдамида қўйидаги йўналишлар бўйича камерал таҳлил ўтказиш мумкин:

- солиқ ҳисботларининг ўз вақтида топширилиши;
- молиявий ҳисботларнинг ўз вақтида тақдим қилиниши;
- солиқ ва молиявий ҳисботлардаги кўрсаткичларнинг мутаносиблиги;
- молиявий ҳамда солиқ ҳисботларининг (соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳар бир тури бўйича) тўлиқлиги;
- ҳисботларда қўлланилган солиқ ставкаларининг тўғрилигини текшириш;
- қўлланилган солиқ имтиёзларининг асослилигини текшириш;
- солиқ ҳисботларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш .

• ҳисоботларнинг барча мажбурий реквизитлари тўлдирилиши (солиқ тўловчиларнинг идентификатсия рақами, поча манзили, санаси ва ш.к.);

• солиқ даври кўрсатилиши, солиқ ҳисоботи шаклларида назарда тутилган барча кўрсаткичларнинг, шу жумладан соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларининг тўлдирилиши.

Камерал таҳлил:

- Битта корхона бўйича;
- Олдиндан ажратилган бир гурух корхона бўйича;
- Статуслар бўйича;
- Фаолият турлари бўйича;
- Барча корхоналар бўйича;
- Битта солиқ тури ёки барча солиқ турлари бўйича ўтказилиши мумкин.

Дастурий маҳсулнинг куйидаги бандлари орқали мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш имкониятлари яратилган.

«Ҳисоботлар 1» бандида киритилган маълумотлар жамланиб, куйидаги ўйналишларда таҳлил қилинади:

- корхоналарнинг солик тўлаш тартиби бўйича;
- корхоналарнинг тоифалари;
- корхоналарнинг молиявий ҳисоботларни тақдим этиши.

«Ҳисоботлар 2» бандида маълумотлар базаси таҳлил қилиниб, куйидаги маълумотлар шакллантирилади:

1) Ҳисобот топшириши лозим бўлган корхоналар тўғрисида маълумот.

2) Макоми ўзгарган, корхоналар ҳақиқатдаги макоми бўйича тегишли макомга олиб борилмаган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда ҳолатлари тугатилган, аммо статуси бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналарни танлаб беради.

3) Ҳолати ўзгарган, корхоналар ҳақиқатдаги ҳолати бўйича тегишли ҳолатларга ўтказилмасдан қолган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда ҳолатлари бўйича фаолият кўрсатаётган, аммо 98-статусга олинган корхоналарни танлаб беради.

4.8.1.-расм. Умумий интерфейс

4) Банк муассасасида ҳисоб рақам очган, лекин ДСИ маълумотлар базасида ҳисоб рақам очмасдан фаолият кўрсатмаётган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда маълумотлар базасига ҳисоб рақамлари киритилмаган корхоналарнинг рўйхати шакллантирилади.

5) Банк муассасасида ҳисоб рақам очмаган, маълумотлар базасида фаолият кўрсатаётган ҳамда солиқ мажбуриятига эга корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда маълумотлар базасида ҳисоб рақамлари нотўғри киритилган корхоналар рўйхати шакллантирилади.

6) Фаолият кўрсатаётган, лекин ДСИ маълумотлар базасида солиқ мажбуриятига эга бўлмаган корхоналар ҳолатида турган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда 9-ҳолатга нотўғри ўтказилмаган корхоналар рўйхати шакллантирилади.

7) Фаолият кўрсатаётган, лекин ДСИ маълумотлар базасида ҳисобот тақдим этмаган корхоналар ҳолатида турган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда 14-ҳолатдан 0-ҳолатга ўтказилмаган корхоналар рўйхати шакллантирилади.

8) Ҳисобот тақдим этмаган, лекин ДСИ маълумотлар базасида фаолият юритаётган корхоналар ҳолатида турган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда 14-ҳолатга ўтказилмаган корхоналар рўйхати шакллантирилади.

9) Маълумотлар базасида солиқ тўловчи томонидан ҳисоботларни кечикириб тақдим этган корхоналар тўғрисида маълумот. Бу бўлимда ҳисоботларни топшириш муддатидан кейин ҳисоботлари маълумотлар базасига киритилган корхоналар рўйхати шакллантирилади.


10) Солиқ хисоботларини тақдим этмаган корхоналар тұғрисида маълумот. Маълумотлар базасидаги 14-холатдаги корхоналар рўйхати шакллантирилади.

11) "0" ҳисобот тақдим этган корхоналар түгрисида маълумот. Маълумотлар базасига “нол” ҳисоботларни тақдим этган корхоналарни олиб шакллантирилади.

12) Солиқ түловчи томонидан ЯИТ, ПЖСБ ва ЖШОДС бўйича ҳисоботларнинг таҳлили. Таҳлил ва назорат ишларини ташкил этиш мақсадида, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ҳисобланадиган ягона имжтимоий тўлов, мажбурий сугурта бадаллари, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги бўйича шахсий карточкада ҳисобланган суммаларни солиштириш мумкин.

13) Ягона солик тўловини амалга ошираётган юридик шахслар бўйича маълумот. Ягона солик тўловининг базавий миқдорларини солиштириш хамда ташки маинба маълумотларини таҳлил ва назорат килиш учун фойдаланилади.

14) Товар айланмасидан ЙЖ, ПЖ ва ТЖ бўйича солиширима жадвал. Таҳлил ва назорат ишларини ташкил этиш мақсадида, товар айланмасидан бюджетнинг мақсадли жамғармаларига хисобланадиган тўловлар бўйича шахсий карточкада хисобланган суммаларни солишириш мумкин.



3.8.2.-расм. Ҳисобот топширадиган корхоналар рўйхатини шакллантириши.

«Хисоботлар 3» бандида маълумотлар базаси таҳлил килиниб, натижада кўйдаги маълумотларни олишга имконият яратилган:

- солик түловчининг шахсий карточкаси тўғрисидаги маълумотлар. Бу бўлимда корхоналарнинг солик турларини киритилганлиги ва Солиқ

тұлаш даврлари тұғрисидаги маълумотларнинг кириллгандығы ва кириллмаганлығын текшириш имконияты яратылған;

- юридик шахслар томонидан хисобланган солиқлар түгристидаги маълумотлар. Бу бўлимда умумий статистик ва таҳлил ишлари амалга оширилади;
 - чораклик ҳисоботлар дастурий мажмууга киритилган, аммо шахсий карточкаларга проводка берилмаган суммалар тўгрисида маълумотлар;
 - ойлик ҳисоботлар дастурий мажмууга киритилган, аммо шахсий карточкаларга проводка берилмаган суммалар тўгрисида маълумотлар;
 - декадалик ҳисоботлар дастурий мажмууга киритилган, аммо шахсий карточкаларга проводка берилмаган суммалар тўгрисида маълумотлар;
 - кунлик ҳисоботлар дастурий мажмууга киритилган, аммо шахсий карточкаларга проводка берилмаган суммалар тўгрисида маълумотлар.

**8.2. Солиқ тұловчиларнинг фаолиятини камерал
назоратдан үтказышда ички ва ташқи манба
маълумотлар базасини шактлантириш**

Давлат солиқ хизмати органларида ички ва ташқи манба маълумотлари ҳисобига солиқ тўловчиларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базаси шаҳдлантирилди.

Ички манбалар бўйича маълумотлар базаси солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига тақдим этган молиявий ва солиқ ҳисоботлари, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича амалга оширган ўзаро ҳисоб-китоблари ҳамда давлат солиқ хизмати органларида мавжуд бўлган бошқа маълумотлар асосида шаклланиб, куйидаги ахборотларни ўз ичига олади:

а) молиявий хисоботлар, тушунтиришлар, маълумотлар ва солиқ ҳисбботлари (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича чораклик ва йиллик хисоб-китоблар, аниқлаштирилган хисбботлар

ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш билан бөглиқ бўлган маълумотномалар) ва солик ҳисоб-китобларига иловалар;

б) солик тўловчиларнинг шахсий карточкалари маълумотлари (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши, тўланиши, солик қарзи, ортиқча тўловлар ҳамда тўлов муддати кечиктирилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар);

Ташки манба маълумотлар базаси Солик кодексининг 84-моддасига мувофиқ, солик тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар томонидан белгиланган муддатда давлат солик хизмати органларига тақдим килинадиган маълумотлар асосида шаклланади.

«Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқ, солик ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда давлат солик хизмати органларига кўмаклашувчи давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика, молия органлари ва бошқа ташкилотлар маълумотларидан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Таянч иборалар:

солик тизими, тушунча, тамоил, солик муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солик сиёсати, давлат солик хизмати органлари, солик юки, солик ставкаси, солик маъмурчилиги, солик ҳисоботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солик тўловчиларнинг фаолиятини камерал назоратдан ўтказиш тартиби?
2. “Камерал назорат” дастурий маҳсулини жорий қилишнинг асосий мақсади ва натижаси нималарда намоён бўлади?
3. Камерал назорат асосида молиявий ва солик ҳисоботларини текшириш тартиби.
4. Камерал назоратни амалга оширишга доир мөъёрий ҳужжатлар?

9-БОБ. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

9.1. Солик текшируви турлари

9.2. Солик текширувини ташкил этиши

9.3. Текширишларнинг режса-жаддавалларини ишлаб чиқиши тартиби

9.4. Назорат қилувчи органларнинг Кенгаши (худудий комиссиялари) билан қўшимча келишиувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари рўйхати

9.1. Солик текшируви турлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
идора қарамогидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Солик назорати- соликка тортиладиган субъектлар ва обьектларни ҳисобга олишнинг, солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, солиқларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташкири Пенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги қонунида «**Солик назорати** соликка тортиладиган субъектлар ва обьектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат»-деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига асосан солик назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

Божхона органлари товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган

солиқлар ва бошқа мажбурий тұловларни ундириш бүйіча солиқ назоратини ўз ваколатлари доирасыда Солиқ Кодексига ва божхона тұғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Солиқ назорати амалга оширилаётганда Солиқ Кодекси ва бошқа қонун хужжатларининг қоидаларини бузган ҳолда солиқ тұловчи тұғрисида ахборот түплаш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатышга, шунингдек солиқ сирини ошкор қилишга йўл кўйилмайди.

Қонун хужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солиқ тұловчи тұғрисидаги хужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тұловчини солиқ тұғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди. (СК. 12 боб. 67-модда)

Камерал назорат

Камерал назорат солиқ тұловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботини, шунингдек солиқ тұловчининг фаолияти тұғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа хужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Камерал назорат солиқ тұловчининг хузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган эрда амалга оширилади.

Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисботини тұлдиришда хатоликларга йўл кўйилганилиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар ўргасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тұловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади.

Солиқ тұловчи аниқластирилған солиқ ҳисботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тұловлар бүйіча тузатилған солиқ ҳисботини ёхуд аниқланған тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи

Солиқ тұловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж үтказилған даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниқлаш мақсадида үтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиласынан ёки хизматлар күрсатадиган солиқ тұловчи хузурида бевосита товарлар реализация килинадиган, хизматлар күрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан үтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини үтказиш тұғрисидаги буйруқ солиқ солищ объектларини ва солиқ солищ билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тұловчи томонидан тушум миқдори камайтирилганилигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аниқланған тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини үтказиш тұғрисидаги буйруқда хронометраж үтказиладиган солиқ тұловчи, хронометражни үтказиш жойи ва муддати, хронометраж үтказиладиган давр, хронометраж үтказиш тұғрисида карор қабул қилинишига сабаб бўлған тафовут, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг хронометраж үтказадиган мансабдор шахслари албатта кўрсатилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи келиб тушаётган пул тушумини давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан қозатиши ва қайд этиш орқали үтказилади. Хронометражни үтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан эксперктарни жалб этишига йўл кўйилмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув үтказишга, солиқ тұловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солиқ тұловчига нисбатан талаблар тақдим этишига ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралашишга йўл кўйилмайди,

бундан фискал хотирали назорат-касса машинасида сақланаётган хронометраж ўтказилаётган вақтга доир маълумотларни олиш мустасно.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижалари юзасидан маълумотнома тузади. Маълумотноманинг кўчирма нусхаси солиқ тўловчига топширилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан факат тақдим этилаётган солиқ хисоботи тўғрилигини таҳлил этиш учун, шунингдек солиқ солиш обьектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ обьектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг кўлланилиши

Ўзбекистон Республикаси худудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий кўлланилган ҳолда амалга оширилади, бундан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини кўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айrim тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно.

Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини кўлламасдан амалга ошириш хукуқига эга бўлган айrim тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш шакллари ичida текшириш самараדורлик жихатидан муҳим аҳамият касб этади.

9.2. Солиқ текширувни ташкил этиш

Текшириш бу – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан конунлар ҳамда ўз фаолиятини тартиба соловчи бошқа конун ҳужжатлари қандай бажарилётганлигини наорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилишидир.

Солиқ текширувнинг мақсади бўлиб, солиқ тўловчиларнинг солиқ ва валютага оид конун ҳужжатларига риоя этиши, шунингдек уларнинг фаолиятини тартиба соловчи конунлар ва бошқа конун ҳужжатлари талабларини бажариши устидан назорат қилиш бўлиб ҳисбланади.

Солиқ текширувнинг вазифаси текширилаётган солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятини бажариши солиқ тўғрисидаги конун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда давлат солиқ хизмати органлари томонидан аниқланган солиқка оид хукуқбузарлик далилларининг ҳужжатлар билан тасдиқланishi ва уларнинг солиқ текшируви далолатномасида акс эттирилишидан иборат.

Солиқ текширувлари факат давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилади, улар текширувлар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар алломатларини аниқлаган ҳолларда – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиб департаменти томонидан ўтказилади.

Текширилаётган солиқ тўловчи мансабдор шахсларининг яқин қариндошлари (ота-онаси, эри ёки хотини, ака-укаси, опа-синглиси, фарзандлари) ёки кудалари (ер ёки хотиннинг ака-укаси, опа-синглиси, ота-онаси ва фарзандлари) бўлган давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг солиқ тўловчиларда солиқ текшируварини ўтказиши тақиқланади. Шунингдек солиқ текшируви натижаларидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган давлат солиқ хизмати органлари ходимлари солиқ тўловчиларда солиқ текширувлари ўтказишига кўйилмайди. Бундай ҳолатлар юзага келганда давлат солиқ хизмати органлари ходими текширув бошланишидан олдин ўзининг бевосита раҳбарига бу ҳақда маҳлум қилиши шарт. Мазкур қоидага риоя этмаганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ солиқ хизмати органи ходими зиммасига юкланади.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари солиқ текшируви пайтида олинган солиқ тўловчилар тўғрисидаги маҳлумотларни сир сақлашга мажбурлар, факат қўйидаги шахсларга Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда мазкур ахборотни тақдим этишга ҳаклидирлар:

- давлат солиқ хизмати органларининг бошқа ходимларига, улар хизмат мажбуриятларини бажаришлари пайтида ва мақсадида;
- ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга, солиққа оид ҳукуқбузарликлар ва жиноятларни содир этаётган шахсларнинг қонунга кўра айини фош этиш мақсадида;
- судларга, солиқ тўловчининг соликка оид мажбуриятларини ёки соликка оид ҳукуқбузарликлар ва жиноятлар учун жавобгарлигини белгилаш ҳакидаги ишни кўриб чиқиш давомида;
- давлат бюджети прогноз кўрсаткичларини шакллантирувчи ваколатли давлат органига;
- ҳалқаро шартномаларга мувофиқ бошқа мамлакатларнинг солиқ ёки ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларига.

Солиқ текширувларининг ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб қўймаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари текширилаётган юридик шахснинг таркибий бўлинмаларини текширишга ҳақли.

Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши солиқ текшируви предмети ҳисобланади.

Текширув давомида қўйидаги масалаларга эътибор бериш зарур:

- бухгалтерия ҳисоби юритилиши сифати;
- солиқ солинадиган база тўғри белгиланиши ва солиқ ставкаси тўғри қўлланиши;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар суммалари ўз вақтида ўтказилиши;
- солиқ ҳисоб-китоблари солиқ органларига ўз вақтида тақдим этилиши;

- солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар қўлланиши тартиби ва солиқ тўлашдан бўшаган маблагларнинг мақсадли ишлатилишини текшириш;

- солиқ солишига оид бошқа масалалар.

Режали текширудан аввал, солиқ инспекторлари ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисбот ва ҳисоб-китобларни камерал назоратдан (жойига чиқмасдан) ўтказадилар

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш қўйидаги турларга бўлинади:

- тафтиш;
- мукобил текшириш;
- назорат тартибida текшириш.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг бажарилишини текширишидир.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк хужжатлари ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги текширувидир. (СК. 14 боб. 85-модда)

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) – текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган томонидан

тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Солик тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солик текшируви (тафтиши) куйидаги ҳолларда ўтказиладиган текширувдир:

юридик шахс тугатилаётганда;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

давлат солик хизмати органига солик тўғрисидаги қонун хужжатлари солик тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушгандা.

Муқобил текширув – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солик тўловчиларда бўлган хужжатларни таққослашдан иборат текширувдир.

Муқобил текширув учинчи шахсларга нисбатан, агар солик текширувлари ўтказилаётганда давлат солик хизмати органида мазкур шахслар билан боғлик бўлган, солик тўловчи ўтказган операциялар солик бўйича ҳисобга олишда тўғри акс эттирилганлиги ҳақида қўшимча маълумот олиш зарурияти келиб чиқса, ўтказилади.

Кисқа муддатли текширувлар режадан ташқари солик текшируви тарзида ўтказилади.

9.3. Текширишларнинг режа-жадвалларини

ишлаб чиқиши тартиби

Йиллик текширишлар режа-жадвалини ишлаб чиқишида назорат қилувчи органлар томонидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантириш принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, текширишларнинг режа-жадвалига киритиш учун тегишли таклифлар куйидагича тақдим этилади:

- Кенгаш ишчи органига - назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича;

- вилоят комиссияларининг ишчи органларига - назорат қилувчи органларнинг вилоят бўлинмалари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича

- туман комиссияларининг ишчи органларига - назорат қилувчи органларнинг туман (шахар) бўлинмалари томонидан текшириладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича.

Айрим назорат қилувчи органлар учун уларнинг мурожаатлари бўйича Кенгашнинг маҳсус қарорлари билан таклифлар тақдим этишининг бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.

Назорат қилувчи органлар ёки уларнинг бўлинмалари томонидан Кенгашнинг, вилоят ёки туман комиссияларининг ишчи органларига тақдим этилган таклифлар, юкорида назарда тутилган муддатлар тугаганидан кейин, кўриб чиқилмайди.

Назорат қилувчи органларнинг таклифлари асосида Кенгаш томонидан йиллик текширишлар режа-жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Бунда тадбиркорлик субъектлари куйидаги ҳолларда текширишлар режа-жадвалига киритilmайди:

тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш тегишли назорат қилувчи органнинг ваколатига кирмайдиган бўлса;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларнинг йиллик ва йил чоракларига мўлжалланган мувофиқлаштириш режа-жадвалларини шакллантиришнинг принциплари тўғрисидаги тасдиқланган қоидалар шартларига риоя этилмаган бўлса;

тадбиркорлик субъектлари тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлса, шунингдек улар банкрот деб эхлон қилинган бўлса;

уларнинг режа-жадвалга киритилиши қонун хужжатларига, Кенгаш қабул қилган қарорларга зид бўлса.

Режадан ташқари текширишлар (шу жумладан кисқа муддатли текширишлар) назорат қилувчи органлар томонидан "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат килиш тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунининг 12-моддасига биноан уларнинг

ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган қўйидаги алоҳида ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда (агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларида текшириладиган субъект номи аниқ белгиланган бўлса, бунда Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси розилигини олиш талаб қилинмайди);

назорат қилувчи органга тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳоллари тўғрисида қўшимча маҳлумотлар келиб тушганда (корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган, аниқ далилланган ва ҳужжатлар билан тасдикланган хуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган ахборот қўшимча маҳлумот бўлиб хизмат қилиши мумкин);

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш зарур бўлганда; санитария-епидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Шунингдек назорат қилувчи органларга тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини текширишни сўраб, асослантирилган илтимос билан мурожаат этган тақдирда ҳам режадан ташқари текшириш ўтказилиши мумкин.

Текширишлар режа-жадвалига риоя этилиши мониторингини Кенгашнинг ва унинг вилоят, туман комиссияларининг ишчи органлари олиб борадилар, улар Кенгаш барча даражадаги ҳудудий комиссияларининг жойлардаги назорат қилувчи органлар билан ўзаро доимий алоқасини таҳминлайдилар ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилган текширишларни маҳсус компютер дастуридан фойдаланган ҳолда ойма-ой таҳлил килиб борадилар.

Назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари йилнинг ҳар чорагида ўтказилган текширишлар тўғрисидаги маҳлумотларни белгиланган шаклда ва муддатларда тегишли вилоят, туман комиссияларига ҳамда ўзларининг юкори ташкилотларига тақдим этадилар, улар эса бу

маҳлумотларни умумлаштирадилар ва ҳисобот даври якунлари бўйича йигма маҳлумотларни Кенгашнинг ишчи органига тақдим этадилар.

Назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳар ойнинг 3-кунигача, улар томонидан ўтган ойда ўтказилган текширишларнинг бошланган ва тугалланган санаси тўғрисидаги маҳлумотларни Кенгашнинг, вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органларига компютер маҳлумотлар базасига киришиш учун, тақдим этадилар.

Режадан ташқари текширишларнинг бошланганлиги, тугалланганлиги ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маҳлумотларни назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари тегишинча Кенгашнинг, вилоят ва туман комиссияларининг ишчи органларига текшириш тамом бўлганидан кейин 10 кунлик муддат ичига тақдим этадилар.

Кенгаш, вилоят ва туман комиссиялари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширилаётганда назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан қонунга хилоф ҳаракатларни содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда тегишли чора кўриш учун бу ҳақда прокуратура органларига зудлик билан хабар қиласди.

Назорат қилувчи органлар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини Кенгаш, унинг вилоят ва туман комиссиялари рухсатлари асосида текширадилар.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқарилаётган, товарлар савдо килинаётган, турли хизматлар бажарилаётган ва ёки хизматлар кўрсатилаётган турғун обьектлар (бино, иншоотлар)да амалга оширилади. Муқобил текширишлар ва турғун обьектлар (бино, иншоотлар)дан ташкарида ўз фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорларда текширишлар ўтказиш бундан мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишда қўйидаги масалалар кўрилади:

а) солик ва ташки иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши;

б) савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши, шу жумладан назорат-касса машинаси, ҳисоб терминаллари қўлланилиши, сотилаётган

мажбурий сертификатланадиган товарларга мувофиқлик сертификатлари, ўлчов асбобларида белгиланган тамгалари мавжудлиги;

в) пул маблағлари хисобини юритиш ва муомалалари тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилиши;

г) буюмларда Давлат асиллик тамғаси ўрни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси асиллик тамға белгисининг мавжудлиги;

д) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришга доир меҳёрий хужжатлар талабларига риоя этилиши;

е) санитария назорати, ветеринария назорати, ёнгин хавфсизлиги чоралари, энергетика ҳамда экология назорати тўғрисидаги конун хужжатлари талабларига риоя этилиши.

Лицензияланадиган фаолият билан шугулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши ҳам текширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш фақатгина қўйидаги назорат қилувчи органлар томонидан:

Давлат солиқ хизмати органлари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги Кимматбаҳо металлар агентлиги Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат назорати органлари;

Давлат санитария, ветеринария, ёнгин хавфсизлиги, энергетика назорати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитаси;

Тегишли лицензияловчи органлар.

Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча саклаш жойлари худудида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорларни текширишлар қонун хужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан имзоланган амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасида бир

кун давомида режадан ташқари қисқа муддатли, муқобил ёки назорат тартибида текширишлар шаклида амалга оширилиши мумкин.

Истисно тариқасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва товар хужжатларини текшириш зарурати бўлган ҳолларда, камерал назорат натижасида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари асосида, Кенгаш қарори билан якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини бундан қўпроқ, лекин 5 иш кунидан ошмаган муддатда текшириш ўтказиш кўзда тутилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

текширишларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқсанда;

назорат қилувчи органга якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қонунлар ва бошқа конун хужжатлари бузилганилиги тўғрисида қўшимча маҳлумотлар келиб тушганда;

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш зарур бўлганда; санитария-епидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини режадан ташқари ёки муқобил текшириш ўтказиш учун назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг худудий бўлинмалари эса тегишлича вилоят ва туман комиссияларига режадан ташқари текширишни ўтказиш учун уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда белгиланган шаклда буюртма ҳамда назорат органи раҳбари томонидан имзоланган текширишни ўтказиш режасини юборади.

9.4. Назорат қилувчи органларнинг Кенгаш (худудий комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари рўйхати

Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорга тақдим этиладиган назорат қилувчи орган раҳбарининг ёзма бўйруги асосида Кенгаш (вилоят комиссиялари) билан қўшимча келишувсиз назорат функциялари қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

назорат қилувчи органда якка тартибдаги тадбиркор томонидан қонун бузиш ҳолатлари содир этилганлиги тўғрисида ишончли маҳсулотлар бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибда тадбиркорларнинг тақиқланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш (хизмат) ҳолатларини бартараф этиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан савдо ва хизмат қўрсатиш соҳаси обьектлари, шунингдек бошқа хусусийлаштирилган корхоналар эгаларининг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 ноябрдаги 402-сон карори З-бандига мувофиқ хусусийлаштириш шартномаларида назарда тутилган фаолият йўналишини саклаш бўйича шартларга риоя килиши юзасидан мониторинг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-епидемиология назорати томонидан Давсанепидназорат ёки унинг худудий бўлинмаларининг бўйруқларига мувофиқ сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, оқава сувларни чиқариб ташлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда (якка тартибдаги тадбиркорларда) намуналар танлаб олиш йўли билан сут ва сут маҳсулотлари, оқава сувларни ҳар ойда лабораторияларда тадқиқ этишини амалга ошириш, шунингдек мавжуд қонунларга кўра тиббий кўриқдан ўтиши керак бўлган савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат қўрсатиш соҳаси ходимларида тиббий шаҳодатланиш дафтарчаларининг мавжудлигини олти ойда кўпи билан бир маротаба мониторингдан ўтказиш;

назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга берилган ваколатлар доирасида якка тартибдаги тадбиркорларда фаолият қўрсатиш хуқуқини берувчи

руҳсатномаларнинг, солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўланганлиги тўғрисидаги квитантсиялар ёки бошқа тўлов ҳужжатлари, товар чеклари китобчasi (якка тартибдаги тадбиркорлар чакана савдо фаолияти билан шуғулланган ҳолларда) мавжудлиги, шунингдек электр энергия ҳисоблагич ассобларининг кўрсаткичларини фойдаланилган электр энергия учун ҳақиқатда тўланган миқдорлар билан таққослаш бўйича амалга ошириладиган харакатлар;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан бир марталик йигимлар, ижара тўловларининг тушуми тўлиқлиги ва ҳисобга олинишини, назорат-касса машиналаридан, ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишини, савдо ва хизмат қўрсатиш қоидаларига риоя этилишини бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойлари худудида фаолият қўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорларда киска муддатли текширишлар ўтказиш. Кўрсатилган текширишлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат килиш бош бошкармаси ҳамда унинг худудий бўлимлари бошликларининг буйруқлари асосида, кейинчалик киска муддатли текшириш ўтказилган кундан бир иш куни мобайнида Кенгаш ёки унинг тегишли худудий комиссиясини хабардор қилган ҳолда ўтказилади;

белгиланган тартибда расмий равишда ўз фаолиятини тўхтатган даврда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини давом эттираётган жисмоний шахслар фаолиятида текширишлар ўтказиш. Бунда уларнинг якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатишигача бўлган даврдаги фаолиятини текширишга йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошкармаси ёки унинг худудий бўлинмалари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан гўшт ва сут маҳсулотларининг белгиланмаган жойларда ҳамда келиб чиқиши ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотилиши устидан назорат ишларининг амалга оширилиши.

1. Текширишларни ўтказиш учун асос.

Текширув муддатлари ва даврийлиги

Юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

- маҳсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий булинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

- назорат килувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруги ёхуд маҳсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, уни ўтказиш санаси ва текширишни амалга ошириш топширилаган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган қарорлари.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия – хўжалик юритувчи субъектлар молия - хўжалик фаолиятини текшириш учун кўзгатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади.

Режали солик текширувни ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий бўлинмаси томонидан берилган кўчирма. Бунда кўчирма унинг аслига тўғри эканлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим;

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режаси асосида давлат солик хизмати органининг текширувни мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруги.

Режадан ташқари солик текширувни ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, текшируvнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиш

муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори;

давлат солик хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текшируvни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текшируvчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруги.

Муқобил текшируv ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштируvчи маҳсус ваколатли органнинг текшириладиган объектнинг номи, текшируv ўтказиш мақсадлари, муддатлари, шунингдек ўзаро муносабатларнинг текширилиши лозим бўлган предмети кўrсатилган ҳолдаги муқобил текшируv ўтказиш тўғрисидаги қарори;

давлат солик хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштируvчи маҳсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текшируvни ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текшируvчи мансабдор шахслар таркиби кўrсатилган ҳолдаги буйруги.

Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солик текширувидан ўтказиш учун куйидагилар асос бўлади:

тутатилаётган юридик шахснинг аризаси ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг юридик шахснинг тутатилиши тўғрисидаги билдириши;

давлат солик хизмати органининг текшируv мақсадлари, текшируv ўтказиладиган муддатлар ва текшируvчи мансабдор шахслар таркиби кўrсатилган буйруги. (СК. 88-модда.)

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида холларда маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Солик текшируvни ўтказиш муддати ўттиз календар кунидан ошмаслиги керак. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солик соҳасида текшириш муддатларини қонун хужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан

ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди¹³. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органнинг қарори билан узайтирилиши мумкин.

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча бўйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги бўйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди. (СК. 89-модда)

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар маҳсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вактида ҳамда тўла микдорда тўловчи, бошқа тартиб ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хуносаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вактида ҳамда тўлик ҳажмда риоя этаётган солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади, ушбу мoddанинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-

хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) эса, уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қискартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишни кучайтиришни таъминлаш мақсадида, куни-кеча Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қискартириш ва улар фаолиятини назорат қилишини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сон Фармони қабул килинди.

Мазкур Фармонга биноан шундай тартиб ўрнатилдики, унга асосан:

- янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди (аксиз солигига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириши, шунингдек бюджет ҳамда маркаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиши билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

- 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда соликларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вактида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларини барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чогида, қўзгатилган жиноят ишлари доирасида, шунингдек бюджет ҳамда маркаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан мақсадли фойдаланиши билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни утказиш кўзда

¹³ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. «Tadbirkorlik sub'ektlarini tekshirishlarni yanada qisqartirish va ular faoliyatini nazorat qilishni tashkil etish tizimini takomillashtirish borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida». PF-4296-son. 4 aprel 2011 y.

тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл кўйилмайди.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига назорат органлари билан биргалиқда 1 ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Унда қуидагиларни назарда тутиш белгиланди:

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солик тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солик ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари буюйича солик қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

- солик қонунчилиги бузилишларнинг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш;

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказиша унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўлашни татбиқ этиш.

Текширишларни бошлиш ва ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини, шунингдек банк хисоб ракамлари буюйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошка худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар, бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июняндаги ПФ-3619-сонли фармонларида белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул килинаётганига мутлақо йўл кўйиб бўлмайди, деб ҳисбланди.

Вазирлар Маҳкамасига 1 ой муддатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ушбу масала буюйича Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритиши топширилди.

Бош прокуратурага текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш юклатилди.

Давлат солик қўмитасига Адлия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорлиқда;

- мазкур фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

- давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний араласиши ҳолларини очиб берадиган, шунингдек айбдор мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисида радио эшилтириш ва телекўрсатувларни, республика ҳамда маҳаллий матбуотда маколаларни чоп этишини мунтазам равишда ташкил этиш топширилди.

Республика кенгашига Давлат солик қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан биргалиқда 2 ҳафта муддатда ушбу фармоннинг қоидалари тааллуқли бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқиш ва текширишлар режа-жадвалидан чиқариб ташлаш юкланди.

Давлат солик қўмитасига Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда 1 ой муддатда:

- қонун хужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- идоравий норматив хужжатларни ушбу фармонга мувофиқ ҳолга келтириш топширилди.

Солик текширувлари факат юкорида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Солиқ текшируви ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб кўймаслиги керак, конун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шахарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганинидан қатъи назар, тақорлашга йўл кўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурида қўйидагилар кўрсатилиши керак:

солиқ текшируви ўтказилаётганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси конун хужжатларига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказиладиган бўлса, шу конун хужжатларининг рўйхати;

текширув туридан келиб чиқсан ҳолда бошқа маълумотлар.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Муқобил текширув текширилаётган солиқ тўловчи билан факат ўзаро муносабатларга тааллуқли кисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия хужжатларини ёки бошқа хужжатларни талаб килиб олиш тақиқланади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан беш календар йилдаги фаолиятини камраб олиши мумкин.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари Солиқ Кодексида белгиланган тартиба солиқ тўловчининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризатсия қилишга, хужжатларни талаб килиб олишга, хужжатлар ва предметларни олиб кўйишга, солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия хисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банқдаги хисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга, экспертини жалб этиши ва экспертиза тайинлашга, солиқ тўғрисидаги конун хужжатларининг аникланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, Солиқ Кодексида ва бошқа конун хужжатларида назарда тутилган бошқа харакатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ хисоботига солиқ тўловчи томонидан ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилишига йўл кўйилмайди. (СК. 91-модда)

6. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолияtlари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;
- назорат қилувчи органнинг текширувчи мансабдор шахсларидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос хисобланувчи бошқа хужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар билан танишиш;

- текшириш ўтказиш учун тегишли хужжатга эга бўлмаган шахсларни текшириш ўтказишга йўл қўймаслик;
- назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига таълуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;
- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичida текшириш натижаларини акс эттирувчи хужжатларнинг бир нусхасини олиш;
- қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари бўйича шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва хужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш обьектларига киритишига, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурийлар.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чогида ўз ваколатлари доирасида куйидаги хукукларга эга:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарурий хужжатлар ва бошка ахборотларни талаб қилиш;
- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган конунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулқдорлари олдига айбор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўйиш;
- текширувга вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахасисларини белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;
- қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ва маъмурий жазо чораларини кўллаш.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларнинг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдар шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тешириш чогида ўз ваколатлари доирасида куйидагиларни бажаришга мажбурийлар:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш хукукини берувчи зарур хужжатларни кўрсатиш;
- давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;
- текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;
- хукуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун хужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

Таянч иборалар:

солиқ назорати, солиқ текшируви, назорат турлари, режали, бошқариш, солиқ текширувчи органлар, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ хисоботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солиқ текшируви турлари
2. Солиқ текширувни ташкил этиш
3. Текширишларнинг режа-жадвалларини ишлаб чиқиш тартиби.
4. Фискал хотириали назорат-касса машиналарининг кўлланилишини назорат қилиш тартиби.

10-БОБ. СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

10.1. Текширишларни ўтказиши учун асос. Текширув муддатлари ва даврийлиги

10.2. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хуқуқлари ва маజбuriятлари

10.1. Текширишларни ўтказиши учун асос.

Текширув муддатлари ва даврийлиги.

Юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиши учун кўйидагилар асос бўлади:

- махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий булинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

- назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруги ёхуд махсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиши тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, уни ўтказиши санаси ва текширишни амалга ошириш топширилаган мансабдор шахсларининг таркиби кўрсатилган қарорлари.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия – хўжалик юритувчи субъектлар молия – хўжалик фаолиятини текшириш учун кўзгатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади.

Режали солик текширувни ўтказиши учун кўйидагилар асос бўлади:

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан олинган, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли худудий булинмаси томонидан берилган кўчирма. Бунда кўчирма унинг аслига тўғри эканлиги кўрсатилган ҳолда тегишли имзо ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим;

текширувларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режаси асосида давлат солик хизмати органининг текширувни мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр ва текширув ўтказиши муддатлари кўрсатилган буйруги.

Режадан ташқари солик текширувни ўтказиши учун қўйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган обьектнинг номи, текширувнинг мақсадлари, текшириладиган давр (тафтиш учун), текширув ўтказиши муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилган текширув ўтказиши тўғрисидаги қарори;

давлат солик хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиши мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр кўрсатилган ҳолдаги буйруги.

Муқобил текширув ўтказиши учун кўйидагилар асос бўлади:

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг текшириладиган обьектнинг номи, текширув ўтказиши мақсадлари, муддатлари, шунингдек ўзаро муносабатларнинг текширилиши лозим бўлган предмети кўрсатилган ҳолдаги муқобил текширув ўтказиши тўғрисидаги қарори;

давлат солик хизмати органининг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган қарори асосида чиқарган текширувни ўтказиши мақсадлари, муддатлари ва текшируvчи мансабдор шахслар таркиби кўrсатилган ҳолдаги буйруги.

Тугатилаётган юридик шахсни режадан ташқари солик текширувидан ўтказиши учун кўйидагилар асос бўлади:

тугатилаётган юридик шахснинг аризаси ёки юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши амалга оширувчи органнинг юридик шахснинг тугатилиши тўғрисидаги билдириши;

давлат солик хизмати органининг текшируv мақсадлари, текшируv ўтказиладиган муддатлар ва текшируvчи мансабдор шахслар таркиби кўrсатилган буйруги. (СК. 88-модда.)

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида холларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Солиқ текшируванин ўтказиш муддати ўттиз календар кунидан ошмаслиги керак. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун хўжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл кўйилмайди¹⁴. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли органинг қарори билан узайтирилиши мумкин.

Солиқ текшируви муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органинг қўшимча бўйруғи билан расмийлаштирилиб, унда олдинги бўйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак.

Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддатини узайтиришга йўл кўйилмайди. (СК. 89-модда)

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар маҳсус ваколатли органинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла миқдорда тўловчи, бошқа тартиб ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хulosаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, кўпи билан иккى йилда бир марта амалга оширилади.

Солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлик ҳажмда риоя этаётган солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади, ушбу мoddанинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

¹⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. «Tadbirkorlik sub'ektlarini tekshirishlarni yanada qisqartirish va ular faoliyatini nazorat qilishni tashkil etish tizimini takomillashtirish borasidagi qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida». PF-4296-son. 4 aprel 2011 y.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) эса, уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиди» давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомillashtiriш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асосиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини химоя қилишни кучайтиришни таъминлаш мақсадида, куни-кеча Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомillashtiriш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сон Фармони кабул қилинди.

Мазкур Фармонга биноан шундай тартиб ўрнатилдики, унга асосан:

- янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб, дастлабки 3 йил мобайнида режали солиқ текшируvlаридан ўтказилмайди (аксиз солигига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек бюджет ҳамда маркашлаширилган маблаглар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиши билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

-2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларини барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чогида, кўзгатилган жиноят ишлари доирасида, шунингдек бюджет ҳамда маркашлаширилган маблаглар ҳамда ресурслардан мақсадли фойдаланиши билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

- кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини конун ҳужжатларида уларни утказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл кўйилмайди.

Назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига назорат органлари билан биргаликда 1 ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Унда кўйидагиларни назарда тутиш белгиланди:

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари буюйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

- солиқ қонунчилиги бузилишларнинг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш;

- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлик бўлмаган текширишларни ўтказишида унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий кўллашни татбиқ этиш.

Текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини, шунингдек банк ҳисоб рақамлари буюйича операцияларни тўхтатиб кўйиш ва бошқа худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги карорлар, бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини ҳукукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли фармонларида белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётганига мутлақо йўл кўйиб бўлмайди, деб ҳисбланди.

Вазирлар Маҳкамасига 1 ой муддатда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ушбу масала бўйича Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритиш топширилди.

Бош прокуратурага текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳукуки мухофаза қилиш идоралари фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш юклатилди.

Давлат солиқ қўмитасига Аддия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда;

- мазкур фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиши;

- давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноконуний аралашиш ҳолларини очиб берадиган, шунингдек айборд мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисида радио эшиттириш ва телекўрсатувларни, республика ҳамда маҳаллий матбуотда мақолаларни чоп этишини мунтазам равища ташкил этиш топширилди.

Республика кенгашига Давлат солиқ қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан биргаликда 2 ҳафта муддатда ушбу фармоннинг қоидалари таалукли бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқиш ва 2011 йилги текширишлар режажадвалидан чиқариб ташлаш юкланди.

Давлат солиқ қўмитасига Аддия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 1 ой муддатда:

- конун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

- идоравий норматив ҳужжатларни ушбу фармонга мувофик холга келтириш топширилди.

Солиқ текширувлари фақат юқорида кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Солиқ текшируви ўтказилиши солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатиб кўймаслиги керак, конун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шахарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганинидан қатъи назар, тақорлашга йўл кўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурида кўйидагилар кўрсатилиши керак:

солиқ текшируви ўтказилаётганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;

солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси конун хужжатларига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказиладиган бўлса, шу конун хужжатларининг рўйхати;

текширув туридан келиб чиқсан ҳолда бошқа маълумотлар.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Муқобил текширув текширилаётган солиқ тўловчи билан факат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқли бўлмаган маҳсус ваколатли орган ёки бошқа хужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан беш календар йилдаги фаолиятини камраб олиши мумкин.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари Солиқ Кодексида белгиланган тартиба солиқ тўловчининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризатсия қилишга, хужжатларни талаб қилиб олишга, хужжатлар ва предметларни олиб кўйишга, солиқ тўловчидан, шунингдек солиқ тўловчининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган шахслардан, бошқа моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банқдаги ҳисобвараклари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга, экспертини жалб этиши ва экспертиза тайинлашга, солиқ тўғрисидаги конун хужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, Солиқ Кодексида ва бошқа конун хужжатларида назарда тутилган бошқа харакатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисботига солиқ тўловчи томонидан ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилишига йўл кўйилмайди. (СК. 91-модда)

10.2. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қуидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;
- назорат қилувчи органнинг текширувчи мансабдор шахсларидан маҳсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа хужжатларни талаб

қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатлар билан танишиш;

- текшириш ўтказиш учун тегишли хужжатга эга бўлмаган шахсларни текшириш ўтказишга йўл қўймаслик;

- назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига таълукли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

- назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичida текшириш натижаларини акс эттирувчи хужжатларнинг бир нусхасини олиш;

- қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари бўйича шикоят қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва хужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш обьектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чогида ўз ваколатлари доирасида куйидаги хукуқларга эга:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарурий хужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани кўйиш;

- текширувга вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахасисларини белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

- қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ва маъмурий жазо чораларини кўллаш.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахсларнинг қонуний талаблари текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийdir.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тешириш чогида ўз ваколатлари доирасида куйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

- текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш хукукини берувчи зарур хужжатларни кўрсатиш;

- давлат сири, тизкорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

- текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

- хукуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун хужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятга аралашиба шаҳли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун хужжатлари бузилганлиги аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муаян қонунбузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирлар кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашиба ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга шаҳли эмас.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуий қарорлари ёки бошқа харажатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектга этказилган зараплар, шу жумладан бой берилган фойда қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Таянч иборалар:

солиқ тизими, тушунча, тамойил, солиқ муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ хисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солиқ текширувларини ўтказиш тартиби.
2. Солиқ текширувларини расмийлаштириш тартиби.
3. Солиқ текширувларини амалга оширувчи субъект ва мансабдор шахсларнинг хукуқ ва мажбуриятлари.
4. Солиқ текширувларини амалга оширишга асос бўлувчи омиллар.

11-БОБ . ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ.

11.1. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари.

11.2. Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари ижросини таъминлашда бошқа органлар билан ҳамкорлиги.

11.1. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилишининг хукукий мунособатлари ва тартиб қоидалари қуйидаги қонун хужжатларига асосан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (2007 йил 25 декабр);
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хукукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик

мухитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

- Ўзбекистон Республикаси президентининг “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори;

- «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида» Низом

- “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом Адлия вазирлигига 2007 йил 3 сентябрьда 1712-сон билан рўйхатга олинган);

- «Текширишларни рўйхатга олиш китобининг шакли ва уни тўлдириш тартибини тасдиқлаш ҳакида”ги бўйруги (Адлия вазирлигига 7 ноябр 2011 йил 2208-сон билан рўйхатга олинган).

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуннинг мақсади хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишидир. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари хисобидан молиялаштирилган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишда қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг «Республика солик органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари этиб куйидагилар белгиланди:

-пул маблағларининг ноқонуний муомалада бўлиши манбаларини бартараф этиш, аҳоли билан пул хисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд тушумнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

-дехқон бозорлари ва савдо комълексларининг молия-хўжалик фаолиятини, улар томонидан солик қонунчилигига риоя қилинишини каттиқ назорат қилиш ҳамда жиноий ишларни хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тўширган ҳолда уларнинг худудларида аниқланган хуқуқ бузилишлари бўйича суриштирувлар ўтказиши;

-Республика назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлашга ва суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик;

-юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ва экспорт-импорт ўератсияларини амалга оширишда қонун хужжатларига қатий риоя этилиши юзасидан таъсирчан назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини хуқуқий тартибга солишини янада тасомиллаштириш тўғрисида”ги 98-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бозорлар ва савдо комълекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқланди. Ушбу қарорда Давлат солик қўмитасининг вазифалари, хуқуqlari ва ваколатлари белгиланган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш куйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш;
- статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
- идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Солик назорати- соликка тортиладиган субъектлар ва объектларни хисобга олишнинг, солик тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини, соликларнинг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари ўенсия ва Республика йўл жамғармаларига мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги конунида «**Солиқ назорати** солиққа тортиладиган субъектлар ва объектларни ҳисобга олишнинг, шунингдек солиқ тўғрисидаги конун хужжатларига риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидан иборат»-деб белгилаб қўйилган.

Камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошка ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир.

Камерал назорат солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади.

Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан камерал назорат жараёнида солиқ ҳисботини тўлдириша хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидағи маълумотлар ўтасида зиддиятлар борлиги аникланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади.

Солиқ тўловчи аниклаштирилган солиқ ҳисботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва бошка мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солиқ ҳисботини ёхуд аникланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Солиқ тўловчининг нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи хронометраж ўтказилган даврда ҳақиқатда келиб тушган нақд пул тушумини аниклаш мақсадида ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи нақд ҳисоб-китоб асосида товарлар реализация қиласидан ёки хизматлар кўрсатадиган солиқ тўловчи ҳузурида бевосита товарлар реализация қилинадиган, хизматлар кўрсатиладиган жойда давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олиш жараёнида солиқ тўловчи томонидан тушум

миқдори камайтирилганлигини тахмин қилиш имконини берадиган тафовутлар аникланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан қабул қилинади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда хронометраж ўтказиладиган солиқ тўловчи, хронометражни ўтказиш жойи ва муддати, хронометраж ўтказиладиган давр, хронометраж ўтказиш тўғрисида карор қабул қилинишига сабаб бўлган тафовут, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг хронометраж ўтказадиган мансабдор шахслари албатта қўрсатилади.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи келиб тушаётган пул тушумини давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан кузатиш ва қайд этиш орқали ўтказилади. Хронометражни ўтказишга бошқа шахсларни, шу жумладан эксьерларни жалб этишга йўл қўйилмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини амалга ошириш жараёнида текширув ўтказишга, солиқ тўловчидан бирон бир ахборот ёки тушунтиришлар талаб қилишга, солиқ тўловчига нисбатан талаблар тақдим этишга ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда аралашибашга йўл қўйилмайди, бундан фискал хотирали назорат-касса машинасида сакланаётган хронометраж ўтказилаётган вактга доир маълумотларни олиш мустасно.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи натижаларидан фақат тақдим этилаётган солиқ ҳисботи тўғрилигини таҳлил этиш учун, шунингдек солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини юритиш учун фойдаланилади. Хронометраж натижаси солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Фискал хотирали назорат-касса машиналарининг кўлланилиши.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал

хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилади, бундан нақд пул билан хисоб-китоб қилишни, фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар мустасно.

Фаолиятининг ўзига хос хусусияти сабабли нақд пул билан хисоб-китоб қилишни назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириш хукукига эга бўлган айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун хужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 20 январда 2070-сон билан рўйхатга олинган “Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш хукукини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом асосида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга рухсат белгиланган намунадаги маҳсус гувоҳнома билан тасдиқланади.

11.2. Давлат солиқ хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари ижросини таъминлашда бошқа органлар билан ҳамкорлиги.

Давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юқлатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хукуки муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун хужжатларида риоя этилиши устидан

давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича хукуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари, хукуки муҳофаза қилувчи органлар, молия органлари, банклар ўзаро келишиб белгиланган тартибда солиқлар бўйича хукуқбузарликларга оид мавжуд материаллар ва хукуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, ўтказилаётган текширувлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиласидар, шунингдек зиммаларига юқлатилган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа ахборотларни алмашиб турадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларида мувофиқ солиқ солиш масалаларига даҳлдор норматив-хукукий хужжатлар қабул қиласи. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олининиши ва солиқ ҳақидаги қонун хужжатларида риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида банклар:

- 1) хўжалик юритувчи субъектлар давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга олинганларини тасдиқловчи хужжат тақдим этган тақдирдагина улар учун ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобвараклар очишлари мумкин ва бу ҳисобвараклар очилганлиги ҳақида улар очилган куннинг эртасидан кечикирмай мазкур органга хабар берадилар;
- 2) хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, бундай субъектларнинг ҳисоб-китоб ракамлари ва бошқа ҳисобваракларини суднинг қарорига биноан йўадилар;
- 3) давлат солиқ хизмати органларининг солиқ тўловчи мижозлардан белгиланган муддатда тўланмаган солиқлар ва жарималарни сўзсиз ундириш тўғрисидаги фармойишларини (инкассо тўширикларини) меҳнатга доир хукукий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментлар ундириш ҳақидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тўлашга доир, шунингдек ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини кўлаш ҳақидаги талабларни қондириш учун ҳисобваракдан пул маблағлари ўтказилиши ёки берилишини назарда тутадиган ижро хужжатлари бўйича мутаносиб равишда бажарадилар;
- 4) солиқ тўловчи мижознинг маблағлари бўлса, унинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварагидан маблағларни ҳисобдан чиқариш ўератсияси амалга

оширилган куни солиқлар ва жарима суммаларини бюджет даромадига ўтказадилар;

5) солиқ тўловчи - мижозларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобваракларидан пул маблағлари бериш, ўтказиш ёки уларни ҳисобдан чиқаришга доир ўератсияларни давлат солиқ хизмати органларининг ёзма талаби бўйича тўхтатиб қўяди.

6) давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига:

юридик шахсларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобвараклари;

жисмоний шахсларнинг деъозит ва бошқа ҳисобвараклари бўйича амалга оширилган ўератсияларни текшириш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда йўл қўядилар;

7) давлат солиқ хизмати органларининг сўровномасига кўра уларга сўралаётган давр мобайнида солиқ тўловчи мижозларнинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобваракларидан амалга оширилган ўератсиялар ва ана шу ҳисобваракларда пул маблағларининг бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар;

8) давлат солиқ хизмати органларининг сўровномасига кўра эксьорт-имъорт контрактларининг ижросига доир маълумотларни ва қонун хужжатларида белгиланган бошқа ахборотни тақдим этадилар.

9) олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса - уч ой мобайнида) банк ҳисобвараклари бўйича пул ўератсиялари ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширганинг муносабати билан корхоналарнинг ҳисобвараклари йўйилган санадан эътиборан уларнинг фаолиятни давом эттириши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалаларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун ахборотни уларни ҳисобга олган жойдаги давлат солиқ хизмати органига уч иш куни мобайнида тақдим этадилар;

10) қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларига бошқа ахборотни ҳам тақдим этадилар.

Банклар солиқ тўловчи мижозларнинг солиқлар, шунингдек жарима суммаларини ўтказиш ҳақидаги тўширикларини бажаришни кечикириши тақиқланади. Банк айби билан солиқ тўловчи мижознинг ёки давлат солиқ хизмати органининг солиқларни ўтказиш ҳақидаги тўшириги бажарилмаган

(бажариш кечикирилган) тақдирда банкдан ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган солиқлар суммасининг 0,5 фоизи микдорида белгиланган тартибда пена ундирилади.

Юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганилиги тўғрисида ахборот тақдим этадиган органлар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг мажбуриятлари келтириб ўтилган бўлиб, жумладан:

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига ушбу юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кундан кечикирмай тегишли юридик шахсларнинг давлат реестридан кўчирма тўшириши шарт. Мазкур органлар давлат солиқ хизмати органига тегишли юридик шахсларга тааллукли давлат реестрига киритилган ҳар қандай ўзгартишлар тўғрисида ҳам бундай ўзгартишлар киритилган кундан эътиборан ўн кундан кечикирмай маълум қилиши шарт.

Лицензия ва (ёки) бошқа рухсат этувчи хужжатлар берадиган органлар бундай хужжатлар берилган шахслар жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига шундай хужжатлар берилганлиги ҳоллари ҳақида маълум қилиши, шунингдек мазкур хужжатлар бекор қилинганлиги, уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилганлиги ёки тутатилганлиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

Ички ишлар органлари ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ўзсъортлар берилганлиги, шу жумладан йўқотилган ёки амал қилиш муддати ўтган ўзсъортлар ўрнига ўзсъортлар берилганлиги фактлари ҳақида, бекор қилинган паспортлар тўғрисида ҳар ойда маълум қилиши шарт.

Кўчмас мулкка бўлган хукукни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига тегишли ҳудудда жойлашган кўчмас мулк ва унинг мулкдорлари (егалари) тўғрисида мазкур кўчмас мулкка бўлган хукуқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн кун ичida маълум қилиши шарт.

Сув ресурсларини ҳисобга олувчи органлар сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига 1 февралдан

кечиктирмасдан ўтган йил якунлари бўйича ўлчов асбобларисиз фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Давлат нотариал идоралари тегишинча кўчмас мулк ижараси шартномаси тасдиқланганилиги ва ижара ҳақи миқдори, шунингдек мерос қилиб олиш ёки ҳадя тарзида фукароларнинг мулкига ўтаётган мол-мулк қиймати тўғрисида кўрсатилган нотариал ҳаракатлар амалга оширилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Ер ресурсларини ҳисобга оловчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ер участкасига нисбатан ҳуқуқи юзага келган (тугатилган) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига нисбатан ҳуқуқ берилганилиги (тугатилганилиги) ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисоби юритилишини амалга оширувчи ва (ёки) ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқукларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига ер қаъри участкаси жойлашган ер ҳамда мазкур ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилган шахс тўғрисидаги ахборотни ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуки рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) кундан эътиборан ўн кун ичida маълум қилиши шарт.

Банклар юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга фақат улар давлат солиқ хизматининг тегишли органида ҳисобга қўйилганилигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда банк ҳисобвараклари очиши мумкин ва ҳисобвараклар очилганилиги тўғрисида ўша органга кейинги кундан кечиктирмай маълум қилиши шарт. Конунда назарда тутилган ҳолларда банклар давлат солиқ хизмати органларига бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади.

Божхона органлари ҳар ойда экспорт-импорт оперциялари, шунингдек товарлар ҳаракати ҳақидаги маълумотни давлат солиқ хизмати органларига маълум қилиши шарт.

Таянч иборалар:

Назорат, режали текширишлар, солик назорати, назорат қилувчи органлар, текширув турлари, режадан ташкари текширишлар, текширувчи мансабдор шахслар, текширишларни ўтказиш, текширувларнинг даврийлиги, мониторинг қилиш.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг моҳияти нимада?
2. Текширувлар қандай турларга бўлинади?
3. Назоратнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Текширув қандай турларга бўлинади?
5. Давлат назоратининг ъринсиълари нимадан иборат?
6. Текширувни ўтказишга асос бўлувчи ҳужжатлар?
7. Режадан ташкари текширув ўтказиш тартиблари нималардан иборат?
8. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларни ҳукуклари нимадан иборат?

IV ҚИСМ.

СОЛИҚ МАЪМУРЛАРИ ТЕКШИРУВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИ

12-БОБ. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

12.1. Хужжатли текшириши далолатнамасини расмийлаштиришида қўйиладиган талаблар

12.2. Хужжатли текшириши далолатнамасини расмийлаштириши тартиби

12.3. Хужжатли текшириши далолатнамасининг тавсиф қисмини тузисида қўйиладиган талаблар

12.4. Хужжатли текшириши далолатнамасини имзолаши ва тақдим қилиши

12.1. Хужжатли текшириш далолатнамасини расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар.

Солик кодексида назарда тутилган ҳолларда, солик текшируви доирасида харакатлар амалга оширилганда баённома тузилади. Баённомада кўйидагилар кўрсатилади:

текширилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);
текширувни ўтказиш асослари, тури ва даври;
муайян харакат бажарилган сана ва жой;
харакат бошланган ва тугалланган вақт;
баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

харакатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) хозир бўлган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, зарур ҳолларда эса унинг манзили;

харакатнинг мазмун-моҳияти, уни ўтказиш изчиллиги;
солик текшируви пайтида аниқланган фактлар ва ҳолатлар.

Ҳаракатларнинг амалга оширилишида иштирок этган ва (ёки) хозир бўлган барча шахслар баённомани ўқиб чиқадилар. Мазкур шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишига ҳақли ва бу фикр-мулоҳазалар баённомага киритилиши ёки солик текшируви материалларига қўшиб қўйилиши лозим. Баённома давлат солик хизмати органинг баённомани тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) хозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Баённомага фотосуратлар ва негативлар, киноленталар, видеоёзувлар ҳамда ҳаракатлар амалга оширилганда бажарилган бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

Тасдиқланган дастур асосида, ўтказилган хужжатли текшириш (тафтиш) натижалари бўйича тузилган текшириш далолатномаси солик органларининг ваколатли мансабдор ходимлари томонидан, мазкур тартиб асосида, уч нусхада тузилади ва учинчи нусхаси текширилган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига берилади. Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномасининг ҳар бир нусхаси текширувчи ва текширилаётган субъектнинг масъул ходимлари, яъни раҳбари ва бош хисобчиси томонидан имзоланади. Далолатнома қоғозда, ўзбек ёки рус тилида тузилиб, вараклари кетма-кетликда рақамланади. Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномасида ёзувларни ўчириш, тузатиш ҳолларига йўл қўйилмайди, агарда шу ҳоллар рўй берса бу ўзгартиришлар имзо қўювчилар томонидан изоҳланиб, имзолари билан тасдиқланиши зарур. Далолатномада қисқартиришлар ёки умумий қабул қилинган аббревиатуралар ишлатилиши, дастлаб қисқартириладиган сўз бирикмаси тўлиқ ёзилиб, бир вақтнинг ўзида кейинчалик қисқартириладиган сўз бирикмаси намунаси қавс ичida келтирилган тартибда ифодаланади.

Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномасида, текшириш жараёнида хужжатлар асосида тасдиқланган солик ва бошқа қонунбузарликлар фактлари ёки қонунбузарлик мавжуд бўлмаган ҳоллар ифодаланиши лозим.

12.2. Хужжатли текшириш далолатномасини расмийлаштириш тартиби

Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномаси: кириш, асосий ва якуний қисмлардан иборат бўлади. Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномасининг кириш қисмida ўтказилаётган текшириш ва текширилаётган субъект (солик тўловчи) ҳақида умумий маълумотлар, яъни :

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг режа-жадвали ва руҳсатномаси;
- солик органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан хужжатли текширишни ўтказиш тўғрисидаги буйруқнинг рақами, санаси;
- текширилаётган тадбиркорлик субъектининг таъсис хужжатларига кўра тўлиқ ва қисқача номи;
- солик тўловчининг идентификатсион рақами (СТИР) ва ОКОНХ коди;
- текшириш ўтказилган жойнинг номи (текшириш ўтказилган худуд, аҳоли маскани);
- текширув далолатномаси расмийлаштирилган сана текширув ўтказган шахсларнинг далолатномага имзо қўйган санаси.

Хужжатли текширишга (тафтишга) солик хизматининг бошқа органлари мутахасислари жалб этилган тақдирда, текшириш далолатномасида уларнинг ҳам фамилияси, исми, мансаби ва улар хизмат қилаётган солик органлари номи кўрсатилиб ўтилади.

Тадбиркорлик субъектининг текширув ўтказилаётган фаолият даври, текшириш бошланган ва тугалланиш санаси.

Бунда, текширишнинг бошланиш санаси бўлиб, текширилаётган субъект раҳбарига (вазифасини вактинчалик бажарувчи шахсга), хужжатли текширишни ўтказиш тўғрисида солик органи бошлигининг (ўринбосарлари) буйругини тақдим қилингандаги санаси, текширишни тугатилиш санаси эса - текширувни амалга оширган текширувчиларнинг далолатномага имзо қўйган санаси ҳисобланади. Аммо, текширишга тақдим этилиши лозим бўлган хужжатлар бўлмаган ёки уларни текширувга тақдим этилмаган ҳолатларда, текширишни бошланиш санаси бўлиб, текширувга хужжатлар тақдим этилган сана ҳисобланади.

- текширилаётган даврда, текширилаётган субъект мансабдор шахсларининг (раҳбари, бош ҳисобчиси ёки уларнинг вазифасини бажарувчилар) фамилияси, исми, шарифи;

Агарда текширилаётган давр мабойнида юқорида қайд этилган шахслар таркибида ўзгариш юз берган бўлса, мазкур шахсларнинг, қайси вактдан бошлаб (буйруқ, фармойиш, таъсисчилар йигилиш қарори ёки ишга тайинлаш ва бўшатиш тўғрисидаги бошқа хужжатлар) тегишли мансабга, ишга тайинлангани ёки бўшатилгани кўрсатиб ўтилади;

- текширилаётган субъект жойлашган манзили (хусусий тадбиркорнинг яшаш манзили), шунингдек, улар томонидан хўжалик фаолияти амалга оширилаётган манзил (давлат рўйхатидан ўтган манзил билан солиштириш);

- маҳсус руҳсатнома (литсензия) асосида амалга оширилаётган фаолият тўғрисидаги маълумотлар (санаси, рақами, берган ташкилотнинг номи, руҳсатнома амал қилишининг бошланиш ва тугаш санаси);

- субъектнинг ҳақиқатда амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти тури, шу жумладан қонун билан тақиқланган фаолият тури ёки маҳсус руҳсатнома олмасдан фаолият кўрсатаётганлиги тўғрисидаги маълумот;

- текшириш ўтказиш услуби, унинг бирламчи хужжатларни (тўлиқ ёки танлаш йўли билан) текширилиши тартиби;

- солик бўйича қарама-қарши текширув ўтказилганлиги, текшириш билан боғлиқ бўлган хужжатлар ва буюмларни олиб қўйилганлиги, экспертиза, солик тўловчининг мулклари саноқдан ўтказилганлиги, корхона худуди ва бинолари кўздан кечирилганлиги ва текширув даврида амалга оширилган бошқа тадбирлар тўғрисида маълумот;

- банк муассасаларидаги ҳисоб рақами (шу жумладан Республикадан ташқарисида мавжуд бўлганлари) ва бошқа маълумотлар тўғрисида;

- илгари ўтказилган текширишлар (Молия вазирлиги, солик идоралари, хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ва аудиторлик ташкилотлари томонидан), улар натижалари бўйича кабул қилинган чоралар (солик идорасига қайта топширилган ҳисоботлар, келтирилган зарарнинг қопланиши, кўзғатилган жиноят ишлари) ҳақида қисқача маълумот;

- ташкил этилган шўъба корхоналари, ваколатхоналар, филиаллар ва

бошқа таркибий тузилмалари ҳақида маълумот;

- таъсисчилар ва таъсис ҳужжатларига асосан низом фондининг микдори ва текширув кунига қадар низом фондининг ҳақиқатда шакллантирилганлиги ҳақида маълумот (пул маблағлари ҳисобида - сўм ёки валията, асосий воситалар, интеллектуал мулк, номоддий активлар ва х.к.);

- акционерлик жамиятларида аксияларнинг чиқарилиши ва уларнинг жойлаштирилиши (фоиз ҳисобида, пул маблағлари ва микдор кўринишида) ҳамда акционерлар ва хусусийлаштириш ҳақида бошқа зарур бўлган маълумотлар.

Хужжатли текширув (тафтиш) натижаси бўйича тузилган далолатноманинг тавсиф қисмида, текшириш натижасида аниқланган хужжатли тасдиқланган солик ва бошқа қонунбузарлик фактлари ёки қонунбузарликларни аниқланмаганлиги ҳолатлари, шунингдек текшириш натижалари бўйича қарор қабул қилишга таъсир этадиган ҳолатлар тизимли ифодаланилади.

Текширув давомида солик қонунчилигига тааллукли бўлмаган лекин назорати солик идораларига юклатилган қонунбузарликлар аниқланганда бундай фактлар ҳам хужжатли текширувлар натижаси бўйича тузиладиган далолатномада акс эттирилиши лозим.

12.3. Хужжатли текшириш далолатномасининг тавсиф қисмини тузишда қўйиладиган талаблар

Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномасининг тавсиф қисми ДСҚ (ДСБ, ДСИ) томонидан тасдиқланган текширув дастурига биноан ва қўйидаги талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши зарур:

а) Объективлик, асослилик ва холислик.

Далолатномада акс эттириладиган фактлар - тўлиқ текшириш натижасида аниқланган, ноаниқликларни инкор қилувчи, шунингдек солик тўловчи томонидан (харакат ва ҳаракатсизлик оқибатида) йўл қўйилган солик қонунчилиги ва бошқа қонунбузарликлар ҳақида тўлиқ холоса берилишини таъминлаши зарур.

Далолатномада акс эттирилган ҳар бир солик қонунбузарлик фактлари бўйича қўйидагилар аниқ изохлаб берилиши лозим:

- солик ва бошқа қонунбузарликларни турлари, қонунбузарликни содир этиш усули ва уни келтириб чиқарган шароитлар, мазкур қонунбузарликка йўл қўйилган солик даври;

- солик тўловчи томонидан ДСИга топширилган солик ҳисоб-китоблари ва ҳақиқатда текширув натижалари асосида тузилган солик ҳисоб-китоблари ўртасидаги аниқланган тафовутга баҳо бериш;

- солик ҳисоботлари ҳужжатли текширув далолатномасида ёзма равища баён этилиб, далолатномага таққосланган жадваллар ҳамда тегишли хужжатлар илова қилинади;

- қонунбузарлик фактларини тасдиқловчи бирламчи бухгалтерия хужжатлари ва бошқа асосларга таяниш (зарур бўлганда, бухгалтерия ёзувлари тўғри берилганлиги, керакли хўжалик операцияларини бухгалтерия регистрларида тўғри қайд этилганлиги кўрсатилади);

- содир этилган қонунбузарликларни, амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси солик кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида»ги низоми бузилган бандларига боғлиқ ҳолда таснифлаш;

- эксперт хulosаси (агарда экспертиза амалга оширилган бўлса), мансабдор шахсларнинг тушунтириш хати шунингдек хужжатли текширишни амалга ошириш вақтида бажарилган тадбирлар бўйича тузилган баённомаларга асосланиш;

- далолатномада текширувчининг этарли даражада исботланмаган, асоссиз, субъектив тахмин ва хulosалари бўлмаслиги лозим.

б) Солик ва бошқа қонунбузарликларга алоқаси бўлган барча ҳолатлар тўлиқ ва атрофлича ёритилиши зарур.

Солик тўловчи томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларнинг далолатномадаги баёни, изохланаётган далилга алоқаси бўлган барча хужжатларни текшириш, шунингдек солик назоратини таъминлаш учун ўтказилган тадбирлар натижаларига, (агарда зарур бўлган ҳолларда бошқа

назорат органлари мутахассисларини текширувга жалб этган ҳолда), асосланиши зарур.

Далолатномада, аникланган қонунбузарликларга тааллукли бўлган барча муҳим ҳолатлар, шу жумладан куйидаги маълумотлар тўлиқ ёритилиши зарур:

- солик идораларига топширилмаган солик ҳисоб-китоблари;

- бухалтерия ҳисобида молия-хўжалик операцияларини тўлиқ ва тўғри қайд этилиши ҳолати;

- ишлаб чиқариш ҳаражатларини тўлаш тартиби бузилиши ҳолатлари таҳлили ва манбалари (нақд пулга, товар айрбошлаш (бартер), учинчи шахс орқали ўзаро ҳисоб-китоб) ҳақида;

в) Далолатномада баён этиладиган иборалар аниқ, қисқа ва равон мумкин даражада бухгалтерия ҳисоби бўйича маҳсус тайёргарлиги бўлмаганлар учун ҳам тушунарли бўлиши зарур. Далолатномада келтирилган ибораларнинг иккиёқлама талқин этилиш ҳолатига йўл қўйилмаслиги зарур.

г) Текшириш натижаларини ифодалаш тизими.

Текшириш жараёнида аникланган хато ва камчиликлар, улар таъсир этган солик турлари ва қонунбузарликлар хусусиятига қараб текширилаётган давр бўйича бўлимлар ва бандлар кўринишида тартиб билан жамланган ҳолда далолатномада изоҳланади.

Бир хил кўринишдаги ва кўплаб учрайдиган хато ва камчиликлар рўйхат ва жадваллар кўринишида жамланиб далолатномага илова қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда далолатнома матнида, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг моҳияти, солик тўловчи томонидан амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг бузилган бандлари, шунингдек мазкур хато ва камчиликларнинг миқдорий ҳамда пул кўринишидаги оқибатлари билан баён этилади ва далолатномада илова рақами келтирилади.

Мазкур иловаларда куйидагилар кўрсатилиши лозим:

- ҳисбот (солик) даври кўрсатилган ҳолда, бир турдаги солик қонунбузарликларнинг тўлиқ рўйхати;

- содир этилган операцияларга тегишли ҳужжатларнинг номи, санаси ва рақами;

- мазкур операциянинг моҳияти;

- ҳуқуқбузарлик меъёри;

Ҳар бир юкорида кўрсатилган илова, текширувчи, текширилаётган корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси (вақтингчалик вазифасини бажарувчи шахслар ёки тадбиркорлар) томонидан имзоланиши зарур.

Солик қонунчилиги бузилганлик тўғрисидаги далиллар баён этилганда, далолатноманинг тавсиф қисмида қонун бузулганигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли ёки нусхаси олиб қўйилганилиги акс эттирилади;

Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномасининг якуний (тугалланувчи) қисмида куйидагилар акс эттирилиши лозим:

- текширув давомида яширилган ялпи тушум, фойда (даромад) ва бошқа солик тўлаш обектини яширганлиги ёки солиқларни нотўғри ҳисобланиши натижасида, тўланмаган (тўлиқ тўланмаган) солиқларнинг умумий миқдори ёки ортиқча ҳисоблаб қўйилган солиқлар, солик турларига ва солик даврларига бўлиб кўрсатилган маълумот;

- текширув вактида тасдиқланган текширув дастурига асосан аникланган бошқа камчиликларни умумлаштирилган маълумоти (Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорларини бажарилиши, муддати ўтган дебитор қарзлари, 15 фоизлик тўлов олдиндан ундирилмасдан маҳсулот (иш, хизмат) жўнатиш ҳолатлари, товар айрбошлаш (бартер) операциялари, камомад, ортиқчалик, газна операциялари, пул маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, экспорт-импорт ҳамда валюта операциялари ва бошқалар);

Солик тўловчининг солик қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлигини энгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатлари (бокиманда ёки ортиқча тўловлар ва бошқалар) далолатноманинг якуний қисмида акс эттирилади.

Хужжатли текширувлар далолатномасига иловалар.

Хужжатли текширувлар далолатномасида куйидаги иловалар бўлиши зарур:

- назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаси режа-жадвалидан ёки режадан ташқари текшириш ўтказиш руҳсатномасидан кўчирма, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят иши юзасидан қабул қиласан «Хужжатли текшириш (тафтиш) тайинлаш тўғрисида»ги қарори;

- хужжатли текширувни (тафтишни) ўтказиш учун солик органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган буйрукдан кўчирма;

- текширувчилар томонидан аниқланган қонунбузарликлар қўрсатилган ҳолда тузилган ва текширув ўтказилаётган корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси (улар вазифасини вақтингчалик бажарувчилар) ёки хусусий тадбиркор томонидан имзоланган солик турлари бўйича ҳисоб-китоблар;

- текширув ўтказилаётган ташкилотнинг асосий воситалари, товар моддий бойликлари, ҳазинадаги нақд пуллар ва бошқалар бўйича ўтказилган саноқ далолатномалари (мазкур илова агарда саноқдан ўтказилган бўлса келтирилади);

- қарама-карши текширув материаллари (агарда ўтказилган бўлса);

- эксперт хуносаси (агарда экспертиза ўтказилган бўлса);

- солик тўловчи томонидан даромад олиш манбаи сифатида фойдаланаётган, ишлаб-чиқариш, савдо, омборхона биноларини кўздан кечиришда иштирок этган шахсларнинг изоҳ (тушинтириш) хати, шунингдек солик назоратини амалга оширишда бажарилган тадбирлар натижасида тузилган тушунтиришлар (шундай тадбирлар амалга оширилган тақдирда);

- солик имтиёзларидан фойдаланиш хуқуқини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси;

- солик тўловчи томонидан, солик конунчилиги бузилганлигини тасдиқловчи хужжатлар нусхаси ёки солик тўловчидан юкоридаги хужжатлар олиб кўйилганда уларнинг асл нусхаси.

- банк (бошқа кредит ташкилотлар) маълумотномаси;

- якуний текшириш ва зарурият тугилган ҳолларда текширилаётган субъектнинг банклардаги мавжуд ҳисоб рақамларидаги пул маблагларининг ҳаракати тўғрисидаги олинган маълумотлар (тўлиқ хужжатли текшириш ўтказилганда, бутун текширилаётган давр учун олинади);

- тадбиркорлик субъекти низом жамғармасининг шаклланиши тўғрисида маълумот;

- таъсисчилар таркиби ва ҳар бир таъсисчининг улушлари миқдори тўғрисида маълумот;

- текширилаётган субъект раҳбарлари томонидан имзоланган, мавжуд

шўба корхоналари ва мустақил бўлинмалари, ваколатхоналари (уларнинг манзили, СТИРлари) корхонанинг асосий худудидан ташқарида жойлашган ишлаб-чиқариш биноси, омборхонаси ва савдо шохобчалари манзили, солик тўловчи қарамогидаги эр участкаси тўғрисида малумот;

- хужжатли текширув (тафтиш) далолатномасида акс эттирилган солик ва бошқа қонун бузилиш ҳолатларини тасдиқловчи, шунингдек текшириш натижалари бўйича карор қабул килиш учун зарур бўлган бошқа хужжатлар.

12.4. Хужжатли текшириш далолатномасини имзолаш ва тақдим қилиш

Хужжатли текшириш (тафтиш) далолатномаси, текширишда иштирок этган солик идораларининг ваколатли мансабдор ходимлари, текширилаётган субъектнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.

Текширилаётган субъект раҳбарлари, тузилган хужжатли текшириш далолатномаси билан танишиш хуқуқига эгадирлар. Шу мақсадда хужжатли текшириш далолатномасининг нусхаси, солик органининг ваколатли мансабдор ходими томонидан, текширилган хўжалик субъекти раҳбарига танишиш ва имзо қўйиш учун текширув тугаган кундан кечиктирмасдан бир сутка муҳлатга тақдим этилади. Солик органининг ваколатли мансабдор ходимлари томонидан имзоланган хужжатли текшириш далолатноманинг нусхаси, текширилган субъект раҳбарига топширилади ва солик идорасида қоладиган далолатнома нусхасининг охирги варагида текширилган корхона раҳбари томонидан «Далолатноманинг нусхасини иловалари билан__варакда (илова вараклар сони) олдим» деган жумла ёзилиб исми шарифи, далолатномани олган куни санаси кўрсатилиб имзоланади.

Текширилган субъект раҳбарлари хужжатли текшириш далолатномасини қабул килишдан бош тортган ҳолларда, солик органининг мансабдор ходимлари томонидан бу холат бўйича холис гувоҳлар жалб этилади ва

текширилаётган субъект раҳбарлари томонидан далолатномани қабул қилишдан бош тортиш ҳолати юзасидан баённома тузилади. Баённоманинг гувоҳлар томонидан имзоланган санаси хужжатли текшириш далолатномасини тақдим этилган кун деб хисобланади.

Агар текширилаётган субъект раҳбарлари далолатномани имзолаш вақтига келиб, ҳеч бир сабабсиз якунлаш жараёнида иштрок этмаса, холис гувоҳлар жалб этилади ҳамда юзага келган ҳолат бўйича баённома тузилади ва почта орқали текширилган субъект манзилига юборилади. Почта орқали юборилган далолатнома санаси хужжатли текшириш далолатномасини тақдим этилган кун деб хисобланади.

Таянч иборалар:

солик тизими, тушунча, тамойил, солик муносабатлари, бошқариш, харакатлар стратегияси, солик сиёсати, давлат солик хизмати органлари, солик юки, солик ставкаси, солик маъмурчилиги, солик хисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Назорат килувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни расмийлаштириш қай тартибда амалга оширилади?
2. Режали текширишлар деганда қандай текширишларни тушунасиз ва уларни расмийлаштириштартиби?
3. Кисқа муддатли текширишлар ҳам режали бўлиши мумкинми?
4. Давлат солик хизмати органларининг бошқа давлат орган ва ташкилотлари билан ҳамкорлик килади?

13-БОБ. СОЛИҚҚА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ

13.1. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар.

13.2. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик

13.3. Давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан ишкоят берииш

13.1. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар

Солик тўловчининг Ўзбекистон Республикаси солик кодексида жавобгарлик белгиланган гайриконуний айбли қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракацизлиги) соликка оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.

Жисмоний шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги ўн олти ёшдан бошлаб вужудга келади.

Ҳеч ким соликка оид ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси солик кодексида назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ҳеч ким соликқа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун тақороран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарлиқда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси солик кодексида назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун молиявий санкциялар юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда қўлланилади.

Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарлиқдан озод этмайди.

Солиқ түловчининг солиққа оид хукуқбузарліклар учун жавобгарлыққа тортилиши уни солиқлар ва бошқа мажбурий түловларни тұлаш мажбуриятыдан озод этмайды.

Шахснинг айби қонунда белгиланған тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид хукуқбузарлікні содир этишдә айбдор хисобланмайды. Жавобгарлыққа тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид хукуқбузарлік содир этгандықда айбасыз эканлигини исботлаши шарт эмас.

Солиқ түловчи томонидан солиққа оид бир неча хукуқбузарлік содир этилған тақдирда, жарима тарзидаги молиявий санкциялар унча оғир бўлмаган молиявий санкцияни оғирроқ жарима билан қамраб олиш ёхуд тайинланған жарималарни тўлиқ ёки қисман қўшиш орқали солиққа оид хукуқбузарліклар мажмуи бўйича кўлланилади. Бунда жариманинг узилкесил миқдори жариманинг юқори миқдори назарда тутилган хукуқбузарлік учун белгиланған энг кўп миқдордан ошиши мумкин эмас.

Агар солиқ түловчи биринчи иш бўйича карор чиқарилғунига қадар солиққа оид яна бошқа хукуқбузарліклар содир этгандиги иш бўйича карор чиқарилганидан сўнг аникланса, ушбу модданинг саққизинчи қисмидаги назарда тутилган қоидалар бўйича жарима кўлланилади. Бу ҳолда, суд томонидан солиққа оид хукуқбузарліклар мажмуи бўйича тайинланған жарима миқдорида биринчи карор бўйича тўланған жариманинг суммаси хисобга олинади.

Агар солиққа оид хукуқбузарлік учун молиявий санкциялар кўлланилған шахс молиявий санкциялар кўлланилған кундан эътиборан бир йил ичидә худди шундай хукуқбузарлікни тақроран содир этмаган бўлса, у молиявий санкцияларга тортилмаган хисобланади.

Шахс солиққа оид хукуқбузарлік учун қўйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда жавобгарлыққа тортилиши мумкин эмас:

солиққа оид хукуқбузарлік содир этгандиги фактининг йўқлиги;
солиққа оид хукуқбузарлік содир этилишида шахснинг айби йўқлиги.

Ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлган

тақдирда, шахс солиққа оид хукуқбузарлік учун жавобгарлыққа тортилиши мумкин эмас.

Солиқ түловчи солиқ текшируви ўтказилғунига қадар хатони ўзи тузатган тақдирда жавобгарлиқдан озод этилади, пеня тўлаш бундан мустасно.

Шахснинг солиққа оид хукуқбузарлік содир этгандықдаги айбини истисно қиласиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

солиққа оид хукуқбузарлік белгилари бўлган қилмишнинг табиий оғат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида содир этилғандиги (мазкур ҳолатлар ҳаммага маълум фактларнинг мавжудлиги, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар ва исботлаш учун маҳсус воситалар талаб этилмайдиган бошқа усувлар билан белгиланади);

солиққа оид хукуқбузарлік аломатлари бўлган қилмиш бундай қилмиш содир этилған пайтда касаллик оқибатида ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган (мазкур ҳолатлар мазмунни, моҳияти ва санаси бўйича солиққа оид хукуқбузарлік содир этилған ўша солиқ даврига тааллукли бўлган ҳужжатларни тақдим этиш орқали исботланади) жисмоний шахс — солиқ түловчи томонидан содир этилганда;

ваколатли органлар ёки улар мансабдор шахсларининг солиққа оид қонун ҳужжатларининг кўлланилиши масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида берган ёзма тушунтиришлари солиқ түловчи томонидан бажарилганда (мазкур ҳолатлар ушбу органларнинг тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда белгиланади, ушбу ҳужжатлар маъноси ва мазмунига кўра, ҳужжатлар қабул қилинган санадан қатъи назар, солиққа оид хукуқбузарлік юз берган солиқ даврига тааллукли бўлиши лозим).

Шахсни солиққа оид хукуқбузарлік содир этгандық учун жавобгарлыққа тортишни истисно қиласиган ҳолатлар деб қуйидагилар эътироф этилади:

хукуқбузарлик содир этиш вақтида ўн олти ёшга тўлмаган жисмоний шахс томонидан солиққа оид хукуқбузарлик содир этилганда; солиқ мажбуриятлари бўйича даъво муддатлари тугаганда.

Солиққа оид хукуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб қўйидагилар эътироф этилади:

оғир шахсий ёки оиласиий шароитлар кечиши оқибатида хукуқбузарлик содир этиш;

таҳдид ёки мажбураш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли хукуқбузарлик содир этиш;

суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар.

Солиққа оид хукуқбузарликнинг илгари худди шундай хукуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

Молиявий санкциялар солиққа оид хукуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга — солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган хукуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан молиявий санкциялар фақат суд тартибида қўлланилади, пеня ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно.

Қўлланиладиган молиявий санкция хукуқбузарликнинг оқибатларига номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек хукуқбузарликнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд ушбу Кодекснинг 17-бобида назарда тутилган молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фойзидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта

кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли.

Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти — солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод килинади.

13.2. Солиққа оид хукуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг, бундан бир вактнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказиладиган солиқ тўловчилар мустасно, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши қўйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар фаолият кўпи билан ўттиз кун амалга оширилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг ўн фойзидан кам бўлмаган миқдорда;

агар фаолият ўттиз кундан ортиқ амалга оширилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, бироқ бундай фаолият натижасида олинган соф тушумнинг эллик фойзидан кам бўлмаган миқдорда.

Солиқ тўловчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг давлат солиқ хизмати органида обьектлар бўйича ҳисобга туришдан бўйин товлаши қўйидаги миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади:

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан кўпи билан ўттиз кун ўтган бўлса, — энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

агар ҳисобга туриш бўйича белгиланган муддатдан ўттиз кундан ортиқ ўтган бўлса, — энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида.

Кирим қилинмаган товарларни сақлаш, бундан уларнинг қонуний

келиб чиқиши тасдиқланган ҳоллар мустасно,—

кирим қилинмаган товар қиймати миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Кирим қилинмаган товарлар қўзғатилган маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ёки жиноят иши доирасида давлат даромадига ўтказилган тақдирда, ушбу модданинг биринчи кисмида назарда тутилган санкция қўлланилмайди.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) —

товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумнинг яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасига қонун хужжатларига мувофиқ соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобдаш амалга оширилади.

Ушбу моддани қўллаш мақсадида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб куйидагилар эътироф этилади:

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганилиги факти хужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги;

товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганилиги факти тўғрисида далолат берувчи хужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганилиги;

ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги.

Солик ҳисботини ўз вақтида тақдим этмаганлик ёки камерал назорат натижалари бўйича аникланган тафовутлар асосларини ёхуд

аниқлаштирилган солик ҳисботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлик учун солик тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солик тўловчи — жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

Бухгалтерия ҳисобининг мавжуд эмаслиги ёки уни белгиланган тартибини бузган ҳолда юритганлик ҳисобланиши лозим бўлган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келса, солик тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги солик тўловчи — юридик шахсни бухгалтерия ҳисобини тиклаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи хужжатларсиз шугулланганлик учун шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ҳисобварак-фактураларни расмийлаштириш тартибини бузиш

Қўшилган қиймат солиги солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек қўшилган қиймат солиги тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчilar томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда қўшилган қиймат солигини ҳисобварак-фактурада акс эттирганлик—

маҳсулот етказиб берувчilarга ҳисобварак-фактурада кўрсатилган қўшилган қиймат солиги суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварак-фактурада кўрсатилган солик суммасини бюджетга тўлаши шарт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олувчilarга нисбатан жарима солиш қўлланилмайди ва улар қўшилган қиймат солиги бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайди.

Фискал хотириали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек

сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа хужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай хужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик —

энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима кўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда —

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шунингдек пластик карточкалар асосида тўловларни қабул килишни рад этганлик —

энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар жарима кўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда —

энг кам иш ҳақининг икки юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш — тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,033 фоиз миқдорида пеня ҳисобланашга сабаб бўлади. Бунда бошқа соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага teng бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас. Пеня ундирилиши солик тўловчини солик мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди. Юридик шахс — тадбиркорлик субъекти ихтиёрий тугатилган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан

ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан барча турдаги соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пенялар ҳисоблаш тўхтатилади. Ихтиёрий тугатиш қонун хужжатларида белгиланган муддатларда тугалланмаган ёки тугатиш тартиб-таомили тўхтатилган ва фаолият қайта бошланган тақдирда, пеня белгиланган тартибида кўшиб ҳисобланади ҳамда ҳисобланашлар тўхтатиб турилган бутун давр учун ундирилади.

Ер участкаларидан хужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган хуқукни тасдиқловчи хужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланиш ер солигининг суммасига эквивалент миқдорда:

юридик шахсларга — икки баравари миқдорида;

жисмоний шахсларга — бир ярим баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

13.3. Давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракацизлиги устидан шикоят бериш

Ҳар бир солик тўловчи давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракацизлиги устидан шикоят бериш учун давлат солик хизматининг юкори турувчи органига (юкори турувчи мансабдор шахсига) ёки судга мурожаат қилиш хукукига эга.

Давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракацизлиги устидан давлат солик хизматининг юкори турувчи органига (юкори турувчи мансабдор шахсига) шикоят қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

Давлат солик хизматининг юкори турувчи органига шикоят берилганилиги шундай шикоятни судга бериш хукукини истисно этмайди.

Давлат солик хизматининг юкори турувчи органига ёки судга шикоят

бериш тегишинча шикоят бўйича давлат солик хизматининг юқори турувчи органи томонидан қарор қабул қилингунига ёки суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар шикоят қилинаётган қарорни ёки ҳаракатни ижро этишни, шу жумладан қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришни, шунингдек молиявий санкциялар кўлланилишини тўхтатиб туради.

Давлат солик хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракацизлиги устидан шикоят давлат солик хизматининг тегишли юқори турувчи органига ёзма шаклда берилади.

Давлат солик хизматининг юқори турувчи органига шикоят солик тўловчи ўз ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан ўттиз кун ичida берилади. Шикоятга уни асослантирувчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Давлат солик хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракацизлиги устидан берилган шикоят давлат солик хизматининг юқори турувчи органи томонидан шикоят олинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Давлат солик хизмати органининг қарори, унинг мансабдор шахсининг ҳаракатлари ёки ҳаракацизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан давлат солик хизматининг юқори турувчи органи қуидагиларга ҳақли:

шикоятни қаноатлантирумасдан қолдириш;

давлат солик хизмати органининг шикоятга сабаб бўлган қарорини бекор қилиш ёки ўзгартириш.

Давлат солик хизматининг юқори турувчи органи давлат солик хизмати органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракацизлиги устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш якунларига биноан мазмунан қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат солик хизмати юқори турувчи органининг шикоят юзасидан қарори ўттиз кун ичida қабул қилинади. Шикоят берган шахсга қабул

қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida ёзма шаклда маълум қилинади.

Таянч иборалар:

Соликка доир ҳукуқбузарлик, тушунча, жавобгарлик, солик муносабатлари, қарор, ҳаракатлар стратегияси, шикоят.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

- 1 . Соликка оид ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар.
2. Соликка оид ҳукуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик
3. Давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан шикоят бериш.
4. Солик текшируви материалларининг давлат солик хизмати органи томонидан кўриб чиқилиши.
5. Солик текширувни ўтказища гайриқонуйи ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўймаслик.

14-БОБ. СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

14.1. Ўзбекистон Республикаси солик маъмурчилиги тизимига оид маълумотлар таҳлили;

14.2 Ўзбекистон Республикаси солик маъмурчилиги ва уни токомиллаштириши ўйлари.

14.1. Ўзбекистон Республикаси солик маъмурчилиги тизимига оид маълумотлар таҳлили.

Солик маъмурчилиги давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантиришда солик тушумларини режалаштириш функциясини бажаради ва соликларнинг мезон критерий кўрсаткичлари бўйича режалаштирилади.

мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатларини инобатга олинган холда солик тушумлари, уларнинг таркибий турлари бўйича башоратлаштирилади, давлат бюджетининг соликили даромадлари аниқланади, бюджет даромадларига нисбатан харажатлар фарки аниқланади, давлат бюджетидаги республика ва маҳаллий бюджетлар маблалари улуши аниқланади. Ушбу башорат кўрсаткичларини бажариш солик хизмати ҳодимлари зиммасига масъулиятли вазифа юклайди, ушбу вазифаларни борган сайин токомиллаштириб, ҳодимлар ишини энгиллаштириш солик маъмурчилигининг ўз олдига кўйган мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади.

2017-йилда давлат бюджети ва мақсадли жамармларига жами 42492.3 млрд сўм тушган бўлиб, улар қуидагилар ҳисобига амалга оширилди:

- Ҳисобланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳисобига - 37493.3 млрд сўм (88%);
- Бошқа мажбурий тўловлар ва жарималар ҳисобига – 3066.4 млрд сўм (7%);
- Қўшимча манбаларни жалб этиш ҳисобига – 1932.7 млрд сўм (5%).

2017- 1932.7 . , 2014- 1634.5 . , 2014- 298.2 . Соликларни режалаштириш амалиётида жуда оммалашган режалаштиришнинг усуулларига Тренд ва Эксперт усули киради. Жиззах шаҳар давлат солик инспекцияси маълумотлари асосида соликлар бўйича режалаштиришнинг эксперт усулини кўллаган холда прогнозлаштириш ишини тўри амалга оширилган ёки йўқлигини таҳлил қилишимиз учун авваламбор қуидаги кўрсаткичларни кўриб чиқишимиз лозим.

Ушбу механизмнинг қандай шакллантирилиши ҳакида алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозирда интернетдаги www.my.soliq.uz электрон солик хизматлари портал орқали, иш берувчи ўз ҳодимининг аризасига мувофиқ, маҳаллий соликларни порталнинг маҳсус “Ходимларни мол-мулк ва эр солиини тўлаш” тутгасини босиш орқали бюджетга ўтказиб бериш имконияти яратилди. Бунда тўловлар автоматик равишда ҳодимнинг шахсий карточкасига ёзилди ва қарздор ҳодимларнинг реестрларини қооз шаклда солик идорасига тақдим этишга ҳожат қолмади. Лекин, ушбу тўловларни ўтказиб бериш муддати белгиланмаганилиги сабаб, улар томонидан ўтказиб бериш муддатини белгилаш, ҳамда, тўловни ўтказиб беришни ҳодимларнинг аризасига мувофиқ амалга ошириб келинмоқда. Шунга ўзгартириш киритган холда, ҳодимлар билан ишга кириш жараёнида тузиладиган меҳнат шартномасига мувофиқ ҳодимларнинг маҳаллий соликларга тўловларни ўтказиб беришни белгилаш керак. Бунинг учун, меҳнат шартномасига қўшимча банд сифатида, маҳаллий соликлар учун тўловлар бандини ва унинг давлат бюджетига жорий йилнинг 1-апрелга қадар ўтказиб берилиши тўрисида маълумот киритиши лозим. Ушбу жараён 4-босқичда амалга оширилади:

1. Хўжалик юритувчи субектлар ўзларидаги жорий йилнинг 1-январ ҳолатига ишлаётган ҳодимларининг рўйхат маълумотларини 1-февралга қадар давлат солик хизмати органларига юборадилар
2. Бунга жавобан давлат солик хизмати ҳодимлари корхоналарга 1-маргта қадар корхона ҳодимларининг маҳаллий соликлари бўйича қанча микдорда ўтказиб беришлари тўрисидаги маълумотни юборади.

- Ушбу маълумотномага асосан корхоналар www.mij.soliq.uz электрон солиқ хизматлари порталининг “Ходимларни мол-мулк ва эр солини тўлаш” имконияти орқали соликларни тўлаб берадилар.
- Ушбу тўловлар корхона томонидан мустақил белгиланган тартиб бўйича ходимнинг ойлик маошидан ушлаб қолинади, лекин меҳнат кодексида белгиланган бир ойлик маошдан қилинадиган ажратмаларнинг максимал нормалардан ошмаган холда бўлиши лозим.

Бу солиқ ундиришнинг янги механизмини жорий қилиш орқали Давлат бюджетига жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк ва эр соликлари бўйича тушумлар ўз вақтида келиб тушади, ҳамда участка давлат солиқ инспекторларининг маҳаллий соликларни ундиришга кетадиган вақт тежалади.

Солиқ маъмурчилигининг **солиқ ҳисобини юритиш** функциясида солиқ тўловчилар сонининг ўзгариши динамикаси, белгиланган солиқ ва йиимларнинг ўз вақтида бюджетга тушиши, солиқ органларининг молиявий ахволи таҳлил қилинади.

Солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобини олиб бориш динамикасини Республика миёссида таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, 2013-йилда рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 551900тани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2014-йилга келиб 555400 тага этди, 2013-йилга нисбатан 3500тага ёки 0.6%га кўпроқни ташкил этди. 2017-йилнинг 1-январ ҳолатига жами рўйхатдан ўтган юридик шахслар сони 560500тани ташкил қилган бўлса, 2016-йилда 586800 тани ташкил қилди, бу ўтган йилга нисбатан 25600 тага ёки 4.6%га кўпроқни ташкил этади. Энг кўп рўйхатдан ўтиш сони ҳам айнан 2017-йилда кузатилган бўлиб, бунга таъсир қилувчи омил сифатида юртимизда тадбиркорлик субектлари учун яратилаётган имкониятлар, улар ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини келтиришимиз мумкин.

Солиқ маъмурчилигининг **солиқ назорати функцияси** солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловларидан қочишини, бўйин товлашни олдини таъминлашга хизмат қиласди. Давлат Солиқ хизмати органлари назорат функциясини Камерал назорат, Накд пул тушумлари келиб тушишининг

хронометражи, Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш ва бошқа назорат турларини амалга ошириш орқали бажаради. Республика бўйича 2017-йил давомида камерал назорат ўтказиш натижасида 124.7 минг та хўжалик юритувчи субектларда солиқ ва молиявий ҳисботларни тўлдиришда камчиликлар аникланган бўлиб, 2014-йилнинг шу даврига нисбатан қиёсий таҳлил қилинганда 40.5 та кўпни ташкил этган. Камерал назорат ўтказиш натижаларига асосан 2017-йилда Давлат бюджети ва мақсадли жамармаларига 1119.0 млрд. сўм ёки 2014-йилга нисбатан 380.0 млрд. сўм кўп тушум ундирилган. Ушбу сумманинг 656.8 млрд. сўми(58.6%) Давлат бюджетига, 462.2 млрд. сўми(41.4%) Давлат мақсадли жамармаларига тўгри келади.

Камерал назорат бўйича қўшимча мабладарнинг Давлат бюджети ва мақсадли жамармаларга ундирилишининг ортишининг асосий сабабларидан бири бу Давлат солиқ хизмати органларида ишга туширилган “Ташки манба” дастурий маҳсулоти орқали 53 та идоралар билан 112та йўналиш бўйича солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўрисида ўзаро ахборот алмашинуви электрон алоқа воситалари деб ҳисоблашимиз мумкин. Ушбу маълумот алмашинуви орқали 1129.0 минг та маълумотлар олиниб, қўшимча аникланётган солиқ суммаларида 66.4% бундай маълумотлар салмоига тўри келади.

Солиқ маъмурчилигининг тартибга солиш функциясининг асосий мақсади солиққа оид ҳукукий муносабатлар иштирокчиларининг умумий, корпоратив ва шахсий иқтисодий манфаатларини мувофиқлигини таъминлаш ҳисобланади. Соликлар воситасида иқтисодий жараёнларни тартибга солиш солиқ маъмурчилигининг муҳим қисми ҳисобланаб, давлатнинг соликлар орқали иқтисодиётни бошқаруви ва соликлар воситасида солиқ муносабатларини работлантириш тизимини тартибга солиниши куйидаги омилларни назарда тутган холда амалга оширилиши керак:

- солиққа тортиш тизимини ва тузилмасининг иқтисодиёт учун самарали шаклини ишлаб чиқиш;
- солиқ ва йиимлар муддати, миқдорини ўзгартириш;
- соликларни бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш;
- солиққа тортишнинг умумий даражасини ўрнатиш.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг хукуқбузарликларини олдини олиш борасида амалга оширилган тарибга солиш ишлари:

- 1481 маротаба оммавий-ахборот воситаларида мавзули чиқишлиар;
- 1851 та давра сұхбатлари;
- 2215 та семинар ва күргазмалар ташкил этилган;
- давлат солиқ хизмати органларида «Очиқ әшиклар куни» ва «Ишонч телефон» тизими жорий этилган;
- солиқ тўловчилардан келиб тушган 3,2 мингта муаммоли мурожаатларининг 2,9 мингтаси бугунги кунда ҳал қилинган;
- Муаммоли масалаларни ҳал этиш учун 31,1 мингта солиқ тўловчиларга бевосита жойига чиқиб, тушунтириш ишлари олиб борилган.

функция , , - , . , , .

14.2. Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмурчилиги ва уни такомиллаштириши йўллари

Солиқ маъмурчилиги ва уни мамлакатимизда такомиллаштирилишида хориж тажрибасидан фойдаланиш юкори самара беради, чунки соликка тортиш хориж мамлакатларида бир неча йилдан бўён самарали қўлланилиб келинмоқда, бу бўйича тўпланган тажрибалар талайгина. Чунончи солиқ маъмурчилиги, соликларнинг жорий этилиши ва амал қилинишида давлат томонидан юритилаётган иқтисодий ва молиявий сиёсат ушбу мамлакат ислоҳотларининг ижобий самара беришида мухим аҳамият қасб этади. Бунда эса, бизнинг назаримизда, ривожланган мамлакатларнинг соликка тортиш амалиётидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар соладиган бўлсақ, солиқ доктринасининг иккита моделидан биттасига эътибор қаратмоқда. Биринчи модел умумий солиқ солишининг юкори даражасини кенг ижтимоий тўловлар тизими билан уюнлаштиришни назарда тутган бўлса, иккинчиси, солиқ солишининг ўртача даражасини ва ижтимоий таъминот борасида жиловловчи сиёсат юритишни назарда тутади.

Ривожланган давлатлarda маҳаллий бюджетлар режаларини ишлаб чиқиши, муҳокама этиш ва тасдиқлаш ҳар томонлама чукур тадқиқ этилган

ҳолда расмийлаштирилади. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмини режалаштиришда муниципал ва департаментлар томонидан тузилган ва ижро ҳокимиятия кўриб чиқиб киритган ўзгартиришлар асосида тузилган сметалар бўйича амалга оширилади. Келгуси молия йили учун маҳаллий бюджетлар режаси кутилаётган даромадлар даражасида департамент томонидан тақдим этилган сметаларни олдинги йил сметалари билан солишириш орқали тузилади. Маҳаллий бюджетлар режаси муҳокамадан ўтгандан сўнг, ижро ҳокимиятия тасдиига тақдим этилади. Муҳокама даврида солиқ ставкалари ва режалаштирилаётган карзларга доир карорлар қабул қилинади. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари конун билан мустаҳкамланган бюджет тузиш тамойилларига қатъий амал қилишлири лозим. Кўпгина давлатларда, хусусан, Корея, Германия, Буюк Британия, Япония ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида марказий органлар маҳаллий бюджетларни тартиба солишида бевосита иштирок этиб, уларнинг иштироки худудларнинг иқтисодий ривожланиши турлича эканлигидан келиб чиқсан ҳолда солиқ тушумларига таъсир этади. Турли худудларда ахоли жон бошига тўри келадиган ўртача даромад кўрсаткичларига асосланган ҳолда, ушбу кўрсаткичлар юкори бўлган худудларда солиқ тушумларининг бир қисмини марказий ҳокимият ихтиёрига олинниб, ўртача даромади кам бўлган худудларга йўналтирилади.

Миллий солиқ агентлиги дастлаб 1949 йилда даромад, корпоратив, истеъмол соликлари ва шу каби бир қатор соликларни ундириш мақсадида Молия вазирлиги хузурида ташкил этилган. Солиқ сиёсати Молия вазирлиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Миллий солиқ агентлиги томонидан юритилиб, давлат солиқ хизмати идоралари ижро этувчи орган ҳисобланади. Хизматнинг таркибий тузилиши Миллий солиқ агентлигининг марказий аппарати, 12 та худудий бошқармалари ва уларнинг 524 та солиқ инспекциялари, Солиқ коллежи ҳамда Солиқ трибуналдан иборат.

Миллий солиқ агентлигининг Марказий аппаратида 683 нафар (1,2 фоиз), худудий солиқ бошқармаларида 10,8 минг нафар (19,3 фоиз), давлат солиқ инспекцияларида 43,9 минг нафар (78,1 фоиз), Солиқ коллежида 336 нафар (0,6 фоиз), Солиқ арбитражида 477 нафар (0,8 фоиз) солиқ ходимлари меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги

пайтда Япония солиқ тизимида жами 56 000 нафардан ортиқроқ солиқ ходимлари ишлайды. Японияда жами 25 дан ортиқ давлат ва 30 турдан ортиқ маҳаллий солиқлар жорий қилинган.

Япония солиқ тизимини ривожланиш жараёнида солиқ түловчилар билан ишлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳам мос равища шаклланган.

Умумдавлат солиқларини тарив қилиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича Япония миллий солиқ агентлигига 12 нафар ходим, 12 та худудий бошқармаларда 65 нафар ходим, 524 та инспекцияларда эса 134 нафар ходимлар ажратилган.

Японияда солиқ маслаҳати фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. солиқ маслаҳатчиларининг хизматлари - пуллик хизмат бўлиб, солиқлар бўйича профессионал билимга эга бўлган мутахассислар солиқ түловчиларга соликка оид барча масалалар бўйича малакали маслаҳатлар берадилар. Японияда солиқ маслаҳатчилари сони 71 606 нафар бўлиб, солиқ хизмати ходимлари сонидан (56 000 дан ортиқ) кўпчиликни ташкил этади.

Японияда Молия вазирлиги ҳузуридаги **Миллий солиқ агентлиги** томонидан умумдавлат солиқларининг тўри хисобланиши, муддатида ва тўлиқ бюджетта тушишини назорат қилиниши белгиланган бўлиб, маҳаллий солиқлар ва йиимларни худудий муниципалитетлар назорат қилиши, бюджетдан ташқари мақсадли жамармаларнинг назорати эса ушбу жамармаларни ийиш билан шуулланувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

Умумдавлат солиқларни мажбурий ундириш бўйича вазифалар тўлиқ солиқ органларига юклатилган. Бунда ўз муддатида тўланмаган солиқлар аниқлангандан сўнг 50 кун муддат ичидаги талабнома жўнатилади.

Солиқлар бўйича қарздорлик 10 кун муддат ичидаги бартараф этилмаган тақдирда, солиқ тўловчининг мол-мулки инвентариастия қилиниб, хатланиши ҳамда сотовуга кўйилиши орқали солиқ қарзини копланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 10 млн. энгача солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга доимий равища телефон тармои орқали огоҳлантириш тизими

йўлга кўйилган бўлиб, бунинг учун барча (12 та) солиқ бошқармаларида «**Солиқ қарздорликларини ундириш бўйича интенсив телефон қўнғироқлари**» Маркази ташкил этилган.

10 млн. энгача қарздорликлар телефон Маркази томонидан, 10 млн.ендан 30 млн.енгача қарздорликлар худудий солиқ инспекциялари томонидан ва 30 млн. эндан юқори бўлган қарздорликлар эса солиқ бошқармалари томонидан ундирилади.

Шуни қайд этиш лозимки, «**Солиқ қарздорликларини ундириш бўйича интенсив телефон қўнғироқлари**» Маркази томонидан 10 млн. энгача бўлган қарздорликларнинг ундирилиш даражаси 68 фойзни ташкил этади.

Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга йиллик 14,7 фойз пеня (яъни кунига тахминан 0,04 фойз) хисобланади. Солиқ қарзи пайдо бўлган кундан бошлаб дастлабки 2 ой ичидаги пенянинг маҳсус ставкаси (йиллик 4,3 фойз, яъни кунига тахминан 0,01 фойз) кўпланилади.

Солиқ тўловчи қонун билан белгиланган муддатдан кечикиб солиқ тўловини амалга оширганда қўйидаги молиявий чоралар кўрилади:

- дастлабки кечикирилган 2 ой учун 4,5 % йиллик миқдорда (фойз ставкалари банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб ҳар йили ўзгартирилади),
- 2 ойдан ошган қисмига 14,6 % йиллик фойз миқдорида

Давлат бюджетининг асосий қисмини тўри солиқлар жумладан юридик ва жисмоний шахслардан даромад солиқ ташкил қиласи. Бу солиқлар бюджетнинг 60 фойз атрофидаги салмоини ташкил қиласи.

Жисмоний шахслар давлат даромад солиқини прогрессив шкалада тўлайдилар. Бу шкала 5 та солиқ ставкасидан иборат. Шу билан бир каторда 3 ставкали префектура даромад солиқ мавжуд. Бунинг устига қўшимча ҳар бир фуқаро даромад манбаининг ҳажмидан қатъий назар 3200 эн миқдорида солиқ тўлайдилар.

Солиқ тўлаш ҳажми ҳар бир солиқ тўловчининг солиқ йилида 1 январдан 31 декабргача даврда олиган даромадлари ҳажмидан келиб чиқади.

Даромад солиқ тўловчи шахслар 2 асосий гурухга бўлинади.

- тадбиркорлик фаолиятидан даромад олувчилар;
- бошқа турдаги фолият турларидан даромад олувчилар.

Биринчи гурухга савдо-саноат соҳасидаги тадбиркорлар, фермерлар, докторлар, адвокатлар киради. Булар ўз навбатида тижорат, қишлоқ хўжалик ва бошқа даромад олувчиларга бўлинади. Бир қарашда тўри даромад солии жуда юқоридек кўринади лекин шуни ҳисобга олиш керакки даромад солиидан катта миқдорда имтиёзлар ва чегирмалар мавжуд. Ўртacha даромад олувчи солиқ тўловчи 30 foiz атрофида соликлардан озод қилинади ёки унга имтиёзлар берилади.

Доимий иш жойларига эга бўлган шахслардан Декларациялардан ташқари ойлик ўртacha иш ҳақи миқдоридан даромад солии ушлаб борилади ва йил якуни билан ўзаро ҳисоб-китоб амалга оширилади.

Солиқ йили давомида солиқ органлари Декларацияларни тўри ва белгиланган муддатида тақдим қилиш борасида семинарлар, учрашувлар ўтказади.

2017-йил 1-январдан бошлаб Германия ва ЭИ мамлакатларида ККС ставкасини “дигитал сервисе” яъни рақамли хизматлар(кино, мусиқаларни юклаб олиш, онлине ўйинлар, э-китоб, е-маил, интернет радио ва рақамли тв хизматлари ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар) кўрсатишни истеъмолчиларга тақлиф қилувчиларга қўллаш бўйича ўзгартириш киритилди. Унга кўра, эндиликда агар ЭИ га аъзо мамлакат сотувчиси томонидан бошқа бир ЭИ га аъзо мамлакатга товар, иш ва хизматлар реализацияси қилинса, **харидор қайси мамлакат фуқаросилигига қараб, ўша давлатнинг ККС ставкасида солиқни тўлаб беради.** Яъни ККС ставкаси Германияда 19%, Буюк Британияда 20%. Буюк Британиялик сотувчи Германиялик харидорга товар сотди, харидор ККС солишини 19%лик ставкада тўлайди ва бу тўланган сумма Германия давлат бюджетига бориб тушади. Бу ўзгариш ЭИга аъзо бўлмаган давлатларга, ҳамда B2B(Бусинесс то бусинесс) яъни корпорациялар ўртасида товар айрбошлишга таалукли эмас.

Value-added Tax in Selected EU Countries



Source: European Commission, Germany Trade & Invest 2012.

14.1-расм. Европа имтифоқидаги айрим давлатларниң ККС ставкаси¹⁵

Асосий озиқ овқат товарлари, шунингдек китоб журнал маҳсулотларига пасайтирилган ККС ставкаси 7% қўлланилади. Германия ҳукумати 2017-йил 1-январдан бошлаб электрон китобларга ҳам пасайтирилган ККС ставкани қўлланилишини ўзлон килди ва амалга жорий килди. Пасайтирилган ставкани қўллаш қўйидагиларга ҳам тадбиқ қилинмайди:


- Ёшлар учун хавфли ҳисобланган электрон китобларга;
- “Youth Protection Act” - Ёшларни ҳимоя қилиш низом коидаларига зид келса;
- Аудио газета, аудио журнал ва ўйинларга.

Корея, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Германияда худудлар ихтиёрига келиб тушадиган маҳаллий соликлар бошқа бир қатор ривожланган давлатлардан фарқли равишда, мустақил белгиланиши билан характерлидир. АҚШ ва бошқа бир қатор арб давлатлари худудларининг молиявий ресурсларини турили гурухларга бўлиш мумкин. Биринчи гурухни ушбу худудларнинг ўзига тегишли ҳамда бириктирилган ва шу худуддан ундириладиган соликлар сифатидаги молиявий ресурслар ташкил этиб, улар бевосита ва билвосита соликлардан иборатдир. Бевосита соликларни мулк солии, эр солии (хунармандчилик), тадбиркорлик ва мерос соликлари ташкил

¹⁵ Манба: www.hrblock.com сайти маълумотлари

эста, билвосита солиқларни эса, савдо-сотиқ солии ва ўзига хос аксизлар ташкил этади. Иккинчи гурӯхни бизнинг республикамиздагидек умумдавлат солиқларидан маҳаллий ҳудудларга муайян фоиз миқдорида биринтирилиб бериладиган солиқларга ўхшаш молиявий ресурслар ташкил этади. Республикамиз бюджет тизимида бўлгани каби юқори бюджетлардан қуий бюджетларга субсидиялар ажратиш бошқа бир қатор давлатларда, хусусан, АҚШ молия тизимига ҳам хос хусусиятдир. Чунончи, Вашингтон маҳаллий бюджетининг 84%ни биринтирилган молиявий ресурслар ҳисобига шаклланса, қолган 16%ини федерал бюджетдан ажратилган субсидиялар ташкил этади. АҚШда ҳам худди бизнинг республикамиздаги сингари ҳукумат субсидия, субвенция ва дотастияларни юқори бюджетлардан қуий бюджетларга ажратиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсир этиб туради.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш жараённада АҚШдаги энг муҳим ва бошқалардан, хусусан, республикамиздан фарқ килувчи жиҳатларидан бири, у ёки бу солик турининг ҳудудлар бўйича табакалаштирилган ставкаларининг қўлланилиши ҳамда айрим солиқларнинг баъзи ҳудудларда амал қилиши ва бошқа ҳудудларда эса амал қилмаслигидир. Масалан, ҳудудларнинг асосий молиявий ресурсларидан бири ҳисобланган савдо-сотиқ солии айрим ҳудудлар учун 6% ставкада ундирилса, бошкасида 1% миқдорида ундирилади. Бундан ташқари, иктисодий (ишибилармонлиқ) фаоллик солии шунингдек, айрим ҳудудларда, хусусан, Аляска, Делавер, Ню-Жерси штатларида амал қиласа-да, бошқа ҳудудларда эса, маҳаллий ҳокимиятлар (штатлар) томонидан белгилаган ставкалар бўйича ундирилади.



14.2-расм. АҚШдаги сотиқдан олинадиган солиқнинг ставкалари¹⁶

Қайд этиш жоизки, мулк солии АҚШда ҳудуд маҳаллий бюджетларининг молиявий ресурслари шаклланнишида катта салмоқни эгаллади. Масалан, Нью-ЙОРК штати маҳаллий бюджетида ушбу солик ҳисобига жами молиявий ресурсларнинг 40% га яқини шаклланади. Ўз навбатида, бу солик тури ҳам барча ҳудудлар учун бир хил тартибда белгиланмаган. АҚШда мулк солиининг ўртача ставкаси 1,4% фоизни ташкил эста-да, бу Иллинойс штатида унинг амал қилиш ставкаси 6,4%га tengdir. Бундан ташқари, АҚШда ҳудудларнинг молиявий ресурслари айрим турдаги маҳсулотларни сотиш учун листензиялар, уй ҳайвонларини сақлаш учун рухсатномалар ва шу кабилардан тушган йиимлардан ҳам шаклланади¹⁷.

Ўзбекистондаги маҳаллий солиқлар тизимини ривожланган давлатлардаги маҳаллий солиқлар билан таққослаган ҳолда, Республикамизда ушбу солик тизимининг ҳозирги ривожи, уни янада ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасидан фойдаланиш масалалари ҳакида умумий хуносалар қилиш мумкин.

Масалан, Жанубий Кореяда маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий манбаи бўлиб кўчмас мулклар: эр, уй-жой, дўконлар, завод ва фабрикалардан ундириладиган солиқлар ҳисобланади. Буларга тегишли бўлган мулк қиймати мунтазам қайта баҳоланиб борилади. Ушбу тадбирлар

¹⁶ манба: www.IPC.gov АҚСНнинг Ички даромадлар тизими расмий сайтининг маълумотлари

¹⁷ Романовский М., Врублевский О. Налоги и налогообложение. - СПБ.: Питер, 2007. -68c.

даромадлар бошқармаси қошидаги маҳсус баҳолаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Солиққа тортиш мақсадида ўзгарувчан инфлястион шароитда мулкни мунтазам қайта баҳолаб бориш Ўзбекистон солиқ тизими учун ҳам фойдадан ҳоли эмас. Шунингдек, солиққа тортиш мақсадида мулкни қайта баҳолаш органларини солиқ хизмати органлари қошида ташкил этиш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир.

Кореяда мулк солии маҳаллий солиқ сифатида асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташкари, турли хил маҳаллий солиқ турлари ҳам мавжуд. Ҳар бир штатда турли хил солиқ турларини учратиш мумкин. АҚШ ва Буюк Британияда ҳам маҳаллий ҳокимият органлари мустақил равиша солиқлар жорий қилиш хукуқига эгадир. Ушбу тажрибани республикамиз солиқ тизимида ҳам кўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, бундай хукуқни бериш маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигини ва манфаатдорлигини ошириб, ҳудудда мавжуд молиявий имкониятларни келиб чиқиб солиқ ставкаси белгиланса, улардан самарали фойдаланишини работлантирган бўлар эди.

АҚШ ва Япония давлатлари солиқ маомурчилиги тизимида яна шундай тизим яратилганки, улар солиқ тўловчиларни солиққа оид билимларини ошириш борасида ҳамда уларга кўмакчи вазифасини бажриш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг номи “Tax Answer” деб номланади яни солиққа оид саволларга жавоблар. Ушбу тизим орқали, солиқ тўловчилар ўзлари қизиқтирган ҳар қандай солиққа оид саволларга, ҳеч қаерга бормасдан уйларидан интернет тармоига уланган ҳолда тўри ва ишончли жавобни олишади. Ушбу тизимни Ўзбекистон Республикасининг солиқ маомурчилиги тизимида жорий этиш орқали солиқ тўловчиларга қулай имкониятлар яратиш билан биргаликда, солиқ хизмати ҳодимларининг солиқ тўловчилар маолумот сўраб келган вақтда уларга жавоб беришга кетадиган вақт тежалиши ҳисобига, ўзларига юклатилган вазифаларни янда самарали бажаришга кўшимча вақт пайдо бўлади.

Ҳозирги кунда Республикаизда турли соҳалар каби солиқ соҳасида ҳам турли хил ўзгаришлар, такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин, ушбу такомиллаштириш ишлари бутун дунё ривожланиб, кундан-кунга ўзгариб бораётганлиги сабаб, бир жойда тўхтаб қолиши асло мумкин эмас. Шу боисдан, Республикаиз солиқ маомурчилиги тизимини ислоҳ этиб бориш Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан Давлат солиқ хизмати органларининг зиммасига юклangan вазифалардан бири ҳисобланади.

Солиқ ислоҳотлари ўтказилишига бўлган замонавий омиллардан бири юридик ва жисмоний шахслар фаолиятидаги солиққа тортиладиган обектларни назорат қилинишининг сусайғанлигидир. Бунинг асосий сабиби биричидан, хўжалик юритувчи субектлар фаолияти тўрисида маолумотлар олиш тизимининг этарлича такомиллашмагани бўлса, иккинчидан, солиқ тўловчиларнинг хуфёна давлат олишини назорат қилиш ваколати зиммасига юклangan давлат ташкилотларининг хукуқий масоулияти сунойиравиша уларнинг қонуний мажбуриятларига зид ҳолда пасайиб кетган.

Хўжалик субектлари фаолиятининг давлат назорати сусайган сари солиқ тўловларидан бўйин товлаш миқёслари кенгайиб бормоқда, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлик миқдори ошиб бориши баози ҳолатларда кузатилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даврига хос бундай ҳолатларда солиқ маомурчилиги тизимида ҳам ўзига хос ўзgartиришлар киритиш лозим. Бундай шароитда аниқ мақсадга қаратилган солиқ механизми ишлаб чиқиш давлат ижтимоий сиёсатининг хукуқий асосини ташкил этади.

Шу сабаб, Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 30-октябрьдаги ПҚ-1843-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўрисида”ги карорига асосан Мобил алоқа хизматини кўрсатувчи компаниялар билан ҳамкорликни йўлга кўшишлари лозим. Ҳамкорликка

асосан, Мобил алоқа хизматини кўрсатувчи компаниялар давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги сабаб, шунингдек улар билан мобил алоқа воситалари орқали муомалага киришиш мақсадида уларда рўйҳатда турувчи абонентларининг уяли алоқа номерлари тўрисидаги ахборотларни электрон шаклда тақдим этиш лозим бўлади. Ушбу маолумотларнинг сир сақланишига жавобгарлик давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилади.

Юқорида келтирилган таклифни инобаттга олган ҳолда, Ўзбекистон солиқ тизимини такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган илор тажрибалар мавжуд. Масалан, Япония солиқ маомурчилиги тизимида барча 12та солиқ бошқармаларида 2002-2004 йилларда “**Солиқ қарздорликларини ундириш бўйича интенсив телефон қўнироқлари**” Маркази ташкил этилган бўлиб, 10 млн. энгача солиқ қарзидан бўлган солиқ тўловчиларга доимий равишда телефон тармои орқали огоҳлантириш тизими йўлга қўйилган. 10 млн. энгача қарздорликлар телефон Маркази томонидан, 10 млн.ендан 30 млн.енгача қарздорликлар худудий солиқ инспекциялари томонидан ва 30 млн. эндан юқори бўлган қарздорликлар эса солиқ бошқармалари томонидан ундирилади.

Шуни қайд этиш лозимки, “**Солиқ қарздорликларини ундириш бўйича интенсив телефон қўнироқлари**” Маркази томонидан 10 млн. энгача бўлган қарздорликларнинг ундирилиш даражаси 68 фойзни ташкил этади. Агарда ушбу марказни бизнинг республикамиздаги давлат солиқ идораларида ҳам ташкил этилса, соликларни ундириш борасида янгича усул жорий қилинади ва солиқ қарздорликларини камайтиришга эришилади. Ушбу Марказни ташкил қилиш учун мобил алоқа компаниялари билан ҳамкорлик давлат солиқ хизмати органларига кўмак вазифасини ўтайди.

Енди Германия ва Эвропа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини кўрадиган бўлсак, 2017-йил 1-январдан бошлаб Германия ва ЭИ мамлакатларида ҚҚС ставкасини “дигитал сервисе” яни рақамли хизматлар(кино, мусикаларни юклаб олиш, онлине ўйинлар, э-китоб, е-маил,

интернет радио ва рақамли тв хизматлари ва шунга ўхшашибошқа хизматлар) кўрсатишини истеомолчиларга таклиф қилувчиларга қўллаш бўйича ўзгаришиш киритилди. Унга кўра, эндиликда агар ЭИ га аозо мамлакат сотувчиси томонидан бошқа бир ЭИ га аозо мамлакатга ушбу турдаги товар, иш ва хизматлар реализация қилинса, **харидор қайси мамлакат фуқаросилигига қараб, ўша давлатнинг ҚҚС ставкасида солиқни тўлаб беради**. Яони ҚҚС ставкаси Германияда 19%, Буюк Британияда 20%. Буюк Британиялик сотувчи Германиялик харидорга товар сотди, харидор ҚҚС солиқни 19%лик ставкада тўлайди ва бу тўланган сумма Германия давлат бюджетига бориб тушади. Бу ўзгариш ЭИга аозо бўлмаган давлатларга, ҳамда Б2Б(Бусинесс то бусинесс) яони корпорациялар ўртасида товар айирбошлишга таалуқли эмас. Балки, ушбу солиқ тизимидағи ўзгаришни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аозо давлатлар ўртасида товар ва хизматлар кўрсатишининг турли ўйналишлари бўйича жорий қилинса, инвестиция ва экспортни рағбатлантиришга қўйилган қадам бўлиши мумкин.

АҚШ ва Япония давлатлари солиқ маомурчилиги тизимида яна шундай тизим яратилганки, улар солиқ тўловчиларни солиққа оид билимларини ошириш борасида ҳамда уларга кўмакчи вазифасини бажриш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг номи “Tax Answep” деб номланади яони солиққа оид саволларга жавоблар. Япония солиқ тизимини ривожланиш жараёнида солиқ тўловчилар билан ишлаш ва уларга хизматлар кўрсатиши соҳаси ҳам мос равишда шаклланган. Умумдавлат солиқларини таріб қилиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича Япония миллий солиқ агентлигига 12 нафар ходим, 12 та худудий бошқармаларда 65 нафар ходим, 524 та инспекцияларда эса 134 нафар ходимлар ажратилган. “Tax Answep” тизими орқали, солиқ тўловчилар ўзлари қизиқтирган ҳар қандай солиққа оид саволларга, ҳеч қаерга бормасдан уйларидан интернет тармоига уланган ҳолда тўри ва ишончли жавобни олишади. Ушбу тизимни Ўзбекистон Республикасининг солиқ маомурчилиги тизимида жорий этиш орқали солиқ тўловчиларга қулагай имкониятлар яратиш билан биргаликда, солиқ хизмати

ҳодимларининг солиқ тўловчилар маолумот сўраб келган вақтда уларга жавоб беришга кетадиган вақт тежалиши ҳисобига, ўзларига юклатилган вазифаларни янда самарали бажаришга қўшимча вақт пайдо бўлади.

Таянч иборалар:

солиқ тизими, тушунча, тамойил, солиқ муносабатлари, бошқариш, ҳаракатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳисоботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Солиқ маъмурчилиги ва солиқ назоратини амалга оширишда ДСХ органларининг вазифалари;
2. Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати ва уни асосий йўналишлари; ;
3. Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет тизимининг ўзаро боғлиқлиги
4. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари;
5. Умумдавлат солиқларини маҳаллий бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг амал килиш механизми;
6. Ўзбекистон Республикасининг Конуни Солиқ маҳмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги”, 2017 йил 30 декабрф, ЎРҚ-455-сон билан Солиқ кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хақида нималарни биласиз?

15-БОБ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛЛАР ҲАМДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАР.

- 15.1. “Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш” дастурий маҳсули
- 15.2. “Текширишларни мувофиқлаштириш” дастурий маҳсули
- 15.3. “Таҳлика таҳтил” (“Risk анализ”) дастурий маҳсули
- 15.4. “Ташқи манба” дастурий маҳсули
- 15.5. “Ташқи манба маълумотлари” дастурий маҳсули
- 15.6. “Қайта ишилаш ва таҳтил” дастурий маҳсули
- 15.7. «Накд пул тушумлари ҳисобини юритиш» дастурий маҳсули
- 15.8. “Тўловлар мониторинг” дастурий маҳсули

15.1. “Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш” дастурий маҳсули

«Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш» дастурий маҳсулини жорӣ қилишининг асосий мақсадлари. Маълумотлар базасининг шаклланиши. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 1997 йил 29 августдаги қонунининг 2-моддаси талабларига қўра солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси солиқ органлари зиммасига юклатилган бўлиб, ушбу қонуннинг 5-моддаси 1-қисми 9-бандида ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (МЖТК) 264-моддасида солиқ соҳасида содир этилган маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳукуки берилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳукуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳукуқбузарлиknи содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансадор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Давлат солиқ органларига ушбу Кодекснинг:

- 1) 164-моддасининг биринчи (савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш) ва тўртинчи (дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар ёхуд ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш қоидаларини бузиш) қисмларида;

- 2) 168-моддасида (бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш);
- 3) 171-моддасининг биринчи (чет эл валютасини банклардаги валюта ҳисобрақамларига вактида ёхуд тўлиқ ўтказмаслик), иккинчи (валюта тушумининг белгиланган қисмини давлатга сотишдан бўйин товлаш), учинчи (экспорт-импорт операцияларни амалга ошириш тартибини бузиш), тўртинчи (модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларда назарда тутилган хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этиш) қисмларида;
- 4) 172-моддасида (ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш);
- 5) 174-моддасининг биринчи (соликлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш), иккинчи (худди шундай хукуқбузарлик анча миқдорда содир этилган бўлса) ва учинчи (даромадлар тўғрисида декларатсия тақдим этмаслик) қисмларида;
- 6) 175-моддасининг биринчи (солик солинадиган обектларнинг ҳисобини олиб бормаслик), иккинчи (худди шундай хукуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса), учинчи (касса операцияларини юритиш тартибини ва тўлов интизомини бузиш), тўртинчи (ҳисоб ракамини очиш тартибини бузиш) қисмларида;
- 7) 175-4(прим)-моддаси (иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш);
- 8) 176-моддасининг биринчи қисмida (тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартибини бузиш);
- 9) 176-2(прим)-моддасида (хўжалик юритувчи субектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки кайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш);
- 10) 179-1(прим) моддасида (мажбурий аудиторлик текширувани ўтказишдан бош тортиш);
- 11) 186-1(прим) моддасида (етил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, яъни аксиз маркаси билан маркаланмаган товарлар қонунга хилоф

равища ишлаб чиқарилган ёки муомалага киритилган ҳолларда) назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Давлат солик органлари номидан юкорида қайд этилган маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш ваколати давлат солик органлари бошлиқлари ва уларнинг ўринbosарларига берилган.

Солик соҳасида содир этилган хукуқбузарликлар, улар бўйича қўлланилган маъмурий ва жиноий жазо чоралари тўғрисида маълумотлар базасини ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2005 йил 5 авгуустдаги «Давлат солик хизмати органларида автоматлаштирилган компьютер дастурий маҳсулларни амалга жорий этиш тўғрисида»ги 148-сонли буйруғига биноан «Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш» дастурий маҳсули яратилиб, ДСҚнинг 2006 йил 10 ноябрдаги 46-ф-сонли фармойишига асосан амалиётга жорий этилди.

Давлат солик хизмати органларида «Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш» дастурий маҳсулнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида босқичма-босқич тақомиллаштирилиб келинмоқда.

Хусусан, дастурий маҳсулнинг WEB технологияси асосида кайта ишлаб чиқилган варианти Давлат солик қўмитасининг 2011 йил 15 октябрьдаги 288-сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинди.

Бу билан дастурий маҳсулнинг маълумотлар базасини ДСИ→ДСБ→ДСҚ погоналарида жамланмасдан тўғридан-тўғри ДСҚ ягона базасига жамланишишга эришилди.

«Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш» дастурий маҳсули давлат солик хизмати органлари томонидан мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан қўлланилган маъмурий жазо чоралари, суд ва хукуқни муҳофаза қилиш органларига қонуний чора кўриш учун юборилган текшириш хужжатларининг ягона реестрини юритади ва ҳисботларини тайёрлайди,

шунингдек солик соҳасидаги хукуқбузарликларнинг тақорорийлигини аниқлайди.

Маъмурий хукуқбузарлик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддасида ёритилган бўлиб, унда маъмурий хукуқбузарлик деганда қонун хужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи ғайрихукукий, айбли (қастдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган харакат ёки харакатсизлик тушунилади деб кўрсатилган.

«Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш» дастурий маҳсулини жорий қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- Давлат солик органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган хукуқбузарликлар (маъмурий, жиноий) бўйича ягона ва қатъий маълумотлар жамланиши;
- Солик органлари томонидан хукуқбузарларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарнинг белгиланган муддатларда ва тўлиқ ундирилиши юзасидан мунтазам равишда олиб борилаётган назорат ишлари;
- Суд ва назорат қилувчи органларга юборилган маъмурий ишларнинг якунлари, қўлланилган жарималар ҳамда муддатида тўланмаган маъмурий жарималарни суд ижрочилари томонидан мажбурий тартибда ундирилиши юзасидан кузатув натижалари;
- Солик соҳасида содир этилган жиноий харакатлар, улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ҳамда бошқа хукуқни муҳофаза килиш органлари томонидан қўзгатилган жиноий ишлар, улар юзасидан олиб борилган суриштирув ва тергов харакатлари, суд қарорлари юзасидан солиштирув далолатномалари маълумотлари;
- Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг белгиланган моддалари асосида маъмурий жазога тортилган

мансадбор шахслар ва фуқароларнинг тақорорий хукуқбузарликлари бўйича аниқланган маълумотлар;

- Солик соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатлари динамикасини аниқлаш ва шу орқали Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва қонун хужжатларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлиф ва мулоҳазалар бериб бориш.

Дастурий маҳсулда маълумотлар базасининг шаклланишини шу тартибда келтириш мумкин:

- Давлат солик органлари томонидан мавжуд маълумотлар ойма-ой ўсиб борувчи тартибда, қонунчилик ижроси юзасидан асосий йўналишларда шаклланади;
- Давлат солик органлари томонидан солик қонунчилиги юзасидан ўтказилган текширишлар, аниқланган хукуқбузарликлар ва уларга кўрилган чоралар ҳақида маълумотлар жамланимаси (худудлар ва тармоқлар бўйича);
- Хўжалик юритувчи субектлар томонидан тўлов интизомини бузилиши ҳамда дебиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳолатлари бўйича кўрилган чоралар ҳақида маълумотларни худудлар ва тармоқлар бўйича жамланимаси;
- Давлат солик органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментига юборилган материаллар, улар бўйича жиноят ишларининг қўзгатилиши, тергов ва суд натижалари ҳақидаги маълумотларни (Жиноят ва Жиноят протессуал кодексларининг моддалари бўйича) жамланимаси;
- Давлат солик органлари томонидан қонуний ҳал қилиш учун прокуратура органларига юборилган материаллар, улар бўйича жиноят ишларининг қўзгатилиши, тергов ва суд натижалари ҳақидаги маълумотларнинг худудлар бўйича жамланимаси;
- Давлат солик органлари томонидан қўлланилган ва мажбурий ундирувга қаратилган маъмурий жарималарнинг суд ижрочилари томонидан

ундирилиши ахволи ҳақидаги маълумотларни (худудлар бўйича) жамланмаси.

Дастурий маҳсулни такомиллаштириш юзасидан бажариладиган ишларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- дастурий маҳсулдан ҳар хил мезонлар асосида тақорий хукуқбузарликларни ДСБ погоналари миқёсида кидириш функцияларини кўшиш;

- Бош Прокуратура ва унинг ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти, суд идоралари ҳамда суд ижрочилар департаменти билан маълумотлар алмашувини автоматлаштириш;

- тизимни бир нечта бир бирига боғлиқ бўлмаган мустақил модулларга бўлиш.

Давлат солиқ хизмати органларида “Маъмурий амалиётни ҳисобга олиш” дастурий маҳсули жорий этилиши билан эришилган натижалар

Дастурий маҳсул амалиётга татбиқ этилиши билан давлат солиқ хизмати органларининг Маъмурий амалиёт тузилмаларининг функционал вазифалари ва назорат ишлари самарадорлигининг ортишига;

- қўлланилган маъмурий жарималарни тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишига, шунингдек муддатида тўланмаган жарималар бўйича карорларни тезкорлик билан мажбурий тартибда ижро этилишига эришилди.

Шунингдек, дастурий маҳсул жорий этилгунга қадар хукуқбузарлар ҳақидаги маълумотлар алоҳида варақаларга тўлдирилиб, давлат солиқ бошқармаларида жамланиб ва шахснинг солиқ соҳасида муқаддам хукуқбузарлик содир этиб жавобгарликка тортилганлигини аниқлаш учун бошқармаларга мурожаат қилиб келинган бўлса, ҳозирда дастурий маҳсулнинг хукуқбузарларнинг тақорийлигини текшириш функцияси орқали аниқлаш ва ундан сўровнома ҳамда шахсни муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги тўғрисида маълумотларни чоп этиш мумкин.

Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги «Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизими니 ташкил этиш тўғрисида»ги 39-сонли карори талабларига мувофиқ дастурий маҳсулда маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш 1-АП шаклидаги карточкилар тўлдирилиб, Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидаги маълумотларнинг ягона базасига электрон шаклда тақдим этиб келинмоқда.

Дастурий маҳсул жорий этилгунга қадар куйидаги ҳисоботлар:

- солиқ тўғрисидаги конунларнинг бузилишига доир тузилган, шунингдек бошқа органлардан чора кўриш учун келиб тушган материаллар, улар юзасидан кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотни;
- давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўриб чиқилган маъмурий ишлар тўғрисидаги маълумотни (Ўзбекистон Республикаси МЖтК моддалари бўйича, юридик ва жисмоний шахсларни алоҳида ажратган ҳолда);
- давлат солиқ хизмати органлари томонидан суд идораларига юборилган маъмурий ишлар ва улар юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида маълумотни (Ўзбекистон Республикаси МЖтК моддалари бўйича, юридик ва жисмоний шахсларни алоҳида ажратган ҳолда);
- давлат солиқ хизмати органлари томонидан дебиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳолатлари юзасидан кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотни;
- давлат солиқ хизмати органи томонидан департаментга юборилган материаллар ва улар юзасидан кўрилган маълумотни ва солиштирув далолатномаси (рўйхати)ни;
- давлат солиқ хизмати органи томонидан прокуратурага юборилган материаллар ва улар юзасидан кўрилган маълумотни ва солиштирув далолатномаси (рўйхати)ни тайёрлаш учун ўртacha 4-5 кун вақт сарфланган.

Дастурий маҳсул амалиётга жорий этилгандан сўнг, давлат солик хизмати органларида кўрилган маъмурий ишлар, суд ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тааллукли материаллар ва маъмурий ишлар тегишилилиги бўйича юборилиши билан дастурий маҳсулга киритилади ва шу билан бир вактда маъмурий амалиётта оид хисоботлар шаклланиб боради.

Иқтисод қилинган ўртача 4-5 иш куни маъмурий амалиёт ва назорат килиш тузилмалари ходимларининг бошқа функционал вазифаларини амалга ошириши учун имконият яратилди.

Давлат солик хизмати органлари Маъмурий амалиёт бўлим(шульба)лари томонидан хисоботларни тайёрлаша ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар ва улар юзасидан кўрилган чоралар юзасидан солишириув далолатномаларини тузиш учун ўртача бир йилга ўртача 48 кун вакт сарфланган.

Дастурий маҳсул амалиётга жорий этилгандан сўнг, давлат солик хизмати органларида кўрилган маъмурий ишлар, суд ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилиш органларига тааллукли материаллар ва маъмурий ишлар тегишилилиги бўйича юборилиши билан дастурий маҳсулга киритилади ва шу билан бир вактда маъмурий амалиётта оид хисоботлар шаклланиб боради.

Иқтисод қилинган ўртача йиллик 48 иш куни хисобига маъмурий амалиёт тузилмалари ходимларининг бошқа функционал вазифаларини амалга ошириши учун имконият яратилди.

15.2. “Текширишларни мувофиқлаштириш” дастурий маҳсули

«Текширишларни мувофиқлаштириш» дастурий маҳсули «Текширишларни мувофиқлаштириш» дастурий маҳсули ҳақида умумий тушунча «Текширишларни мувофиқлаштириш» дастурий маҳсули қўйидаги қонун хужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Конуни (1998

йил 24 декабрда 717-1сон билан қабул қилинган бўлиб, ўтган даврда мазкур Конунга 12 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган);

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конуни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2114-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3665-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4296-сон Фармони;

Адлия вазирлигига 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятида ўтказиладиган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом;

Адлия вазирлигига 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан рўйхатга олинган “Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Давлат солик қўмитасининг 2005 йил 5 августдаги «Давлат солик хизмати органларида автоматлаштирилган компьютер дастурий маҳсулларни амалга жорий этиш тўғрисида»ги 148-сонли буйргуга асосан “Республика текширишлар режа – жадвалини шакллантириш ва бажарилишини назорат қилиш” дастурий маҳсули яратилган. Давлат солик қўмитасининг 2012 йил 6 июндаги ““Текширишларни мувофиқлаштириш” дастурий маҳсулини давлат солик хизмати органларида амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 233-сонли

буйруғи билан «Текширишлар режа-жадвалини шакллантириш» ва «Якка тадбиркорларда текширишлар ҳисобини юритиши» дастурий маҳсуллари ўрнига Давлат солик қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан замонавий дастурлаш тилида ишлаб чиқилган “Текширишларни мувофиқлаштириш” дастурий маҳсули 2012 йил 15 июндан амалиётга жорий этилган.

Дастурий маҳсулни жорий килишнинг **асосий мақсадлари** бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- назорат органлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларга зид равища тадбиркорлик субектлари фаолиятига асосиз равища аралашишларининг олдини олиш;
- дастурдан фойдаланувчилар учун қўшимча қулайликларни яратиш ва тузилаётган текширишлар режа-жадвали сифатини ошириш;
- таҳлилий ишларни амалга ошириш учун қўшимча маълумотларни олиш.


Дастурий маҳсулга киритиладиган маълумотлар таркиби ва мазмuni

Назорат органлари томонидан тадбиркорлик субектларида ўтказилаётган текширишларни мувофиқлаштириш бўйича олиб борилган ишлар, яъни:

назорат органлари томонидан тандаш тамоилларига асосан тузилган назорати остидаги тадбиркорлик субектлари рўйхати ва уларда ўтказилиши режалаштирилган текшириш даврийлиги;

назорат органларининг текширишлар режа-жадвали лойиҳасига киритиш учун буюртма берилган хўжалик юритувчи субектлар ва улардаги текширишнинг лойиҳага тақлиф этилган муддатлари, назорат органи даражаси;

назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаси томонидан тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига киритилган хўжалик юритувчи субектлар;



15.1-расм. Текширишлар режа-жадвалининг шаклланиши босқичлари текширишлар режа-жадвалига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар; текширишлар режа-жадвалига асосан текширишларнинг амалда ўтказилган саналари ва самарадорлиги; назорат органларининг хўжалик юритувчи субектларда режадан ташқари текшириш ўтказишга берилган буюртманомаларини кўриб чиқилиши натижалари ва рухсат берилган режадан ташқари текширишларнинг амалда ўтказилган саналари ва самарадорлиги;

Давлат солик қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат килиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобилларни вактинча сақлаш жойларида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорларда ўтказилган қисқа муддатли текширувлар тўғрисидаги маълумотлар киритилади.


Дастурий маҳсулдан мазкур маълумотларни назорат органлари, ҳудудлар, маълум давр, текшириш тури, буюртманинг кўриб чиқилиши, самарадорлиги бўйича олиш имконияти мавжуд.

Дастурий маҳсулдан олинадиган маълумотлар ва хисоботлар таркиби

Дастурий маҳсулда жами 8 та хисбот шакллари мавжуд бўлиб, барча хисоботларни вилоятлар, туманлар ёки назорат қилувчи органлар бўйича шакллантириш мумкин.

Юридик шахслар бўйича:

1. Текширилган хўжалик юритувчи субектлар сони тўғрисидаги хисбот шакли.
2. Назорат органлари кесимида ўтказилган текширишлар тўғрисидаги хисбот шакли.
3. Хўжалик юритувчи субектлар бўйича режа-жадвалга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумот шакли.
4. Назорат қилувчи органлар бўйича режа-жадвалга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумот шакли.
5. Режа-жадвалга киритилган текширишлар сони тўғрисида ҳудудлар ва назорат органлари ҳамда уларнинг даражалари бўйича жамланма хисбот шакли.
6. Ҳудудлар кесимида режалаштирилган ва рухсат берилган текширишларнинг ўтказилиши ва самарадорлиги тўғрисида олдинги йилнинг мос даврига таққосланган назорат хисботи.
7. Ўтказилмасдан қолган режали текширишлар тўғрисида маълумот шакли.
8. Кенгаш билан қўшимча келишувсиз ўтказилган текширишлар тўғрисидаги хисбот шакли.



15.2-расм. Дастурий маҳсул маълумотлар базасининг шаклланиши схемаси.

Юридик шахслар бўйича дастурий маҳсулнинг хисботлар менюсидан:

ҳудудлар кесимида текширилган хўжалик юритувчи субектлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига таққослама жадвали;

назорат органлари кесимида ўтказилган текширишлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига таққослама жадвали;

режалаштирилган текширишларнинг ойлар бўйича тақсимоти тўғрисидаги;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган барча текширишлар тўғрисидаги маълумотларни (ДСИнинг 2-шакл китобидан рўйхатдан ўтган);

текшириш режалаштирилган субектларда жиноят иши доирасида ёки яқуний текширишлар ўтказилганлиги тўғрисида маълумотларни ҳам олиш имкони мавжуд.

Якка тартибдаги тадбиркорлар бўйича:

ҳудудлар кесимида якка тартибдаги тадбиркорларда ўтказилган текширишлар сони тўғрисидаги маълумот шакли;

назорат органлари кесимида ўтказилган текширишлар сони тўғрисидаги маълумот шакли;

Кенгаш билан қўшимча келишувсиз ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ҳисобот шаклини маълум бир худуд, давр бўйича олиш мумкин.

Дастурий маҳсул имкониятлари

Дастурий маҳсулнинг имкониятларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

Режа-жадвал лойиҳасига:

молия-хўжалик фаолияти юзасидан охирги режали текширишга 4 йил тўлмаган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларини ҳамда 3 йил тўлмаган бошқа тадбиркорлик субектларини;

рўйхатдан ўтганига 3 йил тўлмаган микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлини молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш;

назорат органларининг текширишлар режа-жадвалини шакллантириш тамоилига мос келмайдиган субектларни;

комплекслилиги таъминланмаган, яъни битта тадбиркорлик субектида иккита назорат органидан кам бўлган текширишларни киритилишига;

фаолият қўрсатмаётган ёки тутатилган хўжалик юритувчи субектларни лойиҳага киритилишига йўл қўймайди.

Шунингдек:

- назорат органлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатларга зид равища тадбиркорлик субектларида режали текширишлар ўтказилишининг олдини олиш;

- режа-жадвал лойиҳасига киритиш учун таслиф этилаётган тадбиркорлик субектларининг давлат рўйхатидан ўтган илини ва санаси, ташкилий-хуқуқий шакли, қайси вазирлик таркибида эканлиги, ўтказилган охирги режали текшириш санаси ҳамда ишчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда субектни қайси тоифадаги корхоналар турига мансублиги тўғрисидаги маълумотларни олиш;

- текширишлар режа-жадвалини тузища инсон омили туфайли йўл қўйилиши мумкин бўлган хато-камчиликларнинг олдини олиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субекти қандай корхоналар тоифасига кириши, режа-жадвал лойиҳаси билан ишлаш жараёнида тадбиркорлик субектларида назорат органлари томонидан охирги ўтказилган текшириш, субект ҳолати, статуси, қайси вазирликка қарашлилиги, «Реестр» ойнасида тадбиркорлик субектларининг раҳбари, бош ҳисобчиси, давлат рўйхатидан ўтган вақти, юридик манзилгоҳи, хизмат қўрсатувчи банки тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятлари мавжуд.

Дастурий маҳсул ёрдамида Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 31 июлдаги 312-сонли буйруғига асосан худудий давлат солиқ хизмати органларида текширишларни ташкиллаштирилиши ва ўтказилиши масофадан турив назорат қилиб борилмоқда.

Хусусан, режалаштирилган ва рухсат берилган текширишларнинг амалда ўтказилиши, текширишлар самарадорлиги, шунингдек режали ва режадан ташқари текширишларнинг такрор ўтказилишига йўл қўйилмаслик юзасидан тезкор таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чоралар кўрилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, худудий давлат солиқ хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субектларда савдо, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-терминалларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган режадан ташқари қисқа муддатли текширишларда самарадорликнинг таъминланиши, буюртмада асос сифатида қўрсатилган ҳолатларнинг текширишларда тасдиқланиши масофадан турив назорат қилиб борилади.

«Якка тадбиркорларда текширишлар ҳисобини юритиш» дастурий маҳсули хақида умумий тушунча

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига асосан «Назорат қилувчи органлар томонидан якка

тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилингач, назорат органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларда Кенгаш ва унинг худудий комиссиялари рухсатлари асосида ўтказилган режадан ташқари текширишлар ҳисобини юритиш зарурати юзага келди.

Шу асосда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан якка тартибдаги тадбиркорларда текширишлар ҳисобини юритиш бўйича дастурий маҳсул яратиш борасида техник топширик ишлаб чикилиб, Янги технологиялар илмий-ахборот марказига тақдим этилган.

ДСҚнинг 2008 йил 4 апрелдаги 104-сонли буйруғи асосида барча ДСИ, ДСБ ва ДСҚда фойдаланиш учун амалиётга жорий этилган.

Дастурий маҳсулнинг яратилишидан кўзланган мақсад

Ушбу дастурий маҳсул Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Адлия вазирлигига 2007 йил 3 сентябрьда 1712-сон билан рўйхатга олинган Низом асосида ишлаб чиқилган.

Дастурий маҳсулни жорий этишдан мақсад назорат органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлик субектларида ўтказилган текширишлар ҳисобини автоматлаштирилган ҳолда юритишдан иборат.

«Якка тадбиркорларда текширишлар ҳисобини юритиш» дастурий маҳсулини жорий қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилардир:

- якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган режадан ташқари текширишлар бўйича маълумотлар олиш;
- якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган режадан ташқари текширишлар ҳисобини юритиш;
- таҳлилий ишларни амалга ошириш учун қўшимча маълумотларни олиш.

Дастурий маҳсулга киритиладиган бирламчи маълумотлар:

Дастурий маҳсулга қўйидаги маълумотлар киритилади:

назорат органларининг якка тартибдаги тадбиркорларда режадан ташқари текшириш ўтказиши тўғрисидаги буюртмаларини кўриб чиқилиши ва ўтказилган режадан ташқари текширишлар ҳамда улар самарадорлиги;

бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобилларни вақтинча сақлаш жойлари худудида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият олиб бораётган фуқароларда ўтказилган текширишлар ва улар юзасидан кўрилган чоралар.

Дастурий маҳсул ишга туширилгач эришилган кўрсаткичлар:

Дастурий маҳсул асосида якка тартибдаги тадбиркорларда ўтказилган текширишларлар бўйича текшириш ўтказган назорат органи, текшириш тури, муддати ҳамда самарадорлиги тўғрисида ҳар кунлик маълумотлар ҳисобини юритиш имконияти яратилди.

Шунингдек, дастурий маҳсулга киритилган маълумотлар асосида худудлар ва назорат органлари бўйича ҳисботларни шакллантириш, улар асосида назорат органлари ва худудлар ҳисботларини тўғри юритилиши ва ўзаро таҳлил қилиш имкони яратилган.

Дастурий маҳсул асосида рухсат этилган режадан ташқари текширишларни белгиланган муддатларда ўтказилишини назорат қилиш, назорат органларининг режадан ташқари текшириш ўтказиши тўғрисидаги буюртмаларини кўриб чиқилиши тўғрисида тегишли маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш мумкин.

Ҳисботни юритища мөҳнат, вақт, қофоз сарфи камайди, хатоликларга йўл кўйилишининг олдини олиш имкони яратилди.

Дастурий маҳсулдан олинадиган маълумот турлари:

Дастурий маҳсул орқали:

- маълум бир давр ёки худуд ёхуд назорат органи бўйича текширилган хўжалик юритувчи субектлар;
- назорат органлари кесимида ўтказилган текширишлар;
- ўтказилмасдан қолган ёки самарасиз якунланган текширишлар;
- назорат органларининг режадан ташқари текшириш ўтказиши бўйича

буортмаларининг кўриб чиқилиши ва ўтказилиши;

- бозорлар, савдо комплекслари ва уларга туташ автомобилларни вактинча сақлаш жойлари худудида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорларда ўтказилган текширишлар тўғрисидаги маълумот шаклларини олиш имконияти мавжуд.

Дастурий маҳсулни такомиллаштириши:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги ПҚ-1257-сон карорига асосан бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ автотранспорт воситаларини вактинча сақлаш жойлари худудида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида Кенгаш ва унинг худудий комиссиялари билан кўшимча келишувсиз ўтказиладиган текширишлар ҳисобини юритиш мақсадида дастурий маҳсулга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Дастурий маҳсулнинг янги вариантида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон Фармони талаби асосида давлат рўйхатига олинганига уч йил тўлмаган кичик тадбиркорлик субектлари ва фермер хўжаликларини текширишлар режа-жадвали лойиҳасига киритишнинг олдини олиш имкониятини яратиш ҳам ҳисобга олинган.

15.3. “Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулни

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 25 декабрдаги ““Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ти 534-сонли бўйругига асосан, Давлат солиқ қўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан ишлаб чиқилган “Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулини давлат солиқ хизмати органларида 2013 йилнинг 26 декабридан бошлаб жорий этиш белгиланди. Мазкур бўйруқ асосида дастурий маҳсулни республиканинг барча худудий давлат солиқ хизмати органларининг Камерал назорат ва Солиқ текширувлари бўлим (шуъба)лари компьютерларига боғлаш ишлари амалга оширилди.

“Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулини жорий қилиш мақсадлари

“Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулни текширувларни ўтказиш учун солиқ конунчилиги бузилишларининг хавфи мавжудлигини аниқлашга имкон берувчи мезонлар асосида солиқ тўловчиларни танлаш мақсадида яратилган. Дастурий маҳсул орқали солиқ тўловчилар маълумотлари автоматик тарзда таҳлил этилади ва энг таваккаллилари идентификатсия қилинади. Бу ўз навбатида солиқ органларининг чекланган ресурсларини мақбуллаштириш, конунга итоаткор солиқ тўловчилар учун маъмурий босимни пасайтириш имкониятини беради.

“Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулининг афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- дастурий маҳсул ёрдамида барча солиқ тўловчилар автоматик тарзда таҳлил этилиб, энг таваккаллилари идентификатсия қилинади;

- солиқ инспекторлари энг таваккалли солиқ тўловчилар – хўжалик юритувчи субектларни текширадилар;

- режали текширувларни солиқ тўловчи фақат таваккалли бўлиб ҳисоблангандагина ўтказиш орқали солиқ органларининг чекланган ресурслари мақбуллаштирадилади;

- таваккалли ҳисобланмаган солиқ тўловчилар фақат истисно ҳолларда текширилиши натижасида қонунга итоаткор солиқ тўловчилар учун маъмурий босимни пасайтириш имконияти яратилади;

- таҳлил олдиндан белгиланган ва дастурланган таваккалчиликлар мезони асосида тўлиқ компьютер тизими ёрдамида амалга оширилади.

- иқтисодий шароитлар ва солиқ тўловчиларнинг интизоми ўзгарганда таваккалчиликларни тезкорлик билан қайта кўриб чиқиш имконияти яратилади.

Дастурий маҳсулнинг асосий модуллари

“Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурий маҳсулни қуйидаги:

- Отчеты (ЭФО),
- Камерал (ЭФО),
- «Тадбиркорлик субектлари фаолиятида камерал назорат натижалари ҳисобини юритиш» модулларини ўз ичига олади;

Отчеты (ЭФО) модули. Юридик шахсларнинг тақдим этган электрон ҳисоботларини камерал назоратдан ўтказиш учун мўлжалланган.

Камерал (ЭФО) модули. Бу бўлимида асосий таҳлилий ва қўшимча маълумотлар шаклланади.

«Тадбиркорлик субектлари фаолиятида камерал назорат натижалари ҳисобини юритиш» модули таркибида бир нечта бўлиmlар мавжуд бўлиб, бу бўлиmlарнинг куйидагиларига маълумотлар киритилади:

1. «Талабномаларни рўйхатга олиши».
2. «Мезонлар кесимида ҳисбот».
3. «Талабномага жавоб бермаган корхоналар бўйича».
4. «Бюджетга режа кўрсаткичларини бўлиб бериш» (факат ДСҚ ва ДСБ фойдаланувчилари учун. ДСИлар маълумот киритмайди).
5. «Корхоналарга режа кўрсаткичларини бўлиб бериш» (факат ДСҚ ва ДСБ фойдаланувчилари учун. ДСИлар маълумот киритмайди).

«Соликлар кесимида ҳисбот» ва **«Йигма ҳисботлар»** бўлиmiдан факат маълумотлар йигиб олиш учун фойдаланилади. Бу бўлиmlарга маълумот киритilmайдi.

Дастурий маҳсул орқали:

камерал назорат натижасида аниqlangan камчиликларни кўrсатган ҳолда автоматлаштирилган тарзда талабномалар шакллантириш;

солик тўловчи томонидан талабномага берилган жавоб хати маълумотларини

4 гурухга (талабномага жавоб бериш мuddати келмаган ҳолатлар, талабнома олингандан сўнг 10 кунлик мuddат ичида, 10 кунлик мuddатдан кейин, умуман жавоб берилмаган ҳолатлар) ажратилган ҳолда маълумотлар базасига киритиш имкониятлари яратилган.

Солик тўловчи томонидан талабнома олингандан сўнг 10 кунлик мuddат ичида жавоб берилганда, маълумотлар иккитага бўliniши (аниqlangan таfovutларга берилган тушунтириш ҳамда топширилган қайta ҳисботлар суммалари солик ва тўловвлар бўйича йигилиши) ҳамда солик тўловчи томонидан талабнома олингандан сўнг 10 кунлик мuddатдан кейин жавоб берилганда, маълумотлар иккитага бўliniши (аниqlangan таfovutларга берилган тушунтириш ҳамда топширилган қайta ҳисботлар суммалари солик ва тўловвлар бўйича йигилиши) ҳамда солик тўловчига нисбатан маъмурий чоралар қўllanganligi бўйича назорат таъminланган.

Солик тўловчи томонидан талабномага умуман жавоб берилмаган ҳолатлар бўйича маълумотлар автоматик ҳисбланиб, қўшимча маълумотлар киритиш имконияти ҳам мавжуд.

"Солик тўловчиларни камерал назоратдан ўtkазилиши натижасида амалга оширилган ишлар бўйича умумий ҳисбот", "Камерал назорат натижасида ундирилган соликларнинг ташкил топиш манбалари бўйича ҳисбот"ларнинг республика, вилоят ва туман поғонасида шакллантирилиши таъminланган.

15.4. "Ташки манба" дастурий мажмуаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2014 йил 10 авгуstдаги "Ташки манба" дастурий мажмуасини амалиётta жорий қилиш тўғрисида"ти 323-сонли сонли буйругига асосан Давлат солик кўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан ишлаб чиқилган "Ташки манба" дастурий мажмуаси 2014 йил 15 августидан давлат солик хизмати органларида амалиётta жорий қилиндi.



дастурий маҳсули.

2. "Қайта ишлаш ва тахлил" дастурий маҳсули.
3. "Тўловлар мониторинги" дастурий маҳсули.
4. Валюта комплекс дастури.
5. 303 дастури (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартағи ПҚ-303-сонли қарори асосида, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тақдим этиладиган маълумотлар шаклланадиган дастурий маҳсул).


6. 511 дастури. (Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори асосида Электр тармоқ корхоналари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар шакл-ланадиган дастурий маҳсул).

7. Ер фонди дастури.

8. Солиқ түловчи тарихи.

15.5. “Ташқи манба маълумотлари” (Ташқи манбалардан ахборотларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш) дастурий маҳсулӣ

“Ташқи манба маълумотлари” (Ташқи манбалардан ахборотларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш) дастурий маҳсули Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2013 йил 31 октябрьдаги “Ташқи манбалардан ахборотларни қабул қилиш ва ҳисобини юритиш” дастурий маҳсулини амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ги 459-сонли бўйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.



“Ташқи маңба маълумотлари” дастурий маҳсулни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрьдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат солик хизмати идоралари ахборот-коммуникатсия тизими фаолияти самараадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-1843-сонли карорида

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Дастурий маҳсул ёрдамида солиқ тўловчиларининг мажбуриятлари юзага келганилиги (тутатилганилиги) тўғрисида идора ва ташкилотлардан ахборотларни электрон шаклда кабул қилиш ва ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасида шакллантириш ишлари амалга оширилади.

Солик тұловчилар мажбуриятларининг пайдо бўлиши (тўхтатилиши) бўйича вазирликлар ва идораларнинг маълумотлар базасини Давлат солик қўмитасининг маълумотлар ягона ахборот базасига интеграциялаштириш борасида **вазирлик ва идоралар** билан ҳамкорликда тармоқ режа-графиклари ва ўзаро ахборот алмашиш борасида Келишув битимлари тасдиқланган. Тасдиқланган тармоқ режа-графикларида маълумотлар рўйхати, уларнинг структураси ва формати, ахборот хавфсизлиги ва алоқа каналлари белгиланган.

Ушбу вазирлик ва идоралар билан тузилган битимларга асосан икки томонлама ахборот алмашинувини йўлга кўйиш ва улардан маълумотларни электрон шаклда қабул қилиб олиш максадида, 2013 йилнинг 1 июнидан бошлаб license.soliq.uz:81 **web-тизими** жорий қилиниб, ахборотлар электрон ракамли имзо билан химояланган холда шакллантирилмоқда.

Давлат солиқ құмитасининг 2013 жыл 26 июлдаги 302-сонлы байруғига мұвоғиқ «Идора ва ташкілтлардан солиқ тұловчиларнинг мажбuriятлари юзага келгандығы (тұтатилғанлығы) тұғрисида ахборотларни қабул қилиш, ягона интеграциялаштирилған ахборот-ресурс базасида шакллантириш ва үндән фойдаланиш тартиби тұғрисида»ғы Низом тасдиқланды.

Ушбу Низом «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрьдаги ПҚ-1843-сонли қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, идора ва ташкилотлардан солик тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тутатилганлиги) тўғрисида ахборотларни қабул қилиш, ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базасида шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ахборотларни **web-тизим** орқали шакллантириш бевосита фойдаланувчи вазирлик, идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда туман (шаҳар)

давлат нотариал идораларнинг маълумотлари бўйича (2014 йил 1 октябрьга қадар) туман (шахар) давлат солиқ инспекцияларининг буйруғига асосан бириктирилган масъул ходимлар томонидан электрон ракамли имзо (ЕРИ) воситасида амалга оширилади.

Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тутатилганлиги) тўғрисида ахборот тақдим этувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда туман (шахар) давлат нотариал идораларининг маълумотлари бўйича туман (шахар) ДСИларнинг масъул ходимлари license.soliq.uz:81 интернет манзилига боғланадилар.

Ушбу **тизимнинг** асосий ойнасида маълумотларни юклаи, қабул килинган маълумотлар, қабул қилинмаган маълумотлар, созлашлар, қўлланма ҳамда дастурнинг мақсади бўлимлари жойлашган.

Маълумотларни юклаш менюсида ҳар бир вазирлик, идора ва ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрьдаги ПҚ-1843-сонли қарори иловасида кўрсатилган ҳамда Битимда келишилган ахборотларнинг турлари жойлашган.

Масалан: Туман (шахар) давлат нотариал идоралари бўйича **маълумотларни юклаш** менюсида мол-мулк ижараси шартномаси, мерос ёки ҳадя ҳамда олди-сотди шартномаси тўғрисидаги ахборотлар жойлашган.


Маълумотларни юклаш менюсида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги (тутатилганлиги) тўғрисидаги ахборотнинг турини танлаш орқали ахборотларни юклаш шаблони (xls ва xlxs), тўлдирилган ексел файлни кўрсатиш (обзор) ва базага ёзиш ойначалари шаклланади.

Шаблонни юклаш тугмаси босилганда, танланган ахборот бўйича (**xls ёки xlxs**) кўринишидаги шаблон шаклланади.

Ушбу ойна орқали масалан мол-мулк ижараси шартномаси тўғрисидаги ахборот бўйича шаблонни эксел кўринишида очиш, файлни сақлаш, шу турдаги барча файллар учун автоматик бажариш менюлари (OK) ёки (Отмена-бекор килиш) тугмалари орқали бажарилади.

15.6. “Қайта ишлаш ва таҳлил” дастурий маҳсули

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2014 йил 15 июндаги “Қайта ишлаш ва таҳлил” дастурий маҳсулини амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ти 241-сонли буйруғига асосан Давлат солиқ кўмитасининг Янги технологиялар илмий-ахборт маркази томонидан ишлаб чиқилган “Қайта ишлаш ва таҳлил” дастурий маҳсули 2014 йилнинг 15 июнидан давлат солиқ хизмати органларида амалиётга жорий қилинган.



«Қайта ишлаш ва таҳлил» дастурий маҳсулида шакллантирилаётган маълумотлардан самарали фойдаланиш ва ушбу маълумотлар асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат тадбирларини ўtkазish ҳамда унинг натижадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2014 йил 17 июндаги ““Қайта ишлаш ва таҳлил” дастурий маҳсули маълумотлари асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат тадбирларини ўtkazish Регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ти 284-сонли буйруғига асосан «Қайта ишлаш ва таҳлил» дастурий маҳсули маълумотлари асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан назорат тадбирларини ўtkazish Регламенти тасдиқланган.

Регламент «Қайта ишлаш ва таҳлил» дастурий маҳсули томонидан шакллантирилган маълумотлар асосида хўжалик юритувчи субектларнинг бюджет ва бюджетдан ташкари мақсадли жамгармалар билан муносабатларини назорат қилиш механизмини белгилаб беради.

Дастурий маҳсул Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 84-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги

«Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-726-сонли,

2012 йил 30 октябрьдаги ПҚ-1843-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида»ги 225-сонли қарорлари асосида вазирлик ва идоралар томонидан Давлат солик кўмитасига тақдим этиб келинаётган маълумотларни қайта ишлаган ҳолда солик тўловчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташкари мақсадли жамғармалар билан муносабатларини таҳлил қиласди.

Дастурий маҳсулда «Кредит», «Ер қаъри», «АВ 2342-сонли Йўриқнома», «АВ 2065-сонли Низом», «Нақд пул тушумлари», «Ўзбекнаво эстрада бирлашмаси», «Алкогол йигими», «Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси», «Нотариал идоралар», «Заргарлик йигими» модуллари воситасида маълумотлар автоматик равишда қайта ишланади ва таҳлил қилинади.

Дастурий маҳсулнинг маълумотлар базаси вазирлик ва идоралардан тақдим этиб келинаётган электрон маълумотлар ҳамда давлат солик хизмати органларида амалиётда фойдаланиб келинаётган дастурий маҳсуллар маълумотлар базаси билан боғланган ҳолда автоматик тарзда шаклланади.

Дастурий маҳсулда қуйидаги хисоботлар шаклланади:

- «Кредит» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шаҳар)лар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун тижорат банкларидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун олинган кредит маблағлари ва уларнинг сарфланиши, кредит маблағларини сўндириш учун йўналтирилган пул маблағлари ва операция амалга оширилган кунда мазкур субектнинг шахсий карточкасида мавжуд бўлган солик қарздорлиги, маълумотлар базасидаги ҳолати, якка тартиbdагi тадбиркорлар бўйича фаолиятини вақтинча тўхтатган сана, банк кредитидан бўлган қарздорликни бошқа субект томонидан сўндирилиши тўғрисидаги маълумотлар;

- «Ер қаъри» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шаҳар)лар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун ваколатли органдан ер қаъри участкаларидан фойдаланиш учун литсензия олган юридик шахслар ва уларнинг бюджет ҳамда бюджетдан ташкари давлат мақсадли жамғармалари билан муносабатлари, шунингдек улар томонидан имзоли ва тижоратбоп топилма бонусини тўлаганлиги ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар;

- «АВ 2342-сонли Йўриқнома» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шаҳар)лар, банклар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун солик қарзи ҳамда хисоб рақамида инкассо топширикномаси мавжуд бўлгани ҳолда пул маблағларини хисобдан чиқариш тартибини бузаётган тижорат банклари ва уларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган пеня суммалари тўғрисидаги маълумотлар;

- «АВ 2065-сонли Низом» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шаҳар)лар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун ваколатли органлардан улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун литсензия олган юридик шахслар, шундан ягона солик тўлови бўйича бўнак тўлови татбиқ этиладиган юридик шахслар ва уларнинг пул айланмалари, тўланган бўнак тўловлари суммаси, шунингдек Низом талаблари тўғри татбиқ этилмаслиги натижасида ушлаб колинмаган бўнак тўловлари суммалари, ягона солик тўлови бўйича бўнак тўловлари татбиқ этилмайдиган ягона солик тўлови тўловчилари, умумбелгиланган тартибда солик тўловчилар, улгуржи дорихона ташкилотлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирувчи ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, банк хисобвараклари га келиб тушадиган пул маблағларининг тақсимланишига бошқача тартиб белгиланган корхоналар ва уларнинг пул айланмалари тўғрисидаги маълумотлар;

- «Ўзбекнаво» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шахар)лар, жисмоний шахслар кесимида маълум бир танланган давр учун тўланган сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумотлар;

- «Алкогол йигими» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шахар)лар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун шахсий карточкаларда алкогол маҳсулотлари чакана савдосини амалга ошириш учун йигим хисобланганлиги ва тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

- «Нақд пул тушумлари» модули орқали республика, вилоятлар, туман (шахар)лар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун банклар кассаларига тоширилган нақд пул маблағлари, тўлов терминаллари орқали инкассатсия қилинган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади.

15.7.«Нақд пул тушумилари ҳисобини юритиши» дастурий маҳсули «Нақд пул тушумилари ҳисобини юритиши» дастурий маҳсули

«Қайта ишлаш ва таҳлил» дастурий мажмуаси таркибига киритилгунга қадар Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПК-726-сонли карори ижросини тъминлаш тўғрисида»ги 266-сонли буйруғига асосан ишлаб чиқилган.

Дастурий маҳсул Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2011 йил 1 августдаги «Назорат-касса машиналарини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиши» ҳамда «Нақд пул тушумлари ҳисобини юритиши» дастурий маҳсулларини давлат солик хизмати органларида амалиётга жорий этиш тўғрисида»ги 213-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган.

Дастурий маҳсулни жорий қилишдан кўзланган асосий мақсад Марказий банкдан олинган кунлик маълумотларни юклаш асосида, субектлар

томонидан банк кассаларига тоширилган нақд пул тушумлари ҳақида кунлик маълумотларни шакллантиришдан иборат.

«Нақд пул тушумлари ҳисобини юритиши» дастурий маҳсули маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan тақдим этилган шифрланган электрон маълумотлар асосида ДСҚ томонидан шакллантирилиб, ундан қўйидаги ҳисботлар танланган кунга ой бошидан, кунлик ва тезкор холда шакллантирилиши мумкин.

Маълумотларни тезкор холда шакллантириш учун вилоят туманлари прогноз маълумотларини киритиши лозим бўлади.

Туман прогноз маълумотлари киритилгандан сўнг тезкор ҳисботда прогнозга нисбатан қўйидаги маълумотлар шаклланади:

- прогноз суммаси;
- факт: нақд пулда, терминаллар орқали;
- фактнинг прогнозга нисбатан фарқи;
- бажарилши фойзларда;
- танланган сана оралиғида тушган тушум;
- прогнозга нисбатан фарқи;
- ўтган ойнинг шу давридаги тушум;
- ўтган ойга нисбатан фарқи.

Нақд пул тушуми бўйича ҳисботлар республика, вилоятлар, шахар ва туманлар миқёсида шаклланади.

Ҳисботда шаклланадиган маълумотлар:

- Нақд пулдаги савдо тушуми;
- якка тадбиркорлардан тушган тушумлар;
- истеъмол товарлари сотишдан тушган тушумлар;
- алкоголли ичимликларни сотишдан тушган тушум;
- тамаки маҳсулотларини сотишдан тушган тушум;
- ўсимлик ёгини сотишдан тушган тушум;
- нефт маҳсулотлари ва газ ёқилғисини сотишдан тушган тушум;
- бошқа истемол товарларини сотишдан тушган тушум;

умумий овқатланиш корхоналаридан тушган тушум;
автотранспорт воситаларини сотишдан тушган тушум;
хисоб-китоб терминаллари орқали тушган тушум.

Маълумотларни туман (шахар)даги банклар кесимида ва/ёки субектлар кесимида кўриш мумкин. Бунинг учун экранда хосил бўлган жадвалнинг юқори чап томонидаги тугмачасини босиш талаб эътилади.

Банклар ва ёки субектлар бўйича маълумот олиш учун жадвал охиридаги тугмалардан фойдаланилади. Бунда А-қатордаги тугмачага банклар бўйича хисботлар, Б-қатордаги тугмачага субектлар бўйича хисботлар жойлаштирилган. Тугмалар босилганда хисботни сақлаш ёки очиш имкониятини берувчи мулоқот ойнаси чиқади. Фойдаланувчи хоҳишига биноан хисбот очиб кўрилади ёки сақлаб олинади.

ДСҚнинг 2014 йил 17 июлдаги 284-сонли бўйруги билан тасдиқланган Регламентга асосан «Қайта ишлиш ва таҳлил» дастурий маҳсули маълумотлари асосида давлат солик хизмати органлари ва уларнинг тегиши тузилмалари томонидан назорат тадбирлари ўтказилиб, Регламентга асосан белгиланган вазифалар амалга оширилади.

15.8. “Тўловлар мониторинги” дастурий маҳсули

«Тўловлар мониторинги» дастурий маҳсули ҳақида умумий тушунча

Молия вазирлиги Ғазначилиги (кейинги ўринларда Ғазначилик деб юритилиади) томонидан кун давомида молиялаштирилаётган ва молиялаштиришга тайёр хўжалик юритувчи субектлар бўйича ахборот алмашинувини ташкил этиш юзасидан Давлат солик қўмитаси ва Ғазначилик ўртасида 2011 йил 12 ноябрда келишув битими имзоланган ва маълумотлардан фойдаланиш бўйича «Ғазначилик тўловлари мониторинги» дастурий маҳсули ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрьдаги ПҚ-1843-сонли қарори ижросини таъминлаш доирасида ҳамда вазирликлар ва идоралардан келиб тушаётган маълумотларни қайта ишлиш ва ундан

фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида, Давлат солик қўмитасининг 2013 йил 30 ноябрдаги “Ғазначилик тўловлари мониторинги” дастурий маҳсули”ни амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ги 500-сонли бўйругига асосан «Ғазначилик тўловлари мониторинги» дастурий маҳсулининг такомиллаштирилган варианти амалиётга жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2014 йил 11 октябрьдаги 399-сонли бўйруги асосида Давлат солик қўмитасининг 2013 йил 30 ноябрдаги “Ғазначилик тўловлари мониторинги” дастурий маҳсулини амалиётга жорий қилиш тўғрисида”ги 500-сонли бўйруги номи ва матнидаги “Ғазначилик тўловлари мониторинги” сўзлари “Тўловлар мониторинги” сўзлари билан алмаштирилди ҳамда Давлат солик қўмитасининг 2013 йил 30 ноябрдаги 500-сонли бўйруги билан тасдиқланган “Ғазначилик тўловлари мониторинги” дастурий маҳсули мъалумотлари асосида давлат солик хизмати органлари томонидан назорат тадбирларини ўтказиш Регламенти” янги таҳирда баён этилди.

Дастурий маҳсул яратишишудан кўзланган асосий мақсад

«Тўловлар мониторинги» дастурий маҳсулини яратишидан кўзланган асосий мақсад -Ғазначилик томонидан кун давомида молиялаштирилаётган ва молиялаштиришга тайёр хўжалик юритувчи субектлар ҳамда бошқа манбалардан банкдаги хисобварагига пул маблағлари келиб тушган хўжалик юритувчи субектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари максадли жамғармалар билан муносабатларини назорат қилиш механизмини яратиш бўлиб хисобланади.

Дастурий маҳсул орқали бажариладиган асосий вазифалар

Дастурий маҳсул қўйидаги вазифаларни бажаради:

Ғазначилик томонидан молиялаштирилган ҳамда бошқа манбалардан банкдаги хисобварагига пул маблағлари келиб тушган хўжалик юритувчи субектлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

Ғазначилик томонидан молиялаштирилган ҳамда бошқа манбалардан банкдаги хисобварагига пул маблағлари келиб тушган хўжалик юритувчи

субектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан муносабатларини автоматик равишда таҳлил қилиш;


Газначилик томонидан молиялаштирилган ҳамда бошқа манбалардан банқдаги ҳисобварагига пул маблағлари келиб тушган хўжалик юритувчи субектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан муносабатлари бўйича таҳлилий ҳисботларни вилоятлар, туманлар ва субектлар, шунингдек вазирликлар кесимида яратиш.

Давлат солик қўмитасининг 2014 йил 11 октябрьдаги 399-сонли бўйруғи асосида тасдиқланган Регламент Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги томонидан кун давомида молиялаштирилаётган ва молиялаштиришга тайёр ҳамда бошқа манбалардан банқдаги ҳисобварагига пул маблағлари келиб тушган хўжалик юритувчи субектларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар билан муносабатларини назорат қилиш механизмини белгилаб беради.

Газначилик томонидан кун давомида молиялаштирилаётган ва молиялаштиришга тайёр хўжалик юритувчи субектлар тўғрисидаги маълумотларни олиш Давлат солик қўмитаси ва Газначилик ўргасида тузилган Битимга асосан амалга оширилади.

Бошқа манбалардан банқдаги ҳисобварагига пул маблағлари келиб тушган хўжалик юритувчи субектлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблагларини банк айланмасига жалб этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПК-726-сонли қарори ҳамда Адлия вазирлигидан 2003 йил 3 марта 1321-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Тижорат банклари томонидан алоҳида йирик микдордаги пул маблағлар айланмаси бўйича Давлат солик қўмитасига электрон ахборот узатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан Марказий банк ва тижорат банкларидан (кейинги ўринларда Банклар деб юритилади) нақд пул тушуми ва йирик пул айланмаларига доир тақдим этилаётган маълумотлар асосида шакллантирилади.

Дастурий маҳсулнинг маълумотлар базаси Фазначилик ва Банклар томонидан телекоммуникатсия алоқа тармоқи орқали тақдим этилган шифрланган электрон маълумотлар ҳамда Давлат солик қўмитасида амалда фойдаланилаётган «Банк-ДСҚ», «СИ АИЖ-4», «Солик текширувлари ҳисобини юритиши» дастурий маҳсуллари ва электрон солик ҳисботлари маълумотлар базаси билан bogланган ҳолда автоматик тарзда шаклланади.



15.4-расм. Дастурий маҳсулда маълумотлар базасининг шаклланиши манбалари

Газначилик томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ДМ ёрдамида қўйидаги ҳисботлар шаклланади:

«Маълумотлар» менюси орқали республика, вилоятлар, туман (шаҳар)лар, вазирликлар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун Фазначиликдан тўланган, тўловга тайёрланган ёки қайтарилган ҳамда бошқа манбалардан банқдаги ҳисобварагига келиб тушган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлар;

«Таҳлилий ҳисботлар» менюси орқали республика, вилоятлар, туман (шаҳар)лар, вазирликлар, хўжалик юритувчи субектлар кесимида маълум бир танланган давр учун Фазначиликдан молиялаштирилган ва молиялаштиришга тайёрланган, бошқа манбалардан банқдаги ҳисобварагига пул маблағлари келиб тушган тегишли хўжалик юритувчи субектларнинг солик қарзи

мавжудлиги, уларнинг банкдаги ҳисобварагига инкассо топшириқномаси қўйилганлиги, шахсий карточкаларида солиқлар ҳисобланганлиги ва тўловлар амалга оширилганлиги, солиқлар ва бюджетдан ташқари мақсадли жамгармалар бўйича жорий тўловлар амалга оширилганлиги, банклар томонидан хўжалик юритувчи субектларга иш ҳақи ва бошқа мақсадлар учун нақд пул берилганлиги ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги солиқ агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб қолинганлиги, қўшилган қиймат солиги бўйича тақдим этилган ҳисботнинг 7-8-иоловларида келтирилган ҳисоб-варак фактураларга асосан дебитор ва кредитор қарздорликларнинг юзага келганлиги, шунингдек қиска муддат ичida йирик миқдорда шубҳали банк операцияларини амалга оширган хўжалик юритувчи субектлар, солиқ текширувлари ўтказилмасдан тутатилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар.

Дастурий маҳсул маълумотлари асосида давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг тегишли тузилмалари томонидан Регламентга асосан белгиланган вазифалар амалга оширилади.

Таянч иборалар:

солиқ дастурлари, ташки манъба, қайта ишлаш ва таҳлил, нақд пул тушумлари ҳисобини юритиш, бошқариш, харакатлар стратегияси, тўловлар мониторинги, давлат солиқ хизмати органлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. «Солиқ тўловчиларнинг эгалигидаги ер фонди» дастурий маҳсул маълумотлари таркиби.
2. «Солиқ тўловчиларнинг эгалигидаги ер фонди» дастурий маҳсул маълумотлари таркиби.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига тўлов муддати ўтган қарзларни йигиши ва юридик шахслар томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш.
4. «Электр энергияси бўйича муддати ўтган қарздорлик ҳисобини юритиш» дастурий маҳсул

16-БОБ . СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ.

- 16.1 Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари;
- 16.2. Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси;
- 16.3. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари;
- 16.4. Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;

16.1. Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари;

Япония давлати солиқ тизими ҳақида тўхталашибган бўлсақ, 2017-йил молия йили Фискал консолидациялашган режанинг иккинчи йилини белгилайди. Ундаги бюджетда хукумат иқтисодиётни ривожлантириш ва фискал консолидастийлаштиришни давом эттиради.

1. Иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида:

- Жамиятдаги фуқароларга яхши ҳаёт тарзи яратиш мақсадидаги сиёсатлар: а) бола парваришловчиларнинг ва узоқ муддатли ҳамшираларнинг ойлик маошини ошириш; б) бола парвариши имкониятларини кенгайтириш яъни кутиш рўйхатидаги болалар сонини камайтириш; с) минимум пенсия олиш даврини 25 йилдан 10 йилга қисқартириш; д) аёллар учун бола туғиши даври даромадининг олиб туриш вақтини узайтириш; э) ишчилар сугурта тўловларини камайтириш ва ф) янги давлат таълим грантларини жорий килиш

- иқтисодиётни ривожлантирища. Хусусий ва жамоат соҳалари уйғунлашуви потенциал ўсишига эътибор қаратиш; илмий тадқиқот харажатларини ошириш; инновастия ва янги технологик ишланмаларни кўллааб қувватлаш ва фойдали соҳаларда жамоат инвестицийларини ошириш.

- ишлаш шароити реформлари. Иш ҳақини ошириш учун молиявий ёрдамларни таъминлаш, доимий таътилларни жорий қилиш ва доимий бўлмаган ишчилар учун иш шароитларини ошириш

2. Фискал консолидациялаш сиёсати.

- ижтимоий ҳимоя тизимини соғломлаштириш. Ижтимоий ҳимоя харажатларининг ўсишини назорат қилиш (+ 500 миллиард эн). Адолатли солиқ юки ва мақбул имтиёзларга эришиш учун турли хил реформлар ташкил қилиш. Булар орасида: 1) 70 ёшдан осшганлар учун юқори тиббиёт ва парвариш харажатларига лимитларни мунтазам ошириб боориш; 2) 75 ёшдан ошган қариялар учун тиббиёт сугуртаси тўловларидаги вақтингча дискоунт ставкаларни ҳисобга олиш ва 3)узоқ муддатли ҳамшира тўлов тизимига асосланган янги ҳиоблашни жорий қилиш

- давлат облигастиялари бўйича. Давлат облигастиялари бўйича режалаштирилган кўрсаткичга (34,4 трилион эн) амал қилиш

Бундан ташқари Япония давлатида солиқ соҳасидаги ислоҳотларга катта эътобор қаратилади. Ҳамда жамиятда солиқ маданияти юқори бўлиш билан бир қаторда ҳар бир фуқаронинг соликлани ўз вақтида тўлаш мажбурияти конуний белгилаб кўйилган. Жумладан, Япония Конституциясининг 30-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгилаб кўйилган соликларни тўлашга мажбурдир”, 84-моддасида эса “Қонун ва унга tengлаштирилган хужжатлардан ташқари бошка хужжатлар асосида янги соликлар жорий қилинмайди ва ундирилмайди” каби моддалар киритинган.

Шу ўринда, Япония давлатининг солиқ тизимини назарий ўрганиши мамлакатда қандай турдаги соликлар мавжудлигига ойдинлик киритиб олишдан бошласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, Японияда жами бўлиб, 46 та соликлар ва бошка мажбурий тўловлар ундирилади. Улардан 20 таси умумдавлат соликлари, 14 таси маҳаллий соликлар бунда улар префектура доирасида ундирилади. Қолган 12 таси шахар, туман ва қишлоқ доирасидаги маҳаллий соликлар.(шуни таъкидлаш лозимки, Мамлакатда 47 префектура бўлиб, у ўз ичига 3045

шаҳарлар, туманлар ва қишлоқлар жамлаган ҳамда уларнинг ҳаммаси маҳаллий бюджетга эга).

Япония солик тизимини ўрганиш жараёнида биз учун нотаниш ҳисобланувчи перфектура ва муниципал тушунчаларига дуч келамиз. Перефекрута деганда йирик ҳудуд назарда тутилиб, Ўзбекистон мисолида олиб қаралганда вилоятга тўғри келади. Бу дегани Японияда префектуралар муниципаллардан ташкил топади. Муниципаллат ўз навбатида туман муниципаллари, шаҳар муниципаллари ва қишлоқ муниципалларига ажralади. Бир муниципал шакидан бошқасига ўтиш учун меъзон ахоли сони ҳисобланади, яъни агар қишлоқ муниципал дейилганда ахоли сони 50 мингдан кам бўлган префектурага бўсунувчи ҳудудий бирлик назарда тутилади. Кизиги шундаки, пойтакт Токио шахри ҳам 23 та муниципалдан ташкил топган.

Шу ўринда Япония давлат бюджетида асосий ўринда турувчи соликлар ҳакида маълумот бериб ўтмоқчи эдик.

1. Корхона фойдасидасидан олиндиган соликлар. Японияда корхоналар фойдасига қаратилган соликларга қуйидагилар киради:

- корпорация солиги (умумдавлат солиги)
- бизнес солиги (маҳаллий солик)

-перфектура ваа муниципал рўйхатда турганлик учун соликлар

Шуни эслатиб ўтиш керакки, кичик ва ўрта корхоналарга устав капитали 100 млн энга teng ва ундан кам корхоналар киради. Қуйидагилар бундан мустасно, агар:

- Устав капиталнинг 100 фоизи катта корхона томонидан молиялаштирилган бўлса (бундай катта корхонага устав капитали 500 млн эндан юқори бўлган корхоналар киради)
- Устав капиталнинг 100 фоизи икки ва ундан ортиқ катта корхона томонидан молиялаштирилган бўлса;

Бизнес солиги одатда солиқ базасига эга бўлган корхоналарда, яъни фойда олган корхоналардан ундирилади. Аммо корхонанинг устав капитали

100 млн эндан юқори корхоналардан ҳам ундирилиши мумкин. Сув, электр энергия таъминотини қўрсатувчи корхоналар ва сугурта ташкилотлари олган фойдасидан эмас белгиланган тушум доирасида тўлайдилар. Бизнес солигининг ставкаси куйидаги жадвалда акс эттирилган.

Перфектура ва муниципал рўйхатда турганлик учун соликлар икки турдаги маҳллий соликлардан ташкил топган: миллий корпорация даромади асосида ҳисобланадиган фойда солиги ва маҳаллий корпорация солиги. Максус ставкалар маҳаллий ҳокимият томонидан кўлланилиши мумкин.

Корпорация солигидан ундириладиган рўйхатда турганлик учун солик миллий ҳукумат томонидан маҳаллий корпорация сўлиғи сифатида ундирилади яъни, 2014- йил октябрьдаги солик ислоҳотидан кейин молия или учун қишлоқ ва шаҳар бюджети ўртасидаги тафовутни каматириш учун кўлланилади, ҳамда унинг ставкаларий куйидагича.

Ундирилган солик ставкалардан келиб чиқиб префектура ёки муниципал бюджетга тақсимланади. Бундан ташқари, маҳаллий корпорация солигининг ставкаси 2014-йил солик ислоҳотидан кейин барча корхоналар учун 4.4% келиб белгиланди.

2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромадига солинадиган соликлар

Японияда Жисмоний шахслардан олинадиган даромадига солинадиган соликлар миллий даромад солик ҳамда маҳллий рўйхатда турганлик учун солиқдан иборат. Миллий даромад солиги учун солик солинадиган йил каледар тил ҳисобланади. Маҳаллий рўйхатда турганлик учун солик муниципал ҳокимият томонидан ўша худудда яшавчи ва даромад олуви чиқиб белгиланди. Маҳаллий рўйхатда турганлик учун солик муниципал ҳокимият томонидан ўша худудда яшавчи ва даромад олуви чиқиб белгиланди.

Японияда шахсларни солик мажбурияти уларнинг резидентлик статусидан келиб чиқиб белгиланди. Жисмоний шахслар куйидаги 3 та категория бўйича класификацияланади:

- Доимий резидентлар. Уларга Япония миллати вакили ёки 10 йил давр мобайнида ҳеч бўлмаса 5 йили давомида Японияда бўлган норезидентлар киради.
- Доимий бўлмаган норезидентларга Япония миллати вакили бўлмаган охирги 10 йил ичida 5 йилдан кам Японияда яшаган шахслар киради.
- Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган шахслар норезидентлар ҳисобланади¹⁸.

Чет эл миллати вакили Японияга келиши билан ўз иш берувчиси билан аниқлиширилган ҳолда шартнома тузмаса, яъни бир йилдан кам муддатда мамалакатда бўлиши ҳақида, ресидент жисмоний шахс ҳисобланади. Бундан ташқари давлатлар ўртасидаги икки томонлама соликка тортмаслик каби халқаро шарномалардам келиб чиқиб, куйидаги талабларга жавоб берувчи норезидентларнинг даромади соликка тортилмайди:

- 12 ой кетма-кетлик ичida 183 кундан кам майдатда Японияда яшаганлар;
- Уларнинг ойлик маошлари норезидент томонидан тўланган бўлса;
- Берилган маош Япониядаги доимий муассаса томонидан берилмаган бўлса¹⁹;

Доимий резидентлар уларнинг четда топган даромадлари билан манбасидан қатъий назар соликка тортилади. Доимий бўлмаган резидентлар эса факат Японияда топган ва мамлакатда бўлмаган мамбалардан тўланган ҳамда Японияга қайтирилган даромадлари юзасидан соликка тортилади. Норезидентлар эса факат японияда топган даромадлари доирасида соликка тортилади.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, Японияда миллий даромад солигининг ставкаси прогрессиве ставка ҳисобланади, яъни энг кам ставкаси 5% ни ташкил қилиб йил давомида олинган даромаднинг 1950 000 эни ушбу

¹⁸ Worldwide Personal Tax and Immigration Guide 2016–17

¹⁹ Taxation in Japan 2015 -KPMG Taxcorporation

ставкага тортилади, энг юқори ставкаси 45% га тенг ва 40 млндан юқори даромадлар ушбу ставкада солиққа тортилади. Бундан ташқари, ҳар йили чегирилиши мүмкін бўлган даромад миқдори келтирилади, ушбу харажатларга асосан тиббий харажатлар киради.

Мажаллий рўйхатда турғанлик учун солик ҳам ўз навбатида икки кўринишда ундирилади: биринчиси, даромадидан қатъий назай белгиланган суммада яъни министипал даражада 300 эн префектура даражасида 1000 эн миқдорида. Иккинчиси, пропорсионал тартибда 10% ставкада.

3. Билвосита соликлар. Японияда ушбу тартибда ундириладиган соликларга истеъмол солиги, божхона божлари ва аксиз божлари киради.

Истеъмол солигида солик солиндиган база мамлакат ичидағи ўтказмалар учун шартномалар қийматидан келиб чиқиб аниқланса, импорт қилинаётган товарлар учун солик базаси товарнинг божхона баҳоси ҳамда божхона божлари ва аксиз божларини қўшиб ҳисобланади. Солик ставкаси 2015-йил октябрьдаги солик ислоҳотларидан кейин 8%дан 10%га оширилди. Ушбу ставка 2017-йил 1-апрелгача килиб белгиланган эди, аммо мамлакатдаги иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб 10%лик солик ставкасини 18 ойга кечирилди.

Божхона божлари Японияда Жаҳон Савдо Ташкилоти томонидан белгиланган нормалар асосида тартибга солинади. Бундан ташқари, Японияда ҳар 3-5 йилда божхонадан товар олиб кирувчи импорторлар божхона аудитидан ўтказилади, кунунбузарлик ҳолатлари аниқланган ҳолатлар бундан мустасно. Божхона аудити одатда, божхона инспекторлари томонодан ўтказилади. Бунда улар текширув ўтказиш учун танланган вимпотор ёки экспортордан божхонага оид далолатномаларни, юқ халарини ва бошқа хужжатларни талаб килиб олиш ҳуққига эга. Одатда будай текширув 2 ойдан 6 ойгача давом этади. Текширув натижасида аниқланган декларацияга киритилмаган товарга 15%, божхона божи вактида тўланмаганларига эса 10% жарима кўлланилади.

Мол-мулк солиги.

Японияда мол-мулк солигини юридик ва жисмоний шахслар бир хил ставка бўйича тўлайдилар. Одатда бу мол-мулк қийматидан 1.4 % га тенг бўлади, уч йилда бир марта қайта баҳоланади. Солик солиш объектига бутун кўчмас мулк, банк депозитлари бўйича фоизлари киради. Шу билан бирга мол-мулк солиги мулкнинг бир эгадоридан бошқасига ўтаётган пайтидан, яъни мулкни харид қилиш ва сотиш пайтида ҳам тўланади²⁰.

Мерос солиги ва ҳадя солиги.

Япония мерос ва ҳадя соликлари Солик Конуни билан тартибга солинади. Мерос солиги меросни қабул қилиб олган ва вафот этган шахснинг меросхўридан ундирилади. Ҳадя солиги моддий кўринишда совга қабул қилиб олган шахслардан ундирилади. Ҳадя солиги мерос солигини тўлдирувчи солик ҳисобланади. Иккала солик ҳам умумдавалат солиги ҳисобланади ва мажаллий даражада ундирилмайди. Мерос солигида вориснинг ўзи соликқа тортилади, унинг мерос тариқасида олган мулки эмас. Мерос солиги мулкнинг умумий қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир меросхўр учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади²¹.

Соликни ҳисоблаш куйидагича амалга оширилади:

- Барча меросхўрлардан соликқа тортиладиган мол-муклар жамланади
- “Жами солика тортиладиган мулкнинг қийматидан” чигирилиши лозим бўлган ¥30 миллион ҳамда ҳар бир мерос олувлчининг сонидан келиб чиқиб, ҳар биридан ¥6 миллиондан чегирилади.
- Соликқа тортиладиган мулк қилямати ҳар бир солик тўловчининг мулкка бўлган қисми доирасида тақсимланади
- Куйида берилган прогрессиве ставка бўйича ҳар бир солик тўловчининг улуши доирасида алоҳида-алоҳида мерос солиги ҳисобланади.

Мисол. Япония бир киши ўлимидан олди хотини ва икки ўғлига 400 млн энлик меросни қолдирди. Бунда хотинига 200 млн эн ёки мероснинг 50%и, ўғиллариға 100 млн эндан. Мерос олувчилар учун мерос солигини хисоблаймиз:

1. Рухсат этилган суммани умумий солик обектидан чегирамиз, яни 30 млн+6 млн*3(мерос олувчи шахс учу нафар бўлганилиги учун), жами 48 млн эн бўлади.
2. 48 млн энни мерос суммасининг нисбатидан келиб чиқиб ҳар бир мерос олувчидан чегирилади, яни аёлдан 24 млн эн ўғилларидан 12 млн эндан.
3. Ҳар бири учун мерос солиги хисоблаймиз.

Хотинига: $200-24=176$ $176*40\%=70.4$ млн эн

Биринчи ўғлига: $100-12=88$ $88*30\%=26.4$ млн эн

Иккинчи ўғлига: $100-12=88$ $88*30\%=26.4$ млн эн

Жами тўланиши керак бўлган мерос солиги суммаси: 123.2 млн энга тенг.

Ҳадя солиги ҳадя олувчидан ҳадя берган шахс ҳаётлик вактида ундирилади. Ҳадя солигининг солик солинадиган базаси дейилгандага рухсат этилган 1.1 млн энни чиқриб ташлангандан сўнг календар йил давомида олинган совғалар қийматидан келиб сиқиб хисобланади. Ҳадя солиги бўйича солик ставкалари яқин қариндошлар ўртасида бериладиган совға билан бегона шахслар бир-бирига берадиган ҳадялар бўйича фарқланади. Ушбу солик тури бўйича энг паст ставка 10% 2 миллион энгача бўъган ҳадялар учун, энг юкориси 55% бўлиб, 45 миллиондан юкори бўлган солик базасига тадқиқ этилади.

16.2. Япония солик маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солик тўловчилар билан ишлаш тажрибаси

Миллий солик агентлиги дастлаб 1949- йилда даромад, корпоратив, истеъмол соликлари ва шу каби бир қатор соликларни ундириш мақсадида Молия вазирлиги хузурида ташкил этилган.

Солик сиёсати Молия вазирлиги ва унинг таркибий қисми ҳисобланган Миллий солик агентлиги томонидан юритилиб, давлат солик хизмати идоралари ижро этувчи орган ҳисобланади.

Хизматнинг таркибий тузилиши Миллий солик агентлигининг марказий аппарати, 12 та худудий бошкармалари ва уларнинг 524 та солик инспекциялари, солик коллежи ҳамда, солик арбитражидан иборат.

Миллий солик агентлигининг Марказий аппаратида 683 та (1.2%), худудий солик бошкармаларида 10,8 минг нафар (19.3%), давлат солик инспекцияларида 43.9 минг (78.1%), солик коллежида 336 (0.6%), солик арбитражида 477 нафар (0.8%) солик ҳодимлари меҳнат фаoliyatiini амалга ошириб келмоқда.

Таъкидлаш лозимки, умумдавлат соликларини ундириш ва назорат қилиш билан миллий солик агентлиги (56.2 минг нафар ҳодимлар) ва маллий соликларни ундириш билан эса Мунисипиал давлат идоралари (84 минг нафар) шуғулланади.

Соликларни ундириш, солик текширувларини ташкил этиш ва солик тўловчиларга хизматлар кўrsатиш соҳалари ўзига хос хусусиятларга эга.

Японияда Молия вазирлиги хузуридаги миллий солик агентлиги томонидан умумдавлат соликларининг тўғри хисобланиши, ўз вактида ва тўлиқ ҳажмда давлат бюджетида тушишини назорат қилиниши белгиланган бўлиб, маҳаллий соликлар ва йигимларни худудий муниципалитетлар назорат қилиши, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг назорати эса ушбу жамғармаларни йигиши билан шуғулланувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

Тўланган соликлар дастлаб “Умумдавлат соликларини йигиши фонди”га жамланиб, сўнгра ой якуни билан марказий банкдаги давлат бюджет даромадларини ташкил этувчи маҳсус хисоб рақамига ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бунда Умумдавлат соликларини йигиши фондининг назорати Япониянинг Молия вазирлигига юклатилган.

Японияда кучакундуз (24 соат) ишловчи савдо дўконларида солиқ тўловларини қабул қилиш амалияти жорий этилган бўлиб, бу иш билан банд ҳодимларни ишдан кейинг бўш вақтларида солиқларни тўлаш имкониятларини беради²².

Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган умумдаваллат солиқлари бўйича солиқ даври ва уни тўлаш муддатлари қонунчиликда белгиланган бўлса, юридик шахслар тўлайдиган айрим умумдавлат солиқлари бўйича корпорациялар хисоб сиёсатида кўзда тутадиган солиқ даври ва уни тўлаш муддатларидан келиб чикиб, солиқлар бўйича хисоботларни тошириш ва тўловни амалга ошириш ҳукуқлари берилган.

Бу биринчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминласа, иккинчидан, солиқ ҳисоботлари ва тўловини ҳар бир корпорация ўзи ихтиёрий танлаш ҳукуқини беради.

Солиқ қарзи мавжуд бўлган солиқ тўловчиларга доимий равища телефон тармоги орқали эслатмалар бериб борилади.

Японияда солиқ тўловчиларни назорат қилиш мақсадида, биринчи навбатда, уларни ҳисобга олиш ишлари амалга оширилади. Бунинг усгун солиқ тўловчиларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш, аник юридик манзилига эга бўлиш, юридик манзили ўзгарган ҳолларда солиқ идораларини хабардор этиш талаб қилинади. Булардан ташқари, солиқ органлари орасида ўзаро солиқ тўловчилар тўғрисидаги мавжуд маълумотлар алманиниши йўлга қўйилган.

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги дастлабки барча маълумотлар жамланиб, келгусида назорат тадбирларини амалга ошириш мақсадида, солиқ тўловчилар тўғрисидаги ягона маълумотлар базаси “КСК” тизими жорий этилган²³.

Мазкур базага солиқ органлари томонидан тўпланган барча хужжатлардан олинган маълумотлар, солиқ тўловлари бўйича хисобот маълумотлари ва тўловлар миқдорлари жамланади.

Солиқ текширувларини ташкил этишдан аввал ушбу маълумотлар базасидан фойдаланган холда солиқ тўловчининг Товар айланмаси ва фаолият турларига қараб таҳлил ҳамда камерал назорат ўтказилади.

Қонун бузилиши мавжуд ҳолатларда солиқ тўловчилар оғзаки ва ёзма равища огоҳлантирилади.

Солиқ тўловчилар солиқ органлари томонидан берилган огоҳлантиришларга риоя этмаган тақдирда, ихтиёри солиқ текширувлари, қонунчилик кўпол равища бузилган ҳолатларда эса мажбурий солиқ текширувлари ўрказилади.

Япония солиқ тизимида ишловчи ҳодимларнинг 70% солиқ текширувларини ўтказиш билан шугулланади.

Японияда солиқ тўловчилар тўғрисида қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида, керакли қўшимча маълумотлар йиғиши жорий этилган. Тўпланган маълумотлар келгусида солиқ тўловчиларни назорат ва таҳлил қилиш, сўнгра солиқ текширувларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун асос бўлади.

Япония солиқ тизимини ривожлантириш жараённада солиқ тўловчилар билан ишлаш ва уларга хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳам мос равища шаклланган.

Солиқ тўловчилар билан ишлашда интерактив хизматлар кўрсатиш, мамлакат фуқароларига солиқ соҳасидаги билимларни ёшлидан сингдириш солиқлар тўлашда онгли муносабатни шакллантириш, солиқ мажбуриятларини бажаришда турли хилдаги мустакил институтларнинг фаолият кўсатиш ҳамда солиқ тўловчилардан солиқ қонунчилиги ва солиқ хизмати ҳодимларига бўлган муносабатларини доимо ўрганиб мониторинг

²² www.nta.go.jp

²³ www.mof.go.jp

қилиб бориш Японияда солиқ тўловчилар билан ишлашнинг аҳамиятли жиҳатлари ҳисобланади²⁴.

Мамлакатда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг электрон тизими барча фукаролар учун солиқ соҳасидаги маълумотларни тезкорлик билан олиш ҳамда солиқ бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Японияда ҳар бир фукаро давлат солиқ хизмати web сайтига кириб (www.nta.go.jp) солиқ тизими ва солиқ соҳасидаги янгиликлар билан тўлиқ танишади ҳамда шу веб сайт орқали солиқ дакларастиялари, ҳисботларни тақдим этиши, соликларни тўлаши солиқ соҳасидаги ўзини қизиқтирган масалалар бўйича тегишли жавонлар олиши, солиқ органлари томонидан ўтказилаётгам ауксионлар, эр, мол-мулк нархлари ва шу каби бошка маълумотлар олиш имкониятларига эга.

Бундан ташқари Web-Tax-TV веб сайтига соликларга тегишли видео материаллар, солиқ идоралри томонидан амалга оширилган ишлар, солиқ қонунбузарликлари бўйича тергов материаллари, ҳамда халқаро солиқ муносабатларига оид маълумотлар видеод роликлар жойлаштириб борилади.

Мамлакат факароларида солиқ маданиятини юксалтириш, солиқ тўлашда онгли муносабатни шакллантириш максадида ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорлида ҳар йили 11-17 – ноябр кунлари “Солиқ ҳакида ўйлайлик” ҳафталиги ўтказилиб борилади²⁵.

Ушбу тадбир давомида мактабалр ва жамоат жойларида турли хил кўринишда танловлар, мусобакалар, йиғилишлар ташкил этилади. Мамлакат телевиденияси ва интернет тармоқлари орқали солиқ соҳасидаги янгиликлар ва ўзгаришлар бўйича маълумотлар беруб борилади ҳамда солиқ идораларида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилиб, соликка оид муносабатлар бўйича семинар, брифинг ва давра сухбатлари ўтказилади.

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш ПР тизими, яъни, аҳоли билан ишлаш, эркин мулокот ва тарғибот тизими шаклланганини ҳам алоҳида такидлаш лозим.

Ушбу максадда Япония Миллий солиқ агентлигида ва ҳудудий бошқармаларда бўлимлар, йирик солиқ инспекцияларида шўбалар ташкил этилган ва бошқа солиқ инспекцияларида маҳсус мутахасислар ажратилиб, солиқ тўловчилар билан эркин мулокотлар ўтказади ва ташкилий тадбирларни амалга оширади.

Масалан, ҳар йили турли соҳалардан 1500 дан ортиқ мутахасисларни жалб этиб, уларга маҳсус анкеталар тарқатилади ва солиқ согасидаги ҳамда давлат солиқ хизмати ҳодимлари тўғрисидаги фикр ва мулҳазалари ўрганиб чиқилади.

Японияда солиқ маслаҳати тизими орқали солиқ тўловчиларга маслаҳат бериш, телефон тармоқлари орқали унинг саволларига жавоб бериш ҳамда ҳисбот ва декларацияларни тузишда солиқ тўловчиларга бевосита ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Жумладан, Япония солиқ инспекцияларида ҳар йили декалрастия топшириш муддатларида солиқ хизмати ҳодимларидан иборат солиқ маслаҳатини берувчи алоҳида гурухлар ташкил этилиб, солиқ декларацияларини тўғри ва аниқ тўлдирилиши ҳамда топширилишида улар томидан солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатилади.

Бундан ташқари, мамлакат бўйича давлат солиқ хизматида 634 та мутахассис телефон орқали солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатди.

Солиқ тўловчиларга солиқка оид маслаҳатлар бериш мақсадида, мустақил институслар, яъни солиқ бухгалтерия сертификатига эг бўлган жамоат уюшмалари имтиёзли бўлган, яъни, “кўк декларациялар”ни топширишга кўмаклашувчи 70 мингдан ортиқ солиқ маслаҳатчилари фаолият кўрсатмоқда.

Японияда солиқ тизимининг асосий негизи солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан ҳисоблаб чиқкан ҳолда соликларни тўлаш ҳисобланади.

²⁴ An Out Line of Japanese taxes System 2016

²⁵ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlodii”-2010

Миллй солиқ агентлигининг асосий йўналиши қўйидаги 2 та соҳа: “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”, “солиқ маъмурчилигининг адолатли ва ҳаққоний солиқка тортишга эришиши” хисобланади²⁶.

Солиқларни тўлаш тизимининг солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан хисоблаб чиқкан ҳолда солиқларни тўлаш тушунчаси. Бу солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан декларация тўлдирган ҳолда даромадлари суммасини белгилашларидир. Бунинг учун эса солиқ тўловчилар солиқ конунчилигида белгиланган мажбуриятларини ўз вақтида сидкидилдан бажарисжларини тушунишлари керак.

Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” бўлими томонидан амалга оширилади.

Зарурат юзасидан солиқ тўловчиларга декларация тўлдиришида маслаҳатлар ва ёрдамлар кўрсатишида бошқа бўлим ҳодимлари ҳам бевосита иштирок этади.

Бошқача килиб айтганда, “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” бу нафакат маълум бир бўлимнинг, балки бошқа бўлимларнинг ҳам бевосита ишидир.

Солиқ органларининг асосий иш йўналишини Давлат солиқ бошқармаси белгилайди. Солиқ департаментлари ўз туманларида шароитдан келиб чиқиб уни аниқлаштиришади ва солиқ инспекцияларига кўрсатмалар беришади.

Солиқ инспекциялари ўз фаолиятларини солиқ департаменти кўрсатмарига биноан, уларга қарашли солиқ тўловчиларнинг сонини шартшароит, корхоналар фаолияти, корхоналар масштабини ҳисобга олган ҳолда кўл остидаги туманларда олиб боришади.

Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”дан ҳар хил ёндашувлар талаб қилинади (мисол учун қишлоқ жойларидан шаҳарнинг ҳар хил жойларини билиш, ушбу худуд яшовчиларининг солиқларига таалукли билимлар).

Маълумотларни газета, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқалитарқатиши чора тадбирлари бир-бирига яқин бўлган солиқ инспекциялари ҳамкорлигида амалга оширилади. Бундай ҳамкорлик катта худудларда кўп ўтказилади.

Япониядаги солиқ тушумларининг 70% фоизини юридик шахсланинг фойда солиғи, декларация қилинадиган даромад солиғи, тўлов манбаидаги даромад солиғи ва талаб солиғи ташкил этади²⁷.

Декларация қилинадиган даромад солиқ 10 турга бўлинади. Асосий декларация қилинадиган даромадлар – савдодан, қишлоқ хўжалигидан, асосий воситалар ижарасидан.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун “тижоратни рўйхатга олиш китоби” йўқ. Шунинг учун солиқ органлари якка тартибдаги тадбиркорлар шароитини билиш учун уларнинг манзилларини аниқлаштиришади. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилаётган маълумотларга ҳам кўп нарса боғлиқ.

Даромад солиғи тўловчилар катта миқдорни ташкил этади, бу шахслар солиқ органлари билан декларация тўлдириш ва солиқларни тўлашда рўпара бўладиган шахслар хисобланади. Булар тўлов манбаидан солиқ ушлаб коладиган агентлар хисобланишади (ойлик тўловчилар, дивидентлар берувчилар, фоизлар берувчилар ва бошқалар).

Тўлов манбаидан солиқ ушлаб коладиган агентлар, асосан юридик ташкилотларнинг фойда солиғи ҳамда декалрастия қилинадиган даромад солиғи тўловчи юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар, молия ташкилотлари хисобланишади.

Солиқларни декларация қиласига шахслар орасидан кўплари ортиқча тўланган солиқни орқага қайтариш учун декалрастия тўлдиришади.

Ҳар ойда маошдан ушлаб қолинадиган даромад солиғи суммаси бир йил давомида тўланадиган миқдордан ошиш ҳолатлари ҳам учрайди.

²⁶ Soliq to’lovchilar bilan ishslash Toshkent-“yangi asr avlodii”-2010

²⁷ 2017 Japan Tax reforms outline

Солиқ тўлаш жараёнлари нуқтаи назаридан, Япония солиқ тўловчиларини З турга ажратиш мимкин²⁸.

Биринчи тури, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар. Улар доимий хўжалик фаолияти билан шуғулланишади ва ҳар йили декларация топширишади, лекин булардан камида 5 миллиондаси юридик шасхларнинг даромад ва фойда солиги тўловчилари солиқ манбайдан солиқ ушалб коладиган агентлар ҳисобланади. Уларнинг улуши Япония солиқ тушумларининг ярмини ташкил этади.

Иккинчи тури, солиқ манбаидан солиқ ушлаб коладиган солиқ тўловчилар. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақидан, дивидентлардан даромад олувчи ваундан даромад солиги тўловчи хизматчлар ҳисобланади, ҳамда ушбу гурухга Япония фуқароларининг катта қисми киради.

Учинчи тури, ортиқча тўланган солиқни қайтариб беришни сўраб декларация тўлдириган индивидуал солиқ тўловчилар. Ушбу гурухга кирувчи солиқ тўловчилар ҳар йили декларация тўлдириши шарт эмас. Даромад суммаси ошиши ёки камайиши, тизимдаги ўзгаришлар туфайли (пенсия билан боғлиқ ҳолатлар ва бошқалар) декларация тўлдирилади²⁹.

Бошқача қилиб айтганда, ортиқча тўланган солиқ суммасини коплаб бериш бўйича топшириладиган декларациялар сони 10 миллионтани ташкил қиласада, уларнинг маълумотлари ҳар сафар ўзгаради. Ортиқча тўланган солиқ суммасини қайтариб бериш бўйича топшириладиган декларациялар топширувчиларнинг асосий қисмини манбадан даромад солигини тўловхилар ҳисобланади.

Бундан ташқари, Японияда солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш қуйидаги 5 та йўналишда олиб борилади:

1. Маълумотларни бевосита тақдим этиш.
2. Алоҳида аниқ бошқарув

3. Охириги декларация топшириш мобайнида маълумотларни тарқатиш

4. Солиқ маслаҳатчилари орқали маълумотларни тарқатиш

5. Маълумотларни оддий усулда тарқатиш йўли

Япония солиқ тизими маълум схема бўйича тузилмаган. Унинг ҳозирги ҳолати кўп йиллик изланишлар эвазига яратилган. Бундан ташқари, унга солиқ конучилигидаги ва жамиятдаги ўзгаришлар ўз таъсирини кўрсатиб келган.

Юридик шахслар орасида кичик масштабли корхоналар ҳам бор, уларнинг сотув ҳажми эса жуда кам. Индивидуал ядвиркорлар орасида эса каттакорхобалари борлари мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги кичик корхоналар бўлиб, уларда фақат оила аъзолари ишлашади. Бундай тадбиркорлар солиқ маслаҳатчиларидан кам фойдаланишади. Улар кунлик мажриятлар билан банд. Уларнимг бухгалтерия ҳисоботларида ахволни тўғри акс эттираслик тенденцияси кузатилади. Декларацияларни топшириш вактид бунда йикичик тадбиркорларга уларни тўғри тўлдириш учун кўп ҳолатларда ёрдам кўрсатишга тўғри келади. Бу эса солиқ органларининг солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишдаги вазифаларидан бири ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиги бўйича солиқка тортиш давр бу юридик шахснинг хўжалик йили ҳисобланади. Ҳар бир юридик шахснинг хўжалик йили ҳар қандай давр бўлиши мумкин (бир йилдан ошиқ бўлмаган давр).

Юридик шахсларнинг фойда ва истеъмол солиқларини тўлаш ва декалрастияларни тўлдириш даври хўжалик йили тугагандан сўнг 2 ойдан кейин бошланади. Даромад солигини солиқка тортиш даври салендар йили ҳисобланади. Даромад солигини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати кейинг йилнинг 15- марта, истеъмол солигини тўлаш ва декларация тўлдириш муддати эса 31-март деб белгиланган³⁰.

²⁸ Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

²⁹ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

³⁰ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlod”-2010

Японияда солиқ маъмурчилигини асосий бўғинларидан бири бўлган солиқ ҳисоботлари ва улар бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби хусусида тўхталиб ўтамиз. Японияда соликларни декларация қилиш ва тўлаш тизими қабул қилинган бўлиб, унга амал қилинишини таъминлаш мақсадида солиқ инспекциялари ўтказиб турилади. Агар декларацияларни оддий текшириш пайтида хатолар аниқланадиган бўлса, тўланадиган солиқ миқдорига ўзгариш киритилади. Бу каби оддий текширишлар солиқ тўловчининг розилигини олган ҳолда ўтказилади.³¹

Декларацияларнинг қонунга тўғри келиши текшириб бўлингач, даромадларни ҳисоблаш ва декларацияга киритиш чогида йўл қўйилган хатолар тўғриланади. Бу каби хатоларни тўғрилаш декларация тизимининг асоси бўлиб, соликка тортишда адолатни таъминлаш учун нихоятда мухим аҳамият касб этади. Хуллас, солиқ инспекцияси ва солиқ текширувлари солиқ бошқармалари фаолиятининг мухим жиҳати ҳисобланади.

Солиқ тўғрисидаги қонунга кўра, солиқ органларининг инспекторлари солиқ тўловчини сўроқ килиши ва уни текширудан ўтказишлари мумкин. Бу сўроқ килиш ва текширув ўтказиш ҳукуки, деб аталади. Сўроқ ўтказиш ҳукуки солиқ органларининг ходимлари соликларни бошқаришдаги барча ишларни тўғри юритишларини таъминлаш мақсадида берилган. Агар текширилаётган солиқ тўловчи саволларга жавоб беришдан бош торста ёки текшириш ўтказишга тўсқинлик килса, у конун олдида жавоб беришига тўғри келади. Японияда текширишлар режаси йўқ. Бундай режа тузилмайди.

Барча солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, йиллик декларацияларнинг тўғрилиги текширилади, сўнгра янада чукурроқ текширилиши лозим бўлган шахслар ажратилади. Бу - йиллик декларациялар топиширилганидан сўнг апрел ва май ойларида ўтказилади. Агар декларацияларни текшириш чогида хатолар борлиги аниқланса ёки даромад миқдори нотўғри кўрсатилган бўлса, солиқ тўловчига бу ҳақда телефон ёки хат орқали хабар берилади. Шундан сўнг солиқ декларациясига тегишли тузатишлар киритилади.

³¹ Guide to Japanese tax 2016-2017 by Yugi Gomi. Zaikei Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 93.

Агар солиқ тўловчи катта бизнес билан шуғулланса ёки у томондан декларация филинмаган даромад миғдори ҳаддан ташгари катта бўлса, маҳсус текширув ўтказилади.

Умуман олганда Японияда давлат соликлари пул ёки қимматбаҳо когозлар ёрдамида тўланиб, банклар ва соликларни йиғиш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотларга топшириладиган хужжатларга солиқ тўлангани ҳақидаги тўловнома кўшиб кўйилади. Лекин гербли йигимлар ҳамда листензия олиш учун тўланган соликлар пул ёки гербли маркалар ёрдамида тўланади.

Декларация қилинган даромад солиги, мерос ва ҳадя солигини тўлаш муддатлари кечикирилиши мумкин. Агар солиқ тўловчи табиий оғат натижасида жиддий моддий зарар кўрган бўлса ва бу ҳақдаги маълумот декларацияга киритилса, унга бир йилгacha маҳсус имтиёз берилади.

Давлат соликлари тўлаш Япония банки, почта ёки солиқ бошқармалари орқали амалга оширилади. Мамлакат бўйлаб тахминан 24 минг банк бўлими, 20 минг почта бўлими ва 524 солиқ бошқармаси мавжуд бўлиб, солиқ тўловчилар учун максимал даражада қулайлик яратилган. Тўпланган соликлар хукуматнинг Япония банкидаги ҳисобига келиб тушади³².

Давлат солигини ундиришни таъминлашда устувор эътибор, аввало, давлат соликларини тўлашга қаратилади. Давлат солигини ундириш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, давлат солиги барча бошқа мажбуриятлардан аввал тўланиши керак. Агар давлат солиги ўз вақтида тўланмаса, тўлов талабномасидан сўнг солиқ тўловчининг мулки мусодара қилиниб, сотилади ва ушбу маблағ солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилади. Лекин агар солиқ тўлов муддати ўтиб кетганидан кейин ҳам тўланмаслик хавфи мавжуд бўлса, тўлов муддати тугагунга қадар соликни мажбурий равишда ундиришга киришилади. Ўз шахсий шароитидан келиб чиққан ҳолда, солиқ тўловчи тўлов муддатини кечикириш учун муддат олиши мумкин³³.

Тўланмаган давлат соликлари бўйича, одатда, 50 кун ичida соликни тўлаш талабномаси юборилади. Агар ана шу муддат ичida соликлар

³² Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

³³ Soliq to'lovchilar bilan ishlash Toshkent-“yangi asr avlodii”-2010

тўлланмаса, солиқ тўловчининг мулкини мусодара қилиш жараёни бошланади. Мусодара қилинган мулки сотишдан олинган маблағ солиқ сифатида ушлаб қолинади. Солиқ бошқармаси бу ишларни суд иштирокисиз амалга оширади. Мусодара қилиш жараёни талабномада кўрсатилган муддат ўтганидан сўнг 10 кундан кейин бошланади. Агар солиқ тўловчи солиқларни мулки мусодара қилингандан кейин ҳам тўламаса, мусодара қилинган мулк сотилади ва бундан тушган маблағ солиқ сифатида давлат ҳисобига ўтказилади.

Одатда, давлат солиқларини кўрсатилган муддатнинг охирги кунигача тўлаш мумкин. Лекин солиқ тўловчининг ҳаракатлари, хусусан солиқ тўлашдан бош тортиш ёки маҳсус сабаблар, жумладан, банкротлик туфайли солиқ тўлланмаслигининг хавфи пайдо бўлса, одатда, олдини олиш чоралари (масалан, солиқни муддатидан олдин тўлаш тўғрисидаги талабнома, мулки мусодара қилиш ва ҳоказо) кўлланилади.

Япония давлат солиқ бошқармаси ўз иш юритиш жараёнида компьютерлардан **1966 йил 2 февралидан** фойдалана бошлаган. 80 йилларнинг охирида ва 90 йилларнинг бошларида умумий онлайн тизими амалга тадбиқ этилган. Бундан ташқари, солиқ маъмурчилиги тизимида рўй берган ўзгаришлар боис солиқ бошқаруви тизимининг даражаси ва самарадорлигини ошириш мақсадида давлат солиқларини умумий бошқариш тизими – КСК тизими амалга татбик этилган.

1995 йил январидан КСК тизимидан Токио солиқ бошқармасининг иккита солиқ инспекциясида эксперимент ўтказиш учун фойдаланилган. Сўнгра бу тизим мамлакатдаги барча солиқ бошқармаларига тарқалиб, 2001 йили Япониянинг барча солиқ органлари мазкур тизимга ўтган³⁴.

Солиқ тўловчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш бу Японияда солиқ маъмурчилигини асосий эътиборли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда мурожаат қилиш тартиби қуйидаги тартибда амалга оширилади. Агар солиқ тўловчи солиқ органларининг фаолиятидан норози бўлса ёки солиқ бошқармаси бошлигининг қарорларини асоссиз деб ҳисобласа, ўз

хукуқларини ҳимоя қилишни сўраб, солиқ комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Шикоят ва аризалар тизими тез ва жўн простедура жараён бўлиб, солиқ тўловчининг хукуқларини муҳофаза қилишга йўналтирилиши мумкин.

Агар солиқ тўловчи солиқ бошқармаси бошлигининг давлат солиқларини ундириш тўғрисидаги қароридан норози бўлса, қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қарорга нисбатан протест бериши мумкин. Қарорлар доим солиқ бошқармаси бошлиги томонидан қабул қилинади, шу боис протест ҳар доим унинг номига ёзилади. Лекин агар инспекция давлат ёки минтақавий солиқ бошқармаларининг ходимлари томонидан ўтказилган бўлиб, солиқ бошқармасининг бошлиги ана ўша инспекция натижаларига асосланган ҳолда қарор чиқарган бўлса, протест ёки шикоят давлат ва минтақавий солиқ бошқармаси бошлиги номига ёзилади. Қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотномада қарордан норози бўлган тақдирда протест ва шикоятларни қаерга юбориш лозимлиги кўрсатиб ўтилади. Бу – ишни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўлиб, қуйидаги ҳолатларда солиқ комиссиясига ёзилади. Бу каби аризаларни бериш муддати: агар солиқ тўловчи илгари қабул қилинган қарорга нисбатан протест ёзган бўлса, янги қарорни олгандан сўнг бир ой ичиди; агар у биринчи марта ёзган бўлса, солиқ бошқармаси бошлигининг қарорини олгандан сўнг икки ой ичиди.

Қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича қарор солиқ масалалари бўйича комиссия раиси томонидан комиссия аъзоларининг хуносасига асосланган ҳолда қабул қилинади. Агар солиқ тўловчи солиқ комиссиясининг қароридан ҳам норози бўлса, иш судгача этиб бориши мумкин. Умуман олганда, юқорида айтиб ўтилган иккита қарорсиз иш судгача бормайди. Лекин солиқ тўловчининг аризаси бўйича уч ой давомида қарор чиқариласа ва баъзи бир бошқа ҳолатларда солиқ тўловчи тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиши мумкин³⁵.

Солиқка тортиси ишлари ҳамма ҳолатда тўлиқ манбадан солиқ ушлаб колувчи агенитлар томонидан амалга оширилади.

³⁴ Guide to Japanese tax 2016-2017 by Yugi Gomi. Zaicei Shoho Sha. Higashi Shombashi. Minatoku. Tokyo. Japan. P. 121.

³⁵Taxation in japan 2015 -KPMG Taxcorporation

Бошқача қилиб айтганда, манбадан солиқ ушлаб қоладиган агентлар ушлаб қолинган солиқни солиқ органларига тұлаб беришади ва йил охирида ҳисоб-китоб қилишади. Шундай қилиб, улар сүнги декларация түлдириш ва солиқларни түлашни маош күренишида даромад олувчи солиқ түловчилар томонидан амалга оширишади.

Маош күренишида даромад олувчи солиқ түловчилар амалга ошрадиган жараёнлар оддий бўлиб, иш берувчига қуидаги маълумотлар берилади:

-йил бошида маош берувчи иш берувчига юкорида келтирилгандек, маошдан бошқа ойлик оладими-йўқми шу тоўғрисида маълумот бериш керак;

-йил охирида ишни тўгри йўлга қўйиш ва солиқ суммасини аниқлаш учун “Йилик солиқ суммасидан ушлаб колинадиган ҳаётини суғурта килган сумма ва бошқалар”, “Оиладагилар сони” ва “Маош жўринишида даромад олувчилар йиллик ҳисоботи” тузишда керак бўладиган маълумотлар бериш.

Солиқ маслаҳатчиларидан фойдаланиш корхоналар томонидан белгиланади. Солиқ маслаҳатчиларида фойдаланиш учун шартнома тузиш (ишонч шартномаси) ва бухизматлар учун ҳақ тўлаш керак. Бунда корхоналар катта ва маълум капиталга эга бўлиши керак.

Асосан, солиқ маслаҳатчиларидан юридик ва индивидуал тадбиркорлар фойдаланишади, кичик тадбиркорлар эса бунда хизматларда фодаланишга кийналишади.

Солиқ малаҳатчиларининг асосий иши:

- 1)солиқ тўловчининг вакили сифатида солиқ органларида улар номидан иш юритиш;
- 2)солиқ хужжатларини тузиш;
- 3)солиқ текширувларида уларнинг иштироки кузтилса-да бундай ёрдамнинг шакли турлича бўлиши мумкин.

Одатда, кунник бухгалтерия ишларини юритиш, молиявий ҳисобот ва солиқ декларациясини тузиш бошқаришга тааллуқли маслаҳатларни бериш учун тузилади. Қандай хизмат кўрсатишдан қатъий назар, солиқ тўловчилар солиқ маслаҳатчиларининг профессионал билимлари ва конуний статуси

фойдаланишади. Бу ўз-ўзидан солиқ органлари учун фойдали, чунки бунда декларациялар тўғри тўлдирилган ҳолда, солиқлар ҳам ўз вақтида тўланади.

16.3. Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари

Россия солиқ тизимининг фаолияти ва ривожланиши комплекси жараён ва у мақсадни белгилаш ва амалга ошириш механизмлари ҳамда мезонларини аникроқ белгиланмагунча тўғри ривожлана олмайди. Амалдаги солиқ энгилликларининг мақсади фарқли бюджет даражаларини улар учун зарур бўлган даромадларга мувофиқ барпо этиш ҳисобланади. Бюджетнинг керагидан ортиқ тўловларидан воз кечиш режалаштириш усуллари орқали амалга оширилади ва унинг бажарилиши давлат даромадлари манбаларига мувофиқлигини талаб этади. Бюджетнинг ортиқчалиги иқтисодий энгилликлардаги адоластизликнинг бир қисми ҳисобланади ҳамда солиқ солишида мантикий намоён бўлишини таққосланаш орқали баҳолаш мумкин. Молиявий мослик сабаблари томонидан ўзини оқламайдиган муаммо ҳисобланади. Дунё бўйича бюджет даромадларида амалдаги солиқ энгилликларининг адолатлилиги таққосланган, бунда Россия амалиёти ўз ичига олинган. У қуидагича ривожланади ва фойдаланилади:

Биринчидан, солиқ солиши умумий тизимини такомиллаштириш методлари;

Иккинчидан, солиқ ставкаларни ёндашишида табақалаштирилган тартибда ёндашиш;

Учинчидан, солиқ турларининг кўплиги, уларнинг ҳар бири бўйича ягона база асосларини маъқуллигини аниқлашга эга бўлиш.

Солиқ тизимининг ривожлантиришнинг стратегик мақсади бошқарув механизмларини ўстириш орқали амалга ошириш ҳисобланади, бу ўз ичига солиқларни табақалаштириш, солиқ ставкалари ўзгаришлари, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнига

молиявий ҳаракатларнинг мувофиқлиги, бу иқтисодий фаолиятни ривожлантириш билан ўлчанади.

Россияда ягона солик тизимини ривожлантиришга қараб 1991-1992 йилда мухим қадам қўйилди, дунё амалиётидаги ижобий тажрибалар ҳисобга олинди. У классик солик назарияларидек жозибадор бўлиши керак эди ва констепстиялар узок вақтдан бери ривожланган бўлиши керак эди, муаммоларни эчимини топишда бозор иқтисодиётiga асосланди. Россия 1991 йилда федерал, регионал ва маҳаллий даражадаги ссоликлар ва тўловлар билан мураккаб уч босқичли солик тизими жорий килинди. Улар қўйидагicha тасдиқланган: федерал 15 та, регионал 3 та, маҳаллий 21 та, умумий 39 та соликлар ва тўловлар белгиланди. Бекор қилинган қўшимча соликлар ва тўловлар тизими ўрнига давлат ижтимоий жамгармаси, бюджетта қўшимча давлат фонлари белгиланди ҳамда уларни чегиришнинг алоҳида номалари белгиланди.

16.4. Хитой солик тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Хитойнинг иқтисодий ривожланиши ва шаҳарлашуви ҳамда кенг камровли аҳолининг даромадларидаги фарқларини ҳисобга олган ҳолда замонавий солик тизимини қандай килиб ривожлантириш мухокамаси Хитой ҳукумати учун мухим ҳисобланади. Шунингдек, Хитой солик тизимининг ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Амалдаги Хитой солик тизими регрессиве, мураккаб ҳамда бюджет харажатлари учун даромад этарли эмас. Ушбу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида бир қатор солик ислоҳоти кўрсатмалари ишлаб чикилган. Бу ўз ичига юкори даромадга эга бўлган жисмоний шахсларга даромад солигини ошириш ва босқичма-босқич мазкур жисмоний шахслар сонини кенгайтириш, истемол солиги ҳажмини ошириш ва барча соликлар бўйича зарур бўлмаган имтиёзли солик муносабатларини бекор қилишни олади.

Хусусан, Хитой солик тизимини мухокама қилиш асосан иккита сабабга кўра мухим ҳисобланади.

Биринчидан, у катта иқтисодий имкониятларга эга ва бу эса даромад бўйича фарқлар билан боғлик, солик тизими иқтисодий ўсишдан олинган фойдани ва даромадни қайта тақсимлашда мухим ролни ўйнаши керак.

Иккинчидан, Хитойнинг иқтисодий ривожланиши ва шаҳарлашуви билан боғлик, бу эрда ҳар доим ҳалқ товарлари ва соғлиқни саклаш хизматлари, йўллар, ҳалқ таълими, инфраструктуранинг ривожланиши, миллионлаб баҳтизликлар учун умумий хавфсизлик дастурлари ва миллионлаб қари ёшдаги фермерлар учун қарилек нафақалари учун талаб юкори бўлган. Бу турдаги барча хизматлар даромаднинг катта миқдорини талаб қиласди. Ҳозирда Хитойда соликка тортиш ЯИМ нинг 18 фоизини ташкил қиласди ва бу эса зарур бўлган бюджет даромади миқдори учун этарли эмас. Хитойнинг амалдаги соликка тортиш тизими билвосита соликка тортиш оғирлигига суюнади яъни ККС, бизнес солиги ва маҳсус истемол қилинадиган товарлар учун соликлар кўпроқ миқдорда ундирилади. Бу шахсий даромад ва юкори даромад олувчиларнинг жадал ўсиши билан боғлик, шахсий даромад солигида юкори соликка тортиш ўзгарувчан бу эса этказиб бериш хизматларига кўра ишлаб чиқаришда кўпроқ даромад олиш имконини беради.

Амалдаги Хитой солик тизими 1994 йилда Солик тизими ислоҳоти Акти билан жорий қилинган, бунда бозор иқтисодиётiga мос солик тизимини олишга ҳаракат қилинган. Ўшандан буён фақат бир иккита ўзгаришлар қилинган холос. Жорий солик тизимида 25 та солик тури мавжуд. Улар 8 та гурухга ажратилади:

1. Оборот соликлари. Бу ўз ичига ККС, истемол солиги ва бизнес соликларини олади.
2. Даромадни соликка тортиш. Бу тадбиркорлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ўз ичига олади.
3. Ресурс соликлари. Бу ресурс солиги ва шаҳар ҳамда шаҳар типидаги қишлоқ эридан фойдаланганлик учун соликни ўз ичига олади.
4. Мулк соликлари. Бу ўй-жой солиги ва шаҳар кўчмас мулк солигини ўз ичига олади.
5. Маҳсус мақсадлар учун солик. Бу шаҳар қуриш ва таъмиглаш солиги, асосий активларга инвестишион йўналишларни тартибга солувчи

солиқ ва эр қимматлашиши ҳамда қишлоқ хўжалигини эгаллаш солигини ўз ичига олади.

6. Хатти-харакат соликлари. Бу бир катор соликларни яъни транспорт воситаси ва кема солиги, транспорт воситаси ва кемадан фойдаланиш учун листензия солиги, штамп солиги, иш-харакат солиги ва зиёфат солиги.

7. Қишлоқ хўжалиги соликлари. Бу қишлоқ хўжалиги солиги ва ҳайвон эрлари солигини ўз ичига олади.

8. Харидорлар божлари. Булар Хитой давлати фукаролари томнидан импорт қилинган товар ва буюмлардан ундирилади.

Таянч иборалар:


солиқ тизими, тушунча, тамойил, солиқ муносабатлари, бошқариш, харакатлар стратегияси, солиқ сиёсати, давлат солиқ хизмати органлари, солиқ юки, солиқ ставкаси, солиқ маъмурчилиги, солиқ ҳисботлари.

Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

- Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси;
- Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари;
- Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари;
- Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари.
- Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш тартиблари?
- Ривожланган мамлакатларда солиқ маъмурчилигини амалга ошириш таҳлили.
- Хорижий мамлакатларда солиқ маъмурчилигини самарали амалга оширишга таъсир этувчи омиллар

ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Акционер	Shareholder	Акционер	акционерлик жамиятининг аксияларига егалик қилувчи жисмоний ёки юридик шахс. Акциялар турли шаклларда бўлиши мумкин.
Акция	Share	акция	акционерлик жамиятининг капиталига хисса кўшилганлиги тўғрисида гувохлик берувчи кимматбаҳо көғоз. Акция ўзининг егасига дивиденд шаклида фойдани бир кисмини олиш (ўзлаштириш) хукукини беради.
бюджетдан ташқари фондлар	Non-budget funds	Внебюджетные фонды	а) ижтимоий: ижтимоий сугурта фонди; пенсия фондидар; мажбурий тиббиёт сугуртаси фонди; б) ноижтимоий: йўл фондидар; экология ва бошқа фондлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси бюджет тизимида консолидацияланади.
бюджет дотацияси	Budget dotation	Бюджетная дотация	муайян даврда бюджет даромадларининг бюджетнига ортиқ бўлган суммаси.
бюджет профицити	Budget surplus	Бюджетный профицит	муайян даврдаги бозор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади.
бюджет ссудаси	Budget loan	Бюджетная ссуда	юқори бюджетдан қўйи бюджетга ёки республика бюджетидан резидент – юридик шахсга ёки хориж давлатига кайтариш шарти билан ажратиладиган маблаг.
бюджет тизими	accounting system	бюджетная система	турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблаглари олувчилик ийғиндинини, уларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, шунингдек бюджет жараённида пайдо бўладиган улар ўртасида ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

бюджет субвенцияси	Budget subvention	Бюджетная субвенция	конун хужжатларида назарда тутилган тартибда маълум мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуий бюджеттага текинга (хак олмай) ажратиладиган пул маблағлари.
бюджет ташкилотлари	Budget organization	Бюджетные Организации	Давлат бюджетида унга зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиришнинг асосий манбайи бўлган бюджетдан маблағ ажратиш назарда тутилган вазирлик, давлат кўмитаси, идора, давлат ташкилоти.
бюджет тақчиллиги (дефицити, камомади)	Budget deficit	Бюджетный дефицит	Муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортик бўлган суммаси. ўз таркибига куйидагиларни олади: 1) конун хужжатларида белгиланган соликлар, йигимлар, божлар, шунингдек, мажбурий тўловлар ҳамда солик бўлмаган бошқа тушумлар; 2) давлатнинг молиявий активлари ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотишга берилишидан олинган даромадлар; 3) конун хужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш хукуки бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, хорижий давлатлардан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент — юридик шахсларга ва хорижий давлатларга берилган бюджет ссудаларини қайташи хисобига берилган тўловлар; 6) конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.
Давлат бюджети даромадлари	Revenues of the state budget	Доходы государственного бюджета	 давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда
Давлат бюджети	State budget	Государственный бюджет	давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли фондлари маблағларининг) марказлаштирилган фонди бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнода аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат ички қарзлари	Domestic debt	Внутренний долг	давлат томонидан ички маблагни жалб килиш натижасида пайдо бўлган хукумат мажбуриятларининг йигиндиси.
Давлатнинг ташқи қарзи	Foreign debt	Внешний долг	давлат томонидан хориждан маблағ жалб килиш натижасида пайдо бўлган хукумат мажбуриятларининг йигиндиси.
Давлат қарзи	State debt	Государственный долг	давлат томонидан ички маблагни ва хориждан маблағ жалб килиш натижасида пайдо бўлган хукумат мажбуриятларининг йигиндиси.
Дотация	Dotation	Дотация	давлат бюджетидан қайтарилмайдиган тартибда бериладиган пул маблағлари, зарар (зиён)ларни қоплаш учун корхона ва ташкилотларга бериладиган давлат нафақалари. Зарар (зиён)лар корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вужудга келган пайтда истинос тариқасида дотация берилиши мумкин.
Имтиёз	Privilege	Привилегия	маълум бир мажбуриятларни бажаришдан қисман (ёки тўлиқ) озод этиш, маълум бир афзаликларга (кулайликларга) ега бўлиш, масалан, солик имтиёзига.
Махаллий бюджет	Local budget	Местный бюджет	Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил етувчи бир қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари миқдори, шунингдек, молия йили давомида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.
Республика бюджети	The Republican Budget	Республиканский бюджет	давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштириша фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромад манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнода аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Соликлар	Taxes	Налоги	конунда белгиланган тартибда ставка бўйича хўжалик битирувчи субъектлардан ва фуқаролар (юридик ва жисмоний шахслар)дан давлат томонидан давлат ёки маҳаллий бюджетга олинадиган мажбурий тўловлар. Солик, йигим, пошлина ва бошқа тўловлар дейилганда конуний актлар асосида белгиланган тартибда ва шартларда тўловчилар томонидан тегиши даражадаги бюджетларга ёки бюджетдан ташқаридағи фондларга мажбурий бадалларнинг тўланиши тушунилади. Белгиланган тартибда олинадиган соликлар, йигимлар, пошиналар ва бошқа тўловларнинг йиғиндиси солик тизимини ташкил этади.	Солик хисоб-китоблари	Tax calculations	Налоговые расчеты	ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколатли банкларнинг хисоб-китоб счётига ёзиладиган, хисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солик бадаллари (тўловлари) ва молиявий санксиялар. Юридик шахслар томонидан конунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия хисботи билан биргалиқда солик органларига тақдим этилиб, ўзида маълум хисбот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган хисобланган тўловлар суммасини акс еттиради. Солик суммаларини хисоблаш тартиби солик конунчилигига кўра ҳар бир солик турни бўйича алоҳида-aloҳида белгиланган.
Солик тизими	Tax system	Налоговая система	мамлакат доирасида (худудида) тўловлардан (юридик ва жисмоний шахслардан) белгиланган тартибда олинадиган соликлар, йигимлар ва бошқа тўловлар ҳамда улар таркибий тузилишининг шакли ва услублари йиғиндиси.	Солик назорати	Financial control	Финансовый контрол	юридик ва жисмоний шахслар томонидан соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлик ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан назорат.
Солик конунчилиги	Tax legislation	Налоговое законодательство	давлатда соликларнинг тури, уларни ундириш механизми ва солик мажбуриятларининг вужудга келиши, ўзгариши ва тўхтатишнин тартибга солиб турувчи юридик меъёрлар йиғиндиси; молиявий хуқуқ институти. Солик хуқуқ давлатнинг ижтимоий-иктисодий тузилиши (курилиши), унинг вазифа ва функциялари билан белгиланади.	Солик тўловчилар	Tax payers	Налогоплательщики	конун хуҷжатларига кўра солик тўлаш мажбурият юкланган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда тўловчиларнинг бошқа тоифалари.
Солик бадаллари (тўловлари)	Tax payment	Выплата налогов	солик конунчилиги бўйича белгиланган тартибда ва муддатда солик тўловчилар томонидан тўланадиган, хисобланган ёки қатълаштирилган суммалардир. Уларни хисоблаш тартиби ҳар бир солик тури бўйича конунга биноан аниқланади.	Соликка тортиш объектлари	Objets of taxation	Объектом налогообложения	молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлари қисмидаги ҳар бир солик
Солик тушумлари	Tax revenues	Налоговые поступления	Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджет даромадлари ва харажатлари классификациясининг даромадлари қисмидаги ҳар бир солик				ва бошқа мажбурий тўловларга мўлжалланган қисм, банд, код ва моддага мувофиқ ваколатли банкларнинг хисоб-китоб счётига ёзиладиган, хисобланган ва ҳақиқатда келиб тушган солик бадаллари (тўловлари) ва молиявий санксиялар. Юридик шахслар томонидан конунда кўзда тутилган муддатларда бухгалтерия хисботи билан биргалиқда солик органларига тақдим этилиб, ўзида маълум хисбот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган хисобланган тўловлар суммасини акс еттиради. Солик суммаларини хисоблаш тартиби солик конунчилигига кўра ҳар бир солик турни бўйича алоҳида-aloҳида белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2019 йил январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28 декабрь 2018 йил. Тошкент, Халқ сўзи газетаси.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлариiga бағищланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
7. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Солик маъмурчилигини тубдан такомиллаштириш, соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йигилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 июл. РП-5116-сон.
- 10.Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 августдаги 677-сон қарори.
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-кувватлаш ийли”да амалга оширишга оид давлат Даствури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармони..
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори.
- 13.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
- 14.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони
- 15.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солик маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 2019 йил 10 июль ПҚ-4389-сон
- 16.Тагаев А., Ф. Ҳашимато ва б. Солик назорати: Ўқув қўлланма. -Т.: Янги аср авлоди, 2010.- 84 б.
- 17.Хомма А, Тангирқулов А, Тошматов Ш, Норқўзиев И ва Розиковлар Н. Солик қарзи ва уни ундириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўқув қўлланма, “Янги аср авлоди”, 2011.
- 18.Тошматов Ш Солик тўловчилар билан ишлаш: Ўқув қўлланма.-Т. Янги аср авлоди, 2010 й. - 112 б.

- 19.Александров И.М.Налоги и налогообложение: Учебник. М. Дашков и К, 2009.-227 с.
- 20.Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко В.В. Налоговый менеджмент. Учебник.- М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2011.- 332с.
- 21.Gadoev E.F., Kuziyeva N.R., Ashurova N.B, O.,rmonov J.J. Soliq siyosati strategiyasi. Darslik. - T.: “El-press”, 2013. - 272 б.
- 22.Гадоев Э. и др. Налог на прибыль.Учебно-практическое пособие. - Т.:Норма, 2011.- 356 с.
- 23.Гадоев Э.Ф. и др. Упрощённая система налогообложения: Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 с.
- 24.Гадоев Э.Ф. и др. Косвенные налоги. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 220 с.
- 25.Ваҳобов А., Жўраев А. Соликлар ва солиққа тортиш: Дарслик.- Т.:Шарқ, 2009.-448 б.
- 26.Миронова О.А., Ханафаев Ф.Ф. Налоговое администрирование. М.:ОМЕГА-Л, 2005.
- 27.Шалагина М.А., Невская М.А. Налоговое администрирование. Учебное пособие.- М.: Омега-Л, 2009.- 250 с
- 28.Рўзиев F.Ў. Солик назорати: Солик академияси .Ўқув қўлланма.- Т.: Фан ва технологиялар, 2007. -156 б.
- 29.Дорохотова В.Б. Налоговые проверки: книга для налого-плательщика и налоговика: Учебное пособие.-М. : МЦФЭР, 2007.- 416 с.
- 30.Попонова Н.А. и др. Организация налогового учета и налогового контроля: Учебное пособие.-М.: Эксмо, 2006.-624 с.
- 31.Поршнев А. Налоговый менеджмент: Учебник. М.: ИНФРА-М, 2003.
- Пантелеев А. И. Особенности закрепления механизма реализации государственных функций, возложенных на Федеральную налоговую службу России, в принятых административных регламентах // Налоги и налогообложение. 2017. № 10. С. 13-20
- 32.С. Е. Нарышкина, Т. Я. Хабриевой. Административная реформа в России. Научно-практическое пособие М.: Юридическая фирма «КОНТРАКТ»: ИНФРА-М, 2016. 352с.
- 33.Пономарев А. П., Игнатова Т. В. Налоговое администрирование в Российской Федерации: Учеб. пособие. М.: Финансы и статистика, 2016. 288с.
- 34.Абрамов А. П., Макаров А. И. Новый код бюджетной классификации — некоторые вопросы и проблемы // Организационно-экономические основы банковского менеджмента: Сб. статей / Отв.
- 35.Кашин В. А. Налоговая система: как ее сделать более эффективной // Финансы. 2016. № 10. С.39-42.
- 36.Абрамов А. П., ГринкевичЛ. С. Проблемы и перспективы совершенствования налогового администрирования в Российской Федерации // Финансы и кредит. 2016. № 12 (216). С. 35-39.
- 37.Гордеев А. В. Методика комплексной оценки деятельности региональных налоговых органов // Налоговая политика и практика. 2016. № 10. С. 24-26.
- 38.Бирюков А. П., Свиридова Н. В., Суворов А. В. О системе показателей для оценки эффективности налогового контроля // Налоговая политика и практика. 2016. №1.С. 34-37;Бирюков А. И. , Гуськов И. А. Об оценке качества обслуживания налогоплательщиков // Налоговая политика и практика. 2017. № 3. С.45-47.
- 39.Ефремова Т.А. Функции и методы налогового администрирования: экономическое содержание, особенности применения // Налоги и налогообложение. – 2014. – №6 (120). – С. 588-594
- 40.Малис Н.И. Совершенствование элементов налогового механизма //Финансы. – 2012. – № 12. – С.31

- 41.Алексеев С.С. Общая теория права. В двух томах. Т. II – М.: Юрид. лит. 2012. – С.140.
- 42.Халфина Р.О. Общее учение о правоотношении. М., 2014. - С.116.
- 43.Винницкий Д.В. Субъекты налогового права. - М.: Издательство НОРМА, 2016. – С.74, Комаров С.А. Общая теория государства и права. М., 2015. - С.294-295, Мицкевич А.В. Субъекты советского права. М., 1982.- С.12.
- 44.Алексеев С.С. Общая теория права. В двух томах. Т. II – М.: Юрид. лит. 2012. – С.141.
- 45.Иоffe О.С., Шаргородский М.Д. Вопросы теории права. М.: Юрид. лит. 1961. – С. 260-261.
- 46.Винницкий Д.В. Субъекты налогового права. - М.: Издательство НОРМА, 2016. – С. 18
- 47.Мищустин М.В. Повышение качества и эффективности налогового администрирования [Электронный ресурс] // Российский налоговый курьер. 2017. № 13-14, с.8
- 48.Белобжецкий И.А. Налоговый контроль и хозяйственный механизм / И.А..
- 49.Спирина Л. В. Налоговые проверки: учеб. -практ. пособие. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2017. С. 6–7. Тимошенко В. А., Спирина Л. В. Проверки налоговых органов: учеб. -практ. пособие. М., «Дашков», 2016. С. 15 .
- 50.Дудник М. А. Налоговые проверки как одна из основных форм налогового контроля // Российское право на современном этапе: материалы X науч.-практ. кон. студентов и молодых ученых: К 10-летию юридического факультета РГЭУ «РИНХ» (28 апреля 2016 г.). М., 2016. -С.17 10
- 51.Крохина Ю. А. Финансовое право России: учебник / Ю. А. Крохина. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Норма,2017. — 120 с.
- 52.Родионова В.М., Шлейников В.И. Финансовый контроль. Учебник МИЛ ФБК-Пресс 2016. 225с
- 53.Ногина О.А. Налоговый контроль: вопросы теории. СПб, Питер, 2016. – С.105
- 54.Пансков В.Г. Налоги и налоговая система Российской Федерации – М.: Финансы и статистика, 2006, с.198.
- 55.Мелкова Р.А. Камеральная налоговая проверка // Налоговед, №11, 2006, с. 29.
- 56.Горинова И.В. О проведении налоговых проверок // Налоговый вестник, 2008. № 8, с. 36.
- 57.Аникиец С.Г. Налоговая культура российских граждан [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://law.edu.ru/doc/document.asp?docID=1225484> (дата обращения: 15.09.2016).
- 58.Кузнецов А.Л. Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы (региональный аспект) [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://vasilieva.narod.ru/zhumal/2.97-8.htm> (дата обращения: 15.09.2018).
- 59.Цветков И.В. Партнерство в налоговой сфере: миф или реальность // Налоги и налогообложение. - 2016. -№4. - С. 33-40.
- 60.Привезенцев, В.А Контроль и ревизия/ В.А. Привезенцев. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2015. - 96с.
- 61.Терентьева, Т.А. Аудит налогообложения / Т.А. Терентьева. - М.: Экономиста, 2018. - 190с.
- 62.Аброкова Л. С. Субъекты налогового администрирования. // В сборнике: Совершенствование налогообложения как фактор экономического роста. Материалы VIII Международной научно-практической конференции. ФГБОУ ВПО «Дагестанский государственный университет». - 2016. - С. 21-25.

- 63.Дышекова А. А. Оптимизация взаимоотношений субъектов налогового администрирования //// В сборнике: Совершенствование налогообложения как фактор экономического роста. Материалы VIII Международной научно-практической конференции. ФГБОУ ВПО «Дагестанский государственный университет». - 2016. - С. 153-156.
- 64.Короткина В.Л. Налоговая служба: пути повышения эффективности управления. Саратов, 2017. 251с(97с)
- 65.Спирина Л.В. Налоговые проверки: Учебно-практическое пособие.- М.:Экзамен, 2006.-412 с.
- 66.Касьянова Г.Ю. Камеральная налоговая проверка: содержание, порядок проведения, последствия: Учебное пособие.-М.:Аргумент, 2006.-56 с.
- 67.Лермонтов Ю.М. Налоговые проверки по новому: Учебное пособие.- М.: Индекс-Медиа, 2007.- 256 с.
- 68.Ҳайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. Ўқув кўлланма. Академия. - Т.: 2007. - 214 б.
69. Куницин Д.В., Налоговое администрирование Учебное пособие. Новосибирск, .Изд-во СибАГС, 2017.11с.
- 70.Аронов А, В.Кашин Налоговая политика и налоговое администрирование: Учебное пособие.-М..Экономист, 2006. -591 с.
- 71.Jane Fracknall-Hughes. The Theory, Principles and Management of Taxation: An introduction, Routledge Taylor and Francis Group. 2015
- 72.Deborah Schanz, Sebastian Schanz. Business Taxation and Financial Decisions (Germany), Springer. 2011
- 73.IMF Working Paper. Tax Revenue Forecasts in IMF-Supported Programs. Mikhail Golosov and John King. International Monetary Fund. WP/02/236
- 74.Donald J., Boyd and Lucy Dadayan. Institute State tax revenue forecasting accuracy. Technical Report. Rockefeller institute of government State University of New York. September 2014.www.rockinst.org.

- 75.Taxation in Turkey. Элк Адәм Cad. The presidency of revenue administration department of taxpayer services. Publication no : 42. Dikmen - Ankara – Turkey. Revised in March-2017 (47p.)(13p).
- 76.Executive programme tax laws and practice. Study material. Module paper

Сайты Интернета

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари мълумотлари миллий базаси.
3. www.soliq.uz Ўзбекистон Республикаси Солик Кўмитаси сайти.
4. www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.
5. www.norma.uz Электрон хукуқий сайти.
6. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Статистика Кўмитаси сайти.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
	I ҚИСМ. СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИННИГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	5
1-БОБ.	Солик маъмурчилиги фанининг моҳияти, мақсади ва вазифалари. Солик маъмурчилиги тизимининг ташкилий ва хуқуқий асослари.....	6
1.1.	“Солик маъмурчилиги” фанининг предмети ва функциялари, ўқитишнинг зарурлиги, унинг бошқа фанлар билан ўзаро багликлиги	6
1.2.	“Солик маъмурчилиги” фанининг мақсади ва кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти	13
1.3.	Солик маъмурчилиги тўғрисида тушунча ва унинг моҳияти	14
1.4.	Солик маъмурчилигини аниқлашда солик тизими тузилиши ва солик сиёсатини ташкил этишининг принциплари	18
1.5.	Солик тизимида солик маъмурчилигини такомиллаштириш тамойилларининг устуворлиги.	22
1.6.	Солик муносабатларини бошқариш тизимида солик маъмурчилигининг хуқуқий асослари.	26
2-БОБ.	Таянч иборалар Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Солик маъмурчилигини амалга оширишда Давлат солик хизмати органларининг ўрни ва солик конунчилиги тарбиботи.....	31 31 32
2.1.	Солик маъмоурчилигини амалга оширишда Давлат солик хизмати органларининг ўрни	32
2.2.	Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатининг асосий йўналишлари	39
3-БОБ.	Таянч иборалар Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Солик муносабатларини тартиба солища солик маъмурчилиги тизимининг аҳамияти..... Иктисодиётимизнинг янада ривожланиши ва диверсификациялашувида солик сиёсатини юритишида солик маъмуриятчилигининг ўрни ва аҳамияти. Солик сиёсатида солик маъмурчилигини туттган ўрни ва унинг асосий йўналишлари.	51 51 52 52 57
	Таянч иборалар Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	62 63

	II ҚИСМ. СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ	64
4-БОБ.	Солик тўловчилар ва солик объектларини ҳисобга олиш тизими.....	64
4.1.	Солик идораларида юридик ва жисмоний шахсларни ҳисобга олиш тартиби.	64
4.2.	Идентификация рақами (СТИР) тушунчаси ва уни жорий қилишининг зарурияти.	69
4.3.	Солик тўловчилар ҳисобини юритишида дастурий маҳсулларнинг аҳамияти.	75
4.4.	ДСХ идораларида ягона интеграциялашган ахборот ресурс базасини шакллантиришида ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини ошириш. Таянч иборалар	78 83
5-БОБ.	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Солик идораларида соликлар ва мажбурий тўловлар ҳисобининг юритилиши.....	83 84
5.1.	Шахсий карточка тушунчаси ва уни юритиш бўйича ишларни ташкил қилиш.	84
5.2.	Юридик шахслардан ундириладиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритиши.	93
5.3.	Жисмоний шахслардан ундириладиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобини юритиши.	105
5.4.	Ундирувни солик тўловчининг мол-мулкига қаратилиши ҳисобидан тушган суммаларни ШКларда акс эттириш тартиби.	119
5.5.	Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олиш ёки солик тўловчининг ҳисоб рақамига қайтарилган маблағлар ҳисобини юритиши тартиби.	120
5.6.	Шахсий карточкаларда пеня ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.	121
5.7.	Фаолиятини тўхтатган солик тўловчиларнинг шахсий карточкаларини ҳисобини юритиш тартиби.	124
5.8.	Солик тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритилишини назорат қилиш ва жавобгарлик.	128
	Таянч иборалар	130
6-БОБ.	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Соликларни ундириш механизми ва уни такомиллаштириш.....	132 131
6.1.	Соликларни ундирувига жавобгар солик органлари таркибий бўлинмалари	131
6.2.	Соликларни ундириш механизмини такомиллаштириш масалалари	141
	Таянч иборалар	144

	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	144
7-БОБ.	Солик органлари назорат фаолиятини ташкил қилишнинг шакллари ва замонавий усуллари	145
7.1.	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат килиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари	145
7.2.	Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат килиш шакллари ва текширув турлари	150
7.3.	Назорат қилишнинг асосий принциплари ва текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар Таянч иборалар	155 159
	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	159
ІІІ ҚИСМ. СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИННИГ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИ		160
8-БОБ.	Камерал солик назорати, уни ташкил қилиш ва ўтказиш механизми.....	160
8.1.	Камерал назоратини ўтказиш тартиби.	160
8.2.	Солик тўловчиларнинг фаолиятини камерал назоратдан ўтказишида ички ва ташқи манба маълумотлар базасини шакллантириш	167
	Таянч иборалар	168
	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	168
	Солик текшируви турлари ва уларни ташкил килиш	169
9.1.	Солик текшируви турлари	169
9.2.	Солик текширувни ташкил этиш	172
9.3.	Текширишларнинг режа-жадвалларини ишлаб чиқиш тартиби	177
9.4.	Назорат килувчи органларнинг Кенгаш (худудий комиссиялари) билан кўшимча келишувсиз амалга ошириладиган назорат функциялари рўйхати	182
	Таянч иборалар	195
	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	195
10-БОБ.	Солик текширувларини ўтказиш тартиби.....	196
10.1.	Текширишларни ўтказиш учун асос. Текширув муддатлари ва даврийлиги	196
10.2.	Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва назорат килувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳукуклари ва мажбуриятлари	204
	Таянч иборалар	207
	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	207
11-БОБ	Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари ижросини таъминлашда Давлат солик органлари амалга ошириладиган назорат тадбирлари.....	208

	11.1.	Давлат солик хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тадбирлари.	208
	11.2.	Давлат солик хизмати органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари ижросини таъминлашда бошқа органлар билан ҳамкорлиги.	204
		Таянч иборалар	209
		Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	209
IV ҚИСМ. СОЛИҚ МАЪМУРЛАРИ ТЕКШИРИУВ ИШЛАРИНИНГ НАТИЖАВИЙЛИГИ			
12-БОБ		Солик текшируви натижаларини расмийлаштирилиши ва уни кўриб чиқиш тартиби	211
12.1.		Хужжатли текшириш далолатнамасини расмийлаштиришда қўйиладиган талаблар	211
12.2.		Хужжатли текшириш далолатномасини расмийлаштириш тартиби	213
12.3.		Хужжатли текшириш далолатномасининг тавсиф қисмини тузишида қўйиладиган талаблар	215
12.4.		Хужжатли текшириш далолатномасини имзолаш ва тақдим килиш Таянч иборалар	220 221
13-БОБ		Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Соликка оид ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик чоралари.....	221 222
13.1.		Соликка оид ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар	222
13.2.		Соликка оид ҳукуқбузарликларнинг турлари ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик	226
13.3.		Давлат солик хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш Таянч иборалар	230 232
		Мустақил ишлаш учун назорат саволлари	232
14-БОБ		Солик маъмурчилигини такомиллаштиришда Давлат солик идоралари фаолияти самародорлигини баҳолаш тизими Ўзбекистон Республикаси солик маъмурчилиги тизимига оид маълумотлар таҳлили	233
14.1.		Ўзбекистон Республикаси солик маъмурчилиги ва уни тақомиллаштириш йўллари	233
14.2.		Таянч иборалар	237 249
15-БОБ		Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Давлат солик хизмати органларида жорий этилган дастурий маҳсуллар ҳамда солик тўловчиларга кўрсатиладиган давлат хизматлар.....	249 250

15.1.	“Маъмурӣ амалиётни хисобга олиш” дастурӣ маҳсули	250
15.2.	“Текширишларни мувоғиқлаштириш” дастурӣ маҳсули	257
15.3.	“Таҳлика таҳлил” (“Риск анализ”) дастурӣ маҳсули	267
15.4.	“Ташқи манба” дастурӣ маҷмуаси	270
15.5.	“Ташқи манба маълумотлари” дастурӣ маҳсули	271
15.6.	“Қайта ишлаш ва таҳлил” дастурӣ маҳсули	274
15.7.	«Нақд пул тушумлари хисобини юритиш» дастурӣ маҳсули	277
15.8.	“Тўловлар мониторинг” дастурӣ маҳсули Таянч иборалар	279 283
16-БОБ	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Солиқ маъмурчилиги амалга оширишда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	283 284
16.1.	Япония давлатининг тизими ва солиқ сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари	284
16.2.	Япония солиқ маъмурчилиги таркибий тузилиши ва солиқ тўловчилар билан ишлаш тажрибаси	291
16.3.	Россия Федерацияси солиқ тизими ва унинг концептуал асослари	306
16.4.	Хитой солиқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари Таянч иборалар	307 309
	Мустақил ишлаш учун назорат саволлари Глоссарий Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	309 310 315

Базаров Қ.Т.

СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИ

Ўқув қўлланма

“IQTISODIYOT” – 2020.

Муҳаррир:
Мирҳидоятова Д.М.

Мусаҳҳих:
Матхўжсаев А.О.

Лицензия №10-4286 14.02.2019й. Босишга рухсат этилди 23.03.2020.
Қоғоз бичими 60x84 1/16.Times гарнитураси. Шартли босма табоби 20,5.
Адади 20 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

“ZARAFSHON FOTO” ХКнинг матбаа бўлимида чоп этилди.
100066. Тошкент шахри Ислом Каримов кўчаси, 49-үй.